IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: GD58012058

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2023-yil.“24”-yanvar **7-son**

“Me’moriy-qurilish atamalari” ma’lumotnomasini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 6-oktabrdagi 577-son “Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. “Me’moriy-qurilish atamalari” ma’lumotnomasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi raisining 1998-yil 19-yanvardagi 6-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan QMQ 1.01.04-98 “Me’moriy qurilish atamalari” qurilish me’yorlari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish vazirligi, Ekologiya va atrof-muhitni muhofoza qilish davlat qo‘mitasi, Davlat soliq qo‘mitasi huzuridagi kadastr agentligi hamda Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi bilan kelishilgan.

Vazir **B. Zakirov**

EZR3847

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2023-йил 24-январдаги
7-сон буйруғига
ИЛОВА

“Меъморий қурилиш атамалари” бўйича маълумотнома

Кириш

Мазкур маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги “Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 577-сонли қарорига мувофиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини замонавий халқаро стандартлар билан уйғунлаштирган ҳолда тизимлаштириш, қурилиш соҳасида инновацион лойиҳавий ечимлар ва замонавий илмий-техник ишланмаларни қўллаш имкониятини кенгайтириш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда архитектура-қурилиш, шаҳарсозликка оид атамалар халқаро-хорижий атамалар билан уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳукумат томонидан сўнгги қабул қилинган тегишли қарор ва фармонлар билан мувофиқлаштирилди ҳамда замонавий инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларга, шунингдек, хорижий норматив-техник ҳужжатларга асосланган ҳолда такомиллаштирилди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур маълумотномада келтирилган атамалар ва уларнинг таърифлари меъморчилик ҳамда қурилиш соҳасида меъёрий ҳужжатлар, давлат мезонлари ва техник ҳужжатларни тайёрлашда қўлланилади. Келтирилган таърифларнинг тушунчасига путур етказмасдан, зарурат бўлганда баён этиш шакли ўзгартирилиши мумкин.

2. Мазкур маълумотномага меъморчилик ва қурилиш соҳасида учрайдиган, аниқ таърифи бўлмаган ва турлича талқин этиладиган асосий атамалар киритилган.

3. Атамалар алифбо тартибида жойлашган. Ушбу атамаларнинг бир нечта маъноси мавжуд бўлса-да, улар одатда ягона таърифда бирлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг мазмуни алоҳида берилган.

4. Мазкур маълумотномада қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

2-боб. Атамалар ва таърифлар

абака – устун капителнинг юқори қисмини ташкил этувчи ва тўсинли ораёпма – антаблементдан тушадиган юкни тўғридан-тўғри қабул қилувчи плита;

абсорбентлар ва адсорбентлар (ҳавони конденсациялаш тизимлари) – таъминланаётган ҳавога термодинамик ишлов бериш ва сўрилувчи ҳавонинг зарарли газсимон аралашмаларидан тозалаш учун қурилмаларда ишлатиладиган сув ва қаттиқ моддалар;

абсолют қаттиқ пойдевор – конструкциялар деформацияланиши оқибатида замин (асос)нинг кўчишига солиштирганда кичик бўлган пойдевор. Абсолют қаттиқ

пойдеворларга устунлар тагида алоҳида турувчи, ораларидаги масофа катта бўлмаган устунлар билан юкланган катта кўндаланг кесимга ва нисбатан кичик узунликка эга бўлган тасмали пойдеворлар, ускуналар остидаги массивли пойдеворлар киради;

абляцияли материаллар – конструкцияларни радиоактив нурланишдан ва иссиқ газ оқими тўғридан-тўғри таъсир қилишидан ҳимоя қилувчи, қаттиқ жисм юзасидан моддаларнинг кириб боришини олдини олувчи материаллар;

абразивли материаллар (чархлаш, силлиқлаш асбоблари учун ишлатиладиган майда донадор қаттиқ материал) – металл, ёғоч, шиша, пластмасса ва бошқа материалларни механик қайта ишлаш (шлифовкалаш, силлиқлаш, ўткирлаш ва бошқалар) учун бўлак шаклида ёки майдаланган ҳолда ишлатиладиган қаттиқ жинсли (табиий ва сунъий) материаллар. Табиий абразив материаллар – олмос, корунд, наждак, гранат, кварц, пемза; сунъий электрокорунд, карборунд, синтетик олмос, бўр карбиди ва бошқалар. Абразив кесиш ускуналарини ишлаб чиқариш учун ўтга юқори чидамли маҳсулотлар қўлланилади;

аванзал – катта, асосий зал олдидаги зал;

авиаль – пластик, юқори коррозиябардош ва юқори мустаҳкамликка эга, атомводород ва нуқтали пайвандлаш қобилияти бўлган алюминийнинг кремний ва магнийли қотишмаси (металл конструкцияларни ишлаб чиқаришда қўлланилади);

автоклав – автоклавли материаллар ва маҳсулотларга силикатли бетонлар, силикат ғиштлар ва девор учун тошлар, девор ва ораёпмалар учун панель ҳамда блоклар киради. Оҳак ва кварц қуми аралашмасидан, юқори ҳарорат ва босимда автоклавли қотириб олинган материал ва маҳсулотлар;

автоклав бетонлар – атмосферадан юқори босимда буғ билан тўйинтирилган муҳитда қотадиган бетонлар;

автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси – ёнғин сигнализацияси тизими ёки ўзида ўрнатилган, инсон аралашувисиз ёнғинни аниқловчи техник воситалар орқали қабул қилган бошқарув сигналидан сўнг ўт ўчириш моддасининг узатилишини (чиқарилишини) ҳамда ёнғин тўғрисидаги сигналнинг ташқи занжирларга етказилишини таъминловчи ёнғин ўчириш қурилмаси;

автоматик ёнғиндан хабар бергич – ёнғин билан боғлиқ бир ёки бир нечта омилларга жавоб берадиган ёнғиндан хабар бергич;

автоматик ёнғин сигнализацияси тизими – ёнғинни аниқлаш, белгиланган шаклда ёнғин, тизимнинг иш режимлари ва бошқа маълумотлар ҳақида сигналларни шакллантириш, йиғиш, қайта ишлаш, рўйхатга олиб узатиш ҳамда ёнғинга қарши ҳимоя техник воситаларни, технологик-электротехник ва бошқа жиҳозларни бошқариш мақсадида сигналларни етказиб бериш (керак бўлганда) учун мўлжалланган ўзаро алоқа қилувчи техник воситалар мажмуи;

автомобиль йўли – транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек, ушбу мажмуани жойлаштириш учун ажратилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ;

автомобиль йўлининг ўқ чизиғи – қатнов қисми ёки ажратувчи тасма ўртасидан ўтувчи шартли чизиқ;

автомобиль йўлидаги шароит – хавфсизлик, транспорт воситалари ҳаракатининг узлуксизлиги ҳамда ҳаракат қатнашчиларини ҳимоя қилиш қурилмалари (тўсиқлар, йўл белгилари ва кўрсаткичлари), ўтиш жойларининг белгилари, йўл олди чизиқларини жойлаштириш ва бошқаларнинг йиғиндиси;

автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар – йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган ҳудуд ҳамда йўл бўйи ҳудуди доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш – автомобиль йўлларининг ишончли ва қулайлигини таъминлашга қаратилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида тиклашга оид таъмирлаш-қурилиш ишлари мажмуи (Бунда йўл тўшамаси ва қопламаси, ер кўтармаси ва йўл иншоотларининг иш имкониятини тиклаш ҳамда кенгайтириш вазифалари бажарилади. Эскирган конструкциялар мустаҳкам, чидамли ва тежамкор конструкция деталларга алмаштирилади. Зарур ҳолларда таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган тоифага тўғри келадиган нормалар доирасидаги ҳаракат жадаллиги ва автомобиллар ўқига тушадиган оғирликлар ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, йўлнинг асосий узунлигидаги ер кўтармасини кенгайтирмай, автомобиль йўлининг геометрик параметрлари (режаси, бўйлама кесими ва шу кабилар) оширилади);

автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш – автомобиль йўлларининг айрим участкалари ва элементлари ишончли ҳамда қулайлигини таъминлашга йўналтирилган, фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадига қаратилган тиклаш бўйича комплекс таъмирлаш ишлари (Бунда эскирган қопламани қисман қоплаш, унинг текислигини ва илашиш (қовушиш) сифатларини тиклаш орқали яхшилаш, йўл қопламаси, ер кўтармаси, йўл иншоотлари, автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ободонлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш элементларининг барча бузилишлари, шикастланишларини бартараф этиш амалга оширилади. Шунингдек, автомобиль йўли узунлигида автомобиль йўллари ва йўл иншоотларидаги майда шикастланишларнинг олдини олиш ҳамда созлаш орқали фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаш бўйича комплекс таъмирлаш ишлари олиб борилади);

автомобиль йўлларини сақлаш – автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек, автомобиль йўлининг узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш, шунингдек, автомобиль йўлларини қишда сақлаш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комплекс ишлар;

автомобиль йўлларини қишда сақлаш – автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек, автомобиль йўлининг бутун узунлигида қиш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг иш режимлари бўйича комплекс ишлар, қиш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кўчкиларидан ҳимоя қилиш, қордан тозалаш, қишки сирпанчиқ пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музликларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар;

автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш – ажратилган минтақада қор ва қум уюмларидан, шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қилиш, автомобиль йўлларини эстетик

безаш учун йўл тасмасида дарахтзорлар барпо қилиб, ўт экиш, гуллар ҳамда кўкаламзорлаштириш элементларини парваришлаш ишлари;

автомобиль йўлларини техник кўздан кечириш – мавсумий (баҳор ва куз даврлари) ўтказиладиган тадбир (унинг натижалари бўйича ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, автомобиль йўлларида транспортдан фойдаланиш сифатини ошириш ва унинг геометрик элементлари ҳамда йўл иншоотларини яхшилаш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг тўлиқ рўйхати ишлаб чиқилади);

автомобиль йўллари ташхиси – автомобиль йўллари ҳолати бўйича ахборот тўплаш тизимида асосий элемент ҳисобланган ҳамда кўриб чиқилаётган даврда автомобиль йўлларининг техник ҳолатини аниқлашни, муайян давр ўтгандан кейин йўлнинг қандай техник ҳолатда бўлишини прогнозлаштиришни, автомобиль йўлларидаги у ёки бу нуқсонлар келиб чиқишининг бирламчи сабабларини аниқлаш жараёнларини ўз ичига олувчи жараён;

автоном ёнғин ўчириш қурилмаси – қувват манбалари ва бошқарув тизимларидан қатъи назар, автоматик равишда ёнғинни аниқлаш ва ўчириш функцияларини бажарадиган ёнғин ўчириш қурилмаси;

агломерат – турли тоғ жинсларига (кварцит, гранит ва мармар) боғловчи модда (полиэфир смола ёки цемент) қўшиб ишлаб чиқариладиган сунъий тош (турли ранг бериш учун минерал пигмент ҳамда металл стружка, рангли шиша, авантюрин ёки чиғаноқтош ишлатилади. Агломерат тош хоналарнинг ички ва ташқи пардоз, фасадлар, бассейнлар, поллар қопламаси, зинапоялар, девор панеллари, дераза токчалари, бар устунлари, ошхона столи устки қисмлари ва бошқаларни ишлаб чиқаришда қўлланилади);

агломерация – катталиги ва халқ хўжалиги ихтисоси турлича, зич жойлашган ва вазифавий ўзаро боғлиқ бўлган аҳоли яшаш манзилларининг ҳудудий-иқтисодий интеграцияси;

аглопорит – чақиқ тош ёки шағал кўринишидаги енгил бетонлар учун сунъий ғовакли тўлдиргич – гилли жинслардан ёки таркибида гил бўлган тоғ-кон саноатининг чиқиндиларидан агломерация (пиширish) усули билан тайёрланадиган, шихтани янчишда ҳосил бўладиган маҳсулот;

аглопоритбетон – ғовакли тўлдиргич сифатида аглопорит ишлатиладиган енгил бетон;

адгезия – ўзаро молекуляр таъсир сабабли ўз сатҳи билан бир-бирига тегиб турувчи каттиқ ёки суюқ жисмларнинг ёпишиб кетиши;

ажраткич тасма – автомобиль йўллари қарама-қарши ҳаракат йўналишларини (марказий ажратиш тасмаси), йўлкалар жуда кўп бўлганда, шунингдек, бир йўналишдаги ёнма-ён ҳаракат йўлкаларни ҳам ажратиб турувчи йўлка;

ажратиш – қувурўтказгич йўналишини равон ўзгартириш қисми;

ажратилган ҳудуд – автомобиль йўли, унинг тегишли таркибий элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек, автомобиль йўлидан фойдаланиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, иҳота ва манзарали дарахтлар ўтқазиш учун доимий фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси;

ажратиш манзили – бекат, разъезд, қувиб ўтиш манзили ва йўл соқчихонаси, авто бўлаклашда эса темирйўл чизиғини йўналишларга бўлувчи ўтиш рангчироғи;

ажратувчи девор – ёнма-ён гидротехник иншоот орасидаги сув оқимининг мустақил гидравлик режимини таъминловчи тик девор;

ажратувчи ёриқ (отлупная трещина) – ўсаётган дарахт ядросида юзага келадиган ва дарахтнинг кўндаланг кесимидаги қатламлар орасидан ўтувчи ёриқ;

азерит – енгил бетонлар учун сунъий тўлдиргич (диаметри 5-40 mm бўлган шар шаклидаги шишасимон ғовакли парчалар. Азерит иссиқлик изоляция тўшамаси сифатида ҳам қўлланилади);

айлана ёғоч-тахта материаллар – юқори кесимларда ва узунлиги ўзгарувчан ҳар хил қалинлик (диаметр)даги дарахт ўзаги кесимлари;

айлана шаклидаги арка – ўқи айлана ўқи бўйлаб ўтадиган арка тури;

айланма сув таъминоти – сув ҳавзаларига жуда чекланган миқдорда ташлаган ҳолда ишлатилган сувлардан ишлаб чиқаришда кўп марта такроран фойдаланиш;

акведук – сув қувурларини ўтказиш, суғориш ва гидротехник каналларни чуқур жарлик орқали, дара, дарё водийлари, йўллардан ўтказиш учун кўприк туридаги муҳандислик иншооти;

акмигран – таркибида гранулали минерал ёки шиша пахта ва боғловчи – крахмал, карбосиметилцеллюлоза, бентонит бўлган материал;

акмигран, акминит – шифтлар ва деворларнинг устки қисмини пардозлаш учун мўлжалланган акустик плиталар;

акминит – таркибида гранулаланган минерал ёки шиша пахта ва боғловчи – крахмал, литопон ва поливинилацетат эмульсия бўлган материал;

акротерий – фронтон маркази ёки бурчакларидаги ганж ўймакорлиги, декоратив шакл кўринишидаги безак;

акселератор – пуркагич ишга туширилганда, спринклер ҳаволи сигнал клапанни ишга тушиш вақтини камайтиришни таъминловчи қурилма;

акустик қоришмалар – қаттиқ асосга берилганда талаб этилган товуш ютувчанликни таъминловчи қоришмалар;

акустик материаллар – шовқинни камайтириш ва хонада оптимал эшитиш шароитларини яратиш учун мўлжалланган материаллар (улар товуш ютувчи ва товушни изоляцияловчи турларга бўлинади. Акустик материаллар мато, плита, блок, пахта ёки сочилувчан моддалар (керамзит, кенгайтирилган перлит) кўринишида тайёрланади);

алебастр – табиий гипсни 120-170 °С ҳароратда пиширишдан ҳосил бўладиган маҳсулот. Қурилишда алебастр майда кукун кўринишида қўлланилади;

алит – кимёвий фаол минерал (у сув билан ўзаро таъсири катта миқдордаги иссиқлик ажралиши билан кечади. Алит тез қотиш ва юқори мустаҳкамликка эришиш хусусиятига эга. Бу эса мазкур клинкердан юқори маркали портландцемент олиш имконини беради);

алкидли смола – кўп асосли кислоталарга эга бўлган кўп атомли спиртларнинг ўзаро таъсирланиш маҳсули (Глифталли (фталейли ангидрид ва глицерин асосидаги) ва пентафталли (фталейли ангидрид ва пентаэритрит асосидаги) смолалар кенг тарқалган. Алкидли смолалар алоҳида ҳолда ёки бошқа полимерлар билан аралашган ҳолда лак-бўёқ материалларини ишлаб чиқаришда қўлланади);

алюминат – алюминий кислоталар тузи (кальций алюминат – тез қотувчи глинозем (алюминий оксиди) цементининг асосий таркибий қисмидир);

алюминий оксиди (глинозем) – оқ кристалли модда (унинг кимёвий белгиланиши – Al_2O_3, бу модда сувда эримайди, $t_{пл}$ 2050 °С. Табиатда рангсиз, қизил ёқут, кўк ёқут кўринишидаги корундлар – минераллар сифатида учрайди. Алюминий оксиди – алюминий олиш учун хомашё бўлиб хизмат қилади; алюминийга эга бўлган рудалардан, кўпроқ бокситлардан олинади. Ундан чархлаш, яъни силлиқлаш (абразив) материали, адсорбент ва катализатор сифатида фойдаланилса, ишлаб чиқаришда эса оловбардош материаллар тарзида қўлланилади. Синтетик монокристаллар – лазерларнинг ишчи танаси, аниқ механизмларнинг деталлари, заргарлик тошларидан иборат. Ғовакли алюмогель адсорбент ва катализатор сифатида хизмат қилади);

алюмосиликатли оловбардошлар – кремнезем – глинозем тизимидаги оловбардош буюмлар гуруҳи;

алюмосиликатли ковак микросфералар – кўмирни юқори ҳароратда ёқиш пайтида ҳосил бўлган шишакристалли алюмосиликат шарлари (Улар иссиқлик электр станцияларида кул чиқиндиларининг энг қимматли компонентлари ҳисобланади. Диаметри 10 дан бир неча юз микронгача, ўртача тахминан 100 микрон бўлган силлиқ юзага эга бўлган ичи бўш, деярли идеал шаклдаги силикат шарчалар. Деворлари қалинлиги 2 дан 10 микронгача бўлган ғоваксиз текис бўлади);

андезит – андезит юқори иссиқлик, кислота ва оловга бардошли, механик мустаҳкамликка ҳамда қовушқоқликка эга маҳсулот (у кислота ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган иншоотларни, турли реакцион ва адсорбцион миноралари, тиндиргичларни, совутгичларни ва ҳоказоларни футеровка қилиш учун ишлатилади. Андезит тошлар донадор кўринишда ҳамда кислотага чидамли цемент ва бетонларни тайёрлаш учун майдаланган тош ёки кукун кўринишида ишлатилади);

анкер – қурилиш конструкциялари ва жиҳозларини қотириш учун ишлатиладиган маҳкамловчи элемент;

анкер – грунт анкери – фақат конструкциянинг грунтга кўмилган қисми (“илдизи”) атрофида юзага келадиган суғурувчи кучларни грунтга узатувчи конструктив элемент (анкер). (Грунт анкери уч қисмга бўлинади – каллак, анкер тортқиси ва маҳкамлаб кўмилган қисм (“илдиз”);

анкер – доимий грунт анкери – конструкциянинг таркибий қисми бўлиб, у иншоотнинг лойиҳада назарда тутилган узоқ муддатли турғунлигини таъминловчи анкердир;

анкер – понали анкер (анкер-шпилька) – белбоғ кўринишидаги қўзғалувчан цилиндрик муфтали пўлат стержень (мазкур стержень конуссимон охирги қисм (дум)га ва гайкага эга. Гайкани тортганда стерженнинг конуссимон охирги қисми (думи)да муфта силжийди ва муфтанинг ён томонга сиқилиши туфайли конструкция юк кўтарувчи асосда ишончли ушлаб турилади);

анкер болтларини тортиш – ускуналар ўрнатиш учун техник шароитларда белгиланган қийматига кўра қўлда ёки механизациялашган восита ёрдамида анкер болтини олдиндан тортиб олишни амалга ошириладиган жараён. (Болтни сўнгги маҳкамлаш пайтида белгиланган бурилиш момент қиймати бўлмаса, у нормадаги максимал рухсат этилган вақтдан ошмаслиги керак. Сиқиш кучи буриш моменти миқдори билан болтни кўчириш ёки узайтириш, гайканинг айланиш бурчаги билан ёки ушбу мақсадлар учун

махсус мўлжалланган гидравлик калитларнинг гидравлик тизимидаги босим миқдори орқали бошқарилади);

Монтаж учун анкерли тешик – монтаж даврида конструкцияларни лойиҳадаги ҳолатида ўрнатилишини таъминлаши учун ва кейинчалик тешикларни таянч плитасига тўртбурчак шайбаларни пайвандлаб ёпиш кўзда тутиладиган, диаметри анкер диаметридан 2,0-2,5 баравар каттароқ бўлган металл устун, ферма ва балкаларнинг таяч плиталардаги тешиклар.

анкерли болт – маҳкамлаш детали бўлиб, у юк кўтарувчи асосга ўрнатилади ва бирон бир конструкцияни ушлаб туриш учун хизмат қилади;

анкерли плита – 1. Анкерли болт асосидаги (тагидаги) металл плита бўлиб, у анкерли (пойдевор) болтнинг бетон ичида ишончли жойлашиши ва чўзувчи (суғурувчи) ички зўриқиш кучлари юзага келганда анкер узунлигини камайтириш учун хизмат қилади;

2. ЭУЛ (электр узатиш линиялари) ҳамда бошқа мачталарнинг металл ва темир-бетон таянчларининг тортқиларини грунтга маҳкамлаш учун мўлжалланган темир-бетон плиталар;

анкерли пойдевор – суғурувчи кучларга қарши ишлайдиган пойдевор, бикир, қоидага кўра қуйма темир-бетон, қозиқлар, диаметри – 150-300 mm ва 4-6 m гача узунликдаги анкерларга эга бўлган пойдеворлар, улар суғурувчи юкларни қабул қилади ва плитали пойдевор билан бир бутун конструкцияни ташкил этади. Анкерли пойдеворлар горизонтал ва суғуриб олувчи юклар таъсир қиладиган иншоотларда ҳамда тор шароитларда пойдеворлар қуришда қўлланади;

анкернинг туби – анкернинг тортқилар орқали узатиладиган кучни грунтга узатувчи қисми;

анкер разрядли-импульсли технология – охирги (“илдиз”) қисми разрядли-импульсли технологияни қўллаш билан яратилган грунт анкеридир; котлованлар бортлари тўсиқларини, пойдеворларни, асосларни ва қурилиш иншоотларининг бошқа қисмларини маҳкамлаш учун (таг тиргаклар ва устки тиргаклар ўрнида) қўлланади;

антаблемент – оралиқнинг тўсинли ораёпмаси ёки деворнинг юқори якунловчи қисми бўлиб, бу қисм архитрав – ораёпманинг пастки қисми, фриз ва карниздан ташкил топади;

антисейсмик белбоғ – бино юк кўтарувчи деворлари бўйлаб ораёпма сатҳида бажариладиган конструкция, у сейсмик кучлар таъсир қилганда бинонинг фазовий бикирлигини ошириш учун мўлжалланган;

антисептирлаш – турли нометалл ашёларни (ёғоч ва ундан ясалган буюмлар, пластмасса ва бошқалар) уларнинг биочидамлилигини яхшилаш ва қурилмаларнинг хизмат муддатини узайтириш мақсадида кимёвий моддалар билан ишлов бериш;

антресоль – уй-жой, жамоат ёки ишлаб-чиқариш бинолари хоналарининг юқори қисмидаги ҳажмини эгалловчи, унинг майдонини кенгайтиришга ёрдамчи хоналар, омборлар ва бошқаларни жойлаштиришга мўлжалланган сатҳ;

антропоген ландшафт – инсон фаолияти таъсирида шаклланадиган ландшафт;

антропоген ландшафт ўзгариши – ландшафт хусусиятларига инсон фаолияти жараёнларини таъсири натижаси;

антропоген ҳодиса – инсоннинг хўжалик фаолияти ёки унинг хулқидан келиб чиққан ҳодиса;

аппарел – юкларни ортишга мўлжалланган темир-бетон платформа, шунингдек, ҳаракатланиш учун қулай қиялик билан бинога (иншоотга) ўтиш учун қисқа қияли жойлашган плита кўринишидаги қурилма;

аралаш конструкция – турли мақсадлар учун бино ва иншоотларни қуришда фойдаланиладиган, юк кўтарувчи ва тўсувчи функцияларни бажарувчи конструкциялар;

аралаштирувчи тегирмонлар – лойларни узлуксиз эритиш ва берилган намликдаги лой суспензиясини тайёрлаш машиналари;

арболит – енгил бетон турларидан бири бўлиб, унда ўсимликларнинг турли катталикдаги зарралари тўлдирувчи сифатида хизмат қилса, цемент ва қурилиш гипси эса боғловчи сифатида хизмат қилади. Вазифасига кўра, арболит иссиқлик изоляцияловчи ва конструктив-иссиқлик изоляцияловчи турларга бўлинади;

арка – икки таянч орасидаги бўшлиқ устига қуриладиган эгри чизиқли (ёйсимон) юк кўтарувчи конструкция;

арка пологая – баландлиги 1,5 оралиққа тенг ёки ундан кичик бўлган арка;

аркасимон тўсин – арка конфигурациясига эга бўлган яхлит ёки панжарали тўсин;

аркбутан – тошли ташқи арка бўлиб, у своднинг итарилиш кучларини таянч устунлар – контрфорсларга узатади. Бу, ўз навбатида, ички таянчларнинг кўндаланг кесими юзасини сезиларли даражада камайтириб, бинонинг фойдали ҳажмини орттириш имконини беради;

арматура – 1. Эгилувчан ёки бикир пўлат (айрим ҳолларда нометалл) стерженлар бўлиб, улар бетон конструкцияларга таъсир этувчи кучларга мувофиқ тарзда ёки конструктив, технологик нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ичига жойлаштирилади;

2. Асосий жиҳозлар ёки тузилмаларнинг қисми бўлмаган, лекин уларнинг нормал ишлашини таъминлайдиган ёрдамчи деталь ва мосламалар тўплами. Масалан, қувурўтказгич арматураси (клапанлар, кранлар, сув ўлчагич ва ҳ.к.); қозонхона арматураси (термометрлар, манометрлар, сақлагич клапанлари); иситиш тизими арматураси (терморегуляторлар, термостатлар ва ҳ.к.); газ тизими арматураси (кран ва клапанлар, редукторлар ва ҳ. к.); электр техникаси арматураси (патронлар, ўчириб-ёққичлар, розеткалар, қандиллар ва ҳ. к.);

арматурани таранглаштириш – олдиндан кучайтирилган темир-бетон конструкцияларни ишлаб чиқаришда, бетон конструкциясининг кейинчалик сиқилиши, олдиндан кучайтирилган арматурани узоқ муддатли (конструкциянинг бутун эксплуатация муддати) таранглик кучи билан таъминлаш мақсадидаги технологик операция;

арматура тўри – арматурадан ишланган ясси элемент бўлиб, бу элемент ўзаро бириккан бўйлама ва кўндаланг стерженлардан ташкил топади; мазкур элементнинг шакли ва ўлчами, стерженларининг қадами ва кўндаланг кесими, стерженларини бирлаштириш усули шу элементни тайёрлаш технологиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа талабларига мувофиқ бўлиши лозим;

арматура фиксаторлари – арматуранинг лойиҳавий ҳолатда жойлашишини таъминловчи восита. Фиксаторлар турлича конструкцияларга эга бўлиши ҳамда пўлат, бетон қоришмаси, пластмасса ва ҳокозолардан тайёрланиши мумкин;

арматура фиксацияси – арматуранинг лойиҳавий ҳолатда, қолип ёки опалубкада жойлаштирилиши ва маҳкамланиши, арматураларни бундай жойлаштириш ва маҳкамлаш бошқа йўналишдаги (кейинчалик бетон ичида қоладиган) арматура ёки бетон қотгунга

қадар ёхуд бетон қотгандан кейин суғуриб олинадиган инвентар мосламалар ёрдамида амалга оширилади;

арматураланган тошли ётқизма – арматураланган тош конструкциясининг барча маҳсулотлари уларнинг ўзаро таъсири туфайли биргаликда ишлайди ва ҳар-хил таъсирларга қаршилик кўрсатадиган арматура ҳамда тўрларни бетон ёки қоришма билан ёпадиган (беркитадиган) девор;

арматураланган чоклар – ғиштли (тошли) бинолардаги ясси каркаслар, тўрлар билан арматураланган чоклар бўлиб, улар бино ер усти қисмининг бикирлигини ошириш ва шу қисмнинг пойдевор нотекис чўкишига нисбатан таъсирчанлигини камайтириш учун мўлжалланган;

арматуралар синфи – пўлат арматура сифатини унинг чўзилишга қарши мустаҳкамлигига боғлиқ ҳолда аниқловчи меъёрлаштирилиб, назорат қилинадиган асосий кўрсаткич, А – иссиқ ишлов берилган ва термомеханик қаттиқлаштирилган арматуралар учун, В – совуқ деформаланган арматуралар учун, С – арматурали арқонлар учун. Арматура синфи оқувчанлик (физик ёки шартли) чегарасининг МРа да кафолатланган қийматига мос келади. Бу қиймат стандартлар ва техник шартлар талабларига мувофиқ ўрнатилади. Чўзилишга қарши мустаҳкамлик талабларига қўшимча равишда арматура кўрсаткич талабларига қўшимча, тегишли стандартларга мувофиқ белгиланади – пайвандланиши, чидамлилиги, пластиклиги, шунингдек, коррозия, ёрилиш, релаксация, совуқ ҳамда юқори ҳароратга қаршилиги, йиртилиб кетишдаги нисбий узайиши ва бошқалар;

арматуралашда минимал оралиқ масофа – арматуранинг бетон билан биргаликда ишлашини таъминлайдиган стержен ва арматура орасидаги минимал аниқ масофа, арматурани анкерлаш ва туташтириш ҳамда конструкцияни юқори сифатли бетонлаштириш имконияти. Арматура диаметрига, бетондаги йирик тўлдирувчи ўлчамига, бетонлаш йўналишига нисбатан элементдаги арматуранинг жойлашишига, бетонни ётқизиш ва зичлаш усулига қараб қабул қилинади. Арматура стерженлари орасидаги масофа арматура диаметридан 25 mm дан кам бўлмаган ҳолда олиниши керак. Сиқилган шароитда арматура стерженларини орасидаги бўшлиқсиз, гуруҳларда (тўпламлар) жойлаштиришга рухсат этилади;

арматурали каркас – олдиндан ёки тўғридан-тўғри қолипга йиғилган, ўзаро боғланган арматура панжаралар ва тўрлардан ташкил топган тузилма;

арматурали маҳсулотлар – арматурадан ясалган маҳсулотлар. Улар таркибига текис тўрлар ва каркаслар, кенг миқёсдаги каркаслар, йиғма деталлар ва бошқалар киради;

арматурали осиш (монтаж) илгаклари – темир-бетон конструкцияларда бир марталик фойдаланиш учун кўзда тутиладиган (қолдириладиган) элементлар бўлиб, улар конструкцияларни қолипдан бўшатишда, юклаш, тушириш ва монтаж ишларини бажаришда илиш қулайлигини таъминлайди;

арматурани анкерлаш – арматурага тушадиган кучларни уни маълум бир узунликда ҳисобий кесим ортига чиқариш ёки шу арматура учларига махсус анкерларни ўрнатиш йўли билан қабул қилишини таъминлашдир;

арматурани пайвандлаш – арматура стерженлари ёки бошқа элементларнинг муайян жойини ёки уларни эришга қадар умумий қиздиришда, пластик деформациялашда шу арматура стерженлари ва бошқа элементлар орасида бўлакларга ажралмайдиган бирикмаларни олиш жараёни;

арматуранинг меъёрий қаршилиги – қабул қилинган энг кичик назорат қилинадиган қийматлар – стерженли арматура учун, юқори мустаҳкам симлар ва арматурали канатлар – жисмоний ёки шартли оқувчанлик чегарасига тенг;

арматуранинг эгилган қисмлари – ишчи бўйлама арматура стерженларининг эгилган участкалари, улар арматурани чўзилган зонадан сиқилган зонага ўтказишда эгиб ҳосил қилинади;

армоцемент – майда тўлдирувчили бетон бўлиб, пўлат симли тўрлар ёки тўқималар уларнинг таркибида тенг тақсимланади. Бир вақтнинг ўзида стержен ёки сим кўринишидаги арматуралар қўлланилиши мумкин. Армоцемент мураккаб конфигурацияли юпқа деворли конструкцияларни тайёрлаш учун қўлланади; арраланган тошлар ва блоклар енгил тоғ жинсларидан (туфлар, чиғаноқтошлар ва б.)

архитрав – антаблементнинг конструктив пастки асосий элементи бўлиб, у одатда устун капителлари тепасига жойлаштирилади;

арчиш усули билан олинган шпон – ўз ўқи атрофида айланиб, ёғоч юзасидан арчиб олинадиган – қалинлиги – 0.55 mm дан 1.50 mm гача; кенглиги – 150 mm дан 1900 mm гача; намлиги 6 % дан 10 % гача бўлган юпқа узун лентасимон пайраҳа. Арчилган шпонлар елимланган фанералар ишлаб чиқаришда қўлланилади;

асбест – ингичка толалардан иборат бўлган агрегатларни ҳосил қилувчи силикатлар синфига кирувчи ингичка толали минераллар гуруҳининг йиғма номи;

асбестоцементли буюмлар учун портландцемент – портландцемент клинкери ва гипсни (SO_3 бўйича 1,5 % дан 3,5 % гача) қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Асбестоцементли буюмлар учун портландцемент ўз таркибига қуйидагилар: C_3A 3% дан 9 % гача, CaO – 1 % дан кўп бўлмаган миқдорда, MgO – 5 % дан кўп бўлмаган миқдорда, FeO 0,35 % дан кўп бўлмаган миқдорда, Σ ($K_2O + Na_2O$) - 0,5 % дан кўп бўлмаган миқдорда, олти валентли хром Cr_6+ - 0,0002 % дан кўп бўлмаган миқдорда киритади;

асбестцемент – дискретли (узлукли) арматура функциясини бажарувчи асбест толалари ва қотган портландцементдан ташкил топган материал. Асбест толаларининг мавжудлиги асбестцемент мустаҳкамлигини оширади ва унинг иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтиради;

асбестцемент маҳсулотининг қирраси – асбестцемент маҳсулотининг олд юзаси қўшни сиртлардан бири билан кесишиш чизиғи;

асбестцемент маҳсулотининг тескари юзаси – техник мато ёки тўрнинг изи бўлган асбестцемент маҳсулотининг юзаси;

асбестцемент маҳсулотларининг олд юзаси – техник мато ёки сетканинг изи бўлмаган асбестцементли маҳсулотларнинг юзалари;

асбестцемент маҳсулотларининг совуққа бардошлилиги – асбестцемент маҳсулотининг сув билан тўйинган ҳолатда, бузилиш белгиларисиз музлаши ва эриши даврларининг меъёрий сонига муқобил бардош бериш қобилияти;

асбестцементли маҳсулотлар – кўп бўшлиқли панеллар, тўлқинсимон ва текис том ёпиш варақлари, дераза токчасининг плиткалари, швеллерлар, қоғоз, картон, ип, қувурлар, қолипланган деталлар. Асбестцемент маҳсулотлари баъзан қўшимчалар билан кўринишини яхшилаш, диэлектрик хусусиятларини ошириш ёки сув сўрилишини камайтириш амалга оширилади;

асбестцементли панель – кўп тешикли экструзион буюм, унинг тешиклари иссиқлик изоляцияловчи материаллар (минерал тола, пенопластлар) билан тўлдирилади. Асбестцементли панеллар саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари, спорт иншоотларининг деворлари ва қопламалари учун қўлланади;

асбозурит – трепел ёки диатомит (70-85 %) ва асбест толасидан (10-15 %) ташкил топган кукун. Асбозурит иссиқлик изоляцияловчи мастика сифатида қувурўтказгичлар ва ускуналарнинг қизиган сиртига суркалади ҳамда иссиқлик изоляцияси бўйича сувоқ ишларини бажаришда қўлланади;

асос босими – пойдевор таглигидан ташқарида заминнинг тиралишини олдини олиш мақсадида табиий асосга қўшимча тик зўриқиш бериш;

асос турғунлиги – бино ёки иншоот асосининг кўчмас силжиш пайдо бўлмай қўйилган юкни сақлаб туриш хусусияти;

асосий газ тармоғи – ёнувчан газларни қазиб олиш (ишлаб чиқариш) жойидан газ тарқатиш станцияларигача бўлган (бу ерда босим истеъмолчиларни таъминлаш учун зарур даражагача камайтирилади) ташиш газ тармоғи;

асосий кучланишлар – ташқи юк (куч)лар таъсирида юзага келадиган кучланишлар бўлиб, улар ясси кесимлар гипотезасидан келиб чиққан ҳолда материаллар қаршилиги методлари ёрдамида муайян жойдаги, қўшимча ва ички кучланишларни эътиборга олмасдан идеаллаштирилган ҳисоблаш схемаси учун ўрнатилган зўриқиш кучлари бўйича аниқланади;

асосий қоришма (аралашма) – асосий навескадан тайёрланган элементнинг маълум концентрациясига эга бўлган қоришма (аралашма);

асосий навеска – модда таркиби намунасининг граммлардаги стандарт навескаси бўлиб, у намунадаги гувоҳномада келтирилган элементнинг аттестацияланган қийматига шартли равишда мос келади ва унга нисбатан аралашмалар сериясининг концентрацияси ҳисобланади;

асосий сув таъминоти – маълум вақт давомида сув ва (ёки) сувли эритманинг хисобий сарфи ва босими билан ёнғин ўчириш қурилмасини ишлашини таъминлайдиган сув таъминоти;

ассенизация майдони – тупроқнинг ўзини ўзи тозалаш қобилияти ҳисобига, суюқ ифлосланмаларни зарарсизлантириш учун мўлжалланган ерлар;

асфальт боғловчи – композицион материалларни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган сунъий ёки табиий модда. Асфальт боғловчи битумли ва қатронли моддалардан ташкил топган органик боғловчилар гуруҳига киради. Асфальт боғловчи асосида асфальтбетон, қоришмалар ва мастикалар ҳамда рулонли том ёпиш ва гидроизоляцияловчи материаллар олинади;

асфальтбетон – зичланган асфальтбетон қоришмаси;

асфальтбетон аралашмаси – минерал материаллар (чақиқ тош, шағал ва минерал кукунли қум, ёки минерал кукунсиз қум) ҳамда аниқ нисбатларда ва иситилган ҳолатда олинган битумнинг рационал танланган аралашмаси;

асфальтбетон асосидаги пол қопламаси – чоксиз пол қопламаларининг бир тури бўлиб, бу қоплама битум, минералли кукун, қум, кўпроқ чақиқ тош ёки шағал аралашмасидан тайёрланади;

асфальтбетон қоришмаси – оқилона танланган минерал материаллар (чақиқ тош (шағал) ва қум минерал кукуни билан ёки кукунсиз) битум билан аниқ нисбатда олинган ва иссиқ ҳолатда аралаштириб тайёрланган қоришма;

асфальтли мастика – нефть битуми ёки қатрон ва минералли тўлдирувчи аралашмасини қотириш йўли билан олинадиган қурилиш материали. Асфальтли мастикани олиш учун кукунсимон (майдаланган оҳак тош, доломит, бўр, цемент, қаттиқ ёқилғи турларининг кули) ёки толали тўлдирувчилар (асбест, минерал пахта ва б.) қўлланилади;

атриум – жуда ёруғ, кенглик кўринишидаги бино қисми (уч ва ундан кўп қават), шунингдек, юқоридан ёритилган хона, вертикал ривожланган, бинонинг қаватлараро қисмларига (галерея, хонанинг чегараловчи конструкциялари билан ва б.) туташган, қоидага кўра тепадан тушувчи ёруғликка эга. Атриум, горизонтал ривожланган, кўп нурли, ўтиш жойи кўринишли (узунлиги баландлигидан ортиқ), пассаж дейилади;

атроф-муҳит – ташкилот фаолият юритадиган ташқи муҳит, жумладан ҳаво, сув, ер, табиий ресурслар, флора (ўсимликлар дунёси), фауна (ҳайвонот дунёси), одам ва уларнинг ўзаро муносабати;

ашёларнинг толиқиши – ашёлар механик ва физикавий хоссаларнинг даврий ўзгарувчан қувват ва шакл ўзгариши узоқ таъсири остида ўзгариши;

аэродром қопламаси – йўл қопламасига қаралсин;

аэросизгич – мажбурий шамоллатиш учун қурилмаси мавжуд – биосизгич;

аэротенк – оқова сувларни аэроб микроорганизмлар ёрдамида сунъий аэрация орқали тозалаш иншооти;

аэротенк – аралаштиргич – бу шундай аэротенкки, унда оқова сув ва фаол балчиқ кириши коридори битта узун томони бўйлаб бир маромда ҳаракатланса, унинг қайтиши эса коридорнинг иккинчи томони бўйлаб амалга оширлади;

аэротенк – сиқиб чиқаргич – аэротенка коридорнинг бир томонида тўпланган оқова сув ва фаол қуйиқани ўз ичига киритадиган ва худди шундай ҳолда коридорнинг қарама-қарши ён томонидан чиқарадиган аэротенкнинг бир қисми;

аэротенк тиндиргич – бир-бири билан бевосита технологик боғланган аэротенк ва тиндиргични конструктив ҳамда функционал жиҳатдан бирлаштирувчи иншоот;

базальт толалари (базальт пахтаси) – базальт минералини эритиб олинадиган тола бўлиб, у 1000 °С гача бўлган ҳарорат таъсирига бардош беради, коррозияга қарши юқори бардошликка эга, саноат совутгичлари ва қурилиш конструкциялари учун иссиқлик изоляцияловчи материал (оловбардош матлар, плиталар ва тасмалар) сифатида қўлланилади. Базальт пахтасининг зичлиги 75-100 kg/m^3, иссиқлик ўтказувчанлиги 0,03-0,04 W/(m°C)ни ташкил этади. Базальт толасидан тайёрланган минерал толали плиталар биноларнинг ташқи иссиқлик изоляциясини бажаришда муваффақиятли қўлланилмоқда. Базальт толасининг иккита асосий тури мавжуд – штапелли ва узлуксиз;

базальт-толали материаллар – базальт толалари асосида иссиқлик ва овоз ўтказмайдиган хусусиятларга эга кенг турдаги материаллар олинади. Бундай материалларга ўта ингичка ва ингичка толалардан ясалган холстлар, матлар (тикилган, қопланмаган ва текстурали), боғичлар, узлуксиз толалар (улар асосида иплар, матолар, композит материаллар), плиталар ва картонлар киради. Базальт толали материаллар кимёвий жиҳатдан инерт ва барча қурилиш материалларига мос келади, коррозив моддаларни ўз ичига олмайди ҳамда биологик жиҳатдан чидамли (ҳидининг йўқлиги зараркунандаларнинг

ривожланишига тўсқинлик қилади). Базальт толаларига асосланган маҳсулотлар узоқ хизмат қилади, деформацияга деярли учрамайди ва кўп йиллар давомида ўз хусусиятини сақлаб қолади;

байпас – ташилаётган муҳитда (суюқлик, газ) асосий қувурўтказгичдан айлантириб олиб ўтиб, яна шу қувурўтказгичга узатишга мўлжалланган тўсиш воситали қувурўтказгич;

баланд ростверк – ёстиғи грунт юзасидан юқорида жойлашган ва грунтга тегмайдиган ростверк;

баландлаштирилган арка – кўтарилиш стреласи ярим ораликдан бутун ораликқача бўлган арка;

балкон – тутқич панжара билан ўралган бино тарзида чиқиб турувчи, одатда, ички хоналар билан алоқада бўлган майдонча;

балюстрада – кўпинча балконлар, зиналар, томлар ва ҳоказоларнинг баланд бўлмаган шаклдор устунчали балясинали тутқич кўринишидаги тўсиғи;

балясинлар (устунчалар): – зинапоя, балкон, парапет, балюстрадалар тутқич (перила)ларини ушлаб турувчи баланд бўлмаган шаклдор устунчалар. Балястерлар тош, ёғоч, металл, темир-бетон ва бошқалардан, шунингдек, кесимда турли хил шаклларга эга текис, юмалоқ, қиррали, баъзан ўйма безаклардан тайёрланади;

банкет – йўл чуқурчасининг тепалик томондан, ёғин-сочин сувлар оқимидан сақлаш учун жойлаштириладиган тупроқ тўсиқ;

барельеф – тасвир девордан яримдан камроқ бўртиб чиқиб турувчи текисликдаги ҳайкалли безак;

барит – минерал, барий сульфати. Саноатнинг бўёқ, резина, цемент, шиша, керамика ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида инерт тўлдирувчи сифатида кукун кўринишида қўлланилади;

барраж – поғонасимон тиргак девор шаклидаги муҳандислик иншооти бўлиб, у катта (тик) нишабли ҳудудларни мустаҳкамлаш, ер кўчиши, грунт тўкилиши ҳамда тоғлардаги автомобиль ёки темирйўлларни шаррос ёмғир сувлари оқимидан ҳимоя қилиш учун қурилади;

барьер – банк муассасаларидаги ўққа чидамли (ўқ ўтказмайдиган), бикир қилиб маҳкамланадиган ҳимоя воситаси бўлиб, у банк ходимлари, қўриқлаш хизматининг шахсий таркиби хавфсизлигини таъминлаш ва эркин ўтишга тўсқинлик қилиш учун мўлжалланган;

белит – портландцемент клинкерининг иккиламчи асосий минерали; у секин қотиши билан ажралиб туради, лекин портландцементнинг узоқ вақт давомида қотишида унинг юқори мустаҳкамликка эришишини таъминлайди;

белитли портландцемент – нормаланувчи минералогик таркибли портландцемент клинкери, фаол минерал қўшимчалар (15 % гача) ва гипсни (SO_3 бўйича 3,5 % гача) қўшиб аралаштириш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда;

бельведер – тарҳи бўйича кўриниши одатда доирасимон бўлган ва бино устига қуриладиган гумбаз (вышка);

бентонит – 60 % дан кам бўлмаган миқдорда монтмориллонит гуруҳи минералларидан ташкил топган ва юқори боғланувчанлик қобилиятига, абсорбцион ва каталитик фаолликка эга бўлган гил. Кристобалит, кварц, цеолитлар, гипс, кальцит, бўлакларга ажралмайдиган вулканоген жинсларнинг доналари, эрувчан хлор тузлари аралашмалар сифатида иштирок этиши мумкин. Аралашмаларга боғлиқ ҳолда бентонитлар

ўз кимёвий таркиби бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Бентонитлар одатда кулранг, кўк, оқ, яшил-кулранг ва шунга ўхшаш рангларда учрайди;

берма – тупроқли (тошли) қиялик, тўғон, каналлар, мустаҳкамланган қирғоқлар, карьерлар ва ҳоказо устида ёки тўкма ости (автомобиль ёки темирйўл), резерв билан (сув олиб кетувчи ариқ), иншоотнинг юқори қисми турғунлигини таъминлаш ва уни ёғин-сочин ювиб кетишидан сақлаб, иншоотдан фойдаланиш шароитларини яхшилаш учун жойлаштирилган сатҳ (поғона);

бетон – боғловчи модда, сув, йирик ва майда тўлдирувчилар, зарур бўлган ҳолларда турли кимёвий ва минерал қўшимчалар аралашмасини қотириш натижасида олинадиган сунъий тош. Бетонлар қуйидаги асосий хусусиятлар – вазифаси, ўртача зичлиги, боғловчи тури, тўлдирувчилар тури, тўлдирувчи доналарининг йириклиги, тузилиши ва қотириш шарт-шароитлари бўйича таснифланади. Бажарадиган вазифасига кўра, бетонлар - оддий, гидротехник, транспорт қурилиши, йўл, иссиққа чидамли, конструктив иссиқлик изоляцияловчи, коррозиябардош, декоратив ва шу каби турларга бўлинади. Ўртача зичлигига боғлиқ ҳолда бетонларнинг ўта оғир, оғир, енгил ва ўта енгил турлари мавжуд. Боғловчи турига кўра, бетонлар цементли, оҳакли, шлакли, гипсли ва махсус турлар (масалан, полимербетон, магнезия боғловчили бетон)га бўлинади. Қўлланиладиган тўлдирувчиларнинг турига кўра, бетонларнинг зич, ғовакли ва махсус тўлдирувчилар (масалан, сочилувчи металл, кўпиклаштирилган гранулаланган полистирол) турлари мавжуд. Тўлдирувчиларнинг йириклигига кўра, бетонлар майда донали ва йирик донали бўлади. Структурасининг характерига боғлиқ ҳолда бетонлар структурали, зич, ғовакли, ячейкали, йирик ғовакли ва шу каби турларга бўлинади;

бетон ва темир-бетон коррозияси – бетон ва темир-бетоннинг ташқи муҳит ёки бетон компонентларининг кимёвий ва физик-кимёвий ўзаро таъсири натижасида бузилиши (емирилиши). Коррозия жараёнида бетон шикастланиши мумкин, шунингдек, пўлат арматура ва металл ишлатилган қисмлар ҳам;

бетон ғоваклаштириш учун қўшимчалар – бетон танасидаги ҳаво ёки бошқа газсимон ғовакларнинг мақсадга мувофиқ шаклланишига ёрдам берувчи қўшимчалар;

бетон конструкциялар – арматураланмаган ёки кам арматураланган конструкциялар, агар фойдаланиш босқичида улар фақат бетон билан мустаҳкамланган бўлса, бетон сифатига қаралади.

бетон қопламали тош – бетондан тайёрланган ва сирт қоплама материали сифатида ишлатиладиган маҳсулот, қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: кесимнинг ҳар бир қиррасидан 50 mm масофада жойлашган, барча горизонтал ўлчамлари камида 50 mm; умумий узунликнинг қалинликка нисбати 4 mm дан ошмаслиги керак;

бетон қоришмалар сақланишини тартибга солувчи қўшимчалар – вақт ўтиши билан бетон қоришмасининг қўзғалувчанлигини йўқотишни тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи қўшимчалар;

бетон қоришмаларининг хоссаларини тартибга солувчи қўшимчалар – бетон қоришмаларининг таркибини керакли йўналишда ўзгартирувчи қўшимчалар;

бетон қоришмаси ёки бетоннинг назорат таркиби – қўшимчаларсиз тайёрланган бетон аралашмаси ёки муайян нормаллаштирилган таркибли бетон;

бетон қоришмасини пуркаш – цемент, қум, шағал, сув ва қоида тариқасида мустаҳкамлиги, қаттиқлашишини оширувчи чақиқ тош, махсус қўшимча қўшиш

ва аралашмани сиқилган ҳаво орқали ишчи юзага бериш (пуркаш) орқали олинадиган, ўта мустаҳкам тез қотувчи бетон;

бетон маркаси – бетон сифатининг ҳар қандай кўрсаткичи бирлаштирилган сериясининг нормаллаштирилган қиймати ўртача қиймати билан ўлчанади. Бетон маркалари учун бирлаштирилган қийматлар серияси тегишли бетон турлари учун стандартларда белгиланади. Бетон маркаси мустаҳкамлиги, совуққа чидамлилиги, сув ўтказувчанлиги, ўртача зичлиги билан фарқланади. Бетон лойиҳа маркаси конструкциялар ва иншоотларни ҳисоблашда белгиланади ҳамда конструкция ёки маҳсулот учун ички чизмаларда кўрсатилади;

бетон модификаторлари – ноорганик ёки органик қўшимчалар (келиб чиқиши табиий ёки сунъий моддалар), бетон таркибига назорат қилинадиган миқдорда йўналтирилиши натижасида бетон аралашмалари ва бетонларнинг хусусиятлари тартибга солинади ёки охиргиси, табиатига кўра, бетонга хос бўлмаган махсус хусусиятлар берилади ёки цемент тежалишига эришилади;

бетон синфи – қабул қилинган хавфсизлик кафолати (ишонч эҳтимоли), унификациялаштирилган ушбу бетон сифати кўрсаткичи ягона қаторининг нормалланган қийматларидан бири;

бетон сувини қочириш – ғоваклари ва капилярларида жойлашган эркин ёки механик боғланган сувни қаттиқлашган ёки қотиб қолган бетондан чиқариб ташлаш жараёни;

бетон учун газ ҳосил қилувчи қўшимчалар – цемент гидратация маҳсулотлари билан кимёвий ўзаро таъсир туфайли газ чиқаришга қодир қўшимчалар;

бетон учун ғовак тўлдирувчи – донадорнинг зичлиги 2000 kg/m^3 дан кўп бўлмаган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган маҳсулот. Ғовакли бетон тўлдирувчилар енгил бетон учун қўлланилади ҳамда иссиқлик изоляцияси учун тўлдирувчи, қуритиш ускуналарида ва бошқалар. Ғовак бетон учун тўлдирувчилар асосан анорганик хомашёдан тайёрланади;

бетон учун йирик тўлдирувчи – ўлчамлари 5 дан 70 mm гача бўлган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий майдаланган донадор аралашма. Йирик бетон тўлдирувчилари сифатида табиий ёки сунъий келиб чиққан шебень ҳамда шағалдан олинган шебень ишлатилади;

бетон учун комплекс қўшимчалар – икки ёки ундан ортиқ компонентларни ўз ичига олган қўшимчалар;

бетон учун кўпик ҳосил қилувчи қўшимчалар – талаб этилган карралик ва бардошликка эга бўлган техник кўпикни олиш имконини таъминловчи юза-фаол органик моддалар, улар бетон қоришмасининг компонентлари билан аралаштирилганда ячейкали ёки ғовак структурали бетонлар олиш имконини беради;

бетон учун қўшимчалар – бетон қоришмаларининг технологик хусусиятларини, бетоннинг физик-кимёвий хусусиятини яхшилаш ва уларнинг таннархини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш давомида бетон композицияларига киритилган табиий ёки сунъий кимёвий қўшимчалар;

бетон учун майда тўлдирувчи – ўлчамлари 0.16 дан 5.00 mm гача бўлган, келиб чиқиши табиий ёки сунъий майдаланган донадор аралашма. Бетон учун майда тўлдирувчи сифатида қум ишлатилади;

бетон учун махсус вазифаларни бажарувчи қўшимчалар – кимёвий ёки минерал қўшимчалар бўлиб, уларни қўллаш натижасида бетон ёки ўзининг сифат кўрсаткичларига эга бўлади ёхуд ўзига хос бўлган сифат кўрсаткичларини кескин кучайтиради, лекин бу экспулатациянинг маълум бир шароитларида етарлича бўлмаслиги мумкин. Бетон учун махсус вазифаларни бажарувчи қўшимчалар – пўлат арматурага нисбатан бетоннинг ҳимояловчи хоссаларини оширадиган гидрофобизировкаловчи, биоцидли (пўлат коррозияси ингибаторлари), кенгаювчи, ранг берувчи (пигментли) турларга бўлинади;

бетон учун музлашга қарши қўшимчалар – сувнинг музлаши хусусиятини пасайтирадиган ва салбий ҳароратда бетоннинг қаттиқлашишига ёрдам берадиган қўшимчалар;

бетон учун пластификацияловчи қўшимчалар – бетон қоришмаларининг қўзғалувчанлигини оширувчи қўшимчалар;

бетон учун стабиллаштирувчи қўшимчалар – бетон қоришмасининг қатламланишини пасайтиришга шарт-шароит яратувчи моддалар;

бетон учун сув сақловчи қўшимчалар – бетон аралашмасининг сув ажралишини камайтирувчи қўшимчалар;

бетон учун сувни камайтирувчи қўшимчалар – сув сарфини камайтирган ҳолда керакли иш қобилиятига эга бетон аралашмасини олиш имконини берувчи моддалар;

бетон учун ҳаво киритувчи қўшимчалар – юзада – аралаштириш пайтида бетон аралашмасига, бетонда бир текис тақсимланган майда дисперс ҳавонинг кириб келишига ёрдам берувчи фаол органик қўшимчалар;

бетон коррозиясига ишқорларнинг таъсири – бетоннинг таркибий қисмлари ишқорлар билан ўзаро таъсири натижасида бузилиши (емирилиши). Ишқорлар цементтош ва карбонатли тўлдирувчиларни бузиши (емириши) мумкин;

бетонга ўтказилувчи мустаҳкамлик – олдиндан зўриқтирилган қурилмалар бетоннинг, бетонга олдиндан зўриқиш берилаётган вақтда (ўзак тарангланишини қўйиб бориш) меъёрланадиган мустаҳкамлиги;

бетонли бордюр (хошия) учун тош – алоҳида ёки бошқа тошлар билан бирга бетондан тайёрланадиган ва жисмоний ёки визуал чеклаш, рамка билан таъминлаш, бир хил ёки турли баландликдаги сиртларни ажратиш, турли хил ҳаракатларга мўлжалланган сиртларни ажратиш учун ишлатиладиган маҳсулот;

бетонли панель – бетондан тайёрланадиган панель бўлиб, эксплуатация жараёнида бу панелнинг мустаҳкамлиги фақат бетоннинг мустаҳкамлиги билан таъминланади. Бетонли панель конструктив арматурага эга бўлади ва панелларни тайёрлашда ҳамда ташишда, деворларни монтаж қилишда юзага келадиган зўриқиш кучларини қабул қилишга мўлжалланган ҳисобий арматурага ҳам эга бўлиши мумкин. Агар арматура фақат чекланган участкаларга (масалан, таянч зоналарига, муайян жойдаги юкдан ҳосил бўладиган зўриқишларнинг концентрацияланиш зоналарига) қўйилган бўлса, у ҳолда бундай панелни бетонли панель деб аташади;

бетонли ҳалқа – конструктив элементни уч ёки тўрт томонини қоплайдиган мустаҳкамланган бетон қатлами; зарурат бўлганда арматураланган бўлиши мумкин;

бетонни индукцион иситиш – бетонни иссиқлик билан ишлов бериш усули магнит компоненти ва ўзгарувчан электромагнит майдонни ишлатиб, пўлатни электромагнит индукция билан электр токи таъсирида иситади. Бетоннинг индукцион исиши билан

ўзгарувчан электромагнит майдонининг энергияси арматура ёки пўлатдан ясалган қолипда иссиқликка айланади ва бетонга термал нурланиш орқали узатилади. Индукцион усулда қурилиш майдончаси шароитида айрим турдаги монолит конструкциялар бетонини иссиқлик билан ишлов бериш учун ҳам, қурилиш майдончалари шароитида бетон конструкцияларни қотишини тезлаштириш учун ҳам фойдаланиш мумкин;

бетонни карбонатлаш – цемент тошининг карбонат ангидрид билан ўзаро таъсир жараёни бетоннинг суюқ фазаси ишқорийлигини пасайишига олиб келади;

бетоннинг ишқор таъсирида коррозияси – бетондан таркибий қисмининг эриши ва ювилиши (ишқор таъсирида) натижасидаги коррозия;

бетоннинг қотиш вақтини тартибга солувчи қўшимчалар – бетон қоришмасининг структура ҳосил қилиш жараёнларини тезлаштирувчи ёки сусайтирувчи қўшимчалар;

бетоннинг қотишини тартибга солувчи (тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи) қўшимчалар – берилган йўналишда мустаҳкамлик кинетикасини ўзгартирадиган қўшимчалар;

бетоннинг нормал қалинлиги – техник-меъёрий ёки лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган мустаҳкамликнинг берилган қиймати;

бетоннинг оҳакини ювилиши таъсирида коррозия – сувнинг мунтазам таъсири остида бетоннинг емирилиши. Сувда эрувчанлиги тахминан 1,2 g/l бўлган оҳак бетондан ювилиши мумкин. Оҳакни ювиш, бетон мустаҳкамлигининг пасайиши ва ўтказувчанликнинг ошишига олиб келади;

бетоннинг сиқилишга қарши мустаҳкамлик синфи – давлат стандартларига мувофиқ тайёрланган ва 28 кундан кейин синовдан ўтказилган (кубда 150x150x150 mm) эталонли намуналарининг вақтинчалик қаршилиги ўртача статистик маъноси;

бетоннинг совуқбардошлиги – бетоннинг нам ҳолатда кўп марта навбатма-навбат музлаш ва эриш таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти. Бетоннинг совуқбардошлиги, қоидага кўра, сувга тўйинган бетон намуналарини стандарт режим бўйича музлатиш ва эритишда экспериментал йўл билан аниқланади ҳамда синаш цикларининг сони орқали тавсифланади. Бу сондаги музлаш ва эриш цикларига бетон намуналари мустаҳкамлик, оғирликнинг нормаланган пасайишигача, ташқи кўринишда ўзгаришлар кузатилгунга қадар бардош беради. Бетоннинг совуқбардошлиги F 15 дан F 1000 гача бўлган маркалар билан тавсифланади;

бетоннинг совуққа чидамлилик маркаси – меъёрларда белгиланган бетон намуналарининг музлаши ва эриш даврининг минимал сони базавий услуб бўйича текширилади, унда дастлабки физик ва механик хусусиятлар белгиланган чегараларда сақланади;

бетоннинг ўтказувчанлигини камайтирувчи қўшимчалар – бетоннинг тузилишини зичлаштирувчи қўшимчалар;

бетоннинг ҳимоя қатлами – бетон қатламининг қалинлиги элемент юзидан арматуранинг энг яқин юзасига қадар. Бетоннинг ҳимоя қатлами қуйидагиларни таъминлаши керак – бетон билан мустаҳкамлашнинг биргаликдаги иши; арматураларни бетонга маҳкамлаш ва маҳкамловчи элементларнинг бўғинларини жойлаштириш имконияти; арматурани атроф-муҳит таъсиридан ҳимояси (шу жумладан, агрессив таъсирлар мавжуд бўлганда); оловга чидамли ва оловдан ҳимоя конструкциялар. Бетоннинг

ҳимоя қатлами қалинлиги конструкцияларда мустаҳкамлашнинг роли (ишчи ёки конструктив) ҳисобга олинади, конструкция турлари (устунлар, плиталар, тўсинлар, пойдевор элементлари, деворлар ва б.), шунингдек, арматуранинг диаметри ва кўринишига боғлиқ. Арматура учун бетон ҳимоя қатламининг қалинлиги арматура диаметридан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади, яъни, камида 10 mm;

бетоннинг чиқарилишдаги мустаҳкамлиги – бетон, элементлар ва темир-бетон қурилмалар, бетонни тайёрловчи корхонадан чиқарилиши вақтидаги меъёрланадиган мустаҳкамлиги;

бетоннинг чўзилишга қарши мустаҳкамлик синфи – давлат стандартларига мувофиқ тайёрланган ва синовдан ўтказилган эталон намуналарнинг ўқ бўйича чўзилишга нисбатан вақтинчалик қаршилиги ўртача статик катталиги;

бикрлик диафрагмаси – юк кўтарувчи тизимнинг вертикал элементи бўлиб, у горизонтал юкларни қабул қилиш ва уларнинг пойдеворларга узатилишини таъминлайди. Бундан ташқари, бикрлик диафрагмаси ригеллар, ораёпма плиталари, зинапоялар, муҳандислик ускуналаридан унга тушадиган вертикал юкларни ҳам қабул қилади;

бикрлик қовурғаси – конструкция элементларининг шишишга (бўртишга) нисбатан қаршилигини кенгайтириш йўли билан шу элементлар алоҳида участкаларининг бикрлигини оширишга мўлжалланган юпқа пластинкалар кўринишидаги конструкция элементлари (устунлар, тўсинлар, плиталар ва ҳ.к.);

бикрлик ядроси – юк кўтарувчи тизимнинг диафрагмадан ташкил топган ва очиқ ёки ёпиқ профилли фазовий қисми;

биконструкция – панжара-боғланишлар билан бирлаштирилган ва ўз текисликлари бўйича ўзгармайдиган иккита ясси стерженли тизимдан ташкил топган фазовий тузилма;

бикрлик – қурилманинг шакл ўзгаришига қаршилик кўрсатиш қобилиятини баҳоловчи тавсифи;

бикрлик белбоғи – арматураланган қуйма темир-бетон тўсин бўлиб, у бино ер усти қисмининг бикрлигини ошириш ва заминнинг нотекис деформацияланишини камайтириш учун мўлжалланган;

бикрост – эритилиб ёпиштириладиган ўрамли ва гидроизоляцион битумли том ёпиш материали. Бикрост оксидланган битум асосидаги юқори сифатли боғловчини чиримайдиган шиша тола (шишахолст, шиша мато) ёки полиэфир асосли полотнонинг икки томонига ҳимоя қатлами сифатида сепиш йўли билан олинади. Унинг устки томони йирик донали сепма билан, пастки томони эса полимерли плёнка билан қопланади. Ўрнатиш пайтида рулон қиздириш ускунаси билан иситилади ва аста-секин томга ёйилади. Томларни қуриш ва таъмирлашда ҳамда қурилиш конструкцияларининг гидроизоляцияси сифатида ишлатилади;

билвосита (кўндаланг) арматура – сиқилган темир-бетон конструкцияларнинг ёки улар қисмларининг юк кўтариш хусусиятини ва бетон кўндаланг деформациясининг торайтирувчи ривожланишини оширишга мўлжалланган арматура. Кўндаланг арматура сифатида спиралли ўрама, ҳалқа, хомут, пўлат пластина, қувурли арматура ёки кўндаланг тўрлар қўлланилади;

биметалл – бир-бирига маҳкам боғланган бир-бирига ўхшамайдиган икки қатламли материал ёки қотишмалардан (пўлат, алюминий, титан ва молибден каби) иборат материал.

Биметалл қимматбаҳо ва ноёб металларни тежаш ёки бошланғич материаллар хусусиятининг комбинациясига эга бўлган материални олиш учун ишлатилади;

бино – функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

бино (иншоот) қурилмавий элементи – бино ёки иншоот таркиб топувчи қурилма (пойдевор, девор, ораёпма, томёпма, зина ва ш.к.);

бино (иншоот) синчи – куч ва таъсирни ўзига олувчи, бино (иншоот) мустаҳкамлиги ҳамда турғунлигини таъминловчи, юк кўтарувчи ўзак тизими;

бино (иншоот) турғунлиги – бино (иншоот)нинг уни бирламчи стастик ёки динамик мувозанати ҳолатидан чиқаришга уринувчи зўриқишларга қарши туриш хусусияти;

бино (иншоот) шакл ўзгариши – бино ва иншоотларнинг турли юклама, таъсирлар остида шакли ва ўлчамларининг ўзгариши ҳамда турғунликни йўқотиши (чўкиш, силжиш, оғиш ва б.);

бино (иншоот) каркаси – юк ва таъсирларни ўз зиммасига олиб, бинонинг мустаҳкамлигини, барқарорлигини таъминлайдиган стерженсимон юк кўтарувчи тизим;

бинокорлик қурилмалари – бино ёки иншоотларнинг юк кўтарувчи, тўсиқ ёхуд қўшма (юк кўтарувчи ва тўсиқ) вазифасини бажарувчи элементлари;

биноларнинг муҳандислик жиҳозланиши – маиший ва меҳнат фаолиятини таъминловчи техникавий қурилмалар мажмуаси, шу жумладан: сув таъминоти (совуқ ва иссиқ), канализация, шамоллатиш, электр ускуналари, газ таъминоти, ҳавони меъёрлаш, ёнғин ўчириш воситалари, лифтлар, телефонлаштириш, радиолаштириш, бошқа ички ободонлаштириш турлари;

биноларни ҳавога тўйинтириш – ташқи ва ички ҳаво зичлиги фарқи ҳисобига амалга ошириладиган, уюштирилган табиий ҳаво алмашиниши;

биноларнинг йўналтирилганлиги – биноларни ёруғликка нисбатан жойлаштириш;

бинонинг ногерметиклик параметри – доимий очиқ оралиқларнинг умумий майдони ҳимояланадиган хонанинг ҳажмига нисбати сифатида аниқланиб, ҳимояланадиган хонанинг ногерметиклигини сонли (рақамли) ифодаловчи катталик;

бинонинг том ёпмаси – бино хоналарини ташқи муҳитдан ажратиб турадиган ташқи тўсувчи конструкция бўлиб, у бинони юқори томондан атмосфера ёғингарчиликларидан, бошқа ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади, том ёпмаси, иситиш қатлами ва юк кўтарувчи конструкция (стропила, плита, прогон ва ҳ.к.лар)дан ташкил топади;

бинонинг чордоқсиз ёпмаси (қўшилган том ёпмаси) – чордоққа эга бўлмаган бинонинг устки тўсувчи конструкцияси бўлиб, том ва чордоқли ораёпма функциясини ўзида уйғунлаштиради;

биобардошлилик – ашёлар ва маҳсулотларнинг чиришга ёки бошқа бузувчи биологик жараёнларга қаршилик кўрсатиш хусусияти;

биоёқилғи – парчаланиш жараёнида жуда кўп миқдорда иссиқлик ажратиш қобилиятига эга органик ашё;

биосизгич (биофильтр) – тозаланаётган массани ифлослантирувчи моддаларни ютиш, парчалаш ва йўқ қилиш хусусиятига эга бўлган, моддаларни фаол микробиологик қатлам қопламаси ёки сунъий равишда барпо этилган микроорганизмлар бирикмасидан

ташкил топган фильтрловчи материаллар қалинлигидан ўтказиш орқали оқова сувларни биологик тозалаш иншооти;

бипол – бипол том ёпиш ва гидроизоляция учун мўлжалланган. Битум ва тўлдиргичдан ташкил топган битум боғловчили чиримайдиган асосга икки томонлама сепиш йўли билан олинади. Уни олишда баъзан сунъий каучук ҳам қўшилади;

бир жинслилик – материал зарраларининг бир текис тақсимланишини, хоссаларини ёки унинг структурасидаги бир жинслиликни тадқиқ қилиш учун қабул қилинган бошқа катталикларни ифодаловчи материал бир бутунлигининг характеристикаси;

бир жинсли материал квази – ўртача бир жинсли материал – жисм элементининг қаралаётган ҳажми шу жисм ташкил этувчилари структуравий бирликларининг ҳажмидан кўпроқ (ортиқ) бўлади;

бир қатламли блок – бир турдаги бетондан бажарилган битта асосий қатламга эга бўлган блок;

бир қатламли ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита – ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита бўлиб, бу плита ўзининг қалинлиги бўйича толалар ўлчамлари ёки ёғоч зарралари, уларнинг ориентацияси, зичлиги, боғловчи улуши бўйича бир жинсли структурага эга бўлади;

бир қатламли панель – бир турдаги бетондан бажарилган битта асосий қатламга эга бўлган панелдир;

бир қатламли пол – ораёпма плитаси ёки текисловчи қатлам устига бевосита ётқизилган қопламадан ташкил топган пол;

бир нишабли тўсин – бутун узунлиги бўйлаб устки текислиги нишабга эга бўлган тўсин;

бир томони силлиқланган ёғоч-толали плита – ёғоч-толали плиталарнинг шундай турики, бундай турдаги ёғоч толали плитанинг бир томони катта ғадир-будирликдаги сиртга эга бўлса, иккинчи томони эса силлиқ сиртга эга бўлади;

бир ўқ бўйича ўраб сиқиш – бетонни битта ўқ, масалан бўйлама ўқ бўйича ўраб сиқиш;

биргаликдаги зўриқишлар – икки ёки бир неча зўриқиши, энг ноқулай ҳолатда биргаликда (бир вақтда)ги қўшма таъсири. Ҳисобга олинаётган зўриқишлар таркибига қараб фарқланади: асосий биргаликдаги зўриқишлар таркиби – доимий, узоқ ва қисқа муддатли зўриқишлар; кучланишни алоҳида уйғунлашуви, доимий, узоқ, эҳтимолли қисқа муддатли ва алоҳида зўриқишларнинг биридан иборат таркибда;

бириктириш буюми – буюм одатда металл бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари давомида қурилиш конструкциялари ёки уларнинг элементларини (кўмиладиган буюмлар ёки бевосита) улаш учун мўлжалланган;

бирлаштирувчи накладка (металл конструкцияларнинг пайвандланадиган бўғинлари) – конструкция элементларини улаш учун хизмат қилувчи ва уланишидаги зўриқишни узатиш ҳамда тақсимлашни таъминлайдиган накладка;

бирлаштирувчи чизиқлар – ёнғин сигнализацияси тизимининг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани таъминловчи симлар ва кабеллар;

бирхиллаштириш – ўлчам турларини камайтириш ва маҳсулотларни ўзаро алмашувчанлигини таъминлаш мақсадида бино ва иншоотлар ҳажмий-режавий

EZR3847

ва қурилмавий ечимларини, қурилмалар, деталлар, жиҳозларнинг мақсадга мувофиқ бир нусхалилигини ўрнатиш;

бир тўрли қобиқлар – тарҳи бўйича тўғри бурчакли тўртбурчак шаклига эга бўлган бинолар ёпмасининг цилиндрик сиртлари бўлиб, уларнинг стерженлари ромбсимон ёки учбурчак тизимли тўрларни ҳосил қилади;

битталаб арматуралаш – эгиладиган темир-бетон конструкцияни арматуралашдан иборат бўлиб, бунда ишчи арматура фақат чўзиладиган зонага ўрнатилади;

битум – углеводородлар ва уларнинг ҳосилалари, яъни кислород, азот, олтингугуртли юқори молекуляр углеводородларнинг мураккаб аралашмаси. Битум табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Сунъий битумларнинг нефтли, сланецли, кўмирли ҳамда торфли турлари мавжуд. Қурилишда асосан нефтли битумлар қўлланилади. Физик-механик хоссаларига боғлиқ ҳолда нефтли битумлардан том ёпиш материалларини тайёрлашда, қувурўтказгичларни изоляциялашда, сув ўтказмайдиган (гидроизоляция) қатламларни ётқизишда, шағал ва чақиқ тошли аралашмаларни қайта ишлашда ва асфальт материалларни совуқ ҳолатда ишлаб чиқаришда фойдаланилади;

битумли боғловчилар – углеводородларнинг мураккаб аралашмалари ва уларнинг нометалл ҳосилалари (углеводородларнинг олтингугурт, кислород, азот билан бирикмаси). Дастлабки хомашёга боғлиқ ҳолда улар табиий ва сунъий нефт битумларига бўлинади;

битумли мастикалар – коррозиядан ҳимоя қилиш учун том ёпиш ва бошқа қурилиш материалларини, гидроизоляция қурилмаларни ва конструктив элементларни қоплаш учун ишлатилади. Иссиқ битум мастикалар – битум аралашмаси ва майда тўлдирувчиларга (бўр, асбест ва б.) ажратилади, қўллашдан олдин эригунга қадар (140-160 ^{0}C) совуқ органик эритувчиларда битум эритмаси (яшил мой ва б.) тўлдирувчилар қўшилиши билан қиздирилади. Битумли мастиканинг хоссаларини яхшилаш учун таркибига утил резина порошоги, полимерлар, канифоллар ва бошқалар қўшилади;

блок – кўпинча тўғри бурчакли параллельепипед шаклига эга бўлган ва ташқи, ички деворлар, пойдеворлар ҳамда биноларнинг бошқа қисмларини қуришда қўлланиладиган конструктив элемент. Блоклар табиий тошлар, сопол (керамика), бетон (ҳар хил бетон турлари) ва бошқалардан тайёрланади. Блоклар яхлит ёки бўшлиқларга эга бўлган ҳолатда ишлаб чиқарилади. Шунингдек, дераза ва эшик блоклари ҳам мавжуд;

блокли ётқизма – тош ёки бетон блокларидан ясалган тошлар;

блокнинг асосий қатламлари – блокнинг ташқи томонидаги ҳимоя-декоратив ва ички томонидаги пардоз қатламларидан ташқари блок қалинлиги бўйича унинг барча қатламлари;

блок-секция – вазифаси бўйича мустақил, бинонинг бошқа элементлари билан биргаликда ёки ўзи алоҳида ишлаши мумкин бўлган, ҳажмий-фазовий элемент;

боғ – аҳолини маданий дам олиши учун ободонлаштирилган, табиий ёки махсус экилган ўсимликлар билан қоплаган ер майдони;

боғловчи материаллар – бетон ва қоришмаларни тайёрлаш, қурилиш конструкцияларини бириктириб маҳкамлаш (монолитлаш), гидроизоляция ва б. учун ишлатиладиган минерал ва органик моддалар. Сув қўшиб қориштирганда ёпишқоқ, хамирсимон мулойим масса ҳосил қилиб, кейин тошдек қотадиган кукунсимон материаллар. Уларнинг анорганик (минерал) ва органик хиллари бор. Анорганик боғловчи материаллар ҳавода қотадиган ва гидравлик турларга бўлинади. Ҳавода қотадиган боғловчи

материаллар фақат очиқ ҳавода қотади, намда эса қисман ёки умуман қотмайди. Буларга оҳак, гипс, эрувчан шиша, гил ва бошқалар киради. Гидравлик боғловчи материаллар очиқ ҳаводагина эмас, балки нам ва сувда ҳам қотади. Буларга гидравлик оҳак, портландцемент ва бошқалар киради. Боғловчи материаллар яхлит бетон, йиғма темир-бетон конструкциялар ва қоришмалар тайёрлашда ишлатилади. Органик боғловчи материаллар (мастика, битум) асфальтга қўшилади, шунингдек, томларни ёпишда ҳам ишлатилади;

боғловчи моддалар – физик-кимёвий жараёнлар натижасида суюқ ёки хамирсимон ҳолатдан қаттиқ тошсимон ҳолатга ўтадиган қурилиш материаллари бўлиб, бунда улар ўз атрофидаги инерт тўлдирувчилар (чақиқ тош, шағал, қум) зарраларини ёки ғишт, тош ва ҳ.к.ларни боғлаган ҳолда яхлит монолит бутунликни ҳосил қилади. Боғловчилар ноорганик (минералли) – цементлар, оҳак, гипс ва органик битумли, қатронли боғловчиларга бўлинади;

боғловчи тиргаклар – асосий юк кўтарувчи тизимлар (фермалар, тўсинлар, рамалар ва шу кабилар) ва алоҳида стерженларнинг фазовий турғунлигини ёки конструкциянинг фазовий ишлашини битта ёки бир нечта элементларга, бутун иншоотга қўйилган юкни тақсимлаб узатиш билан таъминлашга; иншоотга унинг эксплуатацияси бўйича яхши шарт-шароитлар яратиш учун зарур бўлган бикрлик беришга; баъзи ҳолларда иншоотга таъсир қилувчи шамол ва инерция кучларини қабул қилишга мўлжалланган алоҳида тизимлар ёки стерженлар кўринишидаги конструктив элементлар;

боғловчи тўсин – устунларнинг фазовий бикрлигини таъминлаш мақсадида уларнинг юқори қисмларини боғловчи ва тўсинлар орасидаги оралиқларда юқори ётувчи конструкциялардан юкларни қабул қилувчи тўсин;

боғловчиларни майдалаш – боғловчи моддаларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараён бўлиб, бу жараён тайёр маҳсулотнинг сифатини ошириш учун қўшимча ингредиентларни киритгандан кейин ва совутилгач, хомашё ёки хомашё қоришмасини пиширишдан олинган маҳсулотлар механик майдалаш билан якунланади;

бойитилган қум – махсус бойитиш ускуналари ёрдамида олинган ва фракцияларга ажратилмасдан етказиб бериладиган, таркиби яхшиланган қум;

болғалаб ясаш – метал ва қотишмаларга болғалаб ва бошқа турдаги босим билан ишлов бериш қобилияти (пресслаш, штамплаш, чизиш, чиғирлаш);

болахона қават – бўш, чордоқ орасида, унинг тўсувчи қурилмаларини иситиш билан (баланд томлар нишабини) хона жойлаштириш учун қават;

болт – бир учи резбага, иккинчи учи эса бошмоққа эга бўлган стержен шаклидаги маҳкамловчи деталь бўлиб, у гайка ёки бириктириладиган элементлардан биридаги резбали тешик орқали элементларни бириктиришга мўлжалланган. Болт бутун узунлиги бўйлаб резбага (тўлиқ резба) ёки фақат дум қисмидаги резбага (чала резбага) эга бўлиши мумкин;

бордюр – а) йўллар, тротуарлар, газонлар ва ҳ.к.ларни ажратиб турувчи энсиз тасмалар (тўсувчи тошлар, плиталар); б) хона деворларининг юқори қисмларини чизиш ёки чегара (бўяшда ёки девор қоғози) ишларида;

борт тоши – йўлакдан йўлни ажратиш учун табиий тошдан тайёрланган маҳсулотлар. Борт тоши асосан совуққа чидамлилиги билан ажралиб турадиган зич магматик жинслардан (гранит, диабаз ва б.) ясалган бўлади. Ён тоши узунлиги 1000 дан 2000 mm гача, баландлиги 300 дан 400 mm гача ва кенглиги 100 дан 200 mm гача бўлган тўғри бурчакли параллельепипедлар;

босим – жисмнинг қандайдир қисми сатҳига тик йўналишида таъсир этувчи ва тенг миқдорда шу юзага меъёрий бўлган куч нисбати билан аниқланадиган кучни интенсивлигини ифодаловчи катталик;

босим билан ишлов бериш – материалларни пластик деформация ёки кесишдан иборат ишлов бериш, материалларни босим билан кесишда стружка ҳосил бўлмасдан содир бўлиши. Босим билан ҳажмий ишлов бериш турига прокаткалаш, чўзиш, штамповка, пресслаш, ковкалаш ва бошқалар;

босим билан пайвандлаш (металл пайванд) – босимни қўллаш билан пайвандланадиган қисмларни пластик деформациялаш ҳисобига амалга ошириладиган эриш температурасидан паст температурада пайвандлаш;

босим сигнализатори – бошқарув тугуни томонидан чиқарилган буйруқ, гидравлик импульсни қабул қилиш ва уни мантиқий буйруқ импульсига ўзгартириш учун мўлжалланган ёнғин сигнализатори;

ботиқ қобиқ – қаварик пастга қараган қобиқ;

бошқа табиатли кўшимчалар – кўп қатламли ойна ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил бегона зарралар киритилиши;

бошқариш тугуни – беркитиш ва сигнал бериш вазифаларини бажарувчи қурилмалар тўпланган жой. Бу қурилмалар сув ва кўпик ёрдамида ёнғин ўчириш қурилмаларининг кириб келувчи ва таъминловчи қувур ўтказгичлари орасида жойлашган ва шу қурилмаларни ишга туширишга ҳамда уларнинг ишлаш қобилиятини назорат қилишга мўлжжалланган тезлатгичлар (секинлаштиргичлар), қувур ўтказгични очиш-ёпиш арматураси ва ўлчаш приборларига эга бўлади;

бошлама – келаси режалаштириш даврига ўтадиган асосий фондларни режали топширилишини ва қурилишни бир маромда олиб борилишини таъминлаш мақсадида ишга тушириладиган объектлар ва мажмуаларда амалда бажарилиши лозим бўлган, тугалланмаган қурилиш қуввати бўйича, маблағлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;

бошланғич давр – “ноль” деб қабул қилинадиган шартли лойиҳавий сатҳдан пастда жойлашган, бино ва иншоотлар қисмларини ёки муҳандислик-коммуникацияларини барпо этиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари мажмуи;

брезент – каноп дан тўқилган, олов ёки сувга чидамли, чиришга қарши таркиблар ёки уларнинг комбинациялари билан шимдирилган зич мато. Брезентдан қурилиш материаллари, вақтинчалик конструкциялар ва иншоотларни атмосфера ёғингарчиликларидан ҳимоя қилиш учун, шунингдек, оловбардош модда шимдирилган брезент матолардан пайвандчилар учун махсус кийимлар, қўлқоплар тикишда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади;

брекчия – бир ёки бир неча тоғ жинсларининг ўткир учли (1 cm ва ундан катта) парчаларидан иборат бўлган ва бирон бир минерал модда (цемент) билан боғланган синиқ тошли жинслар гуруҳи. Табиий тош (гранит, габро)нинг қаттиқ жинсларидан олинадиган брекчия ўзининг юқори мустаҳкамлик, узоққа чидамлилик, нам ва совуққа бардошлилик кўрсаткичлари, емирилиш коэффициентининг пастлиги эвазига одамлар оқимининг катта ўтувчанлик қобилиятига эга бўлган объектлар полларини, ташқи ва ички деворларнинг фасад, цоколь элементлари: – шаҳар ободонлаштириш объектлари – фавворалар, қирғоқлар,

очиқ сув ҳавзалари, мемориал комплекслар, шаҳар монументлари, парк ва хиёбон архитектураси элементларини кошинлаш учун мос келади:

– Юмшоқ жинслар (мармар, илон терисини эслатувчи мармар тури) тайёрланган брекчия юқори декоратив сифат кўрсаткичларига эга. Ундан интеръерни безатишда кўпроқ фойдаланилади. Чунки унинг қаттиқлик, совуқбардошлик, емирилувчанлик кўрсаткичлари қаттиқ жинслар гуруҳининг шундай кўрсаткичларига қараганда анча пастдир. Юмшоқ жинслардан олинадиган брекчияни кошинлаш учун қўллашнинг асосий соҳалари: – одамлар оқими бўйича кам ўтувчанликка эга бўлган хусусий уйлар ва бинолардаги поллар, деворлар ва ички зинапоялар; – жамоат биноларидаги деворлар, устунлар; -ванна хоналари, сауна ва ҳовузлар; – нисбатан юмшоқ иқлимли ҳудудларда жойлашган биноларнинг фасадлари ва кириш гуруҳлари элементлари (ташқи зинапоялар бундан мустасно)дир;

бризол – нефть битуми, резина (эскирган шиналар) парчалари, асбест толаси ва пластификаторни аралаштириш натижасида чиғирлаб тайёрланадиган материал. Ундан ерости металл конструкциялари ва қувурўтказгичларни коррозиядан ҳимоя қилишда фойдаланилади;

бровка – грунт кўтармалари нишабликларининг горизонтал сирт билан кесишиш чизиғи;

брусокли перемичкалар (БП) – унификацияланган арматураланган йиғма темир-бетонли перемичкалар (тўсинлар) бўлиб, улар тўғри бурчакли кесимга ёки таянч полкасига эга бўлади, улар ғиштли биноларда ораликларнинг устки қисмини ёпишда қўлланади;

буғланиш (учувчанлик) – қаттиқ ёки суюқ жисмларнинг буғсимон ҳолатга ўтиш хусусияти. Буғланиш тезлиги (вақт бирлигига юза бирлигидан оғирлик йўқотилиши) билан миқдорий тавсифланади;

бузмасдан назорат қилиш усули – маҳсулотни бузмасдан ёки ашёнинг муайян хоссалари айрим жисмоний катталикларга асосланган намунасини танламасдан (акустик, электрик, механик, магнитик ва б.) ашёлар тавсифини ва сифатини аниқлаш;

бункер – сочилувчан материаллар (кўмир, қум, цемент ва ҳ.к.лар)ни қисқа муддатли сақлашга мўлжалланган ва пўлат, темир-бетон, ёғочдан тайёрланадиган сиғим. Бункердан техника соҳасида вентиляция ва ҳавони кондиционерлашда ушлаб қолинган чангларни тўплаш сифатида ҳам фойдаланилади;

бурғулаш қозиқлари – бурғулаш қозиқлари темир-бетон, бутобетон ва грунтбетонли бўлади. Бундай қозиқлар бурғуланган скважиналарни бетон қоришмаси билан тўлдириш ёки шу скважиналарга темир-бетонли элементларни ўрнатиш йўли билан бажарилади. Қуриш усули бўйича бурғулаш қозиқлари қуйидагилар:

– **бурғулаб тўлдириладиган камуфлет товонли қозиқлар** – скважиналарни бурғулаш ва ундан кейин шу скважиналарни портлатиш орқали кенгайтириш ҳамда кенгайтирилган скважиналарни бетон қоришмаси билан тўлдириш йўли орқали ҳосил қилинади;

– **бурғулаб тўлдириладиган яхлит кесимли қозиқлар** – (кенгайтирилган ёки кенгайтирилмаган, чанг-гилли грунтларда ерости сувлари сатҳидан юқорида бурғуланган скважиналарга бетон қуйилиб, унинг деворлари маҳкамланмасдан бажарилади, бошқа ҳар қандай грунтларда эса ерости сувлари сатҳидан пастга скважиналар деворини гилли қоришма ёки чиқариб олинадиган инвентарь тешик (обсадкали) қувурлар билан маҳкамлаб бажарилади);

– **бурғулаб тўлдириладиган ичи бўш қозиқлар** – кўндаланг кесими доирасимон бўлган бундай қозиқлар кўп секцияли вибро ўзакни қўллаш йўли билан қурилади;

– **бурғулаш-инъекцион қозиқлар** – бундай қозиқлар бурғуланган скважиналарни майда донали бетон қоришмасини ёки цемент-қумли қоришмани сиқилган ҳаво босими остида ҳайдаш йўли билан қурилади;

бурчакдаги оралиқ девор – бино бурчаги ва шу бурчакка яқин жойлашган дераза ёки эшик орасидаги оралиқ девор;

бутобетон – харсанг тош тўлдирувчили бетон;

бутобетон (йирик тош) ётқизма – буто тошларидан терилган тошдеворлар ва қатламларда ётқизилган бетон аралашмалари, қолипларда бажарилади ёки тик деворлар траншеяларида амалга оширилади;

бўйлама қатор – конструкциянинг сиртқи юзаси бўйлаб узун ён қирраси билан ётқизилган ғиштлар ёки тошлар қатори;

бўктириш – қаттиқ жисм томонидан суюқлик ёки унинг буғларини шимдириш жараёни бўлиб, бунда тана ҳажмининг ошиши кузатилади;

бўр – оҳактошнинг бир тури бўлиб, бир жинсли, оқ рангли майда донадор бўялувчи органоген чўкинди жинс. Таркиби $CaCO_3$ 91-98 %, тана ҳажм оғирлиги 1500-1600 kg/m^3, ғоваклиги 40-50 %, намлиги 20-35 %, мустаҳкамлиги 4-5 МРа дан кўп бўлмаган. Бўр нефелин рудаларини глинозем, цемент ва сода қайта ишлашда технологик хомашё сифатида, қурилиш оҳагини олишда, портландцемент ишлаб чиқаришда, шиша саноатида, шўр тупроқларни оҳаклаш учун қишлоқ хўжалигида, тўлдиргич сифатида резина, кабель, лак-бўёқ, полимер, қоғоз ишлаб чиқариш саноатида қўлланилади;

бўртиқ-ботиқ қобиқ – асосий эгриликлари турли белгиларга эга, эгарсимон қобиқ;

бўрттирилган облицовка учун поливинилхлоридли лист – қурилиш материали, вакуум ва механик пневмоформалаш усули билан бир ёки икки қатламли лист плёнкалардан тайёрланадиган листлар. Структураси ва рангига қараб тўрт турдаги листларга ажратилади; бир қатламли бир рангли ёки кўп рангли; икки қатламли бир рангли ва икки қатламли кўп рангли. Улар бўрттирма ёки босилган расмли, силлиқ ёки босма нақш туширилган олд юзали бўлиши мумкин;

бўрттирилган (кўпиксимон) перлит – перлит, витрозит, обсидианнинг вулқон суви миқдорига эга бўлган шишаларини айланма ёки шахта печкаларида махсус режим бўйича 950 дан 1150 ℃ гача температурада пишириш йўли билан бўрттириш орқали олинадиган ғовакли тош кўринишидаги сунъий материал. Унинг тўкма зичлиги, одатда, 80 дан 450 kg/m^3 гача, цилиндрдаги сиқилиш зичлиги 0,1 МРа дан камроқ бўлади;

бўртувчан грунт – сув ёки бошқа суюқлик билан намланганда ўз ҳажми бўйича кенгаядиган ва нисбий бўртувчанлик коэффициентига эга бўлган грунт (эркин бўртиш шароитларида esw>0,04);

бўш оралиқ – бино ва иншоотларнинг тўсувчи конструкцияларидаги бўш оралиқлар бўлиб, улар эксплуатацион мақсадларда ёки тўсувчи конструкцияларни монтаж қилиш учун қолдирилади;

бўшлиқли ғишт – ҳар хил шакл ва ўлчамдаги бўшлиқли ғишт. Бўшлиқлари горизонтал ва вертикал бўлган ғишт;

бўшлиқли тош – маҳсулотга керакли кўриниш хусусиятларни бериш учун қолиплаш жараёнида тешикли ёки бир нечта вертикал бўшлиқли девор тоши;

бўёқ – суюқ ёки пастага ўхшаш, пигментли лак-бўёқ материал сифатида плёнка каби модда ҳосил қилувчи олиф, ҳар хил маркали ёки сув дисперсли синтетик полимерлар ва бўяладиган юзага сурилганида ярқирамайдиган қоплама;

бўз ер – йиллар давомида ишлов берилмайдиган ер майдони;

бўяладиган сирт – юзасига лак-бўёқ қатлами бериладиган ёки берилиши (сурилиши) лозим бўлган сирт;

вагонка – юпқа қоплама материал бўлиб, уни четлари қирқилган тахтадан бир ёки икки томонини силлиқлаб, тахта ён томонининг тўртдан бир қисмига шпунт ёки фальц очиб тайёрлашади. Дастлабки материал турига боғлиқ ҳолда улар қуйидаги – ёғочли (материал – соф ёғоч), пластикли (материал – поливинилхлорид), MDF турларига бўлинади (MDF – инглизчадан таржима қилганда ўртача зичликдаги ёғоч толали плитани англатади);

вайма – елимлаб бирлаштириладиган тахталарни поналар ёрдамида қисиш учун мустаҳкам ёғочдан тайёрланадиган мослама (скоба);

вақт мувозанати – иш, ишдан ташқари ва эркин вақтнинг катталигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими;

вақт қаршилиги – қаралсин: мустаҳкамлик чегараси;

вальма – учбурчак шаклига эга бўлган ва бинонинг кўндаланг томонида жойлашадиган том нишаби (чодирсимон том нишаби);

вальмали том – тўртта нишабли пештоқли том, икки нишаби – вальма, бинонинг учларига қараган;

ванта – баланд металл қувурлар, радио мачталари, шамол двигателли миноралари маҳкамлаш учун қўлланадиган пўлат тослар (канатлар). Вантли конструкциялар – осма томлар, кўприклар бикир таянчлар ишлаши ва пўлат тослар (стерженлар)нинг чўзилиши уйғунлашишига асосланган бошқа конструкциялар;

вентиляция блоки – темир-бетондан ишланган вентиляция блоклари кўп ҳолларда айлана ёки квадрат шаклидаги тешикларга эга бўлган тўғри бурчакли бетон плиталарни ўзида намоён этади. Турар жой ва жамоат биноларида табиий вентиляцияни яратишга мўлжалланган;

вентиляцияланувчи панеллар (шамол ўтказувчи панеллар) – ҳавонинг айланишини таъминловчи битта ёки бир нечта текисликларга эга бўлган панеллар;

веранда – бинога туташтириб ёки ички қисмдан қурилган ҳамда бинодан алоҳида, енгил шийпон кўринишида барпо этиладиган, очиқ ёки ойнаванд, иситилмайдиган хона;

вермикулит – гидрослюдалар, магний ва темирнинг сувли асосий алюмосиликатлари гуруҳидан олинадиган минерал. Вермикулит қўнғир, бронза тусли-сариқ, яшил рангларда учрайди. Минералогик шкала бўйича қаттиқлиги 1-1.5; зичлиги 2400-2700 кг/м³ ни ташкил этади. Кукунсимон вермикулит емирилишга чидамли ва мойлаш хоссалари бўйича графитга ўхшайди;

вермикулитбетон – бўрттирилган вермикулит тўлдирувчили енгил бетоннинг бир тури. Ўртача зичлиги (ҳажми бўйича) 250-400 кг/м^3 бўлган вермикулитбетондан саноат ускуналарини изоляция қилишда ва биноларнинг тўсувчи конструкцияларига иситиш қопламасини ишлатишда фойдаланилади. 600-1000 кг/м^3 ўртача зичликка эга бўлган анча оғир (конструктив изоляцияли) вермикулитбетон девор панеллари, блоклар, тўсувчи конструкциялар ва ҳ.к.ларни тайёрлашда қўлланади;

вермикулитли плита – экологик тоза материал бўлиб, у бир вақтнинг ўзида юқори оловбардошлик ва иссиқбардошлик хоссаларни товуш ютувчанлик, иссиқликни изоляцияловчи кўрсаткичлар билан биргаликда ўзида уйғунлаштиради, шунингдек, чегараланмаган эксплуатация муддати орқали ажойиб декоратив хоссаларни мужассам этади. Вермикулитли плиталар кимёвий жиҳатдан нейтрал бўлиб, улар инертлик характерига ва ўз таркибига кўра ноорганик табиатга эга, бу плиталар таркибида ишқорли аралашмалар мавжуд эмас, коррозияга учрамайди. Плиталарнинг таркибига гидрофоб модда ҳам киради, унинг ҳисобига сувнинг капиллярли сўрилиши тўлиқ бартараф этилади. Зарур бўлганда плиталарнинг сиртини одатдаги эмульцион ёки текстурали бўёқ билан бўяш мумкин. Шунингдек, плиталарнинг сиртини одатдаги ва қийин ёнувчан шпон (бир қаватли юпқа фанера), пластик билан қоплаш мумкин. Шифт ёки деворларни декоратив материаллар билан қоплашда ламинацияланган сиртга эга бўлган плиталардан фойдаланилади;

вертикал зинапоя – горизонтга нисбатан қиялик бурчаги 75^0 дан кўп бўлган зинапоя;

вертикал кўкаламзорлаштириш – тик сатҳларни кўкаламзорлаштириш учун жамалак ва чирмашувчи ўсимликлардан фойдаланиш. Уй-жой ва ишлаб чиқариш хоналарини механик ва шовқиндан, ифлосланишидан ҳимоя қилиш учун соғломлаштириш тўсиқларини яратишга имкон беради, уларнинг микроиқлим шароитини яхшилайди, эстетик аҳамият касб этади;

вестибюль – ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва оқимини тақсимлашга мўлжалланган, бинонинг ички қисмига кириш олдидаги хона;

виадук – йўлларнинг жарликлар, тоғли даралар, дарёларнинг ботқоқли кенгликлари ва ҳ.к.лар билан кесишган жойларида қурилган таянчлар устига ўрнатиладиган, катта узунликка эга бўлган кўприк иншооти. Виадук учун таянчлар баландлиги ва оралиқлар ўлчамларининг четки томондан ўрта томонга яқинлашган сайин аста-секин ўсиб бориши характерлидир;

вибрацияга қарши ҳимоя – муҳандислик тадбирлари тизими бўлиб, бу тизим иншоотларга кўрсатиладиган динамик таъсирларни пасайтириш, жадал тебранишларни бартараф этиш ва конструкциялар тебранишларини сўндириш, одамларни вибрациядан ва юқори аниқлик билан ишловчи ускуналарнинг вибрациясидан ҳимоя қилиш учун шарт-шароит яратади. Вибрация ҳимояси тадбирлари – тебранишлар манбаини бостириш ва иншоотга кўрсатиладиган динамик таъсирларни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар; режавий ва конструктив тадбирлар, иншоотларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирлашиш шарт-шароитларининг ўзгариши;

виброизоляция – тебраниш манбаи ва ҳимоя қилинадиган объект орасига жойлаштириладиган қурилмалар воситасида тебранишдан ҳимояланиш методи;

виброштамповкали қозиқлар – бу қозиқлар скважиналарни қазиш ва бетон қуйиш жараёнида қозиқ девори атрофидаги грунтни виброштамп (махсус металл қувур) ёрдамида зичлаштириш йўли билан қурилади;

вимперг – бинолар пештоқ (портал)лари ва дераза ўринларининг охирги қисмини якунловчи баланд ўткир учли декоратив фронтон;

винипласт – поливинилхлорид (ПВХ) ва перхлорвинил смола асосида пластификатор қўшилмаган ҳолда олинадиган ҳамда термик ва ёруғлик стаблизаторлари, антиоксидантлар (қайта ишлаш ва фойдаланишда материал бузилишининг олдини олувчи),

мойлаш моддалари (ишлов берилиш ва қайта ишланишини енгиллатувчи), пигментлар ва термопластик бўёқлар миқдорига эга бўлган қаттиқ шаффоф пластик масса. Винилпласт ҳидсиз ва ёнмайдиган материал, унга осон механик ишлов берилади, 230-250 °С да енгил пайвандланади, яхши елимланади, +20 дан -80 °С гача бўлган ҳарорат оралиқларида эксплуатация қилинганда яхши диэлектрик материал сифатида хизмат қилади. Винипласт кислоталар, ишқорлар ва алифатик углеводородлар таъсирига чидамли, лекин ароматик ва хлорли углеводородлар таъсирига чидамсиз. Қурилиш ва кимё саноатида қувурўтказгичлар, сиғимлар, листлар, профиллар тайёрлашда кенг қўлланилади;

винт – элементларни бирлаштириш ва фиксациялаш учун мўлжалланган битта учида ташқи резбага ва иккинчи учида буровчи моментни узатиш учун конструктив элементга эга бўлган стержен шаклида бажариладиган маҳкамлаш детали;

винтли қозиқлар (металл учли) – махсус ўрнатгичлар (машиналар) билан грунтга вертикал ёки 45° бурчак остида бураб ўрнатиладиган қозиқлар;

витраж – дераза, эшик бўшлиғига ёки алоҳида ромга ўрнатиладиган, мустақил панелни ифодаловчи ойнадан ёки плёнкали декоратив композиция, шунингдек, бино фасадини ёки унинг муҳим қисмини яхлит ойналаш;

волакнит – пахта толаси ва термик фаол боғловчи (масалан, фенолформалдегид смоласи) асосидаги пластмасса. Унинг зичлиги 1250-1450 кг/м^3, эгилишга мустаҳкамлиги 40-90 МРа ни ташкил этади. Волакнит шестёрналар, втулкалар, қурилиш панеллари, подшибник вкладишлар, аппаратларнинг корпуслари ва қопқоқларини ишлаб чиқаришда қўлланилади;

воҳа – уни ўраб турган ҳудуддан фарқли ва аниқ табиий чегарага эга ўзига хос хусусияти билан ажралиб турувчи кўркам ҳудуд;

врубка – ёғоч конструкциялари элементларининг уланиши, унда бир элемент ёки унинг бир қисми бошқасининг чуқурчасида жойлашади ва улар орасидаги кучлар бевосита уларнинг бир-бирига тегишиши орқали узатилади;

вулканит – асбест, диатомит (трепел) ва оҳак аралашмасини аввал қолиплаш, сўнгра автоклавли ишлов бериш йўли билан доналаб олинадиган иссиқлик изоляцияловчи материал бўлиб, у қувурўтказгичлар ва саноат ускуналарининг қайноқ (600 °С гача бўлган ҳароратдаги) сиртини иссиқликдан изоляциялаш учун қўлланилади;

вулқон кули – магманинг табиий майдаланган, ҳурпайган юпқа қобиқли жинс (ўлчами 0,05-2 mm), таркиби вулқон шишасининг заррачалари, жинс ҳосил қилувчи минералларнинг кристаллари ва вулқон натижасида чиққан турли тоғ жинсларининг парчалари. Вулқон кули енгил бетон, цемент, иссиқлик изоляциялаш материаллари, филтр массалари ва бошқаларни тайёрлашда қўлланилади;

вулқон туфи – чақилган чўкинди ғовак тоғ жинслари бўлиб, улар сочилган жинсларнинг зичланган парчаларидан ва кулли материал билан цементлашган магматик минераллардан ташкил топган. Кимёвий таркибига кўра вулқон туфлари турлича бўлади ва вулқон отилишидан ҳосил бўлган лава таркиби (риолит, андезит, базальт ва ш.к.лар)га мос келади. Вулқон туфлари турли – пушти, тўқ сариқ, қизил, қўнғир ва бошқа рангларда учрайди, улар сезиларли даражадаги ғоваклиги, кичик зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги, етарли мустаҳкамлиги ҳамда узоққа чидамлилиги, шунингдек, яхши ишлов берилувчанлиги билан тавсифланади. Бу хоссалар уларни биноларнинг деворлари учун пардозлаш материали сифатида, майдалангандан ва фракциялангандан кейин эса енгил

бетонлар учун тўлдирувчилар, кукунли кўринишда боғловчи моддаларга қўшиладиган фаол қўшимча (пуццолан, трасс) сифатида муваффақиятли қўллаш имконини беради;

газ тармоғи – ёнувчан газларни бирор манзилдан истеъмолчига етказиш учун мўлжалланган қувурўтказгичлар, жиҳозлар ва ускуналар мажмуаси;

газ таъминоти – халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун газ ёқилғисини уюштирилган равишда узатилиши ва тарқатилиши;

газ тозалаш иншоотлари – атмосферага ташланадиган саноат газларини тозалш учун муҳандислик конструкциялари ва қурилмалари;

газ тозалаш – саноат газларида мавжуд бўлган қаттиқ, суюқ ёки газсимон аралашмаларни ажратиш технологик жараёни;

газгольдер (газ тўплайдиган ва тақсимлайдиган иншоот) – газни тақсимлаш қувурларига ёки қайта ишлаш қурилмаларига узатишдан олдин, газни қабул қилиш ва сақлаш учун стационар пўлат иншоотлар. Улар, алмашувчан (ҳўл, газ йўқлигида сув билан тўлдириладиган) ва доимий (қуруқ) ҳажмли бўлади;

газли ёнғин ўчириш модули – умумий коллектор ва қўлда фаоллаштириш қурилмаси билан бирлаштирилган газли ёнғин ўчириш модуллар гуруҳи;

газли ёнғин хабар бергич – материалларнинг ёниши ёки туташи пайтида ажралиб чиқадиган газларга сезувчан ёнғин хабар бергич;

газобетон – ячейкали бетоннинг бир тури бўлиб, бу бетон боғловчи, қум ва сувнинг газ ҳосил қилувчи қўшимчалар аралашмасидан олинади. Газобетон тайёрлаш учун портландцемент ёки аралаш, масалан, портландцемент, оҳак ва майдалаб гранулаланган шлак аралашмаси боғловчи сифатида хизмат қилади; кварц (майдаланган ёки қуруқ ҳолатдаги) қуми унинг кремнеземистли компоненти ҳисобланади. Алюминий кукуни кўпинча газ ҳосил қилувчи модда вазифасини бажаради;

газзолобетон – ячейкали бетоннинг бир тури бўлиб, у портландцемент, майдаланган оҳак – кипел, ИЭС учувчи кули (зола-унос), алюминий кукуни ва сувни аралаштириб тайёрланади;

газогипс – ячейкали бетоннинг бир тури бўлиб, қурилиш гипсидан, сув – оҳак ва кипелкалардан тайёрланади. Гипснинг қотиш (бирикиш) тезлигини тартибга солиш учун фаол қўшимчаларни қўшиш орқали эришилади;

газошлакобетон – цементсиз ячейкали бетонниг бир тури. Газошлакобетон ишлаб чиқаришда асосий боғловчи – домен печининг гранулаланган шлаклари, кремнезёмсимон компонент сифатида майдаланган қум ёки ИЭС кулидан фойдаланилади. Фаоллаштирувчи шлак сифатида – оҳак, гипс ёки суюқ шиша; газ ҳосил қилишда – алюминий пудраси;

гайка – буровчи моментни узатиш учун резбали тешикка ва конструктив элементга эга бўлган маҳкамлаш детали;

галерея – 1) муҳандислик ва технологик коммуникациялар, бино ёки иншоотлар хоналарни боғловчи ҳамда одамлар ўтиши учун мўлжалланган ер юзида ёки ер юзидан маълум масофа юқорида, мутлоқ ёки қисман ёпилган, горизонтал ёки эгик чўзиқ иншоот; 2) томоша залининг (аудиториянинг) юқори қавати (ярус);

галтель – шифт плинтуси бўлиб, у шифтнинг девор билан туташган жойидаги чокни ёпиб турувчи планка сифатида хизмат қилади;

галька – тоғ жинсларининг сув билан ювилишидан ҳосил бўладиган парчалар бўлиб, уларнинг йириклиги 10 дан 150 mm гача бўлади. У майда валун тошлари (табиатда

дарёларда, денгизларда, кўлларда учрайдиган табиий ҳолатда ишлов берилган, силлиқланган тоғ жинси бўлаклари)га ўхшаш бўлган хосса. Галька асосан, дренажлар қуришда, кошинлашда, йўлларга тош ётқизишда қўлланилади;

гардиш – бинонинг юқорида тугалланиш қисми; гумбаз таянадиган цилиндр ёки кўпёқлик;

геодезик ишлар – қурилиш объектини хандасавий ўлчамларини лойиҳага монанд эканлигини таъминловчи, ўзида геодезиявий белгилаш асосини яратиш, қурилиш жараёнида белгилаш ишларини олиб бориш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилишини хандасавий аниқлигини геодезиявий назорат қилиш ҳамда қурилаётган бино ва иншоотни шакл ўзгариши устидан геодезиявий кузатув олиб боришни ўз ичига олувчи ўлчашлар ва қурилиш;

геодезик асос – қурилиш объектининг режавий ва баландлик ҳолатини аниқлаш учун жойда маҳкамланган геодезик белгилар тури;

геосинтетик материаллар – тупроқнинг техник хусусиятини ёки турли қурилиш конструкциялари элементларини яхшилаш учун геотехникада ишлатиладиган синтетик ёки табиий полимерлардан тўлиқ ёки қисман тайёрланган материаллар;

герметиклар – полимерли композициялар (пасталар, ёпишқоқ қоришма, эритмалар) бўлиб, улар қурилиш конструкцияларининг чоклари ва туташган жойларида сув ва бошқа моддаларни ўтказмасликни таъминлашда қўлланилади;

гидравлик лифт – олдга ҳаракатлантирувчи гидроприводли электрнасосли лифт;

гидравлик оҳак – маҳсулот, таркибида 6 % дан 20 % гача лой аралашмаларини ўз ичига олган мергелистсимон оҳактошларни (900 ^{0}С дан 1100 ^{0}С гача) юқори ҳароратда пиширish натижасида олинган ноорганик боғловчи. Таркиби CaO, $2CaO \cdot Al_2O_3$, $2CaO \cdot SiO_2$, $2CaO \cdot Fe_2O_3$. Охирги учта бирикма уни гидравлик қаттиқлаштириш қобилиятини юзага келтиради. Гидравлик оҳак қурилиш қоришмаси ва паст қувватли бетон тайёрлашда ишлатилади;

гидравлик тўсиқ – сув қатлами газларни исталмаган йўналишда оқишига ҳалал бериб, уларни бир фазодан бошқасига ўтишига тўсқинлик қилувчи ускуна (қувурўтказгичдан хонага, қувурўтказгичнинг бир қисмидан иккинчисига);

гидроизоляцион материаллар – юқори даражадаги сув ўтказмаслиги ва сувга чидамлилиги билан ажралиб турувчи материаллар;

гидроизоляция – бино ва иншоотларнинг қисмлари, конструкциялари, резервуарлар ва ҳ.к.ларни сув ўтиши ёки сув таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи, шунингдек, шу мақсадлар учун бино ва иншоотлар қисмларининг ташқи ёки ички юзаларидаги махсус конструктив элементлари, сув ўтказмайдиган қатламларидир;

гидроизоляция қатлами – сувнинг оқиб киришига қарши таъсир кўрсатиш учун гидроизоляцион материаллардан бажариладиган қатлам;

гидрослюдлар – минераллар гуруҳи, сувли алюмосиликатлар калий, магний, темир, алюминий ва бошқа катионлар. Уларнинг асосий вакилларини иллит (гидромусковит), вермикулит, глауконит ва б. Улар керамогранит (иллит), товуш ва иссиқлик изоляция материаллари ҳамда ядро энергетикаси учун изоляцияловчи материаллар (вермикулит) ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади;

гидротехник бетон – доимий ёки даврий равишда сув билан ювиладиган иншоотларни ёки уларнинг қисмларини қуришда қўлланиладиган махсус бетон тури.

Гидротехник бетон юқорида таъкидланган шароитларда иншоотларнинг узоққа чидамлилигини таъминловчи комплекс хоссаларга эга;

гидротехник тўсиқ – оқаётган сув оқимини бошқариш мақсадида қўлланиладиган гидротехник иншоотларнинг сув узатувчи тешикларини ёпиш ва очиш учун, сувни тўсувчи ҳаракатланувчи қурилма (сув ташлаш тўғони, шлюз, қувурўтказгич, гидротехник тоннель ва шу кабилар);

гидротехника иншоотлари – сув ресурсларидан фойдаланиш ёки сувнинг бузувчи таъсирларини бартараф этиш учун мўлжалланган, муҳандислик иншоотлари умумий номини англатувчи иншоотлар бўлиб, уларга тиргак иншоотлар (плотиналар, дамбалар ва ҳ.к.лар), сув ўтказувчи (каналлар, гидротехник тонеллар, лотоклар, қувурўтказгичлар ва ш.к.лар), сув транспорти (сузувчи шлюзлари, сузувчи кўтаргичлар, причаллар ва бошқалар), гидроэнергетика (ГЭС бинолари, босимли сув ҳавзалари ва ҳ.к.лар), гидромелиоратив (суғориш ва қуритиш каналлари, дренажлар, коллекторлар ва ш.к.) иншоотлар, сув таъминоти ва канализация иншоотлари (насос станциялари, сув тўплаш миноралари, резервуарлар ва бошқалар), балиқ хўжалиги иншоотлари киради;

гидрофобли портландемент – портландцемент клинкери, гипс (SO_3 бўйича 1,5 % дан кам бўлмаган ва 3,5 % дан кўп бўлмаган миқдорларда) ва гидрофобизацияловчи қўшимча (асидол, асидол милонафт, олеин кислотаси ёки оксидланган петролатум)ни модданинг қуруқ ҳолати бўйича цемент массасига нисбатан 0,06 % дан 0,30 % гача миқдорда қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда;

гил – чўкинди жинсларнинг гидроалюмосиликатга эга бўлган тури бўлиб, у пластик хамир ҳосил қилувчи ноёб хусусиятга эга. У ташқаридан қўйилган куч таъсирида берилган шаклни ҳосил қилган ҳолда яхлитликни йўқотмасдан деформацияланади, бундай ҳолатни қуритилгандан кейин ҳам сақлаб қолади, пиширилгач эса тошсимон жисмга айланади;

гил – грунтли клинкер – паст асосли кальций алюминатларидан ташкил топган клинкер;

гилсимон грунт – минераллар боғланган грунт, пластиклик сони Ip>1 бўлган;

гипар, гиперболик параболоид – юпқа деворли том ёпиш конструкцияси бўлиб, у Гауснинг иккинчи тартибли, манфий ишорали эгри чизиқли сиртини ўзида намоён этади;

гипс – чўкинди ҳолатда (кимёвий) пайдо бўладиган сульфатли тоғ жинси бўлиб, у гил, қум, органик моддаларнинг аралашмасига боғлиқ ҳолда оқ ёки оч кулранг тусдаги кальцийнинг икки молекуляр сувли сульфати ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) – шу ном билан аталадиган минералдан ташкил топган мономинерали донадор кристалли структурага эга бўлади;

гипс боғловчили бетон – ярим сувли гипс ёки ангидрит асосли (шу жумладан гипс-цемент пуццолан ва бошқа боғловчиларга эга бўлган) бетон;

гипс толали лист – гипсли боғловчи ва целлюлоза толаларидан (пахмоқли чиқинди қоғозлар) олинадиган гипс толали лист;

гипс толали оддий лист – гипс толали листлар асосан қуруқ ва нормал намлик шароитида бинолар ва уларни ички пардозлаш учун ишлатилади;

гипс толали плита – толали тўлдиргич қўшилган гипсдан тайёрланадиган плита;

гипс тош – қотиб қолган гипс хамири (пастаси) сув билан ярим сувли “α” ёки “β” модификацияли кристалли двугидрат ҳолатида аралаштириш натижасида олинади;

гипсобетон – юқори мустаҳкамликка эга бўлган гипс ёки гипсцемент-пуццоланли боғловчи, сув, тўлдирувчилар ва кимёвий қўшимчалардан ташкил топувчи, қотган

аралашмаларни ўзида намоён этган тошсимон сунъий қурилиш материали;

гипсокартон листи бурчаклари ва қирраларининг шикастланиши – гипсокартон бурчаклари ва қирраларининг картон билан биргаликда эзилиши ёки фақат гипс сердечнигининг бузилиши;

гипсокартон листи кўндаланг кесимининг намунаси – листдан кесиб олинган намуна бўлиб, бу намуна узунлигининг йўналиши листнинг энига мос тушади;

гипсокартон листлар – ўзаги ёнмайдиган гипсдан иборат, барча текисликлари, қирраларидан ташқари, ўзагига маҳкам ёпиштирилган картон билан қопланган листсимон маҳсулотлар;

глазурь – керамик (сопол) плитка сиртини қоплайдиган ва юқори температурада пишириш йўли билан маҳкамланган юпқа шишасимон ёки қисман кристаллаган қатлам;

глиноземли оловбардошлар – негизида алюминий оксиди бўлган оловбардош буюмлар гуруҳи. Глиноземист оловбардош икки турга ажратилади – массасининг 95 % дан ортиғи алюминий оксиди бўлган корундлилар ва қўшимчалар билан 85 % дан кам бўлмаган корундлилар;

гнейс – сланцли, дала шпатига бой бўлган метаморфик тоғ жинси; чақиқ тош тайёрлашда, тротуар плиталари ёки пардозлаш материаллари сифатида қўлланилади. Таркибидаги минералларга боғлиқ ҳолда гнейс биотитли, раговообманкали, графитли ва ҳ.к. турларга бўлинади;

гонт (ёки дранка) – тўғри қатламли йўғон, юмшоқ ёғоч навлари (арча, қарағай, кедр, оқ қарағай, липа, ольха, тоғтерак)дан қалин қиррасида тарновчага эга бўлган понасимон тахтачалар кўринишида тайёрланадиган том ёпиш материали. У оддий бинолар томларини ёпишда қўлланилади;

горельеф – ҳайкал безакнинг текислик орқали ярмидан кўпроқ чиқиб туриши;

гофр – бикрликни ошириш учун тўлқинсимон шакл берилган юпқа металл, асбофанер ёки фанер листлари. Гофр шаклида бажарилган тўсин деворлари уларнинг бикрлиги ва девор материали муайян жойининг шишига қарши турғунлигини таъминлайди (гофрланган деворга эга бўлган тўсинлар);

градирня – сув совутиш иншооти;

гранит – табиатда кенг тарқалган, таркибида 65 % дан 75 % гача SiO_2 бўлган, вулқон отилишидан пайдо бўлган ишқорли тоғ жинси. Гранит таркибига массага нисбатан фоизларда калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин) ёки ишқорли плагиоклаз – 40 % дан 60 % гача, кварц – 20 % дан 40 % гача ва гранитга оч кулранг ва қорамтир-тўқ қизил ранг берувчи тўқ рангли минерал (биотит)лар 5 % дан 20 % гача миқдорда бўлади;

гранулаланган шлаклардан иборат бўлган қум – рангли металлургия шлакларини махсус майдалайдиган, саралайдиган ускуна билан майдалаш йўли орқали олинадиган ноорганик донали сочилувчан материал бўлиб, доналарининг йириклиги 5 mm гача бўлади;

грунт – барча турдаги тоғ жинсларининг умумлашган номи бўлиб, у муҳандислик ва қурилиш соҳасидаги инсон фаолиятининг объекти ҳисобланади;

грунт муҳити билан қўшилган пойдеворлар – тиргак деворлар ва грунт ичидаги деворлар бўлиб, улар қоидага кўра, замин билан биргаликда яхлит бир бутунлиликни ташкил қилади ва бундай деворлар пойдеворнинг мустақил алоҳида конструкцияси сифатида ажратилиши мумкин эмас;

грунтцементли қозиқлар – сепиб цементлаштириладиган технология бўйича

тайёрланадиган қозиқлар. Бу “ўз жойида аралаштириш” технологияси, катта босим билан бетон қоришмасини грунтга сепиш, яъни, грунтни бузиш ва бир вақтнинг ўзида цементли қоришмани грунт билан аралаштириш режими. Қоришма қотгандан кейин янги материал – юқори мустаҳкамлик ва деформацион характеристикаларга эга бўлган грунтли бетонга айланади;

грунтбетонли қозиқлар – грунтбетонли қозиқлар цементли қоришма сачратмаларини устун бурғуси монитори орқали радиал йўналишда айлантириб, кўтариб узатиш йўли билан тайёрланади;

грунтга ўрнатиладиган анкер – грунтнинг юк кўтарувчи қатламларига маҳкамланувчи, конструкциядан тушадиган чўзувчи кучлар (юклар)ни узатувчи қурилма. Анкер учта асосий қисм – бошмоқ, анкер тортқиси ва қўйма бириктиргич (илдиз)дан ташкил топади. Ишлаш шарт-шароитларига кўра, улар доимий, тиргак деворларни маҳкамлаш учун мўлжалланган анкерларга бўлинади, бундай анкерлар бир вақтнинг ўзида бинолар ерости элементи ҳисобланади ва котлованлар тўсиқларини вақтинчалик маҳкамлаш учун хизмат қилади;

грунтдаги анкер каллаги – анкернинг таркибий қисми бўлиб, бу қисм иншоотнинг унга маҳкамланадиган элементидан ёки грунтдан юкни қабул қилиб анкер тортқисига узатади. Бу анкер юкни иншоот конструкциясига узатувчи таянч плита ва юкни тортқидан плитага узатувчи маҳкамловчи элементлар (гайка, шайба, таянч плита, дастак ва конус)дан ташкил топган;

грунтли бетон – боғланган грунт, минерал боғловчилар, сув ва турли қўшимчалардан ярим қуруқ усулда олинадиган қурилиш материали;

грунтли асос – мавжуд грунт ёки ташиб келтирилган грунтни текислаш ва зичлаштириш йўли билан тайёрланадиган асослар бўлиб, улар конструкциялар орқали тақсимланадиган юкларни қабул қилиш учун мўлжалланади;

грунтли кўтарма – табиий ва (ёки) техноген грунтдан тузилган ва ер сатҳи қатламидан юқорида жойлашган муҳандислик грунтли иншоот;

грунтли қоришмалар – пластификацияловчи қўшимчалар (масалан, оҳак ва ҳ.к.лар)га қўшилган, шунингдек, бетонитли лойлардан тайёрланадиган қоришмалар;

грунтли материаллар – қурилиш материаллари, боғланган грунтлар (гил, суглинка, супеслар)ни пиширмасдан, баъзан портландцемент, кам ҳолларда оҳак, гипс, суюқ шишани қўллаш билан ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари; улар сувбардош (грунтли бетон) ва сув бардошли бўлмаган турлар (хом ғишт ва сомонли лой)га бўлинади. Грунтли бетон табиий грунтларни сув, минерал боғловчилар ва турли қўшимчалар билан аралаштириш йўли орқали олинади. Хом ғишт пиширилмаган ғиштни ўзида намоён этиб, тўлиқ қуригандан кейин у қуруқ иқлимли ҳудудлардаги кам қаватли бинолар қурилишида қўлланилади. Сомонли лой гилли грунтлар ва сомон, зиғир, каноп пояси ва бошқа толали материаллар аралаштириб тайёрланади;

грунтовка – бўяш учун тайёрланган юзанинг ғовакдорлигини камайтириш ва лак-бўёқ қопламасининг талаб этилган адгезиясини таъминлаш учун бериладиган таркиб. У пигментларнинг кам миқдорга эгалиги билан бўяладиган таркибдан фарқ қилади;

гудрон (ёғли ёки қолдиқли) – гудрон (мойли ёки қолдиқ материал) – бензин, керосин, нефть ва мойли фракцияларнинг асосий массасини қайта ишлашдан кейин қолган материал. Гудроннинг зичлиги 950-1000 kg/m^3 ни ташкил этади. Бу материал йўл

қурилишида ишлатиладиган битумларни олишда ҳамда том ёпиш ва изоляция материалларини тайёрлашда хомашё сифатида хизмат қилади. Мойли фракцияларни етарлича тўлиқ бўлмаган ҳолда ҳайдашдан олинадиган қолдиқ яримгудрон деб аталади;

гумбаз – бино ва иншоотларнинг фазовий том ёпмаси бўлиб, у айлана, кўп бурчакли, эллипссимон шаклига эга бўлади, ҳар хил қаварик эгри чизиқлар гумбазларнинг шакл ҳосил қилувчилари сифатида хизмат қилади;

ғилоф – асосий қувурўтказгични, темир ва автомобиль йўллари остидан ўтиш жойларида, бино ва иншоотлар қурилмалари орқали ётқизилаётганда, бузилишдан (ёки қувурўтказгич шикастланганда ер кўтармаси ювилиб кетишидан) ҳамда муҳандислик иншоотлари, тармоқлар билан кесишишда газ ва зарарли моддалар тарқалишидан ҳимояловчи қувур;

ғишт – донали қурилиш материали, тўғри шаклда сунъий қурилиш тоши, асосан тўғри бурчакли параллельепепид кўринишида, оҳак қум аралашмасини автоклавлаш ва лойни пиширish ёки қуритиш йўли билан тайёрланади. Ғиштлар оддий (лойдан, силикатдан) ва самарали (енгил) га фарқланади;

ғиштли гумбазлар (свод) – эгри чизиқли икки ёқлама гумбаз кўринишида бажарилган юпқа деворли гумбазсимон том ёпмаси – лойли ғишт (яхлит ва кўп тешикли) ёки силикатли;

ғиштли панель – бир ёки кўп қатламли элементлар, лойдан ёки силикат ғиштлардан тайёрланган, маркаси 75 дан паст бўлмаган, қоришманинг маркаси 50 дан кам бўлмаган ҳолда чокларни қоришма билан тўлдириш вибрация ёки вибрациясиз бўлиши мумкин. Икки қатламли панеллар қоида тариқасида қалинлиги ярим ғишт ёки ундан кўпроқ, совуқ ўтказмайдиган қаттиқ иссиқлик изоляция плитаси билан панелларнинг ташқи ёки ички томонида жойлашган ва қалинлиги 40 mm дан, қоришма маркаси эса 50 дан кам бўлмаган арматураланган пардозлаш қатлами билан ҳимоя қилинган. Уч қаватли панеллар чорак ёки ярим ғишт қалинлиги ташқи қатламлари ва қаттиқ ёки ярим қаттиқ иссиқлик изоляцияси плиталарининг ўрта қатлами билан амалга ошади;

ғов – гидротехник иншоот ёки унинг хандақини қурилиш вақтда сув босишдан сақловчи тўсиқ;

ғовак тўлдирувчили бетон – асосида ғовак тўлдирувчили сунъий ва табиий минералли, шунингдек, ғовак йирик ва зич майда тўлдиргичли бетон;

ғовак ҳосил қилувчилар – ноорганик материалларда ячейкали (ғовакли) структура ҳосил қилувчи ёки ғовакли структура ҳосил бўлишини шарт-шароитловчи моддалар. Ноорганик пеноматериаллар ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ ҳолда турли ғовак ҳосил қилувчилардан фойдаланилади;

ғоваклар ҳосил қилувчи қўшимча – бетон таркибида ҳаво ёки бошқа газ билан тўлдирилувчи ғовакларни мақсадга йўналтирилган ҳолда ҳосил қила оладиган моддалар;

ғоваклилик – материалнинг физик характеристикаси бўлиб, бу характеристика унинг ғоваклар билан тўлдирилганлик даражасини ифодалайди;

ғўла – 3,0 дан 6,5 m гача узунликка ва доирасимон кўндаланг кесимга эга бўлган ёғоч материал бўлиб, унинг сирти пўстлоқдан тўлиқ тозаланади. Ғўлалар бош қисмининг диаметри (қалинлиги), мавжуд бўлган кўзлар сони ва узунлиги бўйича таснифланади;

даврий профилдаги қовурға – арматура стержени сиртидаги кўндаланг ёки қия қовурғалар бўлиб, улар доимий ёки ўзгарувчан ораликка эга бўлади;

дағал аниқликда бўлган болт (аниқлиқ синфи С) – углеродли пўлатдан ясалган болт бўлиб, у ўзининг диаметридан 2-3 mm катта бўлган тешикка ўрнатилади. Аниқлик синфи С бўлган болтлар ҳисоблаш амалга оширилмасдан қўйилади;

дам олиш минтақаси – аҳоли томонидан анъанавий фойдаланиладиган ёки қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, саёҳат ва санаторий-курорт даволаниш учун махсус ташкил этилган табиат ҳудуди, оромгоҳ минтақа;

дамба – ҳудудни сув тошқинларидан ҳимоя қилиш, сунъий сув омборлари ва сув оқимларини тўсиш, сув оқимини йўналишли оғдириш учун мўлжалланган кўтарма кўринишидаги гидротехника иншооти;

дарвоза йўналтирувчи – дарвоза полотноси таянадиган ёки жойлаштириладиган, қимирламайдиган юк кўтарувчи элементлар;

дахлиз – кетма-кет очилувчи ташқи ва ички эшикли, ташқаридан совуқ ҳаво оқимини хонага киришига тўсқинлик қилувчи, бинога кириш учун ўтиш хонаси;

дахлиз-шлюз – бир хонадан бошқасига ёнғин, газ, буғ, чанг ва бошқа зарарли моддаларнинг ўтиш имкониятини бартараф этувчи ҳамда хоналарда берилган ҳаво муҳитини ўлчамларини сақлаш учун махсус қурилмалар билан жиҳозланган дахлиз;

девор – вертикал юк кўтарувчи ва (ёки) тўсувчи конструкция функциясини бажарувчи бино қисми;

девор – айвонли (стена терассная) – бинонинг енгил панеллардан бажарилган ташқи девори бўлиб, бу панеллар бино каркасига таянади;

девор тўсини – горизонтал элементлар (тўсин токчалари)ни бирлаштирувчи металл тўсинлардаги вертикал пластиналар;

девор – грунт ичидаги – чуқур пойдеворларни қуриш ва грунтга турли вазифалардаги иншоотларни чуқурлашган ҳолда жойлаштириш учун мўлжалланган муҳандислик иншооти;

девор – кўп қатламли – енгиллаштирилган ғиштлар билан терилган ва пардоз қатламларига эга бўлган девор. Бу қатламлар эластик боғламлар билан ўзаро бирлаштирилган бўлиб, улар юкларнинг конструктив қатламлар орасида тенг тақсимланишини таъминлайди;

девор – осма – пойдевор тўсинлари (ранд тўсинлар)га таянадиган девор;

девор тиргак – тўпланган материаллар ёки транспорт воситаларидан зўриққан грунтнинг ён томонлама босимидан ҳосил бўладиган босимни қабул қилишга мўлжалланган турли конструктив ижрода бажарилган девор;

девор шпунт – шпунтли (ёғоч, темир-бетон, пўлат) қозиқларни грунтга қоқиш билан ҳосил қилинган яхлит девор бўлиб, бу девор сув ўтказмайдиган ва гидротехника иншоотлари (соҳил бўйи деворлари, камералар, шлюзлар ва ш.к.лар)ни қуришда, котлованлар, траншеялар ва бошқа ер иншоотларини грунт кўчиши (бузилиши)дан сақлаб қолувчи тўсиқ сифатида хизмат қилади;

деворчаси тўлқинсимон елимланган фанерали тўсин – бўйлама йўналишида юқори ва пастки қирраларига тўлқинсимон ариқчали ёғоч кийдириб елимланган ва деворчаси тўлқинсимон фанера листдан бўлган қўштавр кесимли тўсин;

деворлари кесишадиган конструктив схема – ички кўндаланг ва бўйлама деворлари юк кўтарувчи, ташқи деворлари юк кўтармайдиган (осма) ёки юк кўтарувчи

бўлган ҳамда ораёпма плиталарнинг контур ёки уч томон бўйича таянилишини кўзда тутувчи конструктив схема;

декор – бино ва иншоотлар фасадлари ва интерьерларини ёки буюмларни безаш тизими. Битта ва кўп рангли бўёқлар, бадиий нақшлар, орнаментнинг турли материалларидан бажарилган ҳайкалтарошлик тасвирлари ва бошқаларни декорга мисол тариқасида келтириш мумкин;

декоратив бетон – талаб этилган эстетик хоссаларга эришиш учун бўяш, силлиқлаш, текстуралаш, нақш солиш, ўйиб шакл бериш, топпинг ва бошқа усулларни қўллаш йўли билан олинадиган бетон;

декоратив керамика – декоратив керамика бинолар ва иншоотларнинг деворлари ва ички қисмларини безатиш учун мўлжалланган. Мақсадига кўра декоратив керамикалар қурилиш (керамик плиткаларнинг барча турлари, кошинлар, тошли плиткалар, панно ва б.) ва бадиий декоратив (ҳайкаллар, вазалар ва б.)ларга бўлинади. Ўз навбатида охиргиси сирланган (форфорфаянсли маҳсулотлар ва майолика) ва сирланмаган (терракота)ларга ажратилади. Тупроқ (гил, каолин) ёки анорганик моддаларни пиширish йўли билан олинадиган керамик маҳсулотлар;

декоратив қопламалар – ички ва ташқи томондан ойнага ёки шиша пакетга ёпиштириладиган қопламалар;

декоратив полимерли панеллар – полистирол ва поливинилхлорид (полиформ, полидекор)дан тайёрланадиган буюмлар бўлиб, улар маданий-маиший ҳамда маъмурий бинолarнинг хоналари деворлари ва шифтларини пардозлашга мўлжалланган;

декоратив тошлар – бадиий, тош кесиб тайёрланадиган маҳсулотлар, нақшлар, мозаикалар, заргарлик буюмлари, шунингдек, декоратив мақсадлар учун ишлатиладиган чиройли рангли ва сайқалланган минераллар ва тошлар;

декоратив чақиқ тош (қум) – тоғ жинсларини майдалаш натижасида олинадиган декоратив хоссаларга эга бўлган чақиқ тош (қум);

дендрарий – илмий-маърифий ва хўжалик мақсадларида, дарахтлар ва ўсимликларни очиқ жойда маданийлаштириладиган дендрологик боғ;

дераза ости тахтаси – хонадаги деразанинг пастки қисмига ётқизиладиган тахта ёки плита бўлиб, у дераза блокининг таркибий қисми ҳисобланади;

дераза ости темир-бетон (ПОГ) плиталари – оқ ёки рангли цементли бетондан тайёрланган плиталар бўлиб, улар ялтироқ пардозланган сиртга эга бўлади;

дераза ости темир-бетон (ПОО) плиталари – цемент ёки оҳак боғловчи асосли бетондан ишланган буюмлар бўлиб, улар бўяшга мўлжаланган силлиқ сиртга эга бўлади;

дераза ости темир-бетон (ПОШ) плиталари – мармар чақиқ тоши асосидаги бетондан ишланган буюмлар бўлиб, улар силлиқ мозаикали сиртга эга;

дераза пластик рамаси – ички қисмида арматураловчи цинкаланган пўлат профил жойлашган пластик профиллардан ташкил топган, П симон ёки тўғри бурчакли шаклга эга бўлган профиль. Пластик ва пўлатдан ишланган профиллар шуруплар ёрдамида ўзаро бириктирилади. Рамаларнинг асосий вазифаси шундан иборатки, айнан улар конструкцияга бикрлик беради, чунки, деразалар улар орқали ўз ўрнига маҳкамланади;

дераза ромлари (блоклари) – хонани табиий ёритилиш, уни шамоллатиш, атмосфера ва шовқин таъсирларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шаффоф конструкция бўлиб, у йиғиладиган бирликлар – дераза кесакилари ва табақа элементлари

қўшиб қурилган тизимларидан ташкил топади ва бир қатор қўшимча элементлар – жалюзилар, дераза форточкалари ва ҳ.к.ларни ўз ичига олиши мумкин;

дераза табақаси – ойна билан қоплаш юзасини бўлакларга ажратиш учун мўлжалланган табақа брусларидан ташкил топган ва шу табақани мустаҳкамлаш ёки декоратив безаш мақсадида қўлланилади;

деривация – дарёдан, сув омборидан ёки шу каби ҳовуздан сувни бошқа томонга буриб юбориш ва уни ГЭС тугунига ташиш (келтирувчи Д) ҳамда ундан сувни четлаштирувчи (четлатувчи Д) иншоотлар тизими;

дермантин (гранитол) – силлиқ ёки тирналган рангли олд юзага эга бўлган ўрамли материал; пахта-қоғозли асосга нитроцеллюлозали қатламни, пластификаторни, тўлдиргичларни ва минералли пигментларни сепиш йўли билан тайёрланади; девор панеллари, эшик табақаларини пардозлашда қўлланади;

деталь – ўзида бир бутунликни намоён этувчи буюм ёки унинг бир қисми бўлиб, бузмасдан туриб уни анча оддий таркибий қисмлар (арматура стержени, шайба, пружина, дераза ости тахтаси)га ажратиб бўлмайди;

децибель (дб) – белдан 10 марта кичик бўлган, шовқин даражасини ўлчаш бирлиги;

диабаз – чуқурликда жойлашган магматик тоғ жинси (габро аналоги) баъзида тўқ кулрангдан бошлаб, то қора ранггача бўлган тусда учраса, баъзан эса, яшил рангда ҳам учраши кузатилган. Диабаз юқори ёпишқоқлиги ва паст емирувчанликка эгалиги билан ажралиб туради. Тоғ жинсларининг зичлиги 2,800-3000 kg/m^3; сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси кучи 250 МРа атрофида (унинг айрим турлариники эса баъзан 400 МРа гача етади). Ундан биноларни пардозлаш учун меъморий-қурилиш буюмлари, тошли тўсиқлар ва брусчатка ҳамда қуйма тош сифатида фойдаланилади;

диафрагма – юк кўтарувчи тизимнинг бир қисмини ташкил этувчи вертикал (деворлар ёки панжарасимон элементлар кўринишидаги) ёки горизонтал (дисклар кўринишидаги) ясси конструкция;

дизайн – нарсалар, бино ичи ва биноларни қулайлик, тежамкорлик ва гўзалликнинг муштараклиги негизида, бадиий қуриш;

динамик куч – аҳамияти, йўналиши ёки қўйилиш нуқтаси вақт жиҳатидан тез ўзгарувчанлиги билан тавсифланадиган ва қурилмалар элементларида катта инерция кучини қўзғатувчи куч;

динас – оловга чидамли материал бўлиб, у оҳакли ёки бошқа боғланишга эга бўлган кварцли жинслардан юқори температураларда пиширish билан ҳосил қилинган кремнеземни 93 % ини ўз таркибига киритади, унинг оловбардошлиги 1680-1730 °С ни ташкил этади. Саноат (масалан, кокс, шиша эритиш, металлургия) печлари қурилишида ишлатилади;

диагонал тўшама – настил одатда ёғочдан, маълум даражада бурчаклар остида, таянч конструкцияларига жойланган элементлар;

диорит – асосан дала шпати (плагиоклаз) ва шохли шпатлардан ташкил топган ўрта таркибли туб тўлиқ кристалли магматик жинс. Диоритнинг ранги, кулрангсимон майда оқ ва қора доғлари билан, тўқ яшил ёки қорамтир яшилгача. Зичлиги тахминан 2700 – 2900 kg/m^3, сиқилишга қаршилиги 150-300 МРа. Диорит юқори ёпишқоқлик, зарбага ва едирилишга, агрессив об-ҳавога чидамлилик характерига эга. Йўл қопламалари учун шебень олишда, диоритнинг баъзи навлари декоратив тош сифатида ҳам ишлатилади;

диск – ясси тизимни (оддий диск) битта бўлакли текис ўзгармайдиган тизимни ёки унинг ўзгармас қисмини (катталаштирган диск) ташкил этувчи алоҳида элемент;

дисперс арматура – бетон элементи ҳажми бўйлаб тақсимланган металл ва нометалл дисперс тола (фибра)лар. Юпқа сим кесмалари ёки шиша, базальт, асбест ва бошқа толаларнинг бўлаклари фибралар сифатида қўлланилади;

дисперсли грунт – минералларнинг бир-бири билан заиф боғланган ва турли ўлчамларга эга бўлган алоҳида заррачаларидан ташкил топган грунтдир; у қоя тошли грунтларнинг шамол таъсирида нураши, сўнгра сув ёки золо йўл билан кўчиши ва уларнинг чўкиши натижасида ҳосил бўлади;

дисперсли-арматураланган конструкциялар – ингичка пўлат симдан ясалган майда кўзли тўрлар ёки дисперсли-жойлаштирилган фибраларни ўз ичига олувчи темир-бетон (фибробетонли, армоцементли) конструкциялар;

диспетчерлаштириш – қурилиш ишлаб чиқаришини ҳамма қисмларини, маромида ва қурилиш-монтаж ишларини, илдам режалар ва ишлаб чиқариш жадвалларини бажарилишини бошқариш ва назорат қилиш, уни моддий-техникавий манбалари, ташкилотлар, ёрдамчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ишини таъминлашга қаратилган марказлашган тизим;

дозатор – ёнғин ўчириш қурилмаларида кўпик ҳосил қилувчи (қўшимча)ни сувга дозалаш учун мўлжалланган қурилма;

доимий юк – бино ва иншоотнинг бутун хизмат муддати давомида доимий таъсир этувчи куч;

доирасимон (қобиқсимон) қозиқ – доирасимон бўшлиқли темир-бетон қозиқ, бўшлиғи тупроқ ёки бетон билан тўлдирилади;

доломит – калций ва магний [CaMg(CO3)] карбонатларидан ташкил топган чўкинди тоғ жинси; шиша ва глазур ишлаб чиқаришда оловбардошли материал (пиширишдан кейин), шунингдек, безак тоши ва харсанг тош сифатида ҳамда чақиқ тош олиш учун қўлланилади;

донадор таркиб – бетон тўлдиргичларида, тупроқда ёки сунъий маҳсулотда тадқиқ қилинаётган нусхада масса (оғирлик) фоизларда ёки доналар умумий миқдори бўйича ифодаланган турли йирикликдаги доналар (зарралар) бор бўлиши;

донали материаллардан ишланадиган пол – тахта, паркет, пластмасса плиткалар, пўкакдан ишланган плиткалар, керамик плиткалар, мозаикали-бетон плиткалар устки қоплама материал сифатида хизмат қилувчи пол;

дренаж – очиқ ўзанлар ва ёпиқ, тешикли қувурлар (горизонтал), аҳоли пункти ҳудуди захини қочириш мақсадида зарур бўлган даражагача пасайтириш учун сизот сувларни тўплаш ва оқизиб юбориш учун сув сатхини пасайтирадиган қудуқлар (вертикал) тизими;

дренажли қурилма – юқори сув ўтказувчанлик, сув шимдирувчанлик қобилиятига эга бўлган ёки шундай фильтрацион хоссаларга эга бўлган материални ўз таркибига киритувчи конструкция;

дренчерли пуркагич – дренчерли пуркагич сувни ҳамда сувли эритмани сочиш ёки тарқатиб сепиш учун мўлжалланган, очиқ чиқувчи тешикли ёнғин ўчириш пуркагичи;

дюбель – қаттиқ ясси конструкцияларда ҳар-хил элементларни маҳкамлаш учун мўлжалланган ва унга винт ўрнатилганда шпонкани кенгайтириш туфайли содир бўладиган ишқаланишга асосланган маҳкамлагич, ушлаб турувчи куч ҳосил қилади;

дюкер – дарё (канал) ўзани остидан, чуқурлик (жарлик) ёнбағри ёки тубидан, чуқурликда жойлашган йўл остидан ўтказиладиган қувур ўтказгичнинг босимли қисми;

евровагонка – қиррали тахтага ишлов бериш маҳсулоти, оддий вагонкадан узайтирилган туташтирувчи ўйиқларга эгалиги билан фарқ қилади, бу ўйиқлар агар тахта деформацияга учраса, уни тирқишлар ва ёриқлар ҳосил бўлишидан ҳимоялайди. Шунингдек, евровагонка ишлаб чиқариш стандартлари уларнинг орқа томонида шамоллатиш ариқчаларининг бўлишини назарда тутади, улар тахта зўриқишининг олдини олишга ва ортиқча конденсатни чиқариш учун хизмат қилади. Евровагонка сифат жиҳатдан С (энг пастки) синфдан А (энг юқори) синфгача дифференциялаштирилади;

едирилиш – механик хусусият, ишқаланиш кучлари таъсирида материалнинг йиртилиши ва майда бўлакларга бўлиниши, юзанинг аста-секин ёки тез емирилишига қаршилик кўрсатиши. Емирилишини рақамли кўрсаткичи, бошланғич массанинг йўқолиш қиймати, унинг емирилиш майдони 1 cm^2 га тўғри келади;

елим-герметик – чоклар ва бўшлиқларни герметизация (ёпиш) қилиш учун елим;

елимлаб бажариладиган шифт – ораёпма сиртига полистиролдан квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланган плиткаларни елимлаб ёпиштириш йўли билан ҳосил қилинади. Плиткаларнинг сиртида кўпинча лепнина ёки резьбани имитацияловчи рельеф яратилади;

елимланган ёғоч арка – тахталарнинг юзасига ёки юзаси ва қирраларига елим суртиб, шу тахталарни қатламлаб бириктириш орқали олинадиган арка;

елимланган маҳсулот – елимланган конструкциянинг элементи сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот;

елимланган фанерали тўсиқ – ёғоч каркасга елимланган фанер лист, чегараловчи девор конструкциялари ёки том (ораёпма) ёпиш элементи;

елимланган фанерали тўсин – бўйлама йўналишида юқори ва пастки қирраларига ариқчали ёғоч кийдириб, елимланган ва деворчаси фанера листдан бўлган қўштавр кесимли тўсин;

елим-термопластик полимер асосли – эритма ёки қотишма кўринишида бўлиши мумкин бўлган қурилиш елимлари;

елим-термореактив смола асосли – қурилиш елими, асосини фенол-формальдегид, карбомид, меламин-формальдегид ва эпоксидли смолалар ташкил этади. Буларга полиуретан ва эфир елимлари ҳам киради;

елим-эритма – термопластик елим, қиздирилганда ёпишқоқ-қовушқоқ ҳолатга ўтади ва совутиш орқали қаттиқлашганда ёпишқоқликни таъминлайди;

енгил бетон – ғовакли йирик ва (ёки) ғовакли зич майда тўлдиргичли, цемент боғловчили бетонлар;

енгил оҳак – органик бўлмаган боғловчи маҳсулот, оҳактошни 1000 ^{0}C дан 1200 ^{0}C гача бўлган ҳароратда майдалаш ва куйдириш натижасида олинади, бўр, қобиқ жинслари, таркибида 6 %дан кўп бўлмаган гил аралашмалари бўлган доломитланган оҳактош, айланувчи печларда, “қайноқ қатламли” печларда, циклон-гирдобли печлар ва б. Ишга солинмаган донадорларнинг фаоллиги ва MgO таркибига кўра енгил оҳакнинг нави аниқланади, таркибига кўра калцийли (MgO ≤ 5 %), магнезияли (MgO тенг 5 % - 20 %) ва доломитли (MgO тенг 20 % - 40 %)га бўлинади;

EZR3847

енгил полимербетон – синтетик боғловчи, кимёвий бардошли ғовакли йирик тўлдирувчи ва кимёвий бардошли майда тўлдирувчи асосидаги зич структурали, зич ва ғовакли, ҳажмий массаси бўйича енгил (1500 – 1800 kg/m^3) ёки енгиллаштирилган (1800 – 2200 kg/m^3) полимербетондир;

енгил улоқтириладиган конструкциялар – портлаш хавфига эга бўлган ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари ва хоналарининг эҳтимолли портлаш рўй берганда улоқтирилиши лозим бўлган ташқи тўсувчи конструкциялари (ёки уларнинг элементлари), бундай конструкциялар портлаш юз берганида, босимни камайтириш ва бино, иншоот конструкцияларининг турғунлигини таъминлаш учун очиқ оралиқларни ҳосил қилади;

ендова – том икки нишабининг кесишадиган бурчак шаклидаги (бирикиш) тугуни бўлиб, бу бурчакли тугун сиртидан ёғин сувлари оқизилади. Томнинг сув йиғиш ботиқ қирраси;

ер устки қавати – хонанинг пол сатҳи ернинг (тротуар, тўшама) режавий сатҳидан паст бўлмаган қават;

ерга улаш мосламаси – ер ёки унинг эквиваленти билан алоқада бўлган металл ўтказгичи ёки тўплами. Аҳолини электр токи уришидан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади;

ертўла қавати (ертўла) – пол сатҳи, ернинг (тротуар, тўшама) режавий сатҳидан, унда жойлашган хоналарга баландлигининг ярмидан кам бўлмаган қават;

етакчи қувурўтказгич – тақсимлаб берувчи қувурўтказгичлар билан бошқарув узелини боғлайдиган қувурўтказгич;

етарлича пиширилмаган бўёқ – бўёқнинг ялтирамайдиган, жилосиз хиралашиши, пишириш ҳароратининг етарли эмаслигидан келиб чиқади;

етишиш радиуси – метр, километр ёки минут соатда ифодаланувчи масофа ёки вақтни тавсифловчи кўрсаткич, унинг чегарасида аҳоли учун у ёки бу объектларга бориб келиш осонлиги;

ечиб олинадиган модулли пол (фальшпол) – қора пол ва пол устки қопламаси орасида бўш фазога эга бўлган тизим бўлиб, бу фазо техник коммуникациялар – телефон ва электр симларини, сув қувурлари, ҳаво ўтказгичлар ва ҳ.к.ларни жойлаштириш учун мўлжалланади;

ёғоч – дарахт танасининг маълум ўлчамлар ва сифатга эга бўлган қисми бўлиб, у ёғоч ишлаб чиқариш соҳасининг якуний маҳсули ҳисобланади, механик ёки кимёвий ишлов бериш билан ундан кейинчалик яримфабрикат сифатида фойдаланилади;

ёғоч қатламли пластик – бакалит лаки билан шимдирилган силлиқ юзали юпқа фанера қатламларидан ташкил топган елимланган ёғоч бўлиб, унда қўшни қатламлар орасидаги толалар бир-бирига нисбатан берилган йўналишга эга бўлади;

ёғоч қатрони – ёғочни қуруқ ҳайдаш (пиролиз қилиш)дан олинадиган жигарранг ёки қора рангли юқори ёпишқоқ суюқ маҳсулот. Бу қатрон игна баргли ёғоч навларида қатрон парчаланиш маҳсулларидан ташқари, табиий смола миқдорига ҳам эга бўлади. Пиролиз қилишда ёғоч қатрони 10 %дан 12 %гача бўлган миқдорда чиқади; жараён 400 дан 500 °С гача бўлган ҳароратларда реторларда парчаланиш реакцияларининг экзотермик характерига эга. Қатрон суюқ дистиллатдан дистиллаш (ректификацион) устунида ажратилади.

ёғоч қипиқли плита (ЁҚП) (ДСП) – ёғоч қириндисини кўп бўлмаган (8-10 %) миқдорда мочевиноформальдегид смоласи билан аралаштириб прессланган плитани ўзида

намоён этувчи ёғоч материал. Плиталарнинг енгил, ўртача, оғир турлари мавжуд. ДСП девор конструкцияларида, полларда, пардеворларда, мебеллар ва дурадгорлик буюмларини ясашда қўлланилади;

ёғоч маҳсулотлар – ёғочдан, табиий физик ва кимёвий таркибини сақлаган ҳолда, йиқилган дарахтлардан, тушган шох-шаббалардан ва (ёки) унинг бўлакларидан кўндаланг ва (ёхуд) бўйламасига кесиб тайёрланган материаллар;

ёғоч материаллар (арраланган) – игна баргли дарахт (қарағай, арча, оқ қарағай, кедр ва ҳ.к.)лар ва кам ҳоллардагина баргли дарахт (қайин, тоғ терак, ольха, тол, қора қайин, лип)лардан асосан бўйлама йўналишда арралаш йўли билан олинадиган қурилиш ёғоч материаллари. Ёғоч материаллар радиалли, тангенциал ва аралаш арраланадиган турларга бўлинади;

ёғоч-тахта маҳсулотлари – ғўлаларни бўйлама йўналишда бўлиш ва олинган қисмларни бўйлама ҳамда кўндаланг қирқиб бўлиш натижасида олинадиган ёғоч маҳсулотлар;

ёғоч новдаси – йиқитилган дарахтнинг шох-шаббалардан тозаланган танаси бўлиб, унинг илдизга яқин қисми ва учи қирқилмаган бўлади;

ёғоч толали (ёғоч қириндиси) плиталарнинг қирраси – ёғоч толали (ёғоч қириндиси) плиталарнинг энсиз ён юзаси;

ёғоч толали плита (ДВП) – органик, асосан целлюлоза толалари, сувдан ва синтетик полимерлар ҳамда махсус қўшимчалардан ташкил топган толали массани иссиқ пресслаш ёки қуритиш йўли билан олинадиган конструктив ёғоч материал. Ёғоч толали плиталарни тайёрлаш учун хомашё сифатида ёғочни қайта ишлаш саноати ва ўрмон кесиш (ёғоч парчалари ва бўлаклари) ҳамда қамиш, зиғир пояси, шунингдек, бошқа ўсимликлар пояларидан фойдаланилади;

ёғоч толали сиртқи қатлам – прессланган силлиқ сиртга эга ёғоч толали (ёғоч қиринди) плиталар;

ёғоч толаси – узунлиги 200 дан 500 mm гача, кенглиги 2 дан 5mm гача ва қалинлиги 0.3 дан 0.5 mm гача бўлган қора қарағай, арча ёки қарағай каби дарахтлардан қисқа узунликда кесиб олинган ғўлаларнинг толаси;

ёғоч тўсин – тахталарнинг юзасига ёки юзаси ва қирраларига елим суртиб шу тахталарни қатламлаб бириктириш орқали олинадиган тўсин;

ёғочга ишлов бериш – ташқи таъсирлар натижасида (механик, кимёвий, радиация ва б.) материалнинг шакли ёки истеъмол хусусиятларининг ўзгариши жараёнлари мажмуи;

ёғочдан ишланадиган пардозбоп плита – ёғочдан тайёрланган буюм бўлиб, у шимдирилган қоғоз, синтетик материал, синтетик смоладан олинган плёнка, металл ёки декоратив фанеранинг бир ёки бир неча қатлами билан қопланган;

ёғочни антипиренлаш – ёғочни олов таъсирига чидамлилигини ошириш мақсадида кимёвий моддалар эритмаси ёки аралашмасини чуқур ёки юзаки сингдириш;

ёғочни елимлаб ишланган бир қатламли конструкция – ёғочнинг бир қатламли кўринишидаги конструкциядир;

ёғочнинг меъёрий намлиги – (20±2) °С ҳароратда атроф-муҳитнинг нисбий намлигида (65±5) % оладиган ёғочнинг мўътадил намлиги;

ёғоч-тахта – замонавий қурилишда ҳам ёғоч, ҳам елимнадиган ёғоч, фанера ва комбинацияланган конструкциялар, ёғоч плиталари ва заводларда тайёрланадиган панелли

конструкциялар, шунингдек, ёғоч чиқиндилари асосидаги материаллар (арболит, фибролит ва б.) сифатида қўлланилади. Игнабаргли (қарағай, арча ва б.) ва баргли (эман, қайин ва б.) ёғоч турлари мавжуд. Ёғоч – анизотроп, гигроскопик материал; боғланган ва эркин (ҳужайра бўшлиқларидаги) сувни ўз ичига олади, қурийди, киришади. Декоративлиги (ранги, ялтироқлиги, текстураси), мустаҳкамлиги (паст зичликдаги мустаҳкамлиги), зарбага қайишқоқлиги, қаттиқлиги, деформативлиги, акустик ва бошқа физик-механик хоссалари ёғочни конструктив ва безак материали сифатида кенг қўлланилишини таъминлайди;

ёзги хона – асосан йилнинг илиқ даврида фойдаланишга мўлжалланган, уй ёки ёрдамчи хона вазифасидаги очиқ, ярим очиқ ва берк хона;

ёқилғи қуйиш шохобчаси – автомототранспорт воситалари ва электромобилларга ёқилғи (бензин, дизель, сиқилган, суюлтирилган газ ва бошқалар) қуйиш (тўлдириш, зарядлаш) хизматларини кўрсатувчи автомобиль йўллари, йўл иншоотлари, темир йўл кесишмалари ва кўчалар бўйида жойлашган шохобчалар;

ёлғондан (ёнғин ҳақида) ишлаб кетиши – хавфли ёнғин омиллари мавжуд бўлмаган ҳолда шаклланадиган ёнғин хабари;

ёмғир сувлари оқиб тушадиган (ёмғир сувларини қабул қилувчи) қудуқ – ер усти оқава сувлари ва атмосфера ёғинларини, ёғин сувлари канализацияси тизимига қабул қилиш учун камера ёки шахталар;

ёмғир сувларини чиқариш – нишабликлардан тушувчи ёмғир сувларини тўплагичга оқизиш учун мўлжалланган қувурўтказгич;

ёмғир тушиш жойи – ортиқча ёмғир сувларини сув ҳавзасига ташлаш учун ярим ажратувчи ва умумоқизиш канализацияси тизими тармоғидаги иншоот;

ёнғин автоматикаси тизими – объектнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган ўзаро алоқа қилувчи ёнғин сигнализацияси, ёнғин тўғрисида хабар бериш, одамларни огоҳлантириш ва эвакуация қилиш, тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бошқа автоматик ёнғинга қарши ҳимоя техник ускуналари мажмуи;

ёнғин пайтида одамларни хабарлаш ва эвакуациясини бошқариш тизими – одамларга, содир бўлган ёнғин, эвакуация қилиш зарурлиги, эвакуация кетма-кетлиги ва йўллари тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган техник воситалар мажмуи;

ёнғин бошқарув асбоби – автоматик ёнғинга қарши ҳимоя воситаларининг (тизимларининг) ижро этувчи қурилмаларини бошқариш, улар билан алоқа линияларининг бутунлигини ва бошқариладиган ёнғин автоматик тизими иш режимини назорат қилиш учун мўлжалланган техник воситаси;

ёнғин қабул қилиш-назорат асбоби – ёнғин хабарлагичлар ва бошқа асбоблардан сигналларни қабул қилиш, акс эттириш, ушбу техник воситаси ва ёруғлик индикаторлар, товушли сигнализаторлар ўртасидаги алоқа линияларининг бутунлигини ҳамда ишчи холатини назорат қилиш, шунингдек, ёнғин ўчириш бошқарув асбобини ишга тушириш импульсини шакллантириш учун мўлжалланган техник воситаси;

ёнғин пости – автоматик ёнғин воситалар ҳолатини назорат қилиш ускуналари билан жиҳозланган, навбатчи ходимлар сутка давомида бўлишлари учун махсус объект хонаси;

ёнғин сигнализатори – ёнғинни ўчириш қурилмаси ва ёки очиш-ёпиш қурилмаси ишга тушиши тўғрисида, сигнални шакллантириш учун қурилма;

ёнғин сигнализация назорати зонаси (ёнғиндан хабар бергичлар) – ёнғиндан хабар бергичлар томонидан аниқланадиган объект хоналарининг ҳажмлари мажмуи;

ёнғин сигнализация шлейфи – ёнғиндан хабар бергичдан тарқатувчи қутиси ёки қабул-назорати қурилмасигача ётқизилган уланиш линияси;

ёнғин ўчириш аэрозол генератори – белгиланган параметрли ёнғинга қарши аэрозолини олиш ва уни ҳимояланадиган хонада қўлланилувчи қурилма;

ёнғин ўчириш дренчерли қурилмаси – дренчерли пуркагич билан жиҳозланган, ёнғин ўчириш ўрнатмаси;

ёнғин ўчириш модули – ишга тушириш импульси модулнинг узатмасига таъсир қилганда, корпусида ёнғинга қарши моддани сақлаш ва етказиб бериш функцияли қурилма;

ёнғин ўчириш спринклерли қурилма – спринклерли пуркагич билан жиҳозланган, автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси;

ёнғин ўчириш станцияси – махсус хоналарга жойлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмаларининг жиҳозлари ва ускуналари;

ёнғинга қарши аэрозол – ёнғин ўчоғига таъсир кўрсатувчи ёнғинга қарши аэрозол, маҳсулотининг ёнишида ҳосил бўладиган таркиб;

ёнғинга қарши дарвоза – оловбардошлиги меъёрланган чегарага эга бўлган, ўз-ўзини ёпувчи қурилмалар билан жиҳозланган ва табақаларидаги тирқишлари тўлдирилган дарвоза.

ёнғинга қарши концентрация – ёнишга қарши муҳитни яратадиган ҳажмдаги, ёнғинга қарши модданинг концентрацияси;

ёнғинга қарши девор – биноларни ёнғин бўлимларига ажратувчи, пойдевор ёки пойдевор тўсинларига таянган, бинонинг бор бўйича кўтарилган ва ёнғин ўчоғи томонидан ёнғинни тарқалмаслигини таъминлайдиган девор;

ёнғинга қарши парда девор – ёнғиннинг горизонтал йўналишда тарқалишини чеклаш учун мўлжалланган, оловбардошлик чегараси билан номланадиган ёнмайдиган материаллардан бажариладиган ички тўсувчи конструкция;

ёнғинга қарши тўсиқлар – ёнғиннинг ва ёниш маҳсулларининг ёнғин ўчоғи билан биргаликда хона ёки ёнғин хавфсизлиги бўлмасидан бошқа хоналарга тарқалишининг олдини олишга мўлжалланган тўсиқлар (деворлар, парда деворлар, ораёпмалар);

ёнғинга тўсқинлик қобилияти – ёнғиннинг тарқалиб кетишига тўсқинлик қобилияти;

ёнғинга чидамли юпқа асбестцементли лист – ёнғин пайтида қурилиш конструкцияларини ёнғин таъсиридан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган иссиқлик ўтказувчанликка қаршилиги юқори бўлган маҳсулот;

ёнғиндан хабар бергич – ёнғин тўғрисидаги хабарни шакллантириш учун қурилма;

ёнғин хабарлагичи – ёнғин натижасида атроф-муҳит физик параметрларининг ўзгаришини кузатиш орқали ёнғинни аниқлаш ва (ёки) ёнғин ҳақида сигнални шакллантириб бериш учун мўлжалланган техник воситаси;

ёнғиндан хавфсиз зона – одамларни эвакуация қилиш ва қутқариш бўйича чора-тадбирлар мажмуи билан таъминланган, маълум вақт давомида (ёнғин содир бўлган пайтдан бошлаб қутқарув ишлари тугагунга қадар) хавфли ёнғин омилларидан ҳимоя

қилиш учун ёнғинга қарши тўсиқлари билан ажратилган бино ва иншоотнинг бир қисми, ёнғин бўлмаси;

ёнғиндан ҳимоя – махсус ишлов бериш орқали материал ва конструкцияларнинг ёнғин хавфини камайтириш;

ёнғиндан ҳимоя самарадорлиги – ёнғиндан ҳимоя қилиш маҳсулотларининг солиштирма кўрсаткичи, бу ёнғин таъсирининг бошланишидан стандарт намуна ва ёнғинга чидамли қопламали намунанинг критик ҳароратига эришишгача бўлган вақт билан тавсифланади;

ёнғиндан ҳимояланган маҳсулот (материал, конструкция) – ёнғиндан ҳимоя қилишнинг натижаси бўлган ёнғин хавфи камайтирилган маҳсулот (материал, конструкция);

ёнғиндан ҳимоялаш қопламаси – бинокорлик қурилмаларини, ёнғин таъсирига қаршилигини ошириш мақсадида сиртига ишлов бериш (суваш, пасталар суркаш ва ш.к.);

ёнғиндан ҳимояловчи осма шифт м ҳимояланадиган ёпма ёки ораёпма ёнғинга қаршилигини ошириш учун мўлжалланган осма шифт;

ёнмайдиган материаллар – олов ёки юқори ҳарорат таъсирида ёнмайдиган, тутамайдиган ва кўмирга айланмайдиган материал;

ёнувчан бўлмаган (ёнмайдиган) материал ва моддалар – ҳавода ёнишга қодир бўлмаган моддалар ва материаллар. Ёнувчан бўлмаган моддалар ёнғинда портлаш хавфи бўлиши мумкин (масалан, оксидловчи моддалар ёки моддалар, сув, атмосфера кислороди ҳамда бир-бири билан ўзаро таъсирлашганда ажралиб чиқувчи маҳсулотлар);

ёнчуқур – бино ёки иншоотнинг қандайдир қисмида ўрнатиладиган хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шу ерда жойлашган қурилма ва ускуналарга эркин киришини ёки атроф-муҳит билан фазовий алоқасини яхшилашни таъминловчи жойдаги чуқурлик;

ёпишқоқ қатламли полиэтилен лента – полиэтилен плёнка, бир томонида турли хил қўшимчалар билан полизобутилен асосида қуритилмайдиган композициядан тайёрланган ва маълум бир кенгликдаги чизиқлар билан кесилган ёпишқоқ қатламга эга. Чокларни ёпиштириш ва шикастланишларни таъмирлаш учун ишлатилади;

ёпишқоқ ленталар – бир ёки икки томонига суриладиган ёпишқоқ елим қатламли, таглиги плёнкали, герметизацияловчи материал. Таглик сифатида мато, қоғоз, металл фалга ёки полимер плёнка ишлатилади. Ёпишқоқ қатламда элостомерлар, табиий ва синтетик смолалар, пластификаторлар, тўлдирувчилар ва стабилизаторлар мавжуд;

ёпиштирилган конструкциялар – одатда ёғочдан ясалган конструкциялар, уларнинг барчаси ёки фақат асосийлари, тахталардан, бруслардан, фанерлардан қуйма елимлаб бириктирилиб тайёрланадиган элементлар;

ёрдамчи лойиҳаловчи – инвестиция лойиҳаларини алоҳида қисмларини бажариш учун бош лойиҳаловчи томонидан танлаб олинган лойиҳа ташкилоти;

ёрдамчи сув таъминлагич – асосий сув таъминоти иш режимига ўтгунга қадар бошқариш бўғимларининг ишлаши учун зарур бўлган босимини ва сув ёки сувли эритманинг ҳисобий сарфи ҳамда напорини қувур ўтказгичлар ичида автоматик тарзда таъминлашга мўлжалланган қурилма;

ёриқбардошлилик – темир-бетон қурилмаларнинг куч ва таъсирлар натижасида ёриқлар пайдо бўлишига қаршилик кўрсатиш хусусияти;

ёруғлик ўтказувчи ёпма – юк кўтарувчи ёпмалар ва ёруғлик ўтказувчи элементлар ёки ўзини-ўзи кўтарувчи ёруғлик ўтказувчи элементлардан ишланган, тўсиқлардан ташкил топган ёпма. Бу ёпма ҳар хил шакл, яъни, ясси, қия, гумбазсимон, қобиқсимон, йиғилувчан кўринишга эга бўлади;

ёруғлик ўтказувчи поливинилхлорид – қаттиқ пластификацияланмаган поливинилхлорид (винипласт), у винилхлорид ва метилметакрилат сополимерлари асосидаги материалдир. Ёруғлик ўтказувчи поливинилхлорид экструзия усулида 1,0 дан 1,5 mm гача қалинликда ясси, тўлқинсимон ёки гофрланган листлар кўринишида олинади;

жалюзи – ўрнатиладиган, параллель пластиналардан ясалган пардалар, қуёш нури, ёғингарчилик, чангдан, иссиқлик ёки ҳаво оқимини тартибга солиш учун ўрнатилади. Жалюзи вертикал (вертикал пластиналардан) ва горизонтал (горизонтал пластиналардан) бўлиши мумкин. Пластина материаллари – пластик, ёғоч, металл, матолардан бўлиши мумкин;

жамланма харажатлар сметаси — бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси;

жамланган куч – жуда кичик майдон (нуқта)га бериладиган куч;

жамоат хизмат кўрсатиш поғоналари – аҳолининг фойдаланиш такрорийлиги негизи бўйича ажратиладиган хизмат кўрсатиш муассасалари гуруҳи;

жиҳозларни мажмуавий синаш – ўрнатилган ҳамма жиҳозларни ишлашини техникавий талабларга монанд эканлигини текшириш;

жиҳозларни якка синаш – ўрнатилган жиҳозларни техник талабларга мослигини алоҳида ишлатиб текшириш;

жоиз – мўътадил ўлчамлардан жоиз этилган четлашишнинг арифметик жамига тенг, энг катта ва энг кичик хаддий ўлчамлар фарқи;

жойлашиш ягона тизими – хўжаликни худудий ташкил этишни тавсиф этувчи, меҳнат самарадорлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни интеграциялаш, ҳаёт даражасини ва ҳаёт фаолияти шароитларини тенглаштириш асосида, жамиятни моддий ҳамда маданий фаровонлигини оширишга имконият яратувчи ижтимоий-иқтисодий тоифа;

жорий таъмирлаш – бино ва иншоотларнинг конструкция ҳамда муҳандислик ускуналар тизимини хизмат кўрсатишга яроқлилигини (ишлаш қобилиятини) тиклаш, фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаш мақсадида таъмирлаш.

забирка – устунли пойдеворлар орасидаги юпқа девор, ерости майдонини атмосфера таъсиридан ҳимоя қилишга хизмат қилади;

забой – ишлаб чиқариш жараёнида силжийдиган тупроқни очиқ ёки ерости усулида қазиб чиқариладиган иш жойи;

забрал девор – сув тўплагич тирқиши олдида жойлашган, пасти қирраси билан гидротехник иншоот суви энг кам даражасига чўктирилган ва унга шуга (туб музи), қанотлар ва ш.к. тушиб қолишидан ҳимоялаш учун тик девор;

заиф бетон – кам цемент миқдорига ва тўлдирувчиларнинг кўп миқдорига эга бўлган ва паст синфлардаги бетон. Заиф бетондан пол ости текисловчи қатламларини, асфальтбетон йўлларни қуришда пойдевор тубини тайёрлашда фойдаланилади;

заклёпка – бир учида боши бор силлиқ цилиндрсимон стержен шаклидаги маҳкамлагич, пластмасса деформацияланиш натижасида стержен бошқа учида бош ҳосил бўлиши туфайли кўчирилмайдиган уланиш ҳосил қилади;

заминдаги девор – ерости ва чуқурлаштирилган иншоотлар тик деворларини ҳамда тупроқни ўпирилишдан тўхтатиб қолувчи хандакларда бентонит лой (суспензия) қоришмаси ҳимоясида ўрнатиладиган сизишга қарши қоплама тиклаш усули;

заминни барқарорлаш – асослар ва тупроқ ашёли иншоотлар, тупроқ бирикув жараёни тугагандан сўнгги тупроқ ҳолати (яъни, шу зўриқиш ҳолатида энг катта чўкишга эришиш); заминни шакл ўзгаришини камайтириш ва мустаҳкамлигини ошириш мақсадида унинг хоссаларини яхшилаш усули;

заминни маҳкамлаш – табиий ҳолатда турган заминга асоснинг кўтариш хусусиятини ошириш, хандақ ва тоғ қазилмалари деворларини маҳкамлаш, сизишга қарши тўсиқлар барпо қилиш ва ш.к. мақсадда, махсус ишлов бериш (цементлаш, силикатлаш, смолалаш, лойлаштириш, битумлаш, электрокимёвий ёки ҳароратли таъсирлантириш, музлатиш ва б.) йўли билан янги физикавий-механик хусусият бериш;

заминни музлатиш – бўш, сувга тўйинган заминни музлатиладиган жойига киритилган қувурлар бўйича, совуқ ташигични айлантириш йўли билан, мўлжалланган ўлчамларда муз замин қатламларини ва мустаҳкамликни ҳосил қилиб, вақтинчалик маҳкамлаш усули;

заминни намлаш – чўкувчан ерларни сув бостириш йўли билан чўкиши мўлжалланган барқарорликкача зичлаш усули;

заминнинг силжувчанлиги – ўзгармас босим остида заминнинг маъданли скелети (асосан лойли) вақт давомида шакл ўзгариши;

занжир (цепь) – алоҳида шарнирли-бириктирилган бикр бўғинлардан ташкил топган эгилувчан буюм;

зарбавий ёпишқоқлик – ашёнинг мўрт бузилишга қаршилигини баҳоловчи шартли механик тавсифи;

зарбга қарши полистиролли листлар – сополимеризация стирол, унда бутадиенстирол ёки полибутадиен каучук эритилган листсимон қурилиш материали;

захватка – таркиби ва иш ҳажми билан муайян, ундан кейинги жойларда такрорланувчи, қурилиш-монтаж ишларини узлуксиз бажарилишига мўлжалланган бино, иншоот қисми;

зилзилабардошлилик – бино ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари ва унинг жиҳозларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда маълум кучдаги зилзила таъсирига қарши тура олиш хусусияти;

зинапоя – бинонинг қаватларини боғлайдиган конструктив элемент. Қия, маршлардан иборат, қаватли (қават билан бир хил даражада) ва оралиқ (қаватлараро) зинапоялардан иборат. Конфигурациясига кўра, зинапоялар тўғри, синган, эгри чизиқли, винтсимонга ажратилади;

зинапоя катаги – зинапояни жойлаштириш учун мўлжалланган ва бошқа хоналардан оловбардошлик чегаралари ҳамда ёнғин хавфи синфлари нормаллаштириладиган қурилиш конструкциялари билан ажратилган бино қисми.

зинапоя марши – зинапоялар орасида бир хил йўналишда жойлашган косоурлар ва қадамлардан иборат зинапоянинг конструктив элементи (икки зинапоя майдончаларини бирлаштиради);

зинапоя супачаси (майдончаси) – зинапоялар оралиғидаги супачалари (майдончалари);

зинапоя, ташқи ёнғин пайтида қўллаш учун – ёнғин бригадалари ходимларини ва ёнғин-техник воситаларини бино ҳамда иншоотларнинг томига кўтариш учун мўлжалланган зинапоя;

зич бетон – йирик ва майда ёки фақат майда тўлдирувчилари доналари орасидаги бўшлиғи қотган боғловчи ҳамда газ ёки ҳаво, шу жумладан ғовакдорликни 7 %дан ортиқ бўлмаган ҳажмда тартибга солувчи (регулировкаловчи) қўшимчаларни қўллаш ҳисобига ҳосил бўладиган ғоваклар билан тўладиган бетон;

зич тўлдирувчили бетон – зич тоғ жинслари ёки шлаклардан иборат бўлган тўлдиргичлар асосидаги бетон;

зичлик – материалнинг физик характеристикаси бўлиб, у материални ташкил этган модда миқдорини, яъни материалнинг ҳажм бирлигидаги массасини ифодалайди. Материалнинг ҳажм катталиги ундаги ғовакларни ва унда бўлиши мумкин бўлган бўшлиқларни ҳисобга олган ҳолда, яъни табиий ҳолатдаги материал ҳажмини ёки ғоваклар, шунингдек, бўшлиқларни ҳисобга олмасдан қабул қилади ҳамда у ҳолда ҳисоблаш вақтида фақат модданинг ҳажми ҳисобга олинади;

зичловчилар – бино ва иншоотларнинг чокларини ҳамда қурилмавий бирикмаларини ўтказмасликни (сув, товуш ва ш.к.) таъминлаш учун қўлланиладиган эгилувчан ёки юмшоқ эгилувчан ашёлар;

зўриқиш – ташқи кучланиш ва таъсирдан (кўндаланг ва буйлама кучлар; эгувчи ва буровчи моментлар) қурилмалар элементнинг кўндаланг кесимда пайдо бўлувчи ички куч;

зўриқиш концентрацияси – оралиқларнинг бузилиш жойларида (тешиклар, ўйиқлар, қалинлашиши) пайдо бўладиган зўриқишлар. Ўрта ҳароратда ва статик таъсирларга аҳамиятсиз, паст ҳароратларда ва қўшимча динамик таъсирларда мўрт, бузилишга олиб келиши мумкин;

зўриқиш остида қурилиш материалларининг коррозияси – қурилиш материали коррозияси маҳсулот ёки конструкцияларга бир вақтнинг ўзида муҳитнинг агрессивлиги ва механик зўриқишлардан келиб чиқади;

зўриқиш релаксацияси – шакл ўзгариши доимийлигида, ашёда (жисмида) зўриқишнинг аста секин ўзгариши;

зўриқтирилган бетон – қотиш вақтида бетон кенгайиши натижасида ҳосил бўладиган олдиндан зўриқишни яратишга мўлжалланган махсус бетон;

изол – қайта ишланган резина ва битумдан, ҳар хил тўлдирувчилар қўшилиб ясалган асоссиз гидроизоляция ҳамда том ёпиш материаллари. Резина-битум боғламининг таркибига, шунингдек, ишлатиладиган тўлдирувчиларнинг миқдори, сифатига қараб изоллар гидроизоляция, шунингдек, том ёпиш учун прокат материали шаклида шу баробарда, том ёпиш плиталари ёки сув ўтказмайдиган мастика кўринишида бўлиши мумкин;

изоспан – кенг қамровли қўллаш спектирига эга бўлган материаллар тизими – иссиқлик сақлаш (утеплител) материалларини ва бино (том ёпма, девор, қаватлараро

ёпмалар ва б.) конструкцияларини атмосфера намлигидан, сув ҳамда буғдан ҳимоя қилиш гидроизоляция мембранаси;

изотроп материал – изотроплилиги билан бошқа моддалардан фарқ қилувчи модда, яъни изотроп материалларининг физик, кимёвий, механик ва бошқа хоссалари уларни ўлчаш йўналишларига боғлиқ бўлмайди;

икки нишабли тўсин – устки юзаси қарама-қарши томонларга қиялаштирилган тўсин;

икки қатламли блок – блок иситувчи ва изоляцияловчи икки асосий қатламдан ташкил топган. Икки қатламли блоклар, ҳавонинг юқори намлиги ва агрессив муҳитларда асосан биноларнинг ташқи деворлари учун мўлжалланилади;

икки қатламли панель – иккита асосий қатламга эга бўлган панель. Кўндаланг кесими яхлит бўлган икки қатламли панель арматураланган иккита – юк кўтарувчи ва иссиқлик изоляцияловчи қатламлардан ташкил топади. Экранли икки қатламли панель арматураланган конструктив-иссиқлик изоляцияловчи бетондан ишланган ички қатлам ҳамда ташқи экранга эга бўлади;

икки қисмли енгиллаштирилган устун – бир-бирига планка, панжара ёки бошқа йўл билан боғланган икки устундан ташкил топган енгиллаштирилган металл устун;

икки тарафли эгри қобиқ – манфий Гаусс эгрилик юзасига эга бўлган қобиқ;

икки томони силлиқланган ёғоч-толали плита – ҳар иккала томони бир хил ғадир-будирликка эга бўлган ҳолда силлиқланган ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита;

икки тўрли қобиқлар – тўғри бурчакли тарҳга эга бўлган биноларни ёпишга мўлжалланган қобиқлар бўлиб, улар пастки ва устки белбоғлари қўшимча боғлагичлар – панжаралар билан боғланган чорраҳа кўринишида кесишувчи фермалар тизимидан ҳосил қилинади;

иккита маркали пўлат тўсин – пўлатнинг иккита маркасидан пайвандлаб бажариладиган тўсин. Тўсин белбоғларининг энг зўриққан участкаларини юқори мустаҳкамликдаги (паст лигерланган) пўлатдан бажариш мақсадга мувофиқ бўлса, унинг деворини ва белбоғининг кам зўриққан участкаларини эса кам углеродли пўлатдан тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб топилади;

иқлим – мазкур жойга хос, унинг географик шароитларига мос, об-ҳавонинг кўп йиллик режими; географик қобиққа (биосферага) кирувчи тропосфера хусусияти;

илиш – йиғилаётган, ташилаётган ёки юк кўтарувчи машина илгаги билан кўтарилаётган қурилма (маҳсулот, жиҳозларни) вақтинча улаш;

импост – устун ёки деворнинг юқори тоши, арка ёки қобиқ учун таянч вазифасини бажаради ва оддий токча ёки профилли карниз шаклида чиқиб туради; дераза оралиқ (муқоваси) ёки эшик полотнасини ажратадиган дераза ёки эшик профилли брусоки;

импульсли ёнғин ўчириш модули – ёнғинга қарши моддасини етказиб бериш вақти 1 сониягача бўлган ёнғин ўчириш модули;

инверсионли том (реверсивли том) – иссиқлик изоляция материали гидроизоляция қатлами устидан ётқизиладиган том, ҳимоя тўри билан қопланади (полимерли майда кўзли) ва ташқи муҳитдан гравия қатлами ёки керамзит билан изоляция қилинади. Исиқлик изоляция материали юқори совуққа чидамли ва сув шимувчанлиги паст бўлиши керак;

инсоляция – ер сатҳининг қуёш радиациясидан нурланиши;

интерьер – меъморий ва бадиий безалиб, жиҳозланган бинонинг, хонанинг ички қисми; хонанинг ички кўринишини тасвирловчи расм;

инфратузилма – у ёки бу организм (шаҳар, туман, вилоят)нинг фаолият кўрсатишини таъминловчи объектлар ва иншоотлар тўплами;

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек, ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими;

иншоот асоси – пойдевор ёстиғидан пастда ётувчи грунт пластлари бўлиб, бу пластлар иншоотдан тушадиган юкларни бевосита қабул қилиш учун тайёрланади. Иншоотнинг асоси табиий ҳолатда бўлиши мумкин, агар пойдевор ёстиғи мустаҳкамланмаган табиий грунтга таянган бўлса, иншоот асоси сунъий бўлиши ҳам мумкин, қачонки заиф грунт мавжуд бўлса, у ҳолда грунт қандайдир усул, масалан, қозиқлар қоқиш ёки анча ишончли грунт, бетон билан алмаштириш усули ёрдамида мустаҳкамланиши, зичлаштирилиши мумкин;

инъекцион қоришмалар – бетондаги ёриқлар ва бўшлиқларни тўлдириш қобилиятига эга бўлган қоришмалар;

иситгич – турли конструкцияларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтириш (конструкцияларни иситиш) учун қўлланиладиган материал;

иситиш – иссиқлик йўқотилишини ўрнини тўлдириш ва хонани одамларга иссиқлик бўйича қулайлик шартлари билан аниқланадиган ёки у ерда содир бўлаётган технологик жараёнлар талабларига мувофиқ берилган даражадаги ҳароратни сақлаш мақсадида хонани сунъий қиздириш;

ирригация – ободонлаштириш объектларидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудини суғориш, шу жумладан сунъий суғориш;

иссиқ пол – асоси (текисловчи қатлами) иссиқликни паст ўзлаштирувчи ($S_{ўзл}$ – 5 m^2K/V га тенг ёки ундан кичик бўлган) материалдан бажарилган пол;

иссиқ том – иссиқлик изоляцияси қатлами бўлган том;

иссиқбардош бетон – узоқ вақт давомида юқори ҳарорат таъсир қилганда ўзининг физик-механик хусусиятларини берилган чегараларда сақлай оладиган махсус бетон тури. Оловбардошлик даражасига боғлиқ ҳолда бетонларнинг юқори оловбардош ва иссиқбардош турлари мавжуд. Иссиққа чидамли бетон боғловчи (гидравлик ёки ҳаволи) ҳамда тўлдирувчидан ташкил топади. Ўртача зичлигига боғлиқ ҳолда иссиққа чидамли бетон оддий, шунингдек, енгил (қуриган ҳолатдаги зичлиги 15000 kg/m^3) бетон турларига бўлинади;

иссиқбардош қоришмалар – 300 °С дан юқори температуралар узоқ вақт давомида таъсир қилганда меъёрланган чегараларда ўз хоссаларини сақлаш қобилиятига эга бўлган қоришмалар;

иссиқда қотувчи елим – исситилганда қотувчи елим;

иссиққа чидамли материаллар – иссиққа чидамли материаллар, буларга никел асосли қотишмалар, темир, кобальт, қийин эрийдиган металлар ва улар асосидаги қотишмалар ҳамда айрим композицион материаллар киради;

иссиқлик деференциалли ёнғиндан хабар бергич – атроф-муҳит ҳароратининг кўтарилиш тезлиги белгиланган чегара қийматидан ошиб кетганда ёнғин ҳақида хабарни шакллантирувчи, ёнғин хабар бергич;

иссиқлик изоляцияловчи бетон – бинолар, иншоотлар, конструкцияларни иссиқликдан изоляциялашга мўлжалланган махсус бетон;

иссиқлик изоляцияловчи қоришмалар – ўртача зичлиги 1000 kg/m^3 гача ва иссиқлик ўтказувчанлиги 0,45 V/(m ·℃)гача бўлган тўсувчи конструкциялар изоляциясининг термик қаршилигини оширувчи қоришмалар;

иссиқлик изоляцияси – бинолар, саноат қурилмалари, совутиш камералари, қувурўтказгичлар ва ҳ.к.ларни атроф-муҳитнинг нохуш иссиқлик алмашинувидан ҳимоя қилиш. Иссиқлик изоляцияси материаллардан бажариладиган махсус тўсиқлар билан таъминланади; иссиқлик ҳимояловчи воситалар ҳам иссиқлик изоляцияси деб аталади;

иссиқлик изоляцияси (томнинг иссиқлик изоляцияси) – тўкиладиган, қуйиладиган (монолит) ёки плитали иссиқлик ўтказмайдиган материалдан бажариладиган қатлам бўлиб, бу қатлам томнинг бошқа элементлари билан биргаликда талаб этилган қаршилик катталигини таъминлайди;

иссиқлик қўлланиладиган герметикловчи мастика (битум-элостомерли) – грунтовка қатламини қўллаб ёки қўлламасдан фойдаланиш пайтида қўллаш ҳароратига қадар иситиладиган битум-элостомерли герметикловчи материаллар;

иссиққа таъсирчан қулф – маълум бир ҳароратда очиладиган, иссиққа таъсирчан (ёнғинда, маълум ҳароратда бузиладиган ёки бошланғич кўринишни ўзгартирадиган) ёпиб турувчи элемент;

иссиқлик тармоғи – иссиқлик манбаидан истеъмолчиларга иссиқлик ташувчи (иссиқ сув ёки буғ ўтадиган) қувурўтказгичлар (иссиқлик ўтказгичлар) йиғиндиси;

иссиқлик таъминоти – турар жой, жамоат ва саноат бинолари ҳамда технологик истеъмолчиларни, иситиш, шамоллатиш, иссиқ сув билан таъминлаш тизимларини иссиқлик ташувчи (иссиқ сув ёки буғ) ёрдамида иссиқлик билан таъминлаш;

иссиқликни изоляциялаш (иссиқлик изоляцияси, термик изоляция) – бинонинг ташқи деворлари орқали иссиқлик йўқолишининг камайишини таъминловчи конструктив элементлар жамланмаси. Иссиқликни изоляциялаш иссиқлик изоляцияловчи материаллардан бажариладиган қобиқлар, қопламалар ва ш.к.лар кўринишидаги махсус тўсиқларни қуриш билан таъминланади;

истиқомат ҳудуди – уй-жой, жамоат бинолари қурилиши, боғлар, ҳиёбонлар ва б. жойлаштириш учун мўлжалланган шаҳар ҳудудининг қисми;

ички бўш (бўшлиққа эга бўлган) прессланган профиллар – кўндаланг кесимининг шакли ёпиқ ва очиқ бўшлиқларга эга бўлган профиллар;

ички бўш доира кесимли қозиқлар ва қозиқ қобиқлар – охирги учи очиқ ёки ёпиқ бўлган, диаметри 40 дан 80 cm гача (ички бўш доира кесимли) ва 80 дан 160 cm гача (қозиқ-қобиқлар) темир-бетон қозиқлар, улар грунтга қоқиш ёки виброюклаш усулини қўллаш билан киритилади;

иш кўлами – белгиланган сонли ишчиларни уларга берилган меҳнат воситалари билан (механизмлар, мосламалар, ашёлар) жойлаштириш учун зарур қуриш объектининг бир қисми;

иш олиб бориш лойиҳаси – қурилиш-монтаж ишларини бажариш технологияси, муддати ва манбалар билан таъминлаш тартибини аниқловчи ҳамда бинолар (иншоотлар) қисмларини тиклаш бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий қўлланмавий ҳужжат бўлиб хизмат қилувчи лойиҳа;

ишлаб чиқариш – технологик бутлаш – ишчи минтақаларга махсус ташкил этилган базаларда ишлаб-чиқаришда қўллаш учун тўла тайёр ҳолга келтирилган ашёларни, маҳсулотларни ва қурилмаларни бутлаб келтириш;

ишлаб чиқариш бинолари – саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш, шунингдек, одамлар меҳнат қилиб, технологик жиҳозлардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлайдиган бино;

ишлаб чиқариш меъёрлари – меҳнат ва моддий манбаларнинг иш ҳажми бирлигини (маҳсулот бирлиги) ишлаб чиқаришга сарф катталигини ўрнатадиган меъёр;

ишлаб чиқариш ҳужжатлари – қурилиш-монтаж ишларини олиб борилиши ва қурилишнинг техникавий ҳолатини акс эттирувчи ҳужжатлар тўплами;

ишланаётган ҳудуд – ерости тоғ ишлари олиб бориш натижасида, бино ёки иншоот асосида замин нотекис чўкиши ёки силжиши вужудга келиши мумкин бўлган ҳудуд;

ишлаш вақтини назорат қилиш – маҳсулотнинг узулишларсиз цикларда ишлаш муддатини характерловчи қиймат;

ишончлилик – бино ва иншоот ҳамда унинг кўтарувчи ва тўсувчи қурилмаларининг фойдаланиш даврида берилган вазифаларни бажариш хусусияти (қобилияти);

ишчи арматура – темир-бетон конструкцияларнинг ҳисоблаш асосида жойлаштириладиган арматураси;

ишчи майдон – бевосита қурилиш-монтаж ишлари олиб бориладиган ва шунга зарур ашёлар, тайёр қурилмалар ва маҳсулотлар, машина ва мосламалар жойлаштириладиган майдон;

ишчи чизмалар – бевосита қурилиш-монтаж ишларини бажариш ёки бинокорлик маҳсулотлари ва қурилмаларини тайёрлаш учун мўлжалланган чизмалар;

йиғма деталлар – йиғма уланадиган ёки йиғма монолит темир-бетон конструкциялари ва маҳсулотларни бир-бири ёхуд бино ва иншоотларнинг бошқа конструкциялари билан улаш учун мўлжалланган пўлат элементлар. Доира кесимли, тасмасимон, листсимон, бурчаксимон ва швеллер пўлатдан ясалган йиғма деталлар;

йиғма конструкциялар – корхоналарда ишлаб чиқариладиган, темир-бетондан, бетондан, металлдан, ёғоч ва бошқалардан тайёрланадиган йиғма конструкциялар. Бино ва иншоотларни қуришда фойдаланиладиган қурилиш конструкциялари;

йиғма қурилмалар – корхоналарда тайёрланадиган, бино ва иншоотларни барпо этишда ишлатиладиган бинокорлик қурилмалари;

йиғма маҳсулотлар маркаси – бир хил стандарт ўрамларга эга бўлган, аммо тафсилотларда фарқ қилувчи қурилиш маҳсулотларининг шартли белгилари;

йиғув – ўрнатув, муҳандислик қурилмаларни (қурилмавий элементларни) ёки назорат ва автоматика воситаларини улаш билан технологик жиҳозларни ҳамда хомашё, сув, буғ, қувват ва ш.к. узатувга ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини четлатишни таъминлайдиган коммуникацияларни лойиҳавий ҳолатда ўрнатиш ва ўзгармас қилиб маҳкамлаш;

йиғув кондуктори – йиғилаётган қурилмаларни ёки улар элементларини лойиҳавий ҳолда эканлигини текшириш ва вақтинчалик маҳкамлаш жиҳози;

йиғув мажбурий – қурилмаларни асбобий назоратсиз, эркин тарзда тасодифий силжишини чеклаш билан лойиҳавий ҳолатига йўналтириш ва ўрнатишни таъминловчи, қурилмаларни (жиҳозларни) махсус қайдловчи мосламалардан фойдаланиб, текширувсиз йиғишнинг бир тури;

йиғув очиқлиги – йирик ўлчамли жиҳозларни ёки катталаштирилган қурилмалар тугунларини йиғув жойига ёки унинг аксида тўсиқсиз силжитишни таъминлаш учун лойиҳада назарда тутилган девордаги ёки ораёпмадаги тешик;

йиғув ускунаси – ортиш (тушириш), ташиш, йириклаштирувчи йиғув ва қурилмаларни лойиҳавий ҳолда доимий маҳкамлашни ҳисобга олган ҳолда, йиғиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларини ва ишларини бажарилишини таъминловчи қурилма ҳамда мосламалар;

йиғув-олди жиҳозлар тафтиши – жиҳозларни ўрнатиш олдидан техникавий талабларга монанд эканлигини махсус текшириш;

йирик бўлакли грунт – 2 mm дан катта бўлган зарралар массаси 50 % дан ортиқ бўлган боғланмаган грунт;

йириклаштириб йиғиш – бинокорлик қурилмалари алоҳида элементларини, жиҳозлар, қувурўтказгичлар тугунларини ва ш.к. йиғув воситаларининг юк кўтаришига монанд оғирликдаги йиғув блокларига аввалдан бирлаштириш;

йўл иншоотлари – автомобиль йўлларининг конструктив элементлари ҳисобланган иншоотлар: йўл-фойдаланиш ташкилотининг балансидаги сунъий иншоотлар (кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, қувурлар, тоннеллар), ҳимоя иншоотлари (қордан ҳимоя қиладиган дарахтзорлар, шовқиндан ва шамолдан ҳимоя қиладиган қурилмалар, йўлларни қор кўчкилари, бархан қумлари, ўпирилиш, силжишдан ҳимоя қиладиган қурилмалар), автомобиль йўлларини жиҳозлаш элементлари (тўхташ майдончалари ва йўловчилар учун павильонлар, дам олиш майдончалари, автомобилларнинг тўхташи ва тўхтаб туриши учун махсус майдончалар, I гуруҳ тўсиқлар, йўналтирувчи устунчалар, ташқи ёритиш), бинолар ва ёрдамчи иншоотлар (йўл-таъмирлаш пунктлари, таъмирловчининг биноси, асфальт-бетон цехлар, цемент-бетон цехлар, ишлаб чиқариш базалари), йўл-фойдаланиш ташкилотлари балансидаги таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари бинолари:

йўл қопламаси (аэродром) – транспорт воситалари оғирлигини ўзлаштирувчи ва асосни иқлимий омиллар таъсиридан ҳимояловчи, бир қатламли ёки кўп қатламли йўл қопламаси юқори қисми;

йўл қопламаси ғадир-будурлиги – йўл қопламаси юзасининг зарралари геометрик шакиллари билан ифодаланувчи (бўртиқлар ва ўйиқлар, текис ва узлуксиз жойлашиши йиғиндиси) ҳамда автомобиль шинасининг йўл қопламаси билан жипсланишини таъминловчи сифати;

йўл қурилиши портландцементи – портландцемент клинкери (C_3S ва C_4AF га юқори миқдорда, C_3A га эса 8 % миқдорда эга бўлган), гипс (SO_3 бўйича 3,5 % гача) ва пластификацияловчи ҳаво жалб қилувчи ёки гидрофобли-пластификацияловчи қўшимчаларни (0,3 % дан кўп бўлмаган миқдорда) қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Майдалаш жараёнида бу цемент таркибига домен печининг гранулаланган шлакини цемент массасига нисбатан 15 % дан кўп бўлмаган миқдорда

қўшиш мумкин. Йўл қурилиши портландцементи автомобиль йўлларининг бетонли қопламалари учун мўлжалланган;

йўл усти қурилмаси – рельслар, рельслар маҳкамлагичидан, стрелка ўтказгичлардан, шпаллар, бруслар, бошқа рельс таянчлари ҳамда тўшама қатлами, транспорт воситаларидан оғирликни қабул қилиш ва уни ер кўтармаси, заминга узатишга мўлжалланган темирйўл ёки трамвай йўлининг қисми;

йўл-иқлимий минтақаси – мамлакат ҳудудининг автомобиль йўлларини бунёд этишдаги иқлимий шароитлар хусусиятлари бўйича, сув, иссиқлик режими, ерости сувлари чуқурлиги, фақат шу жойга хос бўлган атмосфера ёғинлари миқдори бирлиги билан тавсифланувчи шартли қисм;

йўл-қурилиш материаллари – автомобиль йўллари ва майдонлар қурилишида қўлланилади. Йўл қурилиш материалларига тупроқли, керамик ва тошли, органик ва минерал боғловчи моддалар, бетонлар ва уларга асосланган маҳсулотлар киради. Йўл қурилишида полимер материаллар асосан плёнка ҳосил қилувчи ҳимоя қопламалар ва тупроқларга мустаҳкамловчи қўшимчалар сифатида ишлатилади;

йўлбўйи минтақаси – ажратилган минтақага туташган, чегараларида аҳоли хавфсизлигини ва транспортнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг алоҳида шартлари белгиланадиган ер участкаси;

йўл тўшамаси – бир ёки бир нечта қатламлардан иборат бўлиб, бир нечта қатлам тўшамаси қоплама, асос ва асоснинг қўшимча совуқ, шунингдек, иссиқдан ҳимояловчи, сув ўтказувчи ва бошқа қатламларидан иборат бўлади. Транспорт воситаларидан тушаётган юкламага қаршилиги ҳамда иқлим таъсирига муносабати бўйича йўл тўшамалари қаттиқ қопламали, асосли тўшамалар, қаттиқ бўлмаган қопламали ва асосли тўшамаларга бўлинади;

йўл хизмати – автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини сақлаш, тузатиш, автомобилларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, йўлнинг техник тоифасини сақлаш ва ошириш бўйича ишлар юкланган бўлинмалар мажмуаси;

йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс;

йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

кабанчик – тешикларга эга бўлган пардозлаш ғиштининг бир тури бўлиб, унинг ўртасидан икки бўлакка осон ажратиш имконини берувчи тўшама кўзда тутилган бўлиб, бу бўлаклардан ҳар бирини пардозлаш элементи сифатида қўллаш мумкин;

кабель шахтаси – шаҳарларда ва саноат корхоналарида электр ҳамда телефон тармоқларини жойлаштириш учун доимий ерости иншоотлар тизими;

каллак – а) қозиқнинг юқори уч қисми; б) устуннинг тепа қисми бўлиб, бу қисмга устки конструкция таянади;

камин – кенг, очиқ, алангалаш бўлинмали хона печи;

канал – сувни босимсиз ўтказишга мўлжалланган, чўзиқ очиқ иншоот;

канализация – аҳоли яшаш манзиллари, саноат корхоналари ва бошқа объектлар ҳудудидан оқова сувларни қабул қилиш, тўплаш, чиқариб юбориш, уларни тозалаш ва қайта фойдаланишдан ёки сув ҳавзасига ташлашдан олдин зарарсизлантиришни таъминлайдиган

муҳандисик иншоотлари (қувурлар, насос станциялари, тозалаш иншоотлари, санитария приборлари ва ҳ.к.лар.) мажмуи;

каноп толаси – зиғир, каноп ва бошқа толали ўсимликларни бирламчи қайта ишлашда чиқадиган толали чиқиндилар бўлиб, улар йигириладиган (эшиладиган) иплар, арқонларни тайёрлаш учун яроқсиз ҳисобланади. Каноп толасидан тирқишларни тўлдирувчи, изоляцияловчи, ёриқларга тиқилувчи материал сифатида фойдаланилади;

каолиндан олинган тола (вата) – юқори ҳароратли (қўлланиладиган температура 1100-1250 °С гача) саноатнинг турли тармоқларида қўлланиладиган иссиқлик изоляцияси. Ишлаб чиқаришда гил-тупроқ ва кварц қуми хомашё сифатида хизмат қилади. Каолинли толанинг ўртача зичлиги 80 kg/m^3 ни ташкил этади. Вибрацияга чидамли, сув, сув буғи, мойлар ва кислоталарга нисбатан инертдир, юқори электр изоляцияловчи хоссаларга эга, ҳарорат 700-800 °С гача кўтарилганда деярли ўз хоссаларини ўзгартирмайди. Каолин толаси ўрамли ва турли буюмлар кўринишида етказилиб берилади;

каолинит – гилсимон материал, асосан алюмин силикат $Al_4(OH)_8$. Оқ рангли, минерологик қаттиқлик шкаласи 1-3; зичлиги тахминан 2600 kg/m^3. Каолинит – асосий минерал каолинитли гил ва каолинлар, кўплаб техник қўлланмаларга эга;

капаж – ерости сувлари, нефт ва газни очиш, уларни ер юзасига олиб чиқиш ва кейинчалик ишлатиш учун муҳандислик-техник иншоотлар (қудуқлар, кон қудуқлари, адитлар ва б.);

капитель – тизимли равишда – горизонтал том тўсинларидан юкни оладиган вертикал таянчининг юқори қисми (таянчлар, устунлар, пилястерлар);

карбомид боғловчили ёғоч-толали (ёғоч қипиқли) плита – боғловчисининг асосий компоненти карбамидоформальдегидли смола бўлган ёғоч-толали (ёғоч қипиқли) плита;

карбонатли портландцемент – портландцемент клинкери (40 % дан 75 % гача миқдорда), карбонатли жинслар – оҳактош, доломит, мармар (25 % дан 60 % гача миқдорда) ва гипсни (SO_3 бўйича 1,5 % дан 3,5 % гача миқдорда) қўшиб ёки алоҳида майдалаш ва аралаштириш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда;

каркас компановкаси – ҳисоблаш олдидан бажариладиган юк кўтарувчи элементлар ва боғланишларнинг рационал схемаларини тузиш, улар асосида ҳисоблаш схемалари тузилади ҳамда зарур ҳолларда уни бажарилгандан сўнг аниқлаштирилади;

каркасли биноларнинг боғланиш компановкаси – устунлар ва қоплама уланишлари орасидаги турли хил вертикал уланишларни оптимал жойлаштириш, текис рамкаларни қаттиқ бўшлиққа улаш, унга таъсир қилувчи юкларнинг табиати ва турини ҳисобга олган ҳолда;

каркасли парда девор – каркас (юк кўтарувчи қисм), тўлдирма ва қоплама каби элементлардан ташкил топган парда девор;

каркас-панелли конструкциялар – каркаснинг юк кўтарувчи элементлари (темир-бетон ёки пўлат устунлар ва тўсинлар) ва чегараловчи конструкциялари (девор панеллари, қаватлараро ва том ёпмалари плита ва панеллар)дан иборат конструкциялар. Улар асосан кўп қаватли бинолар қурилишида ишлатилади;

карниз – деворнинг туртиб чиққан горизонал профил қирраси, унинг қисмларини бириктириб турувчи. Карнизнинг мақсади – девордан, томдан оқаётган сувни йўналтиришдан иборат. Карниз ҳам эстетик аҳамиятга эга: у деворни тугатади, девордан

томга ўтишни ташкил қилади ва шунинг учун бинонинг муҳим меъморий ҳамда композицион элементи ҳисобланади;

картон – сунъий маҳсулот, асосан махсус қайта ишланган ўсимлик толаларидан иборат бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган ва уларни қайта ишлаш жараёнида толалар ўртасида пайдо бўладиган ёпишиш кучлари билан боғланган. Қоғоздан қалинлиги ва оғирлиги билан фарқ қилади. Картон ишлаб чиқаришда уни махсус хусусиятлар – биостабиллик, иссиққа-оловга бардошлилик, намликка чидамлилик ва бошқалар билан таъминлайдиган қўшимчалар, қопламалар кенг кўлланилади;

катанка – ишлаб чиқариш учун совуқ чивиқланган, диаметри 5-10 mm бўлган иссиқ ҳолатда прокатланган сим. Улар темир-бетон учун ҳам ишлатилади;

катронбетон – боғловчи сифатида қатрон ёки пекни таркибига кирадиган асфальтбетонга ўхшаш материал. Қатронбетон тўлдирувчиларининг ўлчамларига қараб йирик, ўртача ва майда доналарга бўлинади.

кафель (кошин) – юпқа керамик плитка, ташқи тарафидан глазур билан қопланган, камин, печ, девор, баъзи ҳолларда полларни қоплашда ҳам хизмат қилади;

квартира – яшаш ёки фойдаланиш учун мўлжалланган, кўп квартирали уйдаги умумий фойдаланиладиган жойларга тўғридан-тўғри чиқишни (ёки киришни) таъминлайдиган ва бир ёки бир нечта хонадан, шунингдек, инсонларнинг маиший ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ бошқа эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёрдамчи хоналардан иборат бўлган алоҳида жой;

кварц – энг кўп тарқалган минерал, силикат (кремний икки оксиди) SiO_2 нинг муҳим хилма-хил кристалл тури, ер юзаси шароитида бошқа қолган барча яширин кристаллилар ва коллоидли модификациялари силикат (халцедон, кварцин, опал)га аста-секин ўтади;

кварцит – асосан кварцдан ташкил топган тоғ жинси. Бирламчи чўкинди ва иккиламчи кварцларга ажратилади. Чўкинди кварцлар асосан кучи тектоник ҳаракатлар шароитида содир бўладиган қум охирги ўзгариш босқичини ифодалайди;

кварцли порфир – кимё, минерология ва таркиби гранитга ўхшаш тоғ жинси, унда порфир тузилиши билан фарқ қилади. Кварц ва кўпинча дала шпати – бу фенокристаллар. Фенокристаллар миқдори ва масса ўртасидаги нисбат доимий эмас. Кварц порфири учун зичлиги паст, юқори ғовакли навларини бериш қобилияти характерлидир (масалан, пемза);

квитация – суюқлик оқимда, суюқликдан гидродинамик ёки акустик жараёнлар натижасида ажралиб чиққан буғ, газ ёки уларнинг аралашмалари билан тўлган “бўшлиқлар” кичик пуфакчалар ёки бутун бўшлиқлар пайдо бўлиб, унинг бир жисмлилиги бузилиши;

кема навали – кема швартовкасида ёки унинг тўхтаб туришида, қирғоқ иншоотига ўтадиган кучланиш;

кемпинг – автосаёҳатчилар учун база, лагерь;

керамзит – ғовак тузилишга эга, енгил гранулали материал, гилли жинс енгил эритиб шишириб олинади; гравий кўринишида (гранулалар 5 дан 40 mm гача) ва қум (доналар 5 mm дан кичик); керамзитбетон учун тўлдирувчи вазифасини бажаради, баъзида бино конструкцияларида иссиқлик ва овоз изоляция тўшамалари сифатида ишлатилади;

керамзитли шағал – ғовакларга ва ячейкали ички структурага эга бўлган енгил материал. Керамзитли шағал юқори температурада тез қиздириш вақтида бўртиш хоссасига эга бўлган осон эрийдиган гилли жинсни пиширишйўли билан тайёрланади. Бу материал енгил бетон олиш учун сунъий ғовакли тўлдирувчилар ичида энг самарали тўлдирувчи

ҳисобланади. Шунингдек, ундан сочилувчан иссиқлик изоляцияловчи материал сифатида ҳам фойдаланиш мумкин;

керамзитобетон – енгил бетон тури, тўлдирувчи сифатида керамзит, боғловчи сифатида цемент, гипс ёки синтетик смолалардан фойдаланилади. Керамзитбетоннинг иссиқликдан изоляцияловчи, конструктив-изоляцияловчи ва конструктив хиллари бор;

керамика – гил ва уларнинг аралашмаларини минерал қўшимчалар билан пиширишйўли билан олинадиган, барча турдаги пишган гил маҳсулотларининг умумий номи (майолика, терракота, чинни, сопол ва б.);

керамика массаси (таркиби) – муайян мақсадда керамик буюмлар ишлаб чиқариш учун қўшимчалар билан ҳар хил таркибдаги лой аралашмаси. Керамика массасининг асосий компонентлари – лойсимон (лой ва каолин), пластикликни камайтирувчи (кварц қуми, шамот), пишириш ҳароратини пасайтирувчи (дала шпати, пегматит, перлит, нефелин) ва б. материаллар;

керамика плиталарни ўрнатиш юзаси – девор ёки полга ётқизилаётганда туташтириладиган плитканинг юзаси;

керамика плитали гилам – ётқизиш ишларини енгиллаштириш учун мўлжалланган элакка ўхшаш материалга ёки қоғозга ёпиштирилган плиткалар тўплами;

керамик бўёқлар – юқори ҳароратга чидамли (оғир рангли металларнинг оддий оксиди) минерал бўёқ маҳсулот. Керамик бўёқлар сир (глазурь) ости ва сир (глазурь) устига ажралади. Биринчиси сирланмаган маҳсулотларга қўлланилади, кейинчалик сир (глазурь) билан қопланади ҳамда пиширилади, иккинчиси – глазурланган пиширилган маҳсулотларга, кейинчалик пиширишорқали мустаҳкамланади;

керамик ғишт – тошли донали бўшлиқли ёки бут бўлган қурилиш материали, тўғри шаклли, лойсимон хомашёни пиришиш йўли билан тайёрланади. Юк кўтарувчи, ўз-ўзини кўтарувчи ва юк кўтармайдиган деворларни қуришда (теришда), бино ва иншоотларнинг бошқа элементларида ишлатилади;

керамик иссиқлик изоляция маҳсулотлари – керамик массалардан олинган юқори ғовакли керамикларнинг бир тури, уларни ғоваклаштириш ёки уларга қийин эрийдиган ғовакли тўлдиргичлар киритиш йўли билан олинади. Бу массаларда қолипланган маҳсулотлар қуритилади ва юқори ҳароратларда пиширилади. Хомашёга қараб керамик иссиқлик изоляция маҳсулотлари диатомитли (трепелли), шамотли, перлит-вермикулиткерамик ва керамик толали ва бошқаларга бўлинади;

керамик қоплама – металларнинг оловбардош оксидлари ва ферментлар асосидаги юпқа (15-150) плёнкалар бўлиб, улар газли фазадан эмаллаштириш, газ билан аланга бериш ёки плазмали чанглатиш ва бошқа усуллар билан олинадиган ҳамда металл юзасига ёки бошқа сиртларга уларнинг кимёвий, термик, механик бардошлигини ошириш мақсадида сепилади;

керамик плиталарни безаш – плиткаларнинг олд юзасига силлиқ ёки релъефли расмни, бир нечта рангларни тушириш;

керамик плиталарнинг кислотага чидамлиги – плиткаларнинг сирланган юзасида нуқсонлар пайдо бўлмасдан ва ёки парчаланиб кетмасдан маълум шароитда маълум концентрацияли кислотанинг таъсирига бардош бериш қобилияти;

керамик плиталарнинг олд юзаси – девор ёки полга ётқизилгандан кейин кўринадиган плиткалар юзаси;

керамик плитка – керамик массадан тайёрланган юпқа ясси плитка бўлиб, қоидага кўра, унинг сирти глазурланган ёки глазурланмаган бўлади, бу плитка деворларнинг ички қисмини, девор панелларни, полнинг сиртини пардозлашда қўлланилади (СТ СЭВ 3979);

керамик плиткаларнинг совуққа бардошлиги – плиткаларнинг маълум шароитларда, вақт ўтиши билан сирланган юзада нуқсонлар пайдо бўлмасдан ва (ёки) бузилмасдан музлаши, эриши давридаги бардош бериш қобилияти, маълум миқдордаги цикллар сони билан тавсифланади;

керамик санитария маҳсулотлари – оқ лой ва минераллар аралашмасидан тайёрланган, юқори ҳароратда ёндирилган ҳамда ифлосларни сув билан ювиш орқали санитария-гигиена, маиший фойдаланиш учун мўлжалланган сирланган маҳсулот;

керамик тола – таркибида 45 % дан кам бўлмаган Al_2O_3 алюмосиликат эритиб олинадиган тола;

керамик тош – номинал қалинлиги 140 mm ва ундан катта бўлган, тош учун мўлжалланган, катта форматли ичи бўш керамик маҳсулот. Маҳсулотдаги бўшлиқлар вертикал ва горизонтал жойлашиши мумкин. Девор ва пардеворларни териш учун ишлатилади;

керамит – ёниш даражасигача қиздириш йўли билан тайёрланадиган брусчатка шаклидаги ғишт, йўлларга ётқизиш учун ишлатилади;

кескин қияли арка – кўтарилиш стреласи ораликка тенг бўлган ёки ундан катта бўлган арка;

кескин омиллар – ўлимли омиллардан фарқли ўлароқ, ҳали тирик жонзотларни тез ҳаракатга олиб келмайдиган, лекин жуда беқарор ва уларнинг мавжудлигига ноқулай шароит яратувчи муҳитнинг ҳар қандай омили;

кессон – сув остида ёки сув билан тўйинган тупроқда сувсиз иш жойини яратиш учун бетон (ёки темир-бетон) хона шаклидаги ўраб турувчи конструкция; асосан кўприк таянчлари ва чуқур пойдеворларни қуриш учун ишлатиладиган ва зарур шароитларни таъминлаш учун қурилма (бўлма);

кессонли ораёпма – икки йўналишда ишлайдиган блок ва плиталар тизимини ўз ичига олган монолит ораёпма;

киль кўринишидаги арка – юқори қисми ўткир учли арка бўлиб, унинг ташқи кўриниши қайиқ корпусининг киль қисмига ўхшайди;

кимёвий толалар асосидаги пол қопламалари – синтетик тўқималарни қўллаш орқали олинадиган қопламалар;

кимёвий чидамли бетон – кимёвий жиҳатдан чидамли боғловчилар, тўлдиргичлар ва тўлдирувчилар асосида тайёрланадиган махсус бетон тури. Кимёвий чидамли бетон олишда синтетик смолалар ва полимер қўшимчали суюқ натрий ёки калийли шишадан боғловчи сифатида фойдаланишади (полимер силикатли бетонлар). Кимёвий чидамли бетонлар, кимёвий бардошлиги боғловчи ва тўлдирувчилар тури бўйича таснифланади;

кимёвий-физик таъсирда ўзгарган грунтлар – моддий таркиби, структура ва текстураси техноген таъсирлар ўзгартирадиган табиий грунтлар;

кислотабардош ғишт – суюқ ёки газсимон ҳолатдаги турли кимёвий реагентлар таъсирига узоқ вақт бардош бера оладиган, қўшимчалар ёки қўшимчасиз гилсимон минераллардан ясалган сунъий керамик қурилиш материали;

кислотабардош қоришма – калий ёки натрийнинг эрувчан силикатлари кўринишидаги боғловчидан ташкил топган қоришма бўлиб, у қотишни тезлаштиради ва ўз таркибига кислотабардош тўлдирувчилар – чангсимон тўлдиргич, қум (чақиқ тош)ни киритади;

кислотабардошли (кислотага чидамли) – материалнинг кимёвий таркиби, кислоталар таъсирига қарши туриш қобилиятини ифодалайди (ноорганик ва органик кислородли ва кислородсиз, бир асосли ёки ундан юқори асосли концентратланган ёхуд суюлтирилган эритма ҳолатида). Материалнинг таркибида тегишли реагентларнинг мавжудлиги ҳар доим конструкцияларда унинг кислотага бардошлигини пасайтиради;

кислотабардошли қоришмалар – оксидли агрессив муҳитлар узоқ вақт таъсир қилганда нормалланган чегараларда ўз хоссаларини сақлаб қолиш қобилиятига эга бўлган қоришмалар;

кислота бардош керамик материаллар – кимёвий таъсирларга чидамлилиги юқори бўлган, сунъий донали маҳсулот ва кукунсимон материаллар;

кичик белбоғ – бино фасад қисмини баландлик бўйича ажратувчи карниз;

кичик қозиқли пойдевор – майдони 300 cm^2 гача ва узунлиги одатда 2,5 дан 5,5 m гача бўлган юмалоқ, тўртбурчак ёки трапецеидал кесмали кичик темир-бетон қозиқлар;

кичик нуқсон – маҳсулотнинг мақсадли ишлатилишига ва унинг чидамлилигига сезиларли таъсир қилмайдиган нуқсон;

кичик чуқурлаштирилган пойдевор – бу шундай пойдеворки, унинг жойлашиш чуқурлиги грунт музлашининг ҳисобий чуқурлигидан ошмайди, иншоотдан тушадиган вертикал юк заминга (асосга) фақат унинг ёстиғи ёрдамида узатилади;

клинкер – оҳактош ва лой аралашмасини пиширish натижасида олинадиган ва цемент ишлаб чиқаришда ярим тайёр маҳсулот;

клинкер даври – клинкер минераллари, алоҳида оксидлар ёки шиша асосли қаттиқ эритмалар шаклидаги клинкернинг таркибий қисми;

клинкерли ғишт – қўшимчалар ёки қўшимчаларсиз лойсимон материалдан ёндирилиб тўлиқ пиширib тайёрланадиган, бўшлиқсиз (бутун танали) ўлчами 250x120x65 mm тўғри бурчакли параллельепипед кўринишидаги сунъий керамик қурилиш материали. Клинкер ғишт қуйидаги физик ва механик хусусиятларга – юқори мустаҳкамлик ва совуққа чидамлилиги, кам сув ютилиши ҳамда агрессив таъсирларга қаршилигининг юқорилиги эга. Клинкер ғиштлар асосан юқори агрессив муҳитда – бино деворининг пойдеворлари ва цоколларида, подвалларда, таянч деворлар, устунлар, парапетларда нам шароитли хоналарнинг ташқи деворлари, канализация тизимларида, шамоллатиш каналларида мўри қувурининг ташқи деворини қуриш учун ва бошқаларда қўлланилади. Бундан ташқари кўчаларга ётқизиш учун ҳам қўлланилади;

клинкерли минерал – клинкер фазаларининг кристалл-кимёвий асоси бўлган сехиометрик таркибининг сунъий бирикмаси;

клинкернинг минералогик таркиби – кимёвий таҳлил маълумотлари асосида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган асосий клинкер минералларининг таркиби;

клуарлар – дам олиш учун ҳамда норасмий учрашувлар, фикр алмашув учун ён заллар, йўлаклар;

кляммер – қурилиш элементларини маҳкамлаш учун мўлжалланган эгик пўлат тасма;

когезия – бир хил қаттиқ жисм ёки суюқликнинг ўзаро зарралари молекулалараро бир-бирига таъсир этиши сабабли бу зарраларни ягона жисмга олиб келувчи қўшилиши, тортилиши;

қозиқ тасма пойдевор – қозиқларни бир қаторли ёки кўп қаторли бўйлама жойлаштириш билан бажариладиган пойдевор бўлиб, бу қозиқлар устки қисми бўйича бикир тўсин (ростверка) билан тасма ёки кесишувчи тасмалар кўринишида ўзаро бирлаштирилади. Бундай пойдевор иншоотларнинг деворлари таги, ускуналар ости каркас устунлари тагида қўлланилади;

қозиқ пойдеворлар – иншоотлардан тушадиган юкни ён сирт юзага ва қозиқларнинг пастки кўндаланг томони (торец)га тақсимлаб заминга узатувчи пойдеворлар;

кокс қатрони (смола) – 900 дан 1100 °С гача бўлган температураларда кўмирни кокслаш пайтида ажралиб чиқадиган (тахминан 5 %) маҳсулот. Бу ярим кокслаш йўли билан (500 - 550 °С гача бўлган ҳароратларда) олинадиган бирламчи ёки паст ҳароратли қатронлардан 25 % - 35 % оғирроқ;

коллектор – ҳар хил турдаги коммуникацияларни ётқизиш учун чизиқли турдаги ерости муҳандислик иншооти;

колорифер – иситиш, шамоллатиш ва қуритиш мақсадидаги ҳавони қиздириш учун жиҳоз – иссиқ сув, буғ ёки қиздирилган газ ҳаракатланувчи қувурлар тизими;

комбинацияланган пайванд улаш – асосий металдаги зўриқишлар пайвандланган чоклар учун рухсат этилганидан юқори бўлган ва қийшиқ пайванд чокини таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда бир ёки икки томонлама накладкалардан фойдаланган ҳолда чокларда қўлланиладиган пайванд улашлар;

комбинацияланган қозиқли-плита пойдевор (ККПП) – бу шундай плитаки, унда чўкишларни камайтириш ва уларнинг нотекис рўй беришини бартараф этиш учун қозиқлар кўзда тутилади, бу қозиқлар ўзининг 57 диаметри узунлигидан кичик бўлмаган масофада жойлаштирилади. ККПП чўкишини ҳисоблаш методи қозиқлар ва плиталар бикирлигини биргаликда ҳисобга олишга асосланган. Бунда лойиҳалаш нормаларида шундай ҳол кўзда тутилганки, унга кўра плита ишга қўшилганда, пойдеворга тушадиган умумий юкларнинг тахминан 85 % ни қозиқлар қабул қилса, қолган 15 % плиталарга тўғри келади;

комбинацияланган тизимлар – турли хил хусусиятларга эга бўлган тизимларнинг комбинацияси бўлган конструктив тизимлар – аркалар ва тўсинлар ферма билан, осма конструкциялар тўсин билан, тўсинлар арка билан ва б. Бундай тизимлар одатда элементларнинг бир қисми эгилишга, иккинчи қисми эса чўзилиш ёки сиқилишга ишлайди;

коммуникация – ахборот, алоқа; коммуникациялар ахборот йўллари, алоқа линиялари; шаҳар хўжалиги ерости тармоғи (сувўтказгич, газўтказгич);

коммуникация коллектори – турли вазифадаги қувурўтказгичлар ва кабелларни бирга ўтказиш учун ерости чўзиқ иншоот;

комплекс конструкциялар – заводларда ишлаб чиқариладиган қурилиш конструкциялари, функционал жиҳатдан турли элементларни бирлаштирган – эшик ва дераза блоклари ўрнатилган девор панели, том ёпиш плиталар иссиқликдан изоляция, том ёпмалари билан ва бошқалар;

конёк – конёк том ёпмасининг иккита нишаб кесишмасидан ҳосил бўлади. Том стропилаларининг туташган қисмларини кўтариб турувчи, нишабларни боғлаб турувчи, томнинг юқори горизонтал тўсини;

конёк вантаси – нишабли осма томларда ёпмасининг учини ҳосил қилувчи қисм;

конёкли арка – нишабли том ёпмасининг конёк қисмини ҳосил қилувчи арка;

консоль – конструкция (тўсин ёки ферма) бир учи қаттиқ маҳкамланган иккинчи томони бўш ёки таянчдан ташқарига чиқиб турадиган конструкциянинг бир қисми;

конструктив-каркасли тизим – асосий вертикал юк кўтарувчи конструкциялари каркас устунлари бўлган тизим, унга юк тўғридан-тўғри ораёпмалардан (ригелсиз каркас) ёки ригел орқали (ригелли каркас) узатилади. Конструктив тизимларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва қатъийлигини таъминлаш учун ишлатиладиган вертикал конструкциялар турига қараб, рамали, боғланган ва рамали боғланган каркасли тизимга ажратилади;

конструктив-бўйлама деворли тизим – ораёпма ва юк кўтармайдиган деворларидан вертикал юклар асосан кўндаланг юк кўтарувчи деворларга ўтказиладиган ва ораёпма плиталари асосан тўсинли схема бўйича ишлайдиган конструктив тизим;

конструктив-кесишма деворли тизим – кўндаланг ва бўйлама юк кўтарувчи деворлари бўлган фазовий тизим, унинг устига ораёпмалар контур бўйлаб ёки уч томондан таянади;

конструктив-кўндаланг деворли тизим – бунда ораёпма ва юк кўтармайдиган деворларидан вертикал юклар асосан кўндаланг юк кўтарувчи деворларига ўтказилади ва ораёпма плиталар асосан тўсинли схема бўйича ишлайдиган конструктив тизим;

конструктив-ригельсиз тизим – ригеллар мавжуд бўлмаган тизим; ораёпмалар одатда алоҳида устунларга таянадиган плиталар каби ишлайди;

конструкция бетони – бино ва иншоотлар юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларининг бетони (таркибидаги йирик тўлдирувчи доналарининг ўлчами 10 mm дан катта бўлган бетон) бўлиб, конструкциялар сифатига қўйиладиган талабларни физик-механик характеристикалари бўйича белгиланади;

– йирик тўлдирувчининг доналари орасидаги бўшлиқлар боғловчи модда билан тўлмаган вақтда ҳосил бўладиган очиқ ғовакларга эга бўлган бетон тури. Бетонда майда тўлдирувчи (қум) мавжуд бўлмаганда ёки кам миқдорда бўлганда, зичлиги нисбатан катта бўлмаган, иссиқлик ўтказувчанлиги ва фильтрацион қобилияти юқори бўлмаган структура ҳосил қилинади;

конструктив тизим – тизимни ташкил этувчи элементларнинг конструктив ечими, уларнинг ўзаро жойлашиши ва кучларни узатиш усули билан тавсифланган маълум турдаги элемент тизими. Унинг мустаҳкамлиги, қаттиқлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган тизимга бирлаштирилган қурилиш элементлари тўплами. Структуравий тизимнинг мустаҳкамлиги – бу йиқилмасдан ва қабул қилиниши мумкин бўлмаган деформацияларни олмасдан, ҳисобга кўра юкларнинг таъсирига қарши туриш қобилияти; бикирлик – юкларнинг таъсири жараёнида шаклнинг ўзгармаслиги; барқарорлик – ағдарилишига қаршилик. Ушбулардан бирининг йўқолиши у ёки бу тарзда бутун тизимнинг ишдан чиқишига олиб келади;

конструктив-иссиқлик изоляцияловчи бетон – юк кўтариш қобилияти бўйича ҳам, иссиқлик изоляциялаш хоссалари бўйича ҳам талаблар қўйиладиган конструкциялар учун мўлжалланган бетон;

конструкция мустаҳкамлиги – тайинланган функциялари моҳиятини сақлаган ҳолда бажариш, ўрнатилган эксплуатацион кўрсаткичлари белгиланган муддатларда,

техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва ташиш талаб қилинадиган режим ва фойдаланиш шартларига мос келадиган конструкциянинг хусусиятлари;

конструкция остидаги асос – осма фасад тизимларининг таг конструкциялари маҳкамланадиган юк кўтарувчи конструкция бўлиб, бу таг конструкциялар ушбу асос вазифасини бажарувчи юк кўтарувчи конструкциянинг элементи деб ҳисобланмайди. Ўртача зичлиги 900 kg/m^3 дан кам бўлмаган конструкцион материалдан бажарилган бу юк кўтарувчи, ўзини ўзи кўтарувчи ёки осма девор, масалан, яхлит керамик ғишт, бетон ва енгил бетондан тайёрланган блоклардан терилган деворни ўзида намоён этади. Алоҳида ҳолларда фасаднинг архитектуравий элементларини яратиш учун металл каркас (панжара) бундай асос сифатида хизмат қилиши мумкин;

конструкция паспорти – конструкциянинг лойиҳавий ечимлари, хавфсизлик параметрлари ва сифат кўрсаткичларини, қуриш (монтаж қилиш) бўйича кўрсатмаларни, шунингдек, томонлар (тайёрловчи ва истеъмолчи)нинг вазифа ҳамда мажбуриятларини ўз ичига олган ҳужжат;

конструкциялар - кўндаланг (тўрсимон) кўринишда арматуралаш билан кучайтирилган арматошлар – горизонтал бўғинларга тошлардан ётқизилган, арматура тўрлар билан мустаҳкамланган, арматошдан ясалган бинолар ва иншоотларнинг элементлари (деворлар, столблар);

конструкциялар ва (ёки) маҳсулотлар тўплами – бинони ёки унинг қисмини ташкил этиш учун зарур бўлган конструкциялар миқдори ва (ёки) конструкция ёхуд унинг қисмини шакллантириш учун керакли миқдордаги маҳсулотлар;

конструкцияларни коррозияга синаш – конструкцияларни ёки ҳимоя қопламаларини агрессив муҳитда уларнинг коррозияга чидамлилигини ва (ёки) ҳимоя қобилиятини аниқлаш мақсадида синаш;

конструкцияларнинг шикастланиши – конструкциялар учун норматив-техник ҳужжатларда белгиланган даражалардан ошиб кетган ташқи омиллар таъсирида қурилиш конструкцияси ёки унинг бир қисми соз ҳолатининг бузилиши билан ифодаланадиган ҳодисадир;

конструкциянинг деформацияланиши – юклар ва кучлар таъсирида конструкция (ёки унинг бир қисми) шакли ва ўлчамларининг ўзгариши;

конструкциянинг ёнғиндан сақланганлиги – ёнғиндан кейинги қолган мустаҳкамлиги ёки қайтарилмас деформациялари унинг ишончли ишлашини таъминлашга имкон берадиган конструкциянинг ҳолати;

конструкциянинг коррозияга чидамлилиги – конструкциянинг маълум вақт давомида агрессив муҳит таъсирига қарши туриш қобилияти;

конструкциянинг металлаштирилган ҳимоя қопламаси – конструкция ёки элементларининг ҳимояланган юзасига эриган метални пуркаш орқали олинган ҳимоя қопламаси;

контакт – баъзи элементлар ёки конструкцияларнинг бошқалари билан ўзаро таъсир қилиш юзаси ёки зонаси;

контактли нуқтали пайванд – контактли пайвандлашнинг бир тури бўлиб, бунда электродларнинг сиқилиш кучини узатувчи торецлари орасида пайвандлаш бирикмаси олинади;

контактли пайванд – электр токи ўтганда пайвандланадиган элементларнинг контактлашиш жойида ажралиб чиқадиган иссиқлик ва босим таъсири остида пайвандланадиган элементларни бириктириш усули;

контактли тугун – йиғма бир-бирига киритиб уланадиган горизонтал тугун, монолит ва йиғма монолит ораёпма плита монолит девор билан, сиқувчи кучлари фақат юк кўтарувчи деворнинг монолит бетони орқали ўтказилади ва тугунни бетон билан тўлдириш таъминланади, шунингдек, зарур бўлганида алоҳида арматуралар орқали мустаҳкамланади;

контактли туташ – йиғма панелли деворларнинг ораёпма плиталари билан горизонтал бирикиши унда сиқувчи вертикал юк бевосита йиғма девор элементларининг туташ юзалари орасидаги қоришмали чок ёки эластик қистирма орқали узатилади. Ораёпма плиталарининг контактли бўғинларида деворларга қоришмасиз (қуруқ) тиралиши мумкин, плиталарнинг учлари орасидаги бўшлиқни қоришма ва арматурали тўрлар билан тўлдириб, ораёпма плиталарни горизонтал қаттиқлик диафрагмасига айлантиради;

контактли уланиш – ёғоч элементларнинг уланиши, унда бир элементдан иккинчисига кучлар кесилган ва ишлов берилган юзалар орқали узатилади;

конткатли учма-уч пайванд – контактли пайвандлашнинг бир тури бўлиб, бунда деталлар ўзларининг туташадиган кўндаланг ён томонларининг бутун сирт юзаси бўйлаб пайвандланиши;

контргайка – ўз-ўзидан бўшашмаслиги учун асосий гайкага қўшимча равишда болтга ёки шпилькага бураб қўйиладиган иккинчи гайка;

контрофорс – деворнинг ташқи томонида жойлашган ва распор (вертикал йўналишда таъсир қилувчи кучнинг горизонтал йўналишда тарқаладиган босими) қабул қилувчи вертикал тиргак;

конструкция (бино, иншоот) турғунлиги – конструкциянинг бошланғич статик ёки динамик мувозанат ҳолатидан чиқаришга интилувчи ташқи кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти;

конха – бинонинг ярим цилиндирсимон қисми (апсидли, токчали) устидаги ораёпма яримгумбаз шаклига эга;

коптаж иншооти – ерости сувларни юзага чиқиш жойида ушлаб қолиш ва йиғиш учун иншоот;

коррозия – ташқи муҳит билан кимёвий ёки физик-кимёвий ўзаро таъсир ёхуд материалларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида материалнинг бузилиш (емирилиши) жараёни. Таъсир механизмига кўра электрокимёвий, кимёвий ва биологик коррозияга фарқланади;

коррозия ингибитори – коррозияланган муҳитга киритилганда (оз миқдорда), металл коррозиялаш тезлигини сезиларли даражада камайтирадиган модда. Бетонда арматура коррозиясини олдини олиш учун ёки коррозия тезлигини пасайтириш учун, коррозия ингибиторини арматуранинг ҳимоя қопламасига коррозия ингибитори бетон таркибига ёки арматуранинг ҳимоя қатламига қўшилади;

коррозияга чидамли қурилиш материаллари – қурилиш материали, маҳсулоти ёки конструкцияларнинг маълум вақт давомида агрессив муҳит таъсирига қаршилик кўрсатишнинг нисбий қобилияти;

коррозияга синаш – қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ёки ҳимоя қопламаларини агрессив муҳитда уларнинг коррозияга чидамлилиги ва (ёки) ҳимоя қобилиятини аниқлаш мақсадида синаш;

коррозияга чидамлилигининг пасайиши – циклик ўзгарувчан зўриқишлар таъсири ва коррозия муҳити таъсирида металл ёки қотишмаларнинг чидамлилик чегарасининг пасайиши;

коррозиядан бирламчи ҳимояланиш – материалларни танлаш, қурилиш материалини тайёрлашга қадар ёки конструкция ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг таркиби ёки структурасини ўзгартириш воситасида эришиладиган коррозиядан ҳимоялашдир;

коррозияли ёрилиш – пўлатнинг ўз-ўзидан мўртлашиши бузилиши (шу жумладан арматурали), коррозия муҳити ва тарангловчи кучлари (механик, қолдиқ зўриқиш ёки термик) биргаликда таъсир қилганда намоён бўлади. Пўлатнинг муҳим экспуатация характеристикаси, пўлатнинг мустаҳкамлиги ва зўриқишининг ортиши, коррозиявий ёрилишга мойиллигини оширади;

косоур – қия жойлаштирилган тўсин, зинапоялар майдончалари орасига ташланган, шунингдек, устига ўз навбатида зинапоялар ётқизиладиган қисм. Саноат уй-жой қурилишида йиғма зина марши тўлиқ темир-бетондан (касоурлар, қадамлар) тайёрланади ва косоур деб ҳам аталади;

коттедж – бир оила учун унча катта бўлмаган, шаҳардан ташқаридаги уй;

котлован тўсиғи – пойдеворлар, ерости ва чуқурлашган иншоотларни қуришда грунтни ўпирилишга қарши ушлаб турувчи конструкция. Котлован тўсиғининг вақтинча ва доимий ишлашга мўлжалланган турлари мавжуд. Котлован деворлари конструкцияларининг тўсиғи – темир-бетонли қоқиладиган ёки бурғулаб киритиладиган қозиқлардан; “грунтдаги девор” усули билан бажариладиган яхлит темир-бетон деворлар ёки “кесувчи” бурғуланувчи қозиқлардан қурилади. Шунингдек, улар темир-бетон шпунтдан ёки прокатли профиллардан бажарилган металл шпунтдан тайёрланади;

кошин – конструкциянинг ташқи декоратив ёки ҳимоя қатлами, донали ёки қаттиқ листсимон маҳсулотлардан ташкил топган;

кошинлаш профили – дераза откосларини пардозлаш учун профиллар (наличник, нательник, бурчаклилар ва бошқалар). Кошинлаш профили турли хил тизимларни яратиши мумкин;

кошин (облицовка) учун қоғоз қатламли листлар – қалинлиги 1-5 mm жилосиз ёки жилоли юзали декоратив листлар. Улар турли хил рангларга эга, шунингдек, қимматбаҳо ёғоч ва тошларга тақлид қилиб, махсус қоғозни синтетик смола билан шимдириш ва кейинчалик иссиқ пресслаш орқали амалга оширилади. Қоғоз қатламли пластик листлар турар жой ва жамоат бинолари ички деворларни отделка ишларида, эшик панелларини ва бошқа элементларни безаш учун ишлатилади;

кран ости таянч тармоғи – кўдаланг кесими ўзгарувчан, енгиллаштирилган (бўшлиқлар яъни йирик тешикларга эга бўлган) устунларнинг юк кўтарувчи элементи бўлиб, бу элемент кран ости тўсини билан битта вертикал ўқда жойлашади;

кран ости тўсини – рельсли йўлларни ўрнатишга мўлжалланган темир-бетон ёки металл конструкция бўлиб, рельсли йўллар бўйича юк кранлари ҳаракатланади;

кратер шаклланиши – плёнкада қотганидан кейин сақланиб қоладиган юмалоқ шаклдаги кичкина чуқурча пайдо бўлиши;

кремнезём – кремнийнинг кислород билан бирикиши. Табиатда кварц, аметист, агат, кристалли тош, қум ва бошқалар шаклида жуда кенг тарқалган. Шиша ишлаб чиқаришда ишлатилади;

кремнеземистли оловбардош буюмлар – кремнезем (сувсиз кремний диоксид) асосли оловбардош (кимёвий минерал таркибига боғлиқ ҳолда тўрт гуруҳга ажратилган – таркибида кремний диоксиди камида 98 % бўлган кварцли (кремнеземистли) шишадан; динаслилар – 93 % дан юқори; динаслилар қўшимчалар билан 80 % - 93 %; кварцлилар – 85 % дан кам бўлмаган) буюмлар гуруҳи. Кремнеземист оловбардошлилар табиий хомашёдан тайёрланади – кварцитлар (кристалли), кварцли қумлар, шунингдек, синтетик – кварц қуми ёки кремнеземни эритиш орқали олинадиган кварц шиша кукуни;

кремний икки оксиди (кремнезем) – кремнийнинг кислород билан бирикмаси – SiO_2. - Табиатда кварц минерали, тридинамит, кристаллобарит ва бошқа моддалар кўринишида учрайди. Кремний икки оксидининг монокристаллари гидротермал шароитларда олинади. Кремнийнинг табиий икки оксиди – керемний, кварц шишаси, турли материалларнинг компонентларини ишлаб чиқаришда хомашё сифатида хизмат қилади;

крентлар – кристалланган компонентлар – майдалаш вақтида цемент (масалан, портландцемент) таркибига қўшилади;

крестсимон боғлам – текис ёки фазовий конструктив тизимларнинг геометрик ўзгармаслигини таъминловчи, қаттиқ ёки шарнирли уланган крестсимон боғламлар;

кристалли моддалар – қаттиқ ҳолатдаги моддалар, кристал тузилиши билан ажралиб туради, яъни атомларнинг (молекулаларнинг) даврий уч ўлчамли жойлашуви. Кристалли моддалар, кристаллар, шунингдек, поликристаллар тош кўринишида ва бўшашган шаклида мавжуд бўлиши мумкин;

крыльцо – бинога кириш эшиги олдида қоида тариқасида режалаштирилган ер сатҳидан тепада жойлашган, платформа ва зина кўринишидаги ташқи қўшимча кенгайтма;

ксилолит – магнезияли цементнинг апилка билан аралашмасидан, асбест ва бошқа тўлдирувчилардан иборат сунъий қурилиш материали; пол қурилмалари, пардеворлар, дераза токчаси ва бошқалар учун ёғоч ўрнида ишлатилади;

кукун тўлдирилган сим – кукунсимон моддалар билан тўлдирилган металл қопламадан ташкил топган павандлаш сими;

кукунли бўёқ – плёнка ҳосил қилувчи моддалар ва пигментлар, тўлдиргичларнинг қуруқ композицияси бўлиб, у эритиш, совутиш ва қотириш жараёнидан кейин қаттиқ шаффоф бўлмаган плёнка ҳосил қилади;

кул ва шлакли аралашма – кул ва шлак қўшма гидра олиб ташлаш пайтида иссиқлик электр станцияларида ҳосил бўладиган кул ва шлак компонентларининг аралашмаси. Кул компоненти 0,315 mm дан кўп бўлмаган кул ва шлак заррачаларидир. Шлак компонентига шлакли қум (0,315 - 5000 mm) ва шлакли шебен (5 - 40 mm) зарралари киради. Кул ва шлак аралашмалари шлак компонентининг таркибига қараб (фоиз сифатида) – йирик донадорларга – 50 % дан ортиқ, ўртача донадорларга – 10 % дан 50 % гача ва майда донадорларга (кўчирилган кул) – 10 % дан кўп бўлмаганга ажратилади;

кул-аглопорит – енгил бетонлар учун сунъий ғовак тўлдирувчи, асосан ИЭС кулидан шихта хом ашёни грануллаш йўли билан ва хом гранулаларни агломерацион куйдириш машиналарида термик ишлов бериш йўли билан олинади;

кул-аглопоритобетон – енгил бетоннинг бир тури, золоаглопорит тўлдирувчили, цемент ва бошқа боғловчиларга асосланган композит;

кулиса – саҳна ёнларида жойлашган театр безаги текис қисми;

кўмиртош қатрони – кўмиртошни қуруқ (ҳавони киритмасдан) ҳайдашнинг конденсацияланган маҳсулоти. Иссиқлик билан ишлов бериш усулига кўра кўмир тошли қатронлар бирламчи ёки паст ҳароратли турларга бўлинади; - 0,80 дан 0.95 g/cm^3 гача бўлган зичликка эга, ярим кокслаш (500 °С дан 550 °С гача ҳароратда) ва кўмирни кокслаш билан (900 °С дан 1100 °С гача ҳароратда) ҳосил қилинади.

курзал – оромгоҳда концерт, мажлислар ва б. ўтказиш учун хона;

қурилиш ишлаб-чиқариши – бевосита қурилиш майдонида бажариладиган, қурилишнинг тайёрлов ва асосий давридаги қурилиш-монтаж ва махсус ишларни ўз ичига олувчи ишлаб-чиқариш жараёнининг йиғиндиси;

куч (юклама) – бино ва иншоотларнинг конструкциялари, асослари зўриқиши ва шакли ўзгариш ҳолатини келтириб чиқарувчи механик куч (таъсир);

кучланувчи тармоқ – электр қувватини кучланиш подстанциялари шинасидан электр транспорт ҳаракат таркибининг ток қабул қилгичларига узатиш учун хизмат қилувчи электр таъминоти тизимининг қисми;

кювет – темирйўл ёки автомобиль йўлларидан сувни четлатиш ариғи;

кяриз – ерости сувларини йиғиш ва уни юзага чиқариш учун ерости иншооти;

кўзгу – бирор нарсани акс эттирувчи, ифодаловчи нарса. Юзасида юқори даражада акс эттирувчи металл қатламали ҳимоя қопламали ойна плитаси;

кўндаланг арматуралаш – сиқилувчи элементларни бетоннинг кўндаланг деформацияларини чегаралаш ҳисобига шу элементларнинг юк кўтариш қобилиятини оширувчи пайвандланган тўрлар (муайян жойдаги арматуралаш) ёки халқалар билан (спирал кўринишида) кўндаланг арматуралаш;

кўндаланг қатор – конструкциянинг сиртқи юзаси бўйлаб қисқа ён қирраси билан ётқизилган ғиштлар ёки тошлар қатори;

кўп қатламли арка – вертикал ўққа нисбатан симметрик жойлашган ва турли марказларга эга бўлган айлана ёйларидан ташкил топган ўққа эга бўлган арка;

кўп қатламли деворлар – конструктив қатламлар орасидаги юк тақсимотини таъминловчи, қаттиқ ёки қайишқоқ уланишлар билан ўзаро боғланган, енгиллаштирилган қатламли деворлар. Кўп қатламли деворларни мустаҳкамлик учун ҳисоблаганда иккита ҳолат ажратилади:

а) қатламларнинг қаттиқ уланиши. Қатламларнинг турли мустаҳамликка ва эластик хоссаларга эга бўлиши, шунингдек, шу қатламларнинг деворда биргаликда ишлашида уларнинг мустаҳкамлигидан тўлиқ фойдаланилмаганда, кесим юзасини асосий юк кўтарувчи қатлам материалига келтирилишини ҳисобга олиш лозим. Барча кучларнинг эксцентриситетлари келтирилган кесим ўқига нисбатан аниқланиши лозим;

б) қатламларнинг қайишқоқ уланиши. Ҳар бир қатламни ўзига оладиган юкларни алоҳида ҳисоблаш, томёпма ва ораёпма юкларини фақат ички қатламга берилиши лозим.

Иситкич қатламининг юкларини юк кўтарувчи қатламининг кесимларига пропорционал равишда тақсимланиши лозим;

кўп функцияли баланд бино – бино, турар жой биноларидан ташқари, шу жумладан, унинг қаторига – меҳмонхона хоналари ва бошқа функционал мақсадлар хонаси – административ, сервис хизматлари, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва ҳордиқ, хўжалик ва б. учун;

кўп функцияли баланд мажмуа – фазовий ва функционал боғлиқ жойлашган, бир-бири билан боғланган, турли хил функцияларга эга бинолар гуруҳи;

кўпик ҳосил қилгич – суюқликка қўшилганда турғун кўпик ҳосил қилувчи модда;

кўпик ҳосил қилувчи қўшимчалар – юза-фаол органик моддалар бўлиб, улар талаб этилган карралик ва бардошликка эга бўлган техник кўпик олиш имконини таъминлайди, бу моддаларни бетон компонентлари билан аралаштириш ячейкали ёки ғовакли структурага эга бўлган бетонларни олиш имконини беради;

кўпикланувчи елим – паст зичликдаги полимер елим, қўллаш пайтида кўпикланади, бу тешиклар ва ёриқларни интенсив тўлдиришни таъминлайди;

кўприк бўшлиғи – ҳисобий юқори сув сатҳида ўлчанган, кўприк ости бўш фазо уфқий ўлчамларининг йиғиндиси;

кўприк полотноси – транспорт воситаларидан бевосита оғирликни қабул қилувчи ва оралиқ тузилманинг бошқа қисмларига узатувчи, кўприк оралиқ қурилмаси;

кўтарилиш қаноти – торткич қурилмалар (арка, гумбаз ва ш.к.) таянч нуқтасини бирлаштирувчи чизиқдан тик масофа;

кўтармалар – жойларни юза сувлар босишидан ер кўтармалари ва дамбалар билан тўсиш;

кўтарма грунт – темирйўл юқори қурилмасига ёки автомобиль йўли қопламасига асос бўлиб хизмат қилувчи тўкма, қазилма, ярим тўкма, ярим қазилма кўринишдаги тупроқли муҳандислик иншоот. Ер кўтармасига, бевосита у билан алоқадор сув кетказувчи, маҳкамловчи ва ҳимоя қурилмалари ва иншоотлари (кюветлар, лотоклар, барма, тиркама деворлар ва ш.к.) киради;

кўтарувчи йўналтирувчиси – кўтарилганда (туширилганда) юк кўтарувчи қурилманинг ҳаракат йўналишини белгиловчи, мачта ёки шахталарнинг металлконструкция элементи;

қават – бинонинг баландлик бўйича пол, ораёпма ёки пол ва томёпма билан чекланувчи қисми;

қайишқоқ шакл ўзгариши – уни вужудга келтирган куч олингандан сўнг йўқоладиган (ўз ҳолига қайтувчи) шакл ўзгариши;

қайишқоқлик (эгилувчанлик) – ички кучлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ, куч ва таъсир остида жисмнинг шакл ўзгариши ва уни келтириб чиқарувчи кучланиш ҳаракатини таъсирлар тўхтатилганда, ўзининг бирламчи шакли ва ҳажмини (қаттиқ жисмлар) ёхуд фақат ҳажмини (суюқ ва газсимон жисмлар) тўлалигига қайтариш хусусияти;

қайишқоқлик чегараси – ашёларнинг зўриқишини ифодаловчи механик тавсиф, ўрнатилган жоизлик билан тавсифланувчи қолдиқ шакл ўзгариши биринчи марта нечоғлик кичик катталикка эришади;

қайта тиклаш – бино ва иншоотларни, кўчаларни, майдонларни, шаҳар режалаштириш тузилишини қайта кўриш, замонавийлаштириш, янгилаш. Қайта тиклашда

кўпинча биноларнинг тарихан шаклланган элементлар қиёфасини, шаҳар муҳити табиатини сақлаб қолиш назарда тутилади. Қайта қуришнинг мақсади ва табиатга қараб уни реновация, реабилитация, ревалоризация ва б. турларини фарқлайдилар;

қайтарилмайдиган сув истеъмоли – саноатда, коммунал ва қишлоқ хўжалигида сув ишлатилаётганда (истеъмол қилинганда, фойдаланилаётганда) сувнинг йўқотилиши. Сув манбасига қайтмайдиган сув ҳажми;

қамиш плита – арзон курилиш ва иссиқлик изоляцияловчи материал, тўртбурчак плита кўринишида. Қамишдан прессlаш натижасида, сим билан тикиш ёки ёғоч планкалар билан маҳкамлаш йўли орқали тайёрланади. Асосан 1-2 қаватли уйларнинг девор каркасларини тўлдиришда ва ташқи конструкциялар иссиқлик изоляцияларида ишлатилади;

қамров – ташқи хадлар кўриниши ёки қурилмалар, бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, транспорт воситалари ва ҳокозолар ўлчамлари;

канализация тармоғи – аҳоли яшаш пунктлари, саноат корхоналари ҳудудидан оқава сувларини қабул қилиш ва сув тозалаш иншоотларига оқизиш учун ерости қувур ўтказгичлари, шунингдек, коллекторлар мажмуаси бўлиб, у канализация тизимининг асосий қисми ҳисобланади;

қатқават – бинонинг (иншоот) баландлик бўйича шартли чекланган, ҳажмий-режавий, техникавий ва қурилмавий жиҳатдан бир бутунликни намоён этувчи қисми;

қатламланиш (отлип) – елимловчи қатламнинг ойна ёки парда сиртидан қатламланиб ажралиши;

қатламли конструкциялар – бир хил ёки ўхшаш бўлмаган материалларнинг бир неча қатламларидан ташкил топган қурилиш конструкциялари;

қатнов қисмининг чети – қатнов қисмини йўлбўйидан ажратувчи чизиқ;

қатрон (деготь) – қаттиқ ёқилғи ва бошқа органик моддаларни қуруқ ҳайдашда ҳосил бўладиган учувчан углеводородларни ва уларнинг нометалл (олтингугуртли, азотли ва кислородли) ҳосилаларини қуюқлаштириш (конденсатлаш)нинг ёпишқоқ суюқ маҳсули. Кўмир тошли қатрон қурилиш учун энг яхши техник хоссаларга эга бўлган материал ҳисобланади;

қатронбетон – асфальтбетонга ўхшаган материал бўлиб, қатрон унинг таркибига боғловчи сифатида киритилади. Тўлдирувчисининг йириклигига кўра қатронбетон йирик, ўртача ва майда донали турларга бўлинади;

қатронли боғловчилар – кимё заводларида қаттиқ ёқилғини қайта ишлашнинг иккиламчи маҳсулоти. Қурилишда асосан органик боғловчиларнинг бу гуруҳига кирувчи тошкўмирли қатрон ва тошкўмирли смоладан фойдаланилади;

қаттиқ таянчлар – тош ва темир-бетон конструкциялар, қалинлиги камида 12 cm бўлган кўндаланг тошли ва бетонли деворлар, қалинлиги камида 6 cm бўлган темир-бетон деворлар, таянчлар, қаттиқ тугунли кўндаланг рамкалар, кўндаланг деворлар ва бошқалар горизонтал юкларни қабул қилиш учун мўлжалланган конструкциялар;

қаттиқ каркасли ўзак (каркас ўзакли тизим) – рамкали боғловчи – боғловчи ёки девор контрукция каркас тизими, бунда каркас ствол (ўрта қисми) атрофи кўринишида ёки ёпиқ шаклидаги қаттиқлик ядроси (вертикал қаттиқлик қотиргичлар) шаклида ясалган;

қаттиқлик – ашёларнинг маконий туташган куч таъсирида юза қатламида юмшоқ шакл ўзгаришига ёки мўрт бузилишига қаршилик кўрсатиш хусусияти;

қизил чизиқ – умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун йўл қурилишига ажратилган ер тасмаси чегарасидан бошлаб белгиланган хавфсизлик минтақаси. Кўчалар учун қатнов қисми четидан бошлаб белгиланган хавфсизлик минтақаси;

- шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган чегара, у мавзеларни, микрорайон ва режалаштирилаётган тузилманинг бошқа элементларини кўчалардан, ўтиш жойларидан ва аҳоли пунктлари майдонларидан ажратади;

қирғоқ тасмаси – сув объектига туташиб турувчи, сувдан фойдаланиш ва уни қўриқлаш учун зарур қўриқлик тасмаси;

қирғоқни мустаҳкамловчи кўчатлар – қирғоқ нураши ва емирилиш жараёнларини олдини олиш ёки тўхтатиш мақсадида, сув ҳавзалари қирғоғи бўйича янгидан яратиладиган ёки сақлаб қолинадиган дарахтзор, бутазор ёки ўтсимон ўсимликлар тасмаси. Тупроқни мустаҳкамлайди, дарё ва сув ҳавзаларига ер ва ўғитларни ювилиб тушишини тўхтатиб қолади, сув ҳавзасига туташ ҳудудларни ва сув объектларини озодалик соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш сифатини оширади;

қирқим – юқоридаги қисмининг қалинлиги ўзгариши натижасида юзага келадиган девор ёки пойдеворнинг горизонтал чекиниши;

қирқма – девор ёки пойдеворнинг юқори қисми энининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи горизонтал поғона;

қишки ишлар – ҳаво ҳарорати манфий бўлган йил даврида бажариладиган ва турли ҳудудлар учун ҳарорат минтақаларига монанд меъёрланувчи, паст ҳароратдан ҳимоялаш бўйича махсус тадбирлар ўтказилишини талаб этувчи қурилиш ишлари;

қишлоқ хўжалик ерлари – қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ерлар;

қия буралиш – брус (стержен)нинг ўқи орқали ўтадиган ва бруснинг ҳеч қайси бир асосий текисликларига мос тушмайдиган ташқи кучлар таъсирида эгилиши билан таърифланувчи деформациянинг бир тури;

қия ёғоч тўшама – яхлит ёки қисқа оралиқли тўшама, нишабли том ёпма конструкцияларида амалга оширилади;

қия зинапоя – горизонтга нисбатан қиялик бурчаги 60^0 дан 75^0 гача бўлган зинапоя;

қия кесим (кесилган) – ёғоч конструкция элементларини подрезкали улаш, керак бўлганда сиқувчи болтлар ўрнатилиши билан, эгувчи моментларнинг ноль ёки кичик қийматларига эга бўлган жойларда тўсинлар ва таянчларнинг туташган жойларида қўлланилади;

қия стропила – иккитадан ортиқ таянчларга эга бўлган стропила;

қия тиргак (подкос) – каркас, ферма ва ҳ.к.ларнинг икки тугунини бирлаштирувчи ва ёпиқ контур диоганали бўйича жойлашадиган ҳамда конструкциянинг бикирлигини таъминловчи қурилиш элементи;

қия ўзак – темир-бетон қурилмалар кўтарувчанлик қобилиятини оширишга қаратилган;

қобиқ – иккита эгри чизиқ сирти билан чегараланган фазовий конструкция, сиртлар орасидаги масофа (қобиқнинг қалинлиги) конструкциянинг бошқа иккита ўлчамига нисбатан кичик бўлади. Шаклига қараб доиравий, цилиндрлик, эллиптик, конуссимон, тороидал ва бошқалар; сирт геометриясига қараб мусбат (сферик ва эллипсоидал), манфий (гиперболоид, параболоидлар) ҳамда ноль (цилиндрик ва конус) эгриликдаги хилларга;

материалига қараб, изотопли ёки анизотопли хилларга бўлинади. Қобиқ темир-бетон, пўлат, ёғоч, енгил қотишмалар, пластмасса ва б. қурилиш материалларидан ишланади;

қобиқ-пойдевор – юпқа деворли чуқур жойлаштириладиган қувур кўринишидаги пойдевор;

қовурғали панель – бўйлама ва (ёки) кўндаланг бикирлик қовурғалари билан кучайтирилган панель;

қоғозқатламли декоратив пластик – термореактив полимерлар билан шимдирилган қоғозни иссиқ қиздириш билан 1-3 mm қалинликда олинадиган листли қоплама материал;

қозиқ оёқ – бетон ёки темир-бетон тўғонни қирғоқ (қирғоқ оёғи) ёхуд заминий ашёли тўғон билан бирлаштирувчи қурилма; кўприк иншоотнинг йўл ер кўтармаси билан бирлаштирувчи энг четдаги таянчи билан бириктирувчи таянчи;

қозиқ радди – ўн зарб мўлжалида бир зарбдан қоқилма қозиқнинг заминга ботирилиш ўртача катталиги (СИда), титратма қоқишда эса, титратма қоққичнинг бир дақиқалик ишлашида қозиқнинг заминга қоққилиш (СИда) катталиги;

қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти – ҳисоблаш ёки дала синовлари натижалари билан белгиланадиган битта қозиқ асосидаги грунтнинг юк кўтарувчанлиги;

қозиқли пойдевор қопқоғи – болға билан қоқиш жараёнида бузилишидан ҳимоя мақсадида темир-бетон қозиқларнинг бошига кийдириладиган металли қуйма;

қозиқ-анкер – бурғуланадиган қозиқларнинг бир тури. Қозиқ-анкер суғуриб олувчи кучни ўзининг бутун узунлиги бўйича грунтли асосга узатади. Бундай қозиқлар бинолар ва иншоотларнинг қозиқли пойдеворларини қуриш, табиий ва сунъий қияликлардаги тиргак деворларни маҳкамлаш, мавжуд пойдеворларни кучайтириш учун қўлланади;

қозиқ-устун – бундай қозиқлар бир вақтнинг ўзида қозиқ ва устун ролини бажаради. Қоқиладиган қозиқлар (қисман чуқурлаштириладиган қозиқлар)нинг бир тури бўлиб, уларнинг ер усти қисми бинолар ёки иншоотларнинг устунлари сифатида хизмат қилса, грунтга чўктирилган қисми эса қозиқлар сифатида хизмат қилади;

қозиқлар – грунтга чўктириладиган ёки қуриладиган стерженлар кўринишидаги пойдевор элементлари бўлиб, улар кўндаланг кесимларининг конфигурацияси турлича бўлади. Қозиқлар қия ҳолатда ҳам қурилиши мумкин. Қозиқлар юкни ўзларининг сиртқи юзаси ва охирги учи қисми орқали заминга (асосга) узатади, осма қозиқлар (ишқаланувчи қозиқлар) – қозиқ-устунлар эса юкни фақат охирги уч қисми орқали узатади. Грунтга жойлаштириш усули бўйича қозиқлар, қоқиб киритиладиган, бурғалаш орқали киритиладиган, ичи тўлдириладиган, қозиқ-қобиқлар, винтли қозиқларга бўлинади;

қозиқлар тўплами – алоҳида пойдевор тагидаги қозиқлар гуруҳи (бир нечта қозиқлар);

қоқиладиган қозиқлар – қоқиладиган қозиқлар темир-бетондан ва пўлатдан тайёрланади. Бундай қозиқлар грунтга уни кавламасдан (қоқиш билан), вибрация ва босим остида ишлайдиган қурилмалар ёрдамида чўктирилади;

қолдиқ деформациялар – материал юксизлантирилгандан кейин қоладиган қайтмас деформация бўлиб, у материал умумий деформациясининг бир қисмини ташкил этади, шу умумий деформациянинг эластик ташкил этувчиси бунга кирмайди;

қолдирилган замин – кавланган жойда ер қазиш машинаси билан ишлангандан сўнг қолдирилган (қурилмавий ёки технология нуқтаи назардан келиб чиқиб меъёрларда кўзда

тутилган ҳадда) ва кейинчалик лойиҳавий ўлчамларни ва қазилманинг туби сатҳини таъминлаган ҳолда олиб ташланадиган замин қатлами;

қолип – бетон ва темир-бетон қурилмаларни тиклаётганда ўзак ва бетон қоришмаси солинадиган шакл;

қолипланган (аниқ шаклга эга бўлган) оловбардош буюмлар – аниқ геометрик шаклга ва ўлчамга эга бўлган буюмлардир. Қолипланган оловбардош буюмлар, қуйидаги белгилар: мустаҳкамлаш (зичлаш) усулига, боғловчи турига, қолиплаш усулига, шакли ва ўлчамларига (массасини ҳисобга олган ҳолда), қўшимча ишлов бериш усулига кўра синфланади;

қолипланмаган (аниқ шаклга эга бўлмаган) оловбардош буюмлар – аниқ бир шаклга эга бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариладиган оловбардош буюмлар. Қолипланмаган оловбардош буюмлар вазифасига, боғловчи турига, доналарининг максимал ўлчамига, етказиб берилаётган пайтдаги физик ҳолатига кўра синфланади. Уларнинг алоҳида турлари қуйиш, зичлаштириш, термик ва қўшимча ишлов бериш усулларига, пластификацияловчи қўшимчаларнинг мавжудлиги, қотиришнинг температуравий шарт-шароитлари бўйича синфланади;

қалпоқсимон гайка – ясси ва сферик чекка юзали ва бир тарафи ёпиқ бўлган резбали гайка;

қопқоқ, тиқин (металл конструкциялар деталлари) – ёпиқ қисмли профилларнинг охирги тешикларини ёпиш учун мўлжалланган қисм;

қоплама – конструкцияларнинг ёки тайёр маҳсулотлар юза сирти, ҳудди шундай панеллар, тахтадан плиталар юзасига, бруслар ёки листсимон материаллардан кошин қатлами. Бўяш, чанглатиб сепиш йўли билан бериладиган функционал ёки декоратив материал;

қоплама материали – буюмдаги изоляцион материалга маҳкамланувчи ва шу буюмнинг сиртини бир ёки икки томондан қоплаб турувчи материал;

қоплама – ерости иншоотларининг қазилмаларини маҳкамловчи ва унинг ички юзасини ташкил этувчи доимий қурилма;

қора ёғоч – жуда зич, оғир (ҳажмий вазни 0,90-1,25 g/cm^3), қора рангли ёғочнинг турли тропик навлари, бу ёғоч юқори механик сифат кўрсаткичларига, юқори даражадаги бир жинсли тузилишга эга. Қора ёғочдан тилинадиган фанера, ўймакорлик ва токарлик буюмлари тайёрлашда фойдаланилади;

қора металлар – улар углеродли темир қотишмасидир. Бундан ташқари, улар кўпроқ ёки камроқ бошқа кимёвий элементлар (кремний, марганец, олтингугурт, фосфор)ни ўз ичига олиши мумкин. Қора металларга ўзига хос хусусиятни бериш учун уларнинг таркибига яхшиловчи ёки легирловчи қўшимчалар (никель, хром, мис ва б.) киритилади. Қора металлар таркибидаги углеродга қараб чўян ва пўлатга бўлинади;

қоришма нормал мустаҳкамлиги – белгиланган тартибда тасдиқланган (лойиҳа маркаси) давлат стандартлари ёки меъёрий-техник ҳужжатларда кўрсатилган, қотган қурилиш қоришмасининг мустаҳкамлиги;

қоришма грунт – юмшатувчи қўшимчали қоришма (масалан, оҳак ва б.) ҳамда бентонит гилли қоришма;

қоришмасиз териладиган ётқизма – тош-ғишт конструкцияларнинг қоришмаларни қўлламасдан чокларни боғлаб териладиган тури. Металл анкерлар тўғри

шаклдаги блокларни маҳкамлаш учун ишлатилади. Нотўғри шаклдаги тошларни теришда пастки тошларни танлаш бажарилади ва уларнинг чоклари пухталик билан тўлдирилади;

қотмайдиган турдаги мастика (герметик, пасталар, смазкалар) – ишлаб чиқаргандан кейин ва фойдаланиш пайтида консистенцияси деярли ўзгармайдиган материаллар;

қоя тошли грунт – бир ёки бир нечта минералларнинг кристаллитларидан ташкил топган, кристалланувчи типдаги бикир структурали боғланишларга эга бўлган грунт;

қувурлар – бинолар, иншоотлар, машиналар ва ҳ.к.ларнинг қувурсимон шаклидаги деталлари ва улар асосан суюқликлар, буғлар, газлар, ҳаво, баъзан эса сочилувчи ва қаттиқ жисмларни ташишга (транспортировка қилишга) мўлжаланган. Қувурлар, шунингдек, тоғ-кон ишларида, қурилишда конструкцияларнинг элементлари сифатида ҳам кенг қўлланилади. Қувурлар қора ва рангли металлар, бетон ва темир-бетон, керамика, асбестцемент, пластмасса ва бошқа материаллардан ишлаб чиқарилади;

қувурнинг фойдали узунлиги – қувур ўтказгичларни монтаж қилишда қувурнинг ҳисобга олинадиган ҳақиқий узунлиги;

қувур ўтказгич элементлари – назорат қилиш ва бошқариш мақсадида қувур ўтказгичларга ўрнатиладиган патрубкалар (қувур кесмалари), тирсаклар, бир диаметрдан бошқасига ўтказиш деталлари, компенсаторлар, беркитувчи, ростловчи (регулировкаловчи), олдиндан ҳимояловчи арматура, таянчлар, оралиқ қистирмалар ва маҳкамлаш мосламалари, конденсацияловчи ҳамда бошқа деталлар ва қурилмалар;

қувур ўтказгич киритилиши – ташқи тармоқдан бино (иншоот) ичида жойлашган ёпқичгача (запорная арматура) оралиқдаги тармоқ қисми;

қуёшдан ҳимоялаш – фазовий панжара кўринишидаги, буртма (кўпинча бетондан), қуёш нурининг хонага тўғри тушишига тўсқинлик қилувчи ва уни ўта қизишдан сақловчи тўсиқ;

қуйма бетон (темир-бетон) – бевосита қурилишда яхлит бутун кўринишда; ажралувчи қолипларга қуйиш йўли билан тайёрланадиган қурилма;

қуйма конструкциялар – қурилиш конструкциялари (асосан бетон ва темир-бетон), уларнинг асосий қисмлари бевосита бино ва иншоотнинг қурилиш майдонларида бир бутун (қуйма) кўринишида амалга оширилади;

қуйма тошлар (литье) – қуйма тош маҳсулотларни шихта хомашёсини эритиб, эритмани қолипларга қуйиш ва кейинчалик иссиқлик билан ишлов бериш, шу жумладан юмшатиш ва кристалланиш жараёнлари йўли билан олинади;

қуйма чок – йиғма панел деворларининг ораёпма плиталари билан горизонтал чоки бўлиб, унда сиқувчи вертикал юк ораёпма плиталарининг учлари орасидаги бўшлиққа ётқизилган қуйма бетон қатлами орқали узатилади (тўлдирилган чок);

қулф-болтлар – алюминий қотишмаларидан тайёрланган элементларни улаш учун ишлатиладиган қаттиқ қотишмалардан ясалган қисувчи ҳалқали (цилиндрли) болтлар;

қумли портландцемент – портландцемент клинкери (50 % дан 75 % гача миқдорда), кварц қуми (25 % дан 50 % гача миқдорда) ва гипсни (SO_3 бўйича 1,5 % дан 3,5 % гача миқдорда) қўшиб ёки алоҳида майдалаш ва аралаштириш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Қумли портландцементдан асбестоцементли листларни ишлаб чиқаришда, бетон ва темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда, гидротехника қурилишида фойдаланилади;

қумтош – кварц, дала шпати, шаффоф минераллар (слюдалар), хлорит, цементлашган кальцит, гипс, гилли материал, кремнезе, фосфатлар, гидрогетит ва ш.к.ларнинг 2,0-0,01 mm ўлчамли зарраларидан ташкил топган зич қолдиқ жинс бўлиб, бу жинснинг зарралари оқ, кулранг, сариқ рангларда учрайди. Қумтош янчилган материалнинг кўлларда, дарёларда тўпланиши ва кейинчалик уларнинг цементацияланиш натижасида ҳосил бўлади;

қурилма – ёнғинга қарши моддани чиқариш ва тақсимлаш учун қурилма;

қурилмани масофали фаоллаштириш (ишга тушириш) – ҳимояланадиган хоналарда ёки унинг ёнида, дистпечер хонаси, ёнғин ўчириш постларида, ҳимояланадиган иншоотда ёки ускуналарда ўрнатиладиган, ишга солиш элементларидан фаоллаштириш (ишга тушириш);

қурилмани маҳаллий фаоллаштириш (ишга тушириш) – насосли станция ёки ёнғин ўчириш станцияларнинг биноларига ўрнатилган, шунингдек, ишга тушириш элементлари ёнғинга қарши модулларига ўрнатилган ишга тушириш элементларидан фаоллаштириш;

қурилманинг инертлиги – бошқариладиган ёнғин омили, сезгир элементни ишга тушиш чегарасига етган пайтдан бошлаб ёнғинга қарши моддани ҳимояланадиган ҳудудга етказиб бериш бошланишига қадар бўлган вақт;

қурилиш - технологик блоки – йиғилаётган қурилмалар ва жиҳозларнинг, корхонада ёки қурилиш майдончасида аввалдан ўзгартирилмайдиган ягона ҳажмий-фазовий тизимга бирлаштирилган ўзаро бир-бири билан боғлиқ элементлари;

қурилиш ашёлари маркаси – асосий фойдаланиш тавсифи бўйича техникавий меъёрлар ёки ашёларининг асосий хоссалари мажмуаси бўйича ўрнатиладиган кўрсаткич;

қурилиш бош режаси – қурилишни ташкил этиш лойиҳасининг қурилиш майдонини ташкил этишни тартибга солувчи қисми;

қурилиш деталлари – қурилиш конструкциясининг йиғиш операцияларини қўлламасдан бир жинсли материалдан тайёрланадиган қисмидир;

қурилиш елимлари – индивидуал моддалар ёки органик аралашмалар, элементоорганик ёки ноорганик бирикмалар кучли елимланган бирикмалар ҳосил қилиш учун қаттиқлашиши мумкин. Қурилиш елимлари қуйидаги асосий белгиларга кўра тавсифланади: - кимёвий, табиатига кўра табиий (ҳайвонлар, ўсимликлар ва минераллар), синтетиклар (керамикали, силикатли ва цементли) ва полимерлар; елим асосига кўра органиклар ва ноорганиклар; консистенцияга кўра қаттиқ, пастасимон ва суюқ (дисперслар ва эритмалар); полимер синфига кўра термореактивлар ва термопластиклар;

қурилиш ишлаб чиқариш технологияси – қурилишни саноатлаштириш даражасини ошириш ва ривожлантириш асосида маҳсулотларни ва қурилмаларни тайёрлаш, уларни бино ва иншоот кўринишида маҳсулот ҳолатига келтириш бўйича жараёнлар йиғиндиси;

қурилиш керамикаси – қурилишда ишлатиладиган материаллар ва керамик буюмлар. Қурилиш керамикасига девор материаллари (ғишт ва керамик тошлар), фасадларни ва биноларнинг ички юзаларини пардозловчи материаллар (девор ва пол учун плиткалар) киради. Қурилиш керамикаси, шунингдек, том ёпиш материаллари (черепица), санитария-техник керамика, керамик қувурлар, кислотага чидамли маҳсулотлар – ғишт ва кафель, футеровка ва пардозловчи иссиқлик изоляция маҳсулотлари - қобиқ ва сегментлар,

махсус мақсадли маҳсулотлар (клинкер, ерости тузилмалари учун тошлар) ва оловга чидамли маҳсулотлар;

қурилиш конструкциялар – бинонинг бир қисми, қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида ўзаро боғланган элементлардан ташкил топган маълум бир функционал мақсадли иншоот. Қурилиш конструкцияси бинода (иншоотда) юк кўтарувчи, тўсувчи ёки бошқа функцияларни бажаради, ёхуд уларнинг баъзиларини бирлаштиради (пойдевор, девор, ораёпма, зинапоя, пол, ҳаво ўтказгич, қудуқ, санитария-техник узели, омбор ва б.);

қурилиш конструкцияларни ёнғиндан ҳимоя ишлови – сингдириш, ёнғинга чидамлилигини ва (ёки) ёнғин хавфини камайтириш учун конструкцияга ҳимоя қатлами суртиш ёки кошинлаш;

қурилиш кўтармаси – конструкцияни ташқи юк таъсирига нисбатан қарама-қарши бўлган томонга эгиш, бундай эгиш конструкцияни тайёрлаш жараёнида ва конструкцияда рўй бериши мумкин бўлган салқинликларни камайтиш учун амалга оширилади;

қурилиш қоришмалари – боғловчи, майда тўлдирувчи, эритгичлар ва зарур бўлган ҳолларда минералли ҳамда кимёвий қўшимчалар, шу жумладан полимер-цемент нисбати 0,1 дан катта бўлмаган ҳолда полимерли қўшимчалар аралашмасидан олинадиган материаллар, уларнинг структураси боғловчининг қотиш жараёнида шаклланади;

қурилиш қоришмаси маркаси – қурилиш қоришмасининг ҳар қандай кўрсаткичи умумлаштирилган қаторининг меъёрлаштирилган ўртача қиймати билан олинади. Қурилиш қоришмасининг маркаси сиқилишга мустаҳкамлик ва совуққа чидамлиликка ажратилади;

қурилиш майдончаси – лойиҳа асосида, ўрнатилган тартибда, қурилишни доимий жойлаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ташкилоти хизматини, ишлаб чиқариш шароитлари бўйича аниқланган ва ҳудудни муваққат ажратилишини ҳисобга олган ҳолда ажратилган ер участкаси;

қурилиш материалларининг коррозияли емирилиши – коррозия туфайли қурилиш материаллари ва (ёки) конструкцияларининг массаси, кесими, кучи ёки бошқа миқдорий хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларининг ёмонлашиши;

қурилиш маҳсулотлари – қурилишга тайёр ҳолда келтириладиган, заводда тайёрланадиган элемент;

қурилиш маҳсулотлари сифати – қурилиш маҳсулотлари истеъмол хусусиятлари ва унинг халқ хўжалигини ёки аҳолининг аниқланган, техникавий, эстетик, ижтимоий талаблар нуқтаи-назардан, меъёрий ҳужжатлар ва мезонларда ўрнатилган талабларни қаноатлантира олиш хусусиятлари йиғиндиси;

қурилиш муддати – қурилиш майдонида иш бошлаш давридан то корхоналар, уларнинг навбатлари ишга тушириш мажмуалари ва алоҳида объектлар қувватлари ишга туширилгунга қадар бўлган муддат;

қурилиш навбати – фойдаланишга топширилиши маҳсулот чиқаришга ёки лойиҳада назарда тутилган хизмат кўрсатишни таъминлайдиган бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар гуруҳидан таркиб топувчи қурилиш объектининг қисми;

қурилиш ташкилоти ишлаб чиқариш асоси – қурилиш ташкилоти қурилаётган объектларни зарур ашёвий-техникавий, илдам таъминлаш ҳамда ўз кучи билан қурилиш жараёнида ишлатиладиган ашёлар, маҳсулотлар, қурилмаларни тайёрлаш учун мослашган корхоналар ва иншоотлар мажмуаси;

қурилма – маълум бир функционал вазифани бажарувчи конструктив жиҳатдан тугалланган техник тизим;

қурилма диафрагмаси – фазовий қурилмаларни бикрлигини оширишга имкон берувчи яхлит ёки панжарасимон элемент;

қурилма шакл ўзгариши – оғирлик ва таъсир остида қурилманинг (ёки унинг қисмини) шакли ва ўлчамлари ўзгариши;

қурилма элементи – йиғма ёки яхлит қуйма қурилманинг таркибий қисми, масалан тўсин, устун, устунлар орасидаги боғловчилар, панжарасимон қурилмалар ўзаклари ва ш.к.;

қурилмалар элементларини жойига мослаш – бирикиш зичлигини таъминлаш учун қурилмалар элементлари туташувчи сатҳларига меъёрий ўлчамларда берилгандек ишлов бериш;

қуритиш – тупроқдан ортиқча намликни сунъий йўл билан йўқотиш;

қуритиш туридаги мастикалар (герметикалар, герметик елимлар) – паст молекуляр оғирликдаги таркибий қисмларни (эритувчиларни) олиб ташлаш натижасида ишга тушадиган материаллар;

қурилиш-монтаж ишлари – бино ва иншоотлар барпо этилаётганда, бажариладиган умумқурилиш, пардозлов, санитария-техникавий, махсус ҳамда йиғув ишларини ўз ичига олувчи ишлар мажмуаси;

қўлда бошқариладиган ёнғиндан хабар бергич – ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ўчириш тизимида ёнғинда огоҳлантирувчи сигналини қўлда ёқишга мўлжалланган қурилма;

қўшма қурилмалар – турли бино ва иншоотлар қурилишида қўлланиладиган, юк кўтарувчи ва тўсиқ вазифасини бажарувчи қурилмалар;

қўштавр – иккита горизонтал токча ва улар орасидаги девордан ташкил топган прокатли металл профил;

қўштавр шаклида ишланган ёғоч тўсин – кўндаланг кесими қўштавр кўринишида бўлган ёғоч тўсин, унинг девори 45° бурчак остида белбоғ томонга йўналтирилган бир-бири билан кесишувчи икки ва ундан ортиқ тахталар қатлами билан ҳосил қилинади;

лаги – ёғоч, брус ёки темир тўсинлар, горизонтал ўрнатиладиган ва бино поллари учун ёки кўприкларда таянч сифатида қўлланилади;

лак – сувда ёки органик эритувчиларда плёнка ҳосил қилувчи моддалар эритмаси, қуригандан сўнг қаттиқ шаффоф бир хил плёнка ҳосил қилади;

лак – ёнғинга чидамли – таркиби икки компонентли рангсиз, ёғочнинг ўтга чидамлилигини таъминлаш учун мўлжалланган. Лак билан ҳимояланган сирт олов таъсирида қоплама шишади, ёнғин тарқалишини лакализация қилади, ёғочнинг қизиши ва ёнишининг олдини олади;

лак-бўёқ ҳимоя қопламаси – қурилиш маҳсулотлари ёки конструкциялари лак-бўёқ сирт қопламаси, бир ёки бир нечта қатламдан иборат ҳимояланадиган сирт билан адгезион боғланиш;

лак-бўёқ учун қотиргич – парда ҳосил қилувчи модда макромолекулаларини бириктириш ва уч ўлчамли структура ҳосил қилиш учун лак-бўёқ материалига қўшиладиган модда;

лак-бўёқ суюлтиргич – бир ёки кўп компонентли учувчан суюқлик бўлиб, бу суюқлик қуритишнинг маълум бир шарт-шароитларида буғланади ва лак-бўёқ материалининг ёпишқоқлигини пасайтириш учун шу материалга қўшилади;

лак-бўёқ материалини эритувчи эритгич – бир ёки кўп компонентли суюқлик бўлиб, бу суюқлик қуритишнинг маълум бир шарт-шароитларида буғланади ва лак-бўёқ материалини тўлиқ эритувчи плёнка ҳосил қиладиган модда ҳисобланади;

лак-бўёқ материаллар учун плёнка ҳосил қилувчи муҳит – лак-бўёқ муҳитининг ўчмайдиган қисми бўлиб, бу қисм плёнка ҳосил қилади ва пигментни боғлайди;

лак-бўёқ материаллари – юпқа қатламда ишлов бериладиган сиртларга қўлланиладиган ёпишқоқ-суюқ таркибли ва қуриганидан кейин асосга мустаҳкам ёпишиб, қаттиқ плёнка ҳосил қилади. Лак-бўёқ материалларга – қурилиш бўёқлари, лаклар, боғловчи маҳсулотлар ва пигментлар, лак ва бўёқларни эритувчи ва суюлтирувчилар, қуритувчи, шпатлёвка, грунтовка, қотирувчи, мойловчи, полимер бўёқ пластификаторлари ва бошқа махсус қўшимчалар тегишли;

лак-бўёқ материаллари учун тўлдиргич – донадор ёки кукунсимон кўринишидаги, лак-бўёқ муҳитида деярли эримайдиган, маълум физик хусусиятига мақсадли таъсир қилиш учун пигмент, лак-бўёқнинг таркибий қисми сифатида ишлатиладиган модда;

лак-бўёқни суюлтирувчи эритма – бир ёки кўп компонентли учувчан суюқлик бўлиб, у лак-бўёқ материалини эритмаса-да, лекин уни лак-бўёқ материалининг хоссаларига ва лак-бўёқ қопламасига зарар етказмасдан эритгич билан уйғунлашган ҳолда қўллаш мумкин;

ландшафт – табиий географик комплексларни умумлаштирувчи тушунча: геологик замини, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, гидрологик режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегарага эга бўлган ҳудуд.

ландшафт боғи – манзарали боғ: сунъий равишда, эркин режада, табиий ландшафтни қайтадан тиклаш; кўпинча оромгоҳ объекти сифатида фойдаланадиган хушманзара табиий-антропоген ландшафт қисми;

ландшафт имконияти – ландшафт жамиятни турли туман талабларини қондиришда қатнашиш даражасини акс эттирувчи ландшафт ижтимоий-иқтисодий вазифаларини бажара олиш эҳтимоли ўлчови тавсифи;

ландшафт файзи – ланшафтнинг инсон тўлақонли ҳордиқ чиқариши талабларига монандлик даражаси, руҳий ҳиссиётлар ва жисмоний осойишталик ҳосил қилиш, ландшафт хушрўйлигининг одамлар ҳаёти учун тиббий-жонзотлик ва ижтимоий руҳий, шартли баҳолаш ўлчови;

ландшафтни режалаштириш – муҳит ва манбаларни қайта тикловчи қобилиятини сақлаган ҳолда, жамиятни ўсаётган ёки ўзгараётган талабларини қондириш учун ландшафтдан фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

латекс – полимерларнинг сувли дисперсияси;

лежень - кўндаланг кўйиладиган тўсин – пастки горизонтал брус ёки пластинка, стропила устунлари учун ёрдам сифатида хизмат қилади, траншея ёки тоғ таянчларини маҳкамлаш; ёғоч каркасли деворнинг горизонтал асоси (кўмилган брус);

лента изоляцияловчи – каучук, смола, мой, асфальт, изоляцияловчи моддалар билан сингдирилган мато лентаси. Одатда қаттиқ доираларга ўралади ва электр симларини (монтаж қилишда) ўтказишда ишлатилади;

лентасимон пойдевор – узлуксиз (баъзан узуқ-узуқ) чизиқли ёки кесишувчи тасмалар кўринишидаги конструкция. Бу пойдевор қуйма, йиғма ва намунавий ёки индивидуал элементлар ва ишончлилик ҳамда узоққа чидамлиликни таъминловчи

материаллар (бетон, ғишт, харсангтош)дан бажариладиган комбинациялашган вариантларда тайёрланади;

лепнина - қуйма нақшли безаклар – биноларнинг фасад ва интеръерларида, қоида тариқасида гипс, штукатурка, бетон ва бошқа материаллардан қуйма ёки босилган безаклар (фигурали, безакли);

лизерна – конструктив характерга ёки декоратив элемент ҳисобланадиган девордаги текис вертикал бўртиқ. Пилястердан фарқли жиҳати асос ва капители йўқлигидир.

линкруст – синтетик смолалар ёки ўсимлик мойлари асосида тайёрланган юпқа қатлами пластик масса билан қопланган қоғоз тагликдан иборат силлиқ ёки бўрттирма олд юзасига эга рулонли пардозлаш қурилиш материали;

линолеум – полимер мастикалар ва ёпиштирувчи воситалар ёрдамида текисланган асосга ёпиштириш орқали полларни қоплаш учун рулонли полимер материал;

липарит – кимёвий таркиби бўйича гранитга ўхшаш вулқон жинси. Ора-сира жойлашган кварц, санидин, плогиоклаз, биотит ва пироксен билан бир хил бўлмаган тузилишли шишасимон толали массадан иборат. Ора-сира жойлашганларнинг миқдори ҳажми 5 % дан 15 % гача, лекин 30 % - 50 % ва ҳатто 80 % га етиши мумкин;

лист - тўлқинсимон асбестцементли листлар – турли мақсадлар учун биноларнинг томлари ва деворларини ўрнатиш учун мўлжалланган маҳсулот. Асбестцемент профилли листлар тўлқинли, текис тўлқинли, трапецеидалли ёки қатламли конфигурацияга эга бўлиши мумкин;

лифт – даврий ҳаракатланадиган стационар юк кўтариш машинаси, у одамлар ва (ёки) юкларни кабинада кўтариш ва тушириш учун мўлжалланган. Вертикалга нисбатан қиялик бурчаги 15^0 дан катта бўлмаган қаттиқ йўналтиригичнинг тўғри чизиқли йўналиши бўйича ҳаракатланади. Вазифасига кўра улар йўловчиларни, беъморларни, юкларни, кичик юкларни ташийдиган ва махсус лифтларга бўлинади;

лигерланган пўлат – бир ёки бир нечта махсус элементлар (хром, никель, титан, ванадий ва ҳ.к.лар)ни ёки марганец ва (ёки) кремнийни юқори миқдорда турли комбинацияларда ва миқдорларда ўз ичига олган пўлат бўлиб, бу элементлар пўлатнинг хоссаларини сезиларли даражада ўзгартиради;

лоджия – уч томондан девор билан ўралган ташқи томондан очиқ ёки ойнаванд, бино хажмига эга ботиқ ёзги бино;

лойиҳа – қурилиш, бино ва иншоотнинг ишлаб чиқилган режаси, технологик жараён тизими, бирламчи, тахминий ёзмаси;

лойиҳани мослаш – муайян қурилиш майдончаси шароитлари ҳамда бинокорлик қурилмаларини ва ашёларини тайёрлаш бўйича имкониятлардан келиб чиқиб, бино нусҳавий (ёки такрорий қўлланилаётган) лойиҳаларига зарур қўшимчаларни киритиш;

локал ёнғин ўчириш қурилмаси – хона майдонининг бир қисмига ва ёки алоҳида технологик бирликка таъсир қилувчи сирт ёнғин ўчириш қурилмаси;

лоток – босимсиз сув ҳаракати учун очиқ кесимли сув таъминоти тузилмаси;

люкарна – гумбазли ёки чодирли томларда одатда айлана шаклидаги дераза ўрни. Бундан ташқари декоратив аҳамиятга эга;

магистрал кўча – шаҳарнинг асосий тармоқ йўли. Улар умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган (аҳоли яшовчи, саноат туманлари ва жамоат марказлари ўртасидаги алоқа, шаҳар ташқарисидаги автомобиль йўлларига чиқиш) ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар

(туман чегарасидаги ҳамда умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кўчалар билан транспорт алоқалари)га бўлинади;

магистрал қувурўтказгич – газли ёнғин ўчириш қурилмаларининг тақсимловчи қурилмаларини тақсимловчи қувурўтказгичлар билан бирлаштирувчи қувурўтказгич;

магнезиалли оловбардош буюмлар – таркибида магний бирикма асосида олинган оловбардош буюмлар гуруҳи. Таркибида магний оксиди ва бошқа бирикмаларга боғлиқ ҳолда магнезиалли оловбардош буюмлар – юқори магнезиал, оҳакли магнезиал, силикатли магнезиал ва шпинелидли магнезиалларга фарқланади;

магнезит – асосан магнезит минералидан ташкил топган кристалл тоғ жинси. Пиширилган (1500-1650 ^{0}C) магнезит магний оксидига айланади ва юқори ўтга чидамли материал сифатида ишлатилади. Каустик магнезит (750 – 1000 ^{0}C да куйдирилган) биринчисидан фарқли, турли кимёвий реакцияларга қодир; қурилишда магнезиялли цементлар ишлаб чиқаришда, пластмасса ва бошқа соҳаларда ишлатилади;

маданий ландшафт – талабларни қондириш учун инсон фаолияти билан онгли ва мақсадли ўзгартирилган ва доимо инсон учун зарур ҳолатда сақланадиган антропоген ландшафт;

маданий технологик ландшафт – техноген омиллар таъсирида табиий, хўжалик, эстетик, оромгоҳлик ва ўзгача фойдали сифатлари яхшиланган ландшафт;

мажмуавий қурилмалар – турли асосли қисмлардан ташкил топган, бир-бири билан боғлиқ бинокорлик қурилмалари (масалан, том ёпма иситгич ва том қопламаси билан);

майда донали бетон – зич майда тўлдирувчига эга бўлган цемент боғловчили бетон;

майда пуркагичда ёнғин ўчириш модда оқими – ўртача арифметик томчи диаметри 150 mkm ёки ундан кам бўлган суюқ ёнғин ўчириш модда оқими;

майдалаб эланган материаллар – чақиқ тош ишлаб чиқаришда, шағал ва юмалоқ катта тошлар, тоғ қоя тошларини майдалаш жараёнида олинган ноорганик донадор сочилувчан қурилиш материаллари;

майдаланган оҳак (оҳак-кипелка) – ғоваксимон бириктирувчи маҳсулот, оҳак бўлакларини механик кукунлаш йўли билан олинади. Шарли тегирмонларда майдалашнинг нозиклиги N2 элагида 1,5 % дан кўп бўлмаган қолдиқ ва N008 элагида 6 % - 8 % кўп бўлмаган, солиштирма сирт майдони 3500 дан 5000 g/cm^2 гача бўлиши билан тавсифланади. Майдаланган оҳак сувга бўлган талабни камайтиради, чунки унинг заррачалари қўпол бўлиб, унинг асосида бетон ва қоришманинг юқори мустаҳкамлигини таъминлайди. Маҳсулотларни қаттиқлаштиришда жараённинг экзотермияси туфайли чиқарилган иссиқлик, шунингдек, олдиндан совитилган сув миқдори, оҳак массасидан 100 % дан 150 % гача кўтарилади;

майдаланганлик тамойили – битта тўпланган боғланиш ўрнига бир нечта тарқоқ жойлашган ва куч таъсири текислигининг йўналиши бўйича жойлашган боғланишлар кўзда тутиладиган ёғоч элементларни нагелларга (каттароқ ёғоч брусларга) бириктириш тамойили;

майолика – рангли, осон эрувчан лойдан тайёрланадиган, пиширишдан кейин нам шимувчанлиги 10 % - 15 % гача, маҳсулот танасининг қизил рангини пасайтириш учун пасайтирувчи глазур билан қопланган керамика маҳсулоти. Асосан уй рўзғор буюмлари учун гуллар, мевалар, расмлар, барельф ва б. тасвирлар билан безатилган бўлади;

максимал-дифференциалли иссиқлик ёнғиндан хабар бергич – максималли ва дифференциалли иссиқлик ёнғиндан хабар бергичларнинг функцияларини бирлаштирувчи ёнғиндан хабар бергич;

максималли иссиқлик ёнғиндан хабар бергич – ёнғин ҳақида шаклланадиган хабар, атроф-муҳит ҳарорати белгиланган чегара қийматидан ошиб кетганда ёнғин ҳақида хабар берувчи ёнғиндан хабар бергич;

мальталар – мум ва смола аралашмаси – нефть ва асфальт ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллаган ёпишқоқ битумнинг гуруҳ номи. Мальта 40-45 % ёғ компонентларни ўз ичига олади; таркибидаги смола ва асфальтенарнинг миқдорига қараб консистенцияси қаттиқдан (40 ^{0}C да кўп бўлмаган) яримсуюқ ҳолатигача ўзгариши мумкин; зичлиги тахминан 1000 kg/m^3;

манзилли ёнғиндан хабар бергич – манзил кодини ёнғин хабарномаси билан бирга манзилни қабул қилиш ва бошқариш мосламасига узатувчи ёнғиндан хабар бергич;

мансардали том – яшаш жойлари жойлашган чордоқли том;

марблит – қалинлиги 12 mm бўлган листсимон қурилиш материали, мармарга тақлид қилиши мумкин бўлган, силлиқланган юзали ва орқа томони ботиқ ёки бўртма чизиқлар билан қопланган, хира рангли (ранги ютилган) шиша.

марка – хусусиятларнинг асосий кўрсаткичларидан бирига кўра, материалнинг рақамли тавсифи, қоида тариқасида, анъанавий ўлчов бирликларида стандарт бўйича аниқланади. Материаллар турли марка кўрсаткичларига кўра, бир неча синфга эга бўлиши мумкин;

марказлаштирилган газли ёнғин ўчириш қурилмаси – газли баллонлар ёнғин ўчириш станциясининг биноларига жойлаштирилган газли ёнғин ўчириш қурилмалари;

маршалит – чангсимон кварц (тоғ уни, чангсимон кремнезем); нозик дисперсли кварцнинг одатда оқ рангга эга чанг массаси. Булар автоклавли силикат материаллари, эрувчан шишалар, енгил динасли ўтга чидамли ва турли ўтга чидамли ёпишқоқ қоришмалар ишлаб чиқаришда қўлланилади;

массив – меъморчилиги жиҳатдан бир бутунликни ташкил этган турар жой комплекси;

мастика – майда янчилган қўшимчалар билан органик боғловчиларнинг (битум, смола, полимер ва б.) пластик аралашмалари кўринишидаги материаллар. Том ёпиш мастикалари, гидроизоляция, герметизациялайдиган ва б. га ажратилади;

мастикали том ёпиш материаллари – битумли, резина-битум, битум-полимер, полимерли мастикалар ва эмульсиялар. Ўрамли қурилмани (ёпишқоқ) изоляциялаш, мастикали изоляция, шиша толали, мато ёки бошқа материаллар билан мустаҳкамлаш учун ишлатилади;

матица – ёғочли қурилишларда осилиб турувчи шипларни маҳкамлаб қўйиладиган асосий юк кўтарувчи тўсин;

мауэрлат – иншоот томидан пайдо бўладиган юкни тақсимлаб беришга мўлжалланган ва стропиланинг пастки учлари учун таянч бўлиб хизмат қиладиган брус. Деворнинг юқорисига ёки ригелга жойланади;

маҳаллий ашёлар, маҳсулотлар ва қурилмалар – маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқарадиган ва қурилишда қўлланиладиган бинокорлик ашёлари;

маҳкамловчи анкер – ҳар-хил маҳсулотлар, конструкциялар, ускуналар ва бошқаларни юк кўтарувчи қурилиш конструкция элементларига маҳкамлагич;

маҳкамловчи ёрш – эластик материалдан ишланган ва кичик юклар учун анкер вазифасини бажарадиган ораликқа жойлаштирилувчи вкладишли, тешикка киритиладиган стержень кўринишидаги ўткир тишли йиғма деталь;

маҳкамлаш каркаси – деворнинг қўшимча иссиқлик изоляцияси учун конструктив элементлар тизими, кошин панелларини ёки иссиқлик изоляция материалларини лойиҳадаги ҳолатида ушлаб туриши ва улар орқали таъсир қилувчи юкларни (шамол, об-ҳаво ва б.) изоляция қилинадиган бинонинг юк кўтарувчи элементларига узатиш учун хизмат қилади;

махсус бетон – бажарадиган вазифасига мос равишда махсус талаблар қўйиладиган бетон;

маҳкамловчи буюмлар – қурилиш конструкцияларини маҳкамлаш учун ишлатиладиган болтлар, винтлар, шпилькалар, гайкалар, шуруплар, клинья, заклёпкалар ва бошқалар;

маҳкамловчи элементлар – шитларни ўрнатишда қўлланиладиган ва бетонлаштириш вақтида юкларни қабул қилувчи элементлар;

махсус ишлар – муҳофазалаш, заминни маҳкамлаш, технологик жиҳозларни, қувурўтказгичларни, назорат ва автоматика воситаларини йиғиш, электрлаш ишларини ва бошқаларни ўз ичига олувчи вазифалар;

махсус пойдеворлар – бу шундай пойдеворларки, уларга алоҳида ҳолларда ва шарт-шароитларда фойдаланиладиган ҳамда юкни қисман ёки тўлиқ ён сиртга ва (ёки) қозиқларнинг пастки кўндаланг томонига (торецига) узатилишини таъминловчи чуқур таянчлар, устунлар, қобиқсимон пойдеворлар, тушиш қудуқлари, кессонлар, анкерлар киради;

махсус мақсадли бетон учун қўшимчалар – улардан фойдаланиш натижасида бетон ўзига хос бўлмаган хусусиятларга эга бўлади ёки ўзига хос хусусиятларни кескин оширади. Махсус мақсадли бетон учун – гидрофобик, биоцидга бўлинади, пўлат арматурага (пўлат коррозияланишига қарши ингибиторлар)га нисбатан кенгаювчи, бўёвчи (пигментлар) бетоннинг ҳимоя хусусиятларини оширувчи кимёвий ёки минерал қўшимчалар;

мачта – пойдеворга таянган вертикал устун (металдан, темир-бетондан, ёғочдан) ва қўллаб-қувватлаш учун қия тортилиб (одатда, пўлат арқонлар) анкерга маҳкамланади; пойдеворга таянувчи устундан иборат, зулфинлар билан маҳкамланган, тортқичлар ушлаб турувчи тик иншоот;

маяк – навигация ускуналарига, ёруғлик-оптик ёки радиотехника воситаларини жойлаштириш учун мўлжалланган ва кемаларни йўналтириш учун хизмат қилувчи минора типидаги иншоот;

мезон – белгиланган фаолият соҳасида бажариш учун мажбурий бўлган меъёрлар, қоидалар ва талаблар мажмуасини ўрнатувчи, меъёрий-техникавий ҳужжат;

мелиорация – ўта намланган ерлардан сувларни қочириш (куритиш М) ёки ерларни намлатиш (суғориш М), уларнинг маъқул сув режимини сақлаш (шу билан боғлиқ, ҳаво, иссиқлик ва озуқа) ва тупроқ ҳосилдорлигини ошириш ҳамда табиат муҳитини яхшилаш йўли билан ер табиий шароитини тубдан яхшилаш бўйича ташкилий-хўжалик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси;

мембрана – юпқа, мутлоқ эгилувчан пластинка ёки осилиб турувчи қобиқ шаклидаги фазовий конструкция, уларнинг эгилишга бўлган бикирлиги ҳисобга олинмайдиган даражада паст. Периметри атрофидаги мембрана контурга ўрнатилади. Қурилишда бино ва иншоотларнинг том ёпмаларида ишлатилади;

мемориал – қандайдир воқеа ёки шахс хотирасига бағишланган меъморий-ҳайкалтарошлик иншооти;

мергель (оҳакгил) – кальцит ёки доломит ва лойсимон материаллардан ташкил топган чўкинди тоғ жинслари, портландцемент ишлаб чиқариш учун хомашё;

мертел – нозик майдаланган ўтга чидамли аралашмалар (одатда сув қўшилганидан кейин), ёриқларни тўлдириш ва оловга чидамли маҳсулотларни бир-бирига бириктириш учун мўлжалланган. Шамотли мертеллар, юқори гилгрунт, динас ва магнезиалларга фарқланади, оловга чидамли, қотувчи мертеллар асосан гидравлик цемент ва кимёвий боғловчили, хона ҳароратида ёки қиздирганда қотадиганларга фарқланади. Мертеллар саноат печларини ва ускуналарини қуришда қўлланилади;

металл лист конструкциялар – фазовий юпқа деворли конструкциялар, уларнинг таянч асоси текис ёки қайрилган металл плиталар бўлиб, турли шаклдаги қобиқларни ҳосил қилади. Кўпинча улар суюқликларни, газ ва сочилувчан материалларни сақлаш учун мўлжалланган, юпқа деворли ёпиқ қобиқ шаклидаги контейнерлардир. Буларга резервуарлар, газголдерлар, бункерлар, катта диаметрли қувур ўтказгичлар, металлургия, кимё ва бошқа саноат учун махсус конструкциялар (домна печлари корпуслари, ҳаво иситгичлар, чанг йиғувчилар, электр фильтрлар, кимёвий таралар ва нефтга оид ускуналар ва б.), тутун ва шамоллатиш қувурлари, туташ деворли миноралар, градирналар, АЭС қобиғининг ҳимоя иншоотлари ва б;

металл ёғоч конструкциялар – чўзилишга ишлайдиган элементлар пўлатдан, сиқилишга ёки сиқилиб эгилишга ишлайдиган элементлар ёғочдан ясалган, ёғоч ва металлдан ясалган конструкциялар;

металл изол – қалинлиги 0,4-0,2 mm металл фалга, иккала томони битум билан қопланган гидроизоляцияловчи ўрамли материаллар; ерости ва гидротехник иншоотларда ёпиштирувчи гидроизоляция сифатида қўлланилади;

металл коррозияси – металлнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирида содир бўладиган кимёвий ёки электрокимёвий жараёнлар натижасида юзага келадиган бузилиш (емирилиш);

металл қоплама – металл (бошқа кимёвий таркиб) ёки металл бўлмаган маҳсулотларнинг юзаларига қўлланиладиган металл ёки металл қотишмаларининг қопламалари. Металл қопламалар маҳсулотларни коррозиядан ҳимоя қилиш, уларнинг емирилишга чидамлилигини ошириш ҳамда декоратив мақсадларда ишлатилади;

металл маҳсулотлар (металл буюмлар) – саноат ёки умумий фойдаланиш учун турли номенклатурадаги стандартлаштирилган маҳсулотлар, пўлат симлардан, сим ёки листлардан тайёрланади (пайвандлаш электродлари, тўрлар, маҳкамловчи маҳсулотлар – болт, гайка, мих, шпилка, бурма мих, заклепка, шуруплар ва б. лар);

металл пласт – металл лист (пўлат, титан, алюмини ва унинг қотишмаси) қалинлиги 0,3 – 1,2 mm, бир ёки икки тарафи полиолефин, поливинилхлорид, фторпласт, полиамид ва бошқа қалинлиги 0,05-1 mm полимерлар билан қопланган материаллар;

металл полимерлар – металл кукунлари ёки толалари кўринишидаги тўлдирувчи моддаси бўлган термопластиклар, синтетик смола ёки каучукларга асосланган материаллар;

металл профил – прокатлаш, зичлаш (пресслаш), қолиплаш билан олинадиган узун ўлчамли буюм. Металл профиллар қўштаврли ва швеллерли, квадрат, доира, тасма, бурчак кўринишидаги профилларга бўлинади;

металл профиллар – кўндаланг кесимли турли хил шаклда бўлган прокатланган маҳсулотлар;

металлар – юқори иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги, эгилувчанлиги, ёрқинлиги ва бошқа характерли хусусиятларга эга бўлган оддий моддалар уларнинг кристалл панжараларида жуда кўп миқдордаги эркин ҳаракатланувчи электронларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. 80 га яқин кимёвий элементлар ва кўплаб металл қотишмалари бу хусусиятларга эга. Барча металл ва қотишмалар қора (темир ва унинг асосидаги қотишмалар киради; улар дунёда ишлаб чиқариладиган металл маҳсулотларнинг қарийб 95 % ини ташкил қилади) ва ранглига, ёки аниқроғи металл бўлмаган (барча қолганлари металлар ва қотишмалар)га бўлинади;

металлар учун ҳимоя қоплама – металл конструкциялар, арматуралар ва темир-бетон конструкцияларнинг бўғинлари коррозия жараёнларининг олдини олиш ва металл элементлар, тугунлар ва бино ҳамда иншоотларнинг зарур иш даврида ишга яроқлилигини сақлаш ва сақлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

металларнинг қотишмалари – икки ёки ундан ортиқ элементларни эритиб қотишма ҳосил қилиш билан олинган материаллар бўлиб, улар металларнинг характерли хоссаларига эга бўлади. Металларнинг қотишмаларини металл-элементлар ёки металларни нометаллар билан биргаликда эритиб қотишма ҳолида олишади, бунда металларнинг миқдори нометалларникига нисбатан анча кўп бўлади. Металл қотишмалари нисбатан оддий кристалл структурада ҳам уларни ташкил этувчи соф металларга қараганда анча юқори механик ва физик хоссаларга эга бўлади;

металлнинг эскириши – меъёрий шароитда ўтувчи ёхуд ўз-ўзидан табиий эскириш, қиздирилганда (сунъий эскириш) бир вақтнинг ўзида мустаҳкамлиги ва қаттиқлигини кўпайишига, юмшоқлиги ва қовушқоқлигининг камайишига олиб келувчи металлнинг хосса ўзгариши;

метатенк – оқава сувларининг тиндиргичларда ажралиб чиқувчи чўкиндиларини ҳавони киритмасдан сунъий иситиш йўли билан кўпчитиб зарарсизлантириш иншооти;

метрополитен – шаҳар ерости (туннелда) ёки ер усти (эстакада) электрли темирйўли;

механик зўриқиш – қурилмалар элементларида ташқи куч ва таъсирлар орқали пайдо бўлувчи ички кучлар ўлчови;

механик транспорт воситаси – двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Ушбу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир;

меҳнат муҳофазаси – инсонга меҳнат жараёнида хавфсизликни, соғлиқни ва ишлаш қобилиятини сақлашни таъминловчи шароитлар яратиш бўйича, қонунчилик, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, тозалик тадбирлари тизими;

меҳнатни қувват билан таъминлаганлиги – ўрнатилган қўзғатувчилар жами қувватининг қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ишчилар ўртача рўйхат сонига нисбати билан тавсифланувчи механизациялаштириш даражаси кўрсаткичи;

меъёрий аниқликдаги болт (аниқлиқ синфи В) – углеродли пўлатдан ясалган болт бўлиб, у ўзининг диаметридан 1-1,5 mm катта бўлган тешикка ўрнатилади;

меъёрий ёнғинга қарши концентрация – амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган ёнғинни ўчириш концентрацияси;

меъёрий куч (юклама) – пайдо бўлиши белгиланган, таъминланганлик шароитидан келиб чиқиб, меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатиладиган ёки унинг номинал аҳамияти бўйича қабул қилинган куч;

меъёрланган таркибли клинкер – минерологик таркиби норматив ҳужжатлар талаблари билан белгиланадиган клинкер;

меъморий - шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва мезонлари – аҳоли ҳаёт фаолияти муҳитининг асосий сифат кўрсаткичларини ростловчи ҳужжатлар; озодаликка оид, техникавий, фойдаланиш бўйича ёнғинга қарши ва бошқа ҳудудни шаҳарсозлик жиҳатдан ўзлаштириш, аҳоли яшаш манзилларини ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлимий ва бошқа шароитларни ҳисобга олиш талаблари;

микро ёриқлар – бетонларда бузилиш механикасига мувофиқ микроёриқлар синфига шундай ёриқлар киради, уларнинг бўйлама қирраларининг фарқи шундай оралиқдан ошмаслиги лозим. Бунда улар бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлигига тенг бўлган кучланиш билан ўзаро тортишади;

микро тузилмалар – микро заррачаларнинг маълум муносабатларга эга бўлган фазода жойлашиши ва бир-бирига ёпишиш тартиби. Қурилиш материалларининг турларига қараб микро заррачаларнинг ўзаро алоқалари, ионли, ковалент, молекуляр, водород ёки металл турлари билан ифодаланади. Бир хил микро тузилмалар коагуляция, конденсация ва кристалланишга фарқланади;

микроҳудуд (даха) – шох ёки турар жой кўчалари “қизил” чизиғи ёки табиий тўсиқлар билан чегараланган уй-жой иморатлари қурилиши ва аҳолига кундалик маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари мажмуасини қамраб олувчи шаҳар (қишлоқ) ҳудудининг бирламчи тизилмавий истиқомат элементи;

минерал боғловчи материаллар – майдаланган минерал моддалар бўлиб, пластик хамир ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлган бундай боғловчилар (сув билан аралаштирилиб) қотирилганда мустаҳкам тошга айланади;

минерал пахта ва шиша толали маҳсулотлар – доналик, рулонли ва ипга оид ноорганик иссиқлик сақлаш материаллар, турли боғловчилар ёрдамида эластик боғламларда ёки қолипларда минерал пахта (шиша пахта) қатлам тузиш натижасида олинади;

минерал пахтали маҳсулотлар – бирлаштирувчи билан сингдирилган ёки эластик материал қопламаси орқали тикув иплари (сим) билан боғланган минерал пахта толалари асосидаги плита ва матлар;

минерал тола (вата) – минерал қотишмадан олинадиган толалар; шиша толаларнинг заиф зичланган массаси кўринишидаги иссиқлик изоляцияловчи материал. Домен шлаклари асосидаги силикат эритмаларидан, шунингдек, чўкинди аралашмалари (мергел, доломит, оҳактош) ва вулқон отилиши оқибатида ҳосил бўлган тоғ жинслари (диабаз, базальт, порфирит ва ҳ.к.лар)дан олинади;

минералит – ёнғинга чидамли ораёпмалар, зинапоялар, пол ва бошқаларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган асбестли цемент;

минералли композиция – қуруқ моддага аралашма массасининг 1 % дан ошмайдиган миқдорда минерал боғловчилар, тўлдирувчилар ва қўшимчалар, шу жумладан органик моддалар аралашмаси;

минора – мачитнинг асосий тузилиш қисми; турғунлиги ўзининг асосий қурилмаси билан таъминланадиган (тортқисиз), эркин турувчи баланд иншоот;

минорасимон иншоотлар – баландлиги горизонтал ўлчамлари (диаметри, таянч томони)дан анча катта бўлган эркин ҳолатда турувчи баланд иншоотлар бўлиб, уларнинг турғунлиги асосий конструкция билан (тортқиларсиз) таъминланади;

минтақа – қандайдир умумий белгилари билан тавсифланадиган муайян майдон;

минерал асосли бўёқлар – ноорганик боғловчи модда ва табиий ёпиштирувчи моддаларга асосланган бўёқ композициялар асосида минерал цементли, оҳакли, силикатли ва ёпиштирувчи бўёқларга фарқланади;

мипора – карбомид-формальдегид смоласига асосланган қаттиқ пенопласт;

мис қотишмалари – қалай, цинк, алюминий, қўрғошин, никел, марганец, темир, фосфор, кремний ва бошқа элементлар қўшилган мис асосидаги қотишмалар. 45 % гача цинк миқдори бўлган мис қотишмалари латун деб аталади ва амалда қўлланилади;

мих – битта учи ўткир ва иккинчи охирги қисми қалпоқчага эга бўлган стержен бўлиб, уни одатда темирдан тайёрлашади;

мих - шуруп – резбали мих бўлиб, у баъзан пластик дюбел билан биргаликда ишлайди;

михчўп – олдиндан бурғуланган тешик ёки уяга маҳкам жойлаштирилган ва ўз ўқига перпендикуляр бўлган юкларни ўтказиш учун ишлатиладиган, одатда пўлатдан (балки, бошқа материаллардан, пластмасса ёки ёғочдан) қилинган цилиндрик стержен ёки пластина;

модификацияланган битум – бир ёки бир неча кимёвий омил (агент)ларни қўллаш йўли билан сифат кўрсаткичлари яхшиланган (модификацияланган) битум. Модификацияланган битум “тўғридан-тўғри” ёки суюлтирилган нефть маҳсулоти, мастика ёхуд эмульсия кўринишида ишлатилиши мумкин;

модификациялаш – ёғоч маҳсулотларининг эксплуатация шароитларига нисбатан ёғочнинг физик-механик, термофизик, триботехник, биокимёвий бошқа хусусиятларининг йўналтирилган ўзгариши;

модуль – бинолар ва уларнинг қисмлари ўлчамлари каррали нисбатини ифодалаш учун қабул қилинадиган дастлабки ўлчов;

модулли ёнғин ўчириш қурилмаси – ёнғинни ўчириш вазифасини мустақил бажара оладиган бир ёки бир неча модуллардан иборат алоҳида объект (бино, бинонинг бир қисми ва (ёки) технологик ускуна)ни ўчириш учун мўлжалланган автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси;

мозаика – тасвирни тўлиқ қоплайдиган безак ёки сюжет композицияси (инкрустация ва интарсиядан фарқли равишда фон сифатида асосдан фойдаланмасдан), ҳар хил материаллардан бажариладиган девор, гумбаз ёки пол юзасига, мастика ёки эритма билан (ёпиштириладиган) маҳкамланадиган. Мозаикани тайёрлаш учун рангли тошлар, смальта (ҳар хил рангли шиша қотишмаларининг бўлаклари) рангли керамик плиткалар ва б. материаллар бўлиши мумкин;

мозаикали паркетнинг юза тарафи – мозаикали паркетнинг едирилиш қатламининг ташқи юзаси;

мозаикали паркет – пол қопламасининг квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги элементи бўлиб, у қоғоз ёки бошқа эластик материлга паркет тахтачаларини елимлаш орқали ҳосил қилинган тўшамани ўзида намоён этади;

мойли бўёқ – олиф мойларидаги пигментлар ва тўлдирувчиларнинг суспензиялари. Мой бўёқлар қуюқ ва фойдаланиш учун тайёр қилиб ишлаб чиқарилади. Фойдаланишга тайёр бўёқларда олиф таркиби 40 % дан 50 % гача. Мойли бўёқлар қурилиш конструкцияларини коррозиядан, ёғоч элементларни намликдан ҳимоя қилиш учун ҳамда вақти-вақти билан намланган юзаларни бўяш учун ишлатилади;

мономер – ҳар бир молекула бир ёки бир нечта композит ёки такрорий композит бирликларни ҳосил қилиши мумкин бўлган модда;

монтаж арматураси – темир-бетон конструкцияларнинг ишларни бажаришда, бетон ва қолипнинг хусусий оғирлигидан ҳосил бўладиган монтаж ва транспорт юкларини қабул қилишга қодир бўлган ҳамда арматура каркасларини йиғиш ва ишчи арматуранинг конструкцияда лойиҳавий жойлашувини таъминлашга хизмат қиладиган арматураси;

монтаж болти – ёғочни ўрнатилишида тугуннинг бузилишини олдини олиш учун ёғоч элементларини уланишда контакт тугунини металл билан маҳкамланиши;

монумент – қандайдир воқеа, шахсни абадийлаштириш учун меъморий ёки ҳайкалторошлик асари; ёдгорлик;

морилка – ёғочнинг табиий структура рангини қорайтирмасдан (тўйинтирмасдан) ўзгартирадиган табиий бўёқ;

мотель – автомобилда саёҳат қилувчиларга турли хизмат кўрсатувчи, автомобиль йўлидаги меҳмонхона;

муваққат куч – куч чекланган муддатда таъсир этувчи ва бино ёки иншоот хизмат даврининг айрим вақтларида бўлмаслиги мумкин. Муваққат кучлар қуйидагиларга бўлинади: давомли, ҳисобий аҳамияти бино ва иншоот хизмат даври давомида узоқ вақт кузатилади; қисқа муддатли, ҳисобий аҳамияти бино ва иншоот хизмат даврида жуда қисқа вақт кузатилади; махсус, ҳисобий аҳамияти бино ва иншоот хизмат даврида жуда қисқа вақт кузатилади; махсус, ҳисобий аҳамияти, жуда кам ҳолларда рўй берадиган (зилзилавий ва портлаш таъсирида) шикастлантирувчи кучлари ва ш.к) ёхуд ноодатий табиатга эга (масалан, асос заминининг нотекис шакл ўзгариши таъсирида);

мувозанат кучи – аҳамияти, йўналиши ва қўйиладиган жойи шунчалик кам ўзгарувчи куч, шунинг учун ҳам бино (иншоот) ҳисобида, уларни вақтга қарамасдан қабул қилинади. Бундай юклар сабаб бўлган инерция куч таъсири назарга олинмайди (масалан, бино ёки иншоот ўз оғирлиги, қор юкланиши);

муз кесгич – кўприк ва дамбалар таянчларига алоҳида маҳкамланувчи конструкция ёки қурилма бўлиб, у кўприк ва дамбаларни муз таъсирида шикасланишдан ҳимоя қилади. Муз кескичлар катта ўлчамли муз бўлакларининг зарбаларини ўзига қабул қилади ва муз бўлакларини синдиради, синган муз бўлакларини кўприк (дамба) таянчлари орасига йўналтиради;

музлайдиган грунт – манфий ёки ноль ҳароратга эга бўлган, ўз таркибида кўзга ташланадиган музли аралашмаларни ва (ёки) муз-цементлаштирувчи зарраларни киритувчи грунт;

музлайдиган пластик грунт – ёпишқоқ хоссаларга эга бўлган, музлаб қотадиган ва ташқи юк остида сиқиладиган дисперсли грунт;

музлайдиган сочилувчан грунт – эриганда ўз ҳажмини камайтирадиган дисперсли грунт;

мукаммал таъмирлаш – бино ва иншоотларни ҳамда унинг конструкцияларини эскирган қисимларини таъмирлаш, объектнинг фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, янада мустаҳкам ва тежамли конструкция ёки элементларга алмаштириш ёки тиклаш;

мураккаб конструкциялар – юк кўтариш қобилиятини ошириш учун уларга киритилган темир-бетон элементлари билан мустаҳкамланган (деворлар, тираклар, устунлар) тошдан қурилган конструкция; турли мақсадлардаги қисмлардан иборат бўлган, функционал равишда бир-бирига боғланган қурилиш конструкциялар – эшик ва дераза блоклари ўрнатилган девор панели, том ёпмалари ва изоляцияси бўлган том ёпиш плиталари ва бошқалар;

мўртлик – қаттиқ жисмларнинг механик таъсирида сезилмас юмшоқлик шакл ўзгаришисиз (юмшоқликка қарама-қарши хусусият) бузилиш хусусияти;

мусковит – оқ слюда, слюд гуруҳининг жинс ҳосил қилувчи минерали. Слюда кукуни ўтга чидамли бўёқлар, том ёпма рубери, слюда картони ва бошқалар ишлаб чиқаришда ишлатилади;

мустаҳкамлик – ашёнинг куч ва таъсири турли кўринишларини бузилмасдан ўзгартириш хусусияти;

мустаҳкамлик чегараси – намунанинг бузилишигача бўлган энг катта кучга мос тушадиган шартли зўриқишни ифодаловчи ашёнинг механик тавсифи;

мустаҳамланган қирғоқ – соҳил бўйлаб ўраб турган ёки ҳимоя қилувчи иншоот. Мустаҳкамланган қирғоқ шаҳарга ва портга бўлинади;

мустаҳкамлагич – ерости қазилмаларида, уларни берилган ўлчамларини сақланиши, ўпирилиш ва ўраб турган заминни қабариқ (кўпчиш) чиқишдан ҳимоялаш учун барпо этиладиган қурилма;

мустаҳкамлаш – белгиланган ўлчамларни сақлаб қолиш ва уларни атрофдаги тупроқларнинг қулаши ва кўтарилишидан ҳимоя қилиш учун ерости ишларида тайёрланадиган конструкция;

мутаносиблик – қисмларнинг ўзаро муайян нисбати ўлчамлилик;

муфта – валлар, тортқичлар, қувурлар, арқонлар, кабеллар, арматура ва бошқаларни улаш учун қурилма;

наждак – нозик ва майда донали тўқ рангли тоғ жинси, морд слюда, шпинель, гранат, кварц, геметит, пирит ва б. минераллар билан корунд магнетит аралашмаси. Абразив материал сифатида ишлатилади;

назорат намуналари – асосий намуналарни синашдан олдин бетоннинг сиқилиш мустаҳкамлигини аниқлаш учун мўлжалланган намуналар;

назорат салқилиги – эгилиш қиймати, бу маҳсулотнинг бикирликка яроқлилик қийматини баҳолаш учун синов юки остида маҳсулотнинг ҳақиқий эгилиши солиштирилади;

накат – ораёпма тўсинлар орасига жойланадиган ёки блок устига ётқизиладиган ёғоч тахта;

накладка – тахта парча ёки металл пластина кўринишидаги ёпиб турувчи устки деталь;

нақш (безак) – нарсани бадиий безатилиши, ранг-тасвир, чизмавий ёки ҳайкалли безак; меъморчиликда ва айниқса, амалий санъатда бадиий қиёфанинг муҳим элементи ҳисобланади;

наличник – эшик ёки дераза ўрнини рамкаловчи декоратив планка;

намликка чидамли гипсокартон листлар – сувни шимилиш қобилияти пасайтирилган (10 % кам) ва намликнинг кириб боришига қаршилиги юқори бўлган гипскартон листлари;

намликка чидамлилик – даврий ҳўлланиш ва қуришда, қурилиш ашёларининг узоқ муддатга намликдан бузилишга қаршилик кўрсатиш қобилияти;

наплавка – пайванд ёрдамида деталь юзасига металл қатламини қўллаш жараёни. Янги деталларни ишлаб чиқариш ва эскирганларни тиклаш учун қўлланилади. Эригунча қиздирилади, эритилган металлни маҳсулот юзасига қўллаш орқали ишлаб чиқарилади. Наплавка қатлами асосий металл билан яхлит бутунликни ҳосил қилади, унинг кимёвий таркиби асосий металл таркибидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Қопланган металлнинг қалинлиги 0,5 mm дан 10,0 mm гача ёки кўпроқ бўлиши мумкин;

нефть битуми асосидаги бетон – бундай бетон сиқилишда 150 kg/m^2 дан кам бўлмаган мустаҳкамлик чегарасига эга бўлиши лозим. Бетоннинг зичлигини оширувчи ва фильтрлаш коэффициентини камайтирувчи минерал қўшимчалар бетон таркибига киритиладиган қўшимчалар бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу намликка доимий таъсир этувчи ерости ва массив иншоотларда мақсадга мувофиқ бўлади;

нитролак – эритувчилар қўшиш йўли билан органик эритувчиларда юмшатгич, смола ва бўёқлар, қўшилган нитроцеллюлозанинг коллоидли эритмаси. Нитролак об-ҳавога чидамли, ёғли лакларга қараганда тезроқ қурийди, яхши силлиқланган эластик плёнка ҳосил қилади;

нитроэмаль – нитролакда пигентлар ва тўлдирувчиларнинг суспензияси;

нишабли том – нишаб юзаси бир ёки бир нечта қияли қисмлардан иборат том;

номинал куч – машина паспортида кўрсатилган меъёрий фойдаланиш шароитларида назарда тутилган ҳаддий технологик куч (юк);

ноорганик боғловчилар асосидаги пол қопламалари – чоксиз пол қопламаларининг бир тури бўлиб, улар яхлит қатламларни ўзида намоён этади, бу қатламлар боғловчи, қотириш муҳити, ноорганик ёки органик тўлдирувчи ҳамда ҳар хил модификацияловчи қўшимчаларни ўз ичига олган аралашмаларни қотириш йўли билан олинади. Қурилиш қоришмалари (аралашмалари)нинг таркибига кўра, бундай пол қопламалари цемент-бетонли (устки қатлами мустаҳкамланган қопламани киритган ҳолда), цемент-қумли, мозаикали, ксилолитли, металл-цементли, полимерцементли-бетонли ва ишқорбардош бетон қопламали пол қопламаларига бўлинади;

ноорганик полимерлар – асосий занжирида углерод бўлмаган, шунингдек, органик ён гуруҳларга эга бўлмаган полимерлар. Ноорганик полимерлар юқори зичлик ва юқори узоқ муддатли иссиқликка чидамлилиги билан ажралиб туради, аммо улар юқори эластик ҳолатда мавжуд бўлмайди, мўрт ва динамик зўриқишларга кам бардошли. Ноорганик полимерлар табиий (асбест) ва сунъий (керамика) бўлиши мумкин;

ноорганик тола – ноорганик, металл бўлмаган маҳсулот;

нормал импеданс (қаршилик) – намуна юзасида товуш босимининг нормал тебраниш тезлигига нисбатини ифодаловчи мураккаб катталик;

нормал қуюқлик – маълум бир пластиклик даражасидаги хамирни олиш учун зарур бўлган минерал боғловчи массасининг улуши сифатида ифодаланган сув миқдори, меъёрий қуюқлик катталиги боғловчи моддаларнинг сувга бўлган талабни характерлайди;

нормал суюқликлар (тоза ва эритмали) – ташқи таъсир бўлмаганда макроскопик бир жинсли ва изотроп суюқликлар. Қиздирилганда ёки зичлиги камайтирилганда уларнинг хоссалари (иссиқлик ўтказувчанлиги, ёпишқоқлиги, ўз-ўзидан диффузияланиши ва ҳ.к.), қоидага кўра газларнинг хоссаларига яқин бўлган томонга ўзгаради. Кристалланиш ҳароратига яқинлашганда кўплаб нормал суюқликларнинг хоссалари (зичлиги, сиқилувчанлиги, иссиқлик сиғдирувчанлиги, электр ўтказувчанлиги ва ҳ.к.) тегишли қаттиқ моддаларнинг шундай хоссаларига яқин бўлади;

нормал ҳолатдаги қум – зарралари думалоқ шаклда ва ўлчамлари 0,5 mm дан 9 mm гача бўлган табиий кварц қуми. Бу қум цементларни синаш (фаоллигини, мустаҳкамлик бўйича маркасини аниқлаш) учун мўлжалланган. Ушбу қумнинг сифати унинг таркибида мавжуд бўлган кремний оксидининг (98 % дан кам бўлмаган) миқдори ҳамда лой, балчиқ ва чанг аралашмаларининг (1 % дан кўп бўлмаган) миқдори билан баҳоланади. 950 °С дан 1000 °С гача температурада тоблашда масса йўқотилиши 0,3 % дан катта бўлмаган кўрсаткични ташкил этади. Қум зарраларининг йириклиги шундай бўлиши керакки, қум намуналарини № 09 ва № 05 тўрли элаклардан ўтказганда № 09 тўрли элакда 1 % дан кўп бўлмаган қум қолиши лозим ва № 05 тўрли элакдан намуна массасининг 8 % дан кўп бўлмаган қисми ўтиши лозим;

норуда қурилиш материаллари, зич, ғовак табиий тўлдирувчилар – тоғ жинсларидан олинадиган сочилувчан донадор қурилиш материаллари, тасодифий қазиб олинган жинслар ва тоғ-кон саноати корхоналарининг чиқиндиларидан, кимёвий таркиби ва фазавий ҳолатини ўзгартирмаган ҳолда қурилишда фойдаланилади;

нуқтали, ёнғиндан хабар бергич (тутундан, иссиқдан) – ихчам ҳудудда ёнғин омилларини сезувчи ёнғиндан хабар бергич;

нураган тупроқ – табиий ёки антропоген омиллар таъсири остида юқори қатлами бузилган ёки йўқотилган ерлар; нурланишидан ҳимоялашнинг нормалланган даражасини таъминловчи қоришмалар;

нусҳалаш – махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида унификациялаштирилган ҳажмий-режавий ва қурилмавий ечимларни илғор техникавий ва иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қўллаб, корхона, бино ва иншоотларни кўп марта амалга оширишда, қурилмаларни тайёрлашга имкон берувчи лойиҳалашдаги ва қурилишдаги техникавий йўналиш;

обелиск – юқорига ингичкалашиб борувчи, одатда, қиррали тош устун кўринишидаги ёдгорлик, иншоот;

ободонлаштириш – аҳоли ҳаёти учун қулай ва маданий шарт-шароитларини яратиш мақсадида ҳудудларни муҳандислик жиҳатидан тайёрлаш, йўллар қуриш, ҳудудларни тозалаш, захини қочириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригациялаш тадбирларини амалга ошириш, микроиқлимни яхшилаш, ҳаво ҳавзаси, очиқ сув ҳавзалари ва тупроқни ифлосланишдан ҳимоя қилиш, у ёки бу ҳудудни қурилиш учун яроқли ҳолга келтириш ва белгиланган мақсадда нормал фойдаланиш, амалга ошириладиган шовқинлар даражасини камайтириш ишларининг йиғиндиси;

EZR3847

ободонлаштириш объектлари – кўчалар, айланма кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлкалар, кўприклар, туннеллар, йўловчилар ўтадиган ерости йўллари, фавворалар, ариқлар, каналлар, дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, хиёбонлар), ташқи ёритиш, реклама паннолари, йўл кўрсаткичлари, порталлар, пешлавҳалар, дренаж (дренажнинг вертикал, ёпиқ ва очиқ горизонтал, ёпиқ коллектори), ирригация новлари тармоқлари, ташқи ёритиш тармоқлари;

обой – одатда қоғозга асосланган (одатда рулонли) пардозлаш материали, турар жой ва жамоат биноларида девор, шифтларга ёпиштириш учун қўлланилади;

обсидиан – вулқон отлишидан ҳосил бўлган шишасимон тоғ жинси. Шишатолали жинсларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ обсидиандаги сув миқдори вазн бўйича 1 % дан ошмайди. Фақат оксидли таркибдаги (SiO_2— 69-73 %) обсидиан саноат соҳасида кенг қўлланилади. Обсидианнинг сўндирилган оҳак билан уйғунлашган кукунининг сув остида қотиш хусусияти туфайли уни гидравлик қўшимча сифатида портландцемент ишлаб чиқариш учун қўллашади. Обсидиандан, шунингдек, оҳакка қўшиладиган қўшимча ва қора шиша тайёрлашда хомашё ҳамда термикизоляцияловчи материал сифатида қўлланади;

обушок – бурчакнинг бўйлама қирраси;

объект ҳузуридаги омбор – қурилиш ашёларини, маҳсулотларни, қурилма ва жиҳозларни сақлаш учун қурилишни ташкил этиш лойиҳасига биноан йиғув кранлари ҳаракат минтақасида жойлаштириладиган омбор (иншоот, хона, майдонча);

оғир бетон – йирик, майда тўлдирувчилар ва цементли боғловчидан ташкил топган зич бетон;

оғир полимербетон – синтетик боғловчи ва кимёвий бардошли йирик ҳамда майда тўлдирувчи асосидаги зич структурали, ҳажмий массаси бўйича оғир (2200 – 2500 kg/m^3) полимербетондир;

огоҳлантириш тўсиғи – ишлаб-чиқариш имконий хавфи ҳақида огоҳлантириш ва чекланган кириш минтақасини белгилаш учун мўлжалланган қурилма;

оддий гипсокартон листлар – гипсокартон листлар асосан қуруқ ва нормал намлик шароитида бино-иншоотларни ички пардозлаш учун ишлатилади;

оддий тош – девор тоши, қоида тариқасида кейинги пардозлаш орқали бино ва иншоотларнинг деворларини териш учун мўлжалланган;

озодлик ҳимоялаш минтақаси – саноат корхоналари билан уй-жойлар ёки жамоат бинолари орасидаги аҳолини ишлаб-чиқаришнинг зарарли омилларидан ҳимоялаш учун мўлжалланган ҳудуд;

озокерит (тоғ муми) – тоғ муми бўлиб, у нефть битумлари гуруҳларидан ташкил топган минерал, мато ва ёғочга шимшидирилиши мумкин;

оксидли оловбардош буюмлар – берилл, магний, кальций, алюминий, хром, кремний, цирконий, итрий, қалай, гафний, торий, уран ва бошқа бирикмаларнинг оксидлари асосидаги оловбардош материаллар, қаттиқ аралашмалар ва улар асосидаги қоришмалардир. Массага нисбатан фоизларда асосий компонент миқдорига боғлиқ ҳолда икки гуруҳга бўлинади: оксидли, 97 % дан кам бўлмаган ҳолда; оксидларга эга бўлган (сиалонлар, оксинитридлар, оксикарбидлар, сикарбидлар ва бошқа бирикмалар) – 97 % дан кам бўлмаган ҳолда;

оқ портландцемент – темир оксидини (0,35-0,45 %) миқдорда ўз таркибига киритувчи портландцемент клинкери, гипс (SO_3 бўйича 3,5 % гача) ва фаол минералли қўшимчалар (20 % дан кўп бўлмаган миқдорда) аралашмасини майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Оқ портландцементдан қурилишда архитектуравий-пардозлаш ишларини бажаришда фойдаланилади;

оққарағай (пихта) – Кавказ ва Сибирда ўсадиган дарахт. Унинг баландлиги тахминан 40-50 m ва диаметри 60 cm бўлиши мумкин. Оққарағай дарахтидан оқ рангли, юмшоқ, енгил ёғоч олинади; унинг ҳажмий вазни 0,37 - 0,44; толалари бўйлаб сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 29-34 МРа ни ташкил этади;

оқлой – юмшоқ тоғ жинси, одатда ранги оқ гилсимон минераллардан иборат. Каолин чинни конструкцияси, уй-рўзғор ва техника маҳсулотлари, рефракторлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш учун ишлатилади;

оқава сувлар – ишлаб чиқариш, маиший ёки қишлоқ хўжалиги истеъмолида бўлган ҳамда ҳудуддан ўтган ифлосланган сув; инсон маиший ва ишлаб чиқариш фаолиятида фойдалангандан сўнг чиқариб юбориладиган сувлар;

оқава сувларини биологик тозалаш – саноат ва коммунал-маиший оқава сувларидаги эриган ва эмульцияланган органик моддаларни микроорганизмлар билан биокимёвий бузиш (минерализациялаш) йўли билан тозалаш усули.

оқава сувларни еростига киритиш – оқава сувларни юзадан чуқур сувли қудуққа, бўшлиққа туз, кўмир ва бошқа ерости қазилмалари сиғимига ҳамда бошқа чуқур табиий ёки сунъий барпо этилган ерости тўпловчи зовурлар қабул қилувчиларига киритиш;

оқава сувларни зарарсизлантириш – оқава сувларини улар таркибида мавжуд бўлган зарарли моддалардан, уларни сув ҳавзаларига оқизиш ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш имконини берадиган даражада тозалаш;

оқава сувларини тозалаш – оқава сувларининг атрофдаги табиий муҳитга зарарли таъсирини бартараф этиш мақсадида уларни тозаловчи канализация иншоотларида қайта ишлаш жараёни;

оқавасиз ишлаб чиқариш – атроф-муҳитга оқава сувлар тушишини амалий истисно қилишга имкон берувчи технологиялар бирикмасига асосланган ишлаб-чиқариш;

оқувчанлик чегараси – куч ошмасдан вақт ўзгариши ортиб борадиган зўриқишни ифодаловчи ашёнинг механик тавсифи;

олд врубка – битта элементи бошқасига бурчак остида бирикиши, врубка;

олд тарафи бўялган ёғоч толали плита – ишлаб чиқариш жараёнида пресслашга қадар олд томони рангли бўёқлар билан шимдирилган ёғоч толали плита;

олдиндан зўриқтириладиган арматура – эксплуатация босқичигача, ташқи юклар қўйилгунга қадар, темир-бетон конструкцияларни тайёрлаш жараёнида зўриқтириладиган арматура;

олдиндан зўриқтириладиган конструкциялар – олдиндан зўриқтирилган (ишлаб чиқариш ёки ўрнатиш пайтида) конструктив элементларда оптимал тақсимланган зўриқишлар асосида тайёрладиган қурилиш конструкциялари;

олигомер – молекулалари бир-бири билан такрорланган тарзда боғланиб таркибий бўғинларни ҳосил қилувчи модда; битта ёки бир нечта таркибий қисмларни қўшиш (ёки йўқотиш) билан олигомер хоссалари комплексини ўзгартириш мумкин;

олиф – суюқ модда бўлиб, бу модда ўсимлик ёғлари ёки мойли алкидли смолалар асосида олинади. Мойли бўёқлар, грунтовкалар, шпаклёвкалар, суртмалар тайёрлашда ҳамда ёғоч сиртини пардасимон шимдиришда қўлланилади;

оловбардош ғишт – оловга чидамли материалдан тайёрланган ғишт, юқори ҳароратли иситишга тўғри келадиган, иситиш мосламалари ва иншоотларини қуриш ҳамда футеровкалаш учун ишлатиладиган оловга чидамли ғишт;

оловбардошлик – конструкция ва маҳсулотларнинг маълум вақт давомида бузилмасдан юқори ҳарорат таъсирига бардош бериш қобилияти;

оловдан ҳимояловчи ёпма – қурилиш конструкцияларининг олов таъсирига кўрсатадиган қаршилигини ошириш мақсадида уларнинг сиртига ишлов бериш (бўяш, сувоқ қилиш, пасталар суркаш, листли материаллар билан ҳимоялаш) орқали ҳосил қилинадиган қоплама (ёпма);

ольха – оқ ёғочли дарахт бўлиб, толалари бўйлаб унинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 35 МРа ни ташкил этади. Енгил ва юмшоқ ёғоч, дурадгорлик ва токарлик ишларида, фанералар тайёрлашда қўлланилади;

ондулин – толали тўлдиргичга эга бўлган тўлқинсимон кўринишдаги ясси том ёпиш материали. Ондулин таркибида асбест мавжуд эмас;

опока – қаттиқ ва микроғовакли енгил жинс бўлиб, бу жинс табиатда кулранг ёки қора рангда учрайди. Опока асосан кварц, дала шпати ва бошқа минералларнинг донадор зарралари аралашган опал (90 % гача), гилли зарралар, кремнийли микроорганизмларнинг скелетли қолдиқларидан ташкил топган. Мўрт (аморф) кремнезем 92-98 % ни ташкил этади. Унинг зичлиги 2300-2550 kg/m^3. Қурилишда абсорбент сифатида қўлланади;

ораёпма – иншоотни қаватларга ажратувчи конструктив қисм. Бажарадиган вазифасига кўра ораёпмалар цоколли, қаватлараро, чордоқли ва ҳ.з. Тўсинлар ва плиталар ясси ораёпмаларнинг юк кўтарувчи элементлари ҳисобланади. Ораёпма конструктив жиҳатдан тўсинли, тўсинсиз, кессонли бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда ораёпмалар бинонинг горизонтал бикрлик диафрагмаси ролини ҳам бажаради;

ораёпма ва ёпма плиталар (панеллар) – бино юк кўтарувчи тизимининг йиғма ёки қуйма горизонтал темир-бетон элементи бўлиб, у ўз устига бевосита қўйилган юкларни қабул қилади ва уларни ригелларга ёки юк кўтарувчи деворларга узатади. Шунингдек, горизонтал юклардан ҳосил бўладиган сиқувчи ва силжитувчи юкларни ҳам қабул қилади;

ораёпма диски – горизонтал текисликда таъсир қилувчи кучларни ўзлаштира оладиган ва вертикал юк кўтарувчи конструкцияларни ягона фазовий тизимга бирлаштирадиган горизонтал диафрагма:

оралиқ девор – деворнинг битта сатҳда жойлашган қўшни дераза ёки эшик ўринлари орасидаги қисми;

оралиқ қўйилма (прокладка) – ўзаро бириктириладиган конструкциялар орасидаги оралиққа жойлаштириладиган ёрдамчи деталь;

оранжерея – жанубий ўсимликларни ўстириш ва қишлови учун ёки номавсумий ҳосил, сабзовот ва гуллар етиштириш учун ойнаванд иморат;

органик боғловчи материаллар – физик-кимёвий жараёнлар таъсири остида пластик ҳолатдан қаттиқ ёки паст пластик ҳолатга ўтиш қобилиятига эга бўлган органик боғловчи моддалардир. Бундай боғловчи материаллар икки битумли ва полимерли смолали гуруҳга бўлинади;

органик минералли аралашма – чақиқ тош, шағал, қум ва уларнинг аралашмаларини, шунингдек, минералли кукун (шу жумладан саноат ишлаб чиқаришидаги кукунли чиқиндилар)ни органик боғловчилар (суюқ ёки ёпишқоқ битумлар, битумли эмульсиялар) ва фаол қўшимчалар (ёки уларни қўшмаган ҳолда) ёхуд органик боғловчиларни минералли боғловчиларни биргаликда қўшиб аралаштириш йўли билан олинадиган сунъий аралашма;

органик тўлдирувчили (арболит) бетон – цемент боғловчи ва ўсимликлардан олинадиган органик тўлдирувчилар (ишлаб чиқариш чиқиндилари, ёғоч қириндилари, ғўзапоя ёки шоли сомони, зиғир ва каноп ўсимликлари ўзаклари ва б.) асосидаги бетон;

орнамент (нақш) – кичик масштабли ганчкорлик ва тасвирий санъат элементларининг тасвирлари бўлиб, улар кўпинча геометрик шакллар ва ўсимликларни тасвирловчи характерга эга бўлган ҳолда деворларга, интерьер предметларда қўлланилади;

оромгоҳ – одам саломатлиги ва меҳнат қобилиятини уй ёки ташқарида, кўпинча табиат қўйнида дам олиш йўли билан тиклаш;

оромгоҳлик имконияти – инсон танасига ижобий таъсир кўрсатувчи ва киши иш қобилиятини тикланишини таъминловчи табиий ва маданий шароитлар йиғиндиси;

ортатроп плитали тўсин – юқори белбоғлари бўйлама ва кўндаланг қовурғалар билан мустаҳкамланган пўлат листли настилдан ҳосил қилинган тўсин бўлиб, бўйлама ва кўндаланг қовурғалар тўсиннинг сиқувчи кучланишларга қарши муайян жойдаги турғунлигини таъминлайди;

ортотроплик – физик характеристикаларнинг икки ёки ундан ортиқ ўзаро перпендикуляр йўналишларда йўналтирилган симметрия текисликларига эга бўлган материал хоссасидир;

осина (тоғ тераги) – оқ рангли, бир жинсли юмшоқ ёғочли дарахт. Толалари бўйлаб сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 40 МРа ни ташкил этади. Ундан ёғоч парчинлар, том гонти (том ёпиш тахталари), ёғоч пайрақалари ва қипиқлари, фанера тайёрлашда фойдаланилади;

осма айвон – девор конструкциялари бўлмаган ёки қисман (майдони 50 % дан кўп бўлмаган) яхлит деворли тўсиқ бўлган бир қаватли, чордоқсиз, иситилмайдиган иншоот;

осма галерея – биноларнинг ташқи деворларидан чиқиб турувчи консолларга таяниб турувчи галерея;

осма зинапоя – тўсинларга илгак ёрдамида илиб қўйиладиган зинапоя, тўсинлар ёки ҳар қандай горизонтал жойлашган чекка;

осма йўл – осма канатли ёки битта рельсли (монорельсли) йўлга эга бўлган, ер сирти сатҳидан юқорида жойлашган таянчларга жойлаштириладиган кўтариш-транспорт иншооти;

осма канатли йўл – ер сирти сатҳидан юқорида жойлашган таянчларга маҳкамланган канатга осилган транспорт воситалари (вагонеткалар)нинг ҳаракатланишига мўлжалланган йўл;

осма тўсиқ – юк кўтарувчи конструкцияга эга бўлмаган ва бинонинг қурилиш конструкциясига бевосита осиладиган олдиндан сақловчи тўсиқ;

осма шифт – ораёпмага осилган металл каркасдан ташкил топган конструкция бўлиб, унга тайёр ҳолатдаги модулли элементлар (плиталар, панеллар, рейкалар, кассеталар, ячейкали модуллар) ёки шифт текислигини шакллантирувчи катта ўлчамли листлар

маҳкамланади. Конструктив жиҳатлари бўйича осма шифтлар модулли ва яхлит шифтларга бўлинади;

осон улоқтирилувчи қурилмалар – портлаш ҳавотири мавжуд ишлаб-чиқариш, бино, иншоот ва хоналарда, эҳтимолли портлаш рўй берганда босимни пасайтириш, бино ва иншоот қурилмаларини сақланишини таъминлаш учун очиқ ўринлар қолдириб, улоқтирилиши (ёки бузилиб кетиши) зарур бўлган ташқи тўсиқ қурилмалари;

остки тўсинлар – юк кўтарувчи тўсин ва таянч устунлари орасига жойлашган брус кесмалари. Улар вертикал юкни тақсимлаб тарқатиш учун мўлжалланади;

остки тўшамалар, ёстиқлар (замин ва пойдеворлар) – ўртача йирикликдаги қум, шағал, чақиқ тош ёки уларнинг қум билан аралашмасидан ташкил топган қатламлар (аралашмаларсиз) бўлиб, улар кичик чуқурликда жойлашадиган пойдеворлар остидаги заиф ва техноген қатламни алмаштириш ёки тарҳий белгиларни кўтариш, шунингдек, пастда жойлашган сувга тўйинган чангсимон ёки лойли пластик грунтларнинг консолидациясини тезлаштириш учун дренажловчи элементлар сифатида хизмат қилади;

отбитость – буюмнинг глазур билан қопланмаган жойлари (бурчакларидаги учлари, қирралари)нинг механик шикастланганлиги;

отмостка – бинонинг периметри бўйича грунт устига ётқизиладиган, деворлар ва пойдевордан сувни қочиришга мўлжалланган сунъий қоплама;

отчопар – отларни синовдан ўтказиш ва от ўйини мусобақалари ўтказиладиган жой;

офикальцит – форстерит янги маҳсулларининг гидрадациясида юзага келадиган, чуқурчаларга, доғларга ва парасерпентин чизиқли ёриқларига эга бўлган контактли-метаморфик доломитли оҳактош. Офикальцит таркибида баъзан яшил шпинель, флогопит, бруситлар ҳам учрайди. Офикальцит асбестли парасерпентинларни ва аспагаш туридаги (аспагашского типа) хризотил-асбест конларини қидириб топишда уларни пайқаш аломати сифатида хизмат қилади;

оҳак сути – оҳакли сувдаги Са $(OH)_2$ сувли эритмасининг суспензияси;

оҳак – енгил боғловчи маҳсулот, қурилишда ва силикат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг кўлланилади, аралаш боғловчилар ва клинкерсиз оҳак шлакли цементлар. Оҳак ишлаб чиқаришга хомашё-оҳактош қазиб олиш, уни майдалаш ва куйдиришга тайёрлаш, оҳактош куйдириш ва оҳак бўтқасини кейинчалик қайта ишлаш киради. Қурилишда майдаланган оҳак совутилмаган (қайноқ), совутилган оҳак (совуқ ҳолда), оҳак сути ва оҳак бўтқаси ишлатилади;

оҳак боғловчили бетон – гидравлик фаол ва (ёки) кремнеземист компонентлар (цемент, шлак, зола, кварц қуми ва фаол минерал қўшимчалар) билан аралаштирилган оҳак асосидаги бетон;

оҳак нави – кенг тарқалган тош ҳосил қилувчи минерал, калций карбонат $CaCO_3$. Ранги оқ, сарғиш, пушти, жигарранг ва б. қора ранггача; соф кальцит рангсиз (исландия нави) бўлади. Қаттиқлик минералогик 3-даража кўрсаткичи; зичлиги тахминан 2700-2800 kg/m^3. У бўр, оҳактош, мармар, карбонатит, карбонатли жинсларни ташкил қилади;

оҳакли қоришмалар – ҳавода аста-секин қотадиган оҳак ва қум қоришмалари;

оҳакли оловбардошлар – оғирлиги бўйича камида 85 % асосий компонент таркибига эга бўлган кальций оксидига асосланган оловбардош буюмлар гуруҳи. Оҳакли оловбардошлиларни ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида, табиий тоғ жинслари, асосида

кальций карбонат (бўр, оҳактош), шунингдек, кимёвий қайта ишланган материаллар хизмат қилади;

оҳактош – табиий қурилиш материали, чўкинди тоғ жинслари, асосан кальцит (бўр, чиғаноқтош)дан иборат. Оҳактошда ҳар хил аралашма бўлиши мумкин (қолдиқлар, органик бирикмалар ва б.). Қурилишда кесилган тош сифатида кенг кўлланилади, катта блоклар, бута, бетон учун шебен, ушоқлар, кукунлар, оҳак ишлаб чиқариш учун хомашё, цементнинг бўяш ишларида ва б;

очиш-ёпиш қурилмаси – идишга (баллонга) ўрнатиладиган ва ундаги ёнғинга қарши моддани чиқишини таъминловчи, очиш-ёпиш қурилмаси;

ошиқ-мошиқлар (дераза ва эшиклар учун) – эшиклар ва деразаларни уларнинг кесакилари билан бирлаштириш учун хизмат қилувчи ҳамда эшик, дераза, фрамуга ва дераза дарчаларининг очилиши, ёпилишини таъминловчи мослама;

павильон – кўргазма экспонатларини, чакана савдо ва бошқаларни жойлаштириш учун мўлжалланган доимий бўлмаган ёки доимий, енгил кўринишдаги бино;

пайванд чоки валиги (металл конструкцияларнинг пайванд чоклари) – бир марта ўтиш орқали эритиш ёки қайта эритиш билан ҳосил қилинадиган пайванд чокининг метали;

пайвандлаб ясаладиган тўсин – алоҳида пўлат пластиналарни пайвандлаш билан тайёрланадиган ва прокатли тўсинлар мустаҳкамлик, бикирлик, умумий турғунлик шартларини қаноатлантирмайдиган ҳолларда қўлланиладиган қўштавр кесимли тўсин;

пайвандланувчанлик – металл ёки металл бирикмасининг қурилма мустаҳкамлиги ва ишончлилиги билан шартланган талабларга жавоб берувчи кўшилмани, ўрнатилган пайвандлаш технологиясида ҳосил қилиш қобилияти;

пайвандлаш (металларни пайвандлаш) – пайвандланадиган заррачаларни муайян жойда ёки умумий қиздиришда ва (ёки) пластик деформациялашда шу заррачалар орасига атомлараро боғланишларни ўрнатиш воситасида деталлар ёки конструкцияларнинг қисмларга ажралмайдиган бирикмаларини олиш жараёни;

палубашита (пастки қатлам) – бетон билан бевосита бирикадиган сирт;

пандус – турли баландликда жойлашган сатҳларни зина ўрнига боғловчи ёки автомашиналар кириш учун хизмат қилувчи (масалан, кўп қаватли гаражларда) қия ясси коммуникациявий қурилма;

панелнинг асосий қатламлари – панель қалинлиги бўйича унинг ташқи томонидаги декоратив ёки ҳимоя-декоратив ва ички томонидаги пардоз қатламларидан ташқари барча шу жумладан, иссиқлик изоляцияловчи ва ташқи экран, ўрамли ёки пардали материалдан ва ҳаво оралиқ қатламларидан ташкил топган қатламлари;

панелнинг ташқи декоратив қатлами – ҳимоя функцияларини бажармайдиган, панелнинг асосий бўлмаган, унинг ташқи томони (фасад) юзасида жойлашган, бир ёки икки қатламда қопланадиган ёки кошинлаш, пардозлаш қатламидан иборат бўлган панелнинг сиртига керакли ранг ҳамда услубларни бериш ва фақат декоратив функция учун мўлжалланган ташқи декоратив қатлами;

панелнинг ташқи ҳимоя-декоратив қатлами – панелнинг асосий бўлмаган қатлами, унинг ташқи томони (фасад) юзасида жойлашган ва панелнинг асосий қатламларини эксплуатация пайтида ташқи иқлим таъсиридан ҳимоя қилиш (ёки уларнинг интенсивлигини камайтириш) ва декоратив функцияларини бажариш учун мўлжалланган.

Панелнинг ташқи ҳимоя ва декоратив қатлами қуйидаги бир ёки бир нечта қатламлардан иборат – ҳимоя ва декоратив функцияларни бажарадиган қоришма ёки бетон қатлами, листсимон маҳсулотлар ёки плиткалар билан кошинлаш, гидрофобик ёки бошқа материал ва маҳсулотлар қатлами;

панел – заводларда тайёрланадиган ясси элемент бўлиб, у турли вазифаларни ва юк кўтарувчи, тўсувчи ёки қўшма функцияларни бажарувчи, бинолар ёки иншоотлар қурилишида қўлланади;

панжара – нишабга параллель ётқизилган ёғоч брус ёки тахтадан иборат, листсимон ёки донали том ёпиш материаллари остининг асоси;

панно – девор, шифтнинг нақшли, ганчкор ва ҳ.к. қисми, одатда, рангтасвир ёки ҳайкалли тасвир билан тўлдирилади; девор, шифтнинг шундай қисмини тўлдириш учун мўлжалланган картина, барельеф ва ш.к.;

пансионат – дам олувчиларга (оромгоҳларда ва ш.к.) тўлиқ хизмат кўрсатувчи меҳмонхона тури;

парапет – том, балкон, кўприк, соҳил чети бўйлаб (тўсиқ сифатида) ўтадиган баланд бўлмаган яхлит девор;

пардадевор – бинодаги қўшни хоналарни бир-биридан ажратувчи вертикал ички тўсувчи конструкция;

пардозбоп шиша плитка – бўялмаган ёки рангли, сўндирилган шишадан аниқ шакл ва ўлчамдан ишланган бўлиб, у деворларни пардозлашга мўлжалланган;

паркет – полни қоплаш учун энсиз ва узунчоқ тахтача кўринишидаги материал. Паркетлар асосан энг қаттиқ ёғоч навлари (эман, қора қайин, берёза, граб, ясень, клён)дан тайёрланади. Паркетлар турар жой ва жамоат биноларининг хоналарига ётқизилади. Улар ўзининг чиройли ташқи кўриниши, иссиқлик ва товушни кам ўтказиши, емирилишга қарши юқори бардошлиги билан бошқа пол турларидан фарқланади. Паркетларнинг донали, шчитли, паркет тахтачали, тўпламли (мозаикали) турлари мавжуд;

паркет тахта олд юза томони – паркет планкасининг едириладиган олд юза тарафи;

паркет тахтачалар – ёғочдан ишланадиган деталь бўлиб, унинг фрезерланган ёқлари ва силлиқланган қирралари ўзаро параллельь бўлади, паркет қопламали пол қуришда юқорида таъкидланган жиҳатлар детални худди шундай деталь билан бириктирилади;

пароизоляция – битум, битум-полимер асосидаги ўрамли материалдан ишланган лак-бўёқ қатлами, мастика қатлами ёки синтетик плёнка бўлиб, бу қатлам юк кўтарувчи конструкциялар ва кровлянинг турли қатламлари орасида эркин буғ алмашинувини чегаралайди ва кровляни узоқ муддат эксплуатация қилиш жараёнида иссиқлик ва сув изоляциясида ортиқча нам тўпланишига тўсқинлик қилади;

партер – томоша залида саҳнадан пастда жойлашган ўрин; одатда яссиликда жойлашган, майсазорлар, гулзорлар, фавворалар ва ш.к. билан безатилган боғнинг очиқ қисми;

паруслар – гумбазли конструкциянинг элементлари бўлиб, улар гумбаз остидаги квадратли фазодан доирасимон асосли фазога ўтишни таъминлайди, унинг охирги уч қисми пастга қаратилган. Тўсин-консолли ва арка-сводли паруслар мавжуд;

парчалаб ёки ишлов берилган тош плита – стандартга мос келмайдиган блокларни ушатиш йўли билан олинадиган плита, цокол ва деворларнинг олд юза теримлари учун мўлжалланган;

парчин мих – парчинлар ёрдамида структуравий элементларнинг ажралмас алоқасини яратиш жараёни – боғланадиган элементларда тешикларни шакллантириш, парчинларни киритиш ва бошини чиқариш;

парчинланган конструкция – бино ва иншоотларнинг конструкциялари, элементлари мих парчин билан маҳкамланади. Улар асосан кўприк қурилишида, саноат биноларининг катта юкларга эга конструкцияларида, циклик юклар таъсирида метални бузилиш эҳтимоли хавфли бўлганда ёки пайвандлаш орқали мураккаб кесимни ишлаб чиқариш муҳим технологик қийинчиликларни келтириб чиқарган ҳолларда қўлланилади;

паст ростверка – ёстиғи грунтга таянадиган ёки грунт ичига жойлаштирилган ростверка;

паст термик портландцемент – портландцемент клинкери ва гипсни (SO_3 бўйича 3,5 % гача) майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Бу цемент 50 % дан кўп бўлмаган миқдорда C_3S га ва 8 % дан кўп бўлмаган миқдорда C_3A га эга бўлади. Паст термик портландцемент чучук сув ёки кам минераллашган сув таъсирида тизимли равишда кўп марта музлайдиган ва эрийдиган шароитларда ишловчи массивли гидротехник иншоотларнинг ташқи зоналари учун бетон тайёрлашда қўлланади;

патрубка – асосий қувурўтказгич, резервуар ва ҳ.к.ларга уланиш учун хизмат қилувчи узун бўлмаган қувур кесмаси;

пегматит – йирик донали тоғ жинси бўлиб, у асосан жинс ҳосил қилувчи минераллар (гранитли пигматитлар – дала шпати, кварц, слюдлар)дан ва кам учрайдиган металлар ҳамда енгил учувчан моддалар (фтор, бор ва ҳ.к.лар)дан ташкил топган. Ундан керамик хомашё сифатида фойдаланилади;

пек – қора рангли чиғаноқ чизиқли қаттиқ ёки ёпишқоқ мўрт (аморф) модда бўлиб, бу модда қатронларни ҳайдашда чиқадиган қолдиқлардан олинади ва қурилишда органик боғловчи сифатида қўлланади. Келиб чиқишига кўра пекнинг тошкўмирли, торфли, ёғочли турлари мавжуд;

пемза – вулқон отилганда ажаралиб чиқувчи газларнинг алангаланиши натижасида чўғланган суюқ моддаларнинг тезкор совушидан ҳосил бўладиган ғовакли енгил вулқон жинси бўлиб, у ўзининг ташқи кўриниши бўйича қотган кўпикка ўхшайди. Пемза оч кулранг ва оқ рангларда учрайди. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 6, ғоваклиги 80 % ни ташкил этади. Аний типидаги пемза парчасининг ўртача зичлиги 500-600 kg/m^3, литоидли пемзаники 1300-1400 kg/m^3. Аний типидаги пемза иссиқлик изоляцион конструкцияларда ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги 1,5 дан 10 МРа гача бўлган конструктив-иссиқлик изоляцияловчи бетонларда қўлланса, литоидли пемзадан эса сиқилишдаги мустаҳкамлиги 10 дан 40 МРа гача бўлган конструктив бетонларни тайёрлашда фойдаланилади. Пемзага хос бўлган катта ғовакдорлик унинг яхши иссиқлик изоляцияловчи хоссаларга эга бўлишига шарт-шароит яратса, ғовакларининг аксариятини ёпиқ ғоваклар ташкил этгани эса унинг етарли даражадаги музбардошлигини таъминлайди. Пемза таркибида фаол кремнеземнинг мавжуд бўлиши ундан цемент ва оҳакка қўшиладиган гидравлик қўшимча сифатида фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, пемзадан иссиқлик изоляцияловчи тўшама сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, кукун

кўринишидаги пемза портландцементга қўшиладиган гидравлик қўшимча сифатида хизмат қилади;

пемзобетон – енгил бетонлар қаторига киради, пемза чақиқ тоши ва пемза, кварц, шлак қумлари пемзабетоннинг тўлдирувчилари ҳисобланса, пемзабетон олишда цемент баъзан оҳак (автоклавли қотадиган бетонлар учун), гипс боғловчи сифатида хизмат қилади;

пенка – бир йиллик ўт кўринишидаги ўсимлик (зиғир, каноп) пояларидан олинадиган дағал пўстлоқли тола. Маиший ва техник вазифаларни бажарувчи матолар тўқишда қўлланади, улардан эшилиб ишланадиган материаллар – шпагатлар, арқонлар, канатлар тайёрлашда фойдаланилади;

пеногипс – ячейкали (ғовакли) бетон тури бўлиб, ундан гипс боғловчи модда сифатида қўлланилади;

пенокерамика – ячейкали (ғовакли) структурага эга бўлган керамик материаллар қаторига киради. Пенокерамика керамик шихтани сув ва махсус тайёрланган кўпикка аралаштириш ёки майдаланган керамик материални сувли суспензия ёрдамида кўпиклаштириш йўли билан олинади. Майдаланган керамик материални сувли суспензия билан кўпиклаштириш натижасида масса ғовакли структурага эга бўлади, бу масса қуритиш ва пиширш усули ёрдамида мустаҳкамланади;

пенопласт – ёпиқ ғоваклари газ ёки ҳаво билан тўлдирилган енгил пластик материаллардан бири бўлиб, улардан иссиқлик изоляцияловчи материал сифатида фойдаланилади. Пенополистирол, пенополивинилхлорид, мипора, пенополиуретан энг кенг ва кўп тарқалган енгил пластик материаллар қаторини ташкил этади;

пенополистирол – газ ҳосил қилувчи таъсири остида полистролни бўрттириш йўли билан олинадиган иссиқлик изоляцияловчи поропласть. Пенополистиролнинг ўртача зичлиги 14-15 kg/m^3 ни ташкил этади. Эструзия усули билан тайёрланган пенополистирол яхши характеристикаларга эга;

пенополиуретан – полиэфир смоласи ва полимер билан реакцияга киришувчи бошланғич аралашмани бўрттирувчи қўшимчалардан олинадиган иссиқлик изоляцияловчи поропласт. Қотириш жараёни юқори температурада кечади. Унинг ўртача зичлиги 20-30 kg/m^3 ни ташкил этади. Пенополиуретан қаттиқ ва эластик ҳолатда бўлиши мумкин;

пеносиликат – ячейкали (ғовакли) бетон турларидан бири бўлиб, структураси, хоссалари ва қўлланиши бўйича пенобетонга ўхшайди, лекин у цемент ўрнига оҳактош ва майдаланган қумдан тайёрланган анча арзон боғловчи моддани қўллаб тайёрланади;

пеношиша – майдаланган шиша кукуни ва кўпик ҳосил қилувчини биргаликда пиширш йўли орқали олинадиган ячейкали (ғовакли) қурилиш материали. Ундан бинолрнинг ташқи томонини безаш, деворларни иситиш учун фойдаланилади. Шунингдек, қувурўтказгичлар, сиғимлар, совутгичларни изоляцияловчи қоплама сифатида ҳам уни қўллаш мумкин. Ўзаро боғланган ғовакларга эга бўлган пеношишадан товуш ютувчи материал сифатида қўлланилса, ёпиқ ғовакларларга эга бўлган пеношишадан эса иссиқлик изоляцияловчи материал сифатида фойдаланилади;

пергамин – юпқа картонни юмшоқ нефть битуми билан шимдириш, бунда ортиқча битумни сиқиб чиқариш йўли билан олинадиган том ёпиш ва гидроизоляцион материал;

пергола – бурама кўринишдаги турли ўсимликлар шаклида ясалган элементларни маҳкамлаш учун консолларга эга бўлган тошли, ғиштли, ёғоч ва металл конструкция;

перемычка (эшик, дераза усти тўсини) – девордаги оралиқ (дераза, эшик ва ҳ.к.лар)нинг юқори қисмига ўрнатиладиган ва юқорида ётувчи конструкциялардан юкни қабул қилувчи тўсин ёки арка кўринишидаги конструктив элемент;

перемычка клинчатли – радиалли ёки понасимон ғиштдан терилган аркасимон ясси перемычка. Арка тамойили бўйича ишлайди. Печларни қуришда, асосан ғиштли бинолар қурилишида қўлланилади;

перлит – дурдек ялтироқ шарикларга бўлинувчи вулқон шишаси. Парчаланган перлитни 1000-1200 ℃ да қиздирганда у бўртади ва унинг ҳажми 10-20 марта катталашади. Бўртган перлит енгил бетонларнинг тўлдирувчиси сифатида хизмат қилади, шунингдек, ундан иссиқлик изоляцияловчи ва бошқа буюмлар тайёрлашда фойдаланилади;

перлит асосидаги иссиқлик изоляцияловчи плиталар – қурилиш конструкцияларини иссиқликдан изоляциялаш учун буюмлар. Бундай плиталарнинг қуйидаги – перлитцементли, перлитфосфогелийли, перлитбитумли, перлитпластбетонли, термоперлитли турларидан фойдаланишади;

перлитобетон – енгил бетон бўлиб, бўрттирилган перлит тўлдирувчи сифатида хизмат қилади. Цемент, оҳак, гипс, эритилган шиша, синтетик смола перлитбетонни тайёрлашда боғловчи сифатида қўлланади. Перлитобетондан асосан иссиқлик изоляцияловчи (кам ҳолларда конструкцион-иссиқлик изоляцион) материал сифатида фойдаланишади;

перфорирланган асбестли лист – ясси асбесцементли лист бўлиб, унинг катта қисмини тешиклар ташкил этади;

петалит – алюмосиликат литий Li ($AlSi_4O_{10}$) минерали. Табиатда оқ рангли, кўпроқ рангсиз петалит учрайди. Минералогик шкала бўйича қаттиқлиги 6,5 ни ташкил этади. Петалит бир қатор ноёб хоссаларга эга бўлган (термик кенгайиш коэффициенти амалда нолга тенг бўлган) литийли керамика учун энг мақбул хомашё ҳисобланади (литий, кремний ва аралашмалар йўқлиги бўйича);

пехштейн – смола ялтироқлигига ва 10 % сувга эга бўлган қора жинс. Термик ишлов берилгандан кейин “бўртган перлит”га ўхшаш тарзда кичик зичликка, катта ғовакликка, кичик товуш ва иссиқлик ўтказувчанликка эга бўлган пехштейндан енгил бетонлар ва иссиқлик изоляцияловчи материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланилади;

пештоқ – ҳашаматли бинонинг меъморий безатилган асосий кириш қисми; дастгоҳнинг, кўтарма кран ва ш.к.ларнинг ҳаракатланувчи қисми, П ҳарфи шаклидаги ром;

пигментдаги ёғ сиғими cm^3 ёки g – бир жинсли паста олиш учун ҳар 10 g пигментга қўшилиши лозим бўлган ёғнинг миқдори. Пигментда ёғ сиғими қанча кам бўлса, қопламалар шунча чидамли ва мустаҳкам бўлади;

пигментлар – табиий ҳолда учрайдиган ёки майдаланган юқори дисперсликка эга бўлган турли рангдаги кукунлар бўлиб, улар сувда ва бўёқларда эримайди, лекин сув, бўёқлар билан яхши аралашади, улардан бўёқлар тайёрлашда, сирт юзаларни бўяшда фойдаланилади;

пилястр – устунларда бўлгани каби қисмлар ва нисбатли, девордаги ясси бўртиқ;

пирамидасимон қозиқ – ён қирралари қия йўналган ва грунтга қоқиш усулида киритиладиган темир-бетон қозиқ бўлиб, пирамидасимон қозиқлар икки ён қирраларининг қиялик бурчаклари кичик (1° дан 4° гача) бўлган ва ён қирраларининг қиялик бурчаклари катта (4° дан 14° гача) бўлган турларга бўлинади;

пирофиллит – қатламли силикат минерали. Оқ ва яшил рангларда учрайди. Минералогик шкала бўйича қаттиқлиги 1-2, зичлиги 2700-2900 kg/m^3 ни ташкил этади. Пирофиллит жазирама иссиққа чидамли, ишқорбардош минералдир. Ундан электротехника ва резина, қоғоз ишлаб чиқариш саноатида, қурилишда фойдаланилади;

плавни – натрий, калий ва кальций бирикмаларига эга бўлган табиий ва сунъий материал бўлиб, ундан керамик массаларда пишириш жараёнини тезлаштириш ва куйиш ҳодисасининг максимал температурасини пасайтириш учун фойдаланилади;

плагиоклазлар – дала шпатлари, оҳак-натрийли алюмосиликатлар гуруҳларининг жинс ҳосил қилувчи минераллари. Улар оқ, кулранг, сариқ, яшил, ўнғир, қизил рангларда учрайди. Унинг соф кальцийли – анортит; соф натрийли – альбит турлари мавжуд. Плагиоклазлар минералларнинг аморф қаторларини ҳосил қилади, уларнинг оралиқ аъзолари ўзларининг олигоклаз, андезин, лабрадор, битовнит каби мустақил номлари мавжуд. Плагиоклазларнинг нур таратувчи турлари (лабрадор ва олигоклаз-беломорит) – заргарлик ва декоратив-пардоз материаллари сифатида хизмат қилади;

пластбетон – бетон турларидан бири бўлиб, унда синтетик полимерли смолалар боғловчи сифатида хизмат қилади. Оғир ёки енгил минерални материаллар – қум, шағал, чақиқ тош ва майдаланган қўшимчалар пластбетоннинг майда ва йирик тўлдирувчилари сифатида қўлланилади. Структураси бўйича пластбетон зич, ғовакли, ячейкали ва шунга мос равишда оғир, енгил ҳамда ўта енгил бўлиши мумкин;

пластик материаллар ва буюмлар – эгалланган шаклни сақлаб қолувчи эластикликка эга бўлмаган шаклни фақат юк қайта қўйилганда ўзгартирувчи материаллар ва буюмлар;

пластикат – бир ёки бир нечта пластификаторни ўз таркибига киритган полимерли смола. Пластикат одатдаги ва баланд температураларда юқори эластик хоссаларга эга бўлган юмшоқ металларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланади;

пластинкасимон михчўп – темир ёки қаттиқ ёғоч навидан ясалган ёғоч пластиналар, ишловга мойиллиги кам, ёғоч конструкция элементларини улаш учун ишлатилади;

пластификаторлар (юмшатгичлар) – суюқ, қаттиқ, буғланмайдиган ёки қийин буғланувчи органик бирикмалар бўлиб, улар қайта ишланган моддалар билан кимёвий реакцияга киришмайди, лекин улар бу моддаларга катта эластиклик ва юмшоқлик беради;

пластификацияланган портландцемент – портландцемент клинкери, гипс (SO_3 бўйича 3,5 % гача миқдорда) ва ушбу цемент асосидаги аралашмалар, шунингдек, бетон қоришмаларига юқори қўзғалувчанлик ва қулай жойлашувчанлик, қотган аралашмалар ва бетонларга юқори музбардошлик каби хусусиятларни берадиган пластификацияловчи юза фаол қўшимчани (0,15 % - 0,25 % миқдорда) аралаштириб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда;

пластификацияловчи қўшимчалар – бетон қоришмаларининг қўзғалувчанлигини оширувчи модда;

пластмасса – асосини юқори молекуляр массага эга бўлган смоласимон (кўпинча полимерли) органик моддалар ташкил этган материалдир. Бу моддалар пластмассага уни қайта ишлашнинг маълум босқичида пластиклик хоссаларини, яъни талаб этилган шаклни қабул қила олиш, сўнгра қотгач, совугандан ёки босим олингандан кейин шу шаклни сақлай олиш хусусиятини беради;

пластоэластик материаллар ва буюмлар – пластик хоссалари билан бир қаторда юк олингандан кейин ўзининг бошланғич шаклини қисман қайта тиклашга қодир бўлган эластик хоссаларга ҳам эга бўлган материаллар ва буюмлар;

плита – горизонтал текисликка эга элемент (кўндаланг кесимининг эни унинг баландлиги ёки қалинлигидан катта) бўлиб, мазкур элемент турли вазифаларни бажарувчи бинолар, иншоотлар қурилишида қўлланилади ва юк кўтарувчи, тўсувчи ёки аралаш (юк кўтарувчи, тўсувчи ва б.), иссиқлик техник, товуш изоляцияловчи, товуш ютувчи ҳамда шунга ўхшаш функцияларни бажаради;

плитали пойдевор – бино ёки иншоотнинг бутун майдони остига ўрнатиладиган ясси ёки қовурғали плита кўринишидаги пойдевор;

плиткалар (кафель) – керамик плиткалар, девор, печлар, каминлар облицовкалари учун. Улар силлиқ ва бўрттирма, сирланган (майолик) ва сирланмаган (терракот) бўлади;

пневматик конструкциялар – арматураланган плёнкалардан ёки резинали ҳаво ўтказмайдиган синтетик тўқималардан тайёрланган ёхуд полимер қопламали юмшоқ қобиқлар, уларнинг ёпиқ ички ҳажми атмосфера ҳавоси билан тўлдирилади;

пневматик қурилмалар – ички ёпиқ ҳажмига атмосфера ҳавоси ҳайдаладиган, ўзакланган пленкали ёки ҳаво ўтказмайдиган синтетик, резина, полимер қопламали газламадан юмшоқ қобиқ;

пневмобетон – торкрет бетон тури бўлиб, ундаги тўлдирувчиларнинг йириклиги 7-10 mm гача бўлади, улар асосан чокларни тўлдиришда қўлланилади;

поғона – сувўтказгич (сув ҳавзаси)нинг турли сатҳда жойлашган сув оқими бевосита иншоот бўйлаб ва ундан узилиб тўкилаётган оқим кўринишда ҳаракатланадиган босимсиз қисмлари туташуви учун гидротехник иншоот (очиқ поғонали ёки рафақли, ярим босимли ва босимли);

погонажли профилли деталь – катта узунликдаги ёғоч, металл ёки полимер профилли буюм;

пойдевор – бино ва иншоотнинг (асосан ерости) қисми бўлиб, пойдевор бинолар (иншоотлар)дан тушадиган юкларни табиий ёки сунъий асосга узатиш учун хизмат қилади. Пойдевор типини танлаш қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик ва гидрогеологик шароитлари, бино ёки иншоотнинг вазифаси ва ўзига хос жиҳатлари, пойдеворга узатиладиган юк катталиги билан аниқланади;

пойдевор қирқими – ер усти конструкциялари жойлашган пойдеворнинг юқори текислиги;

пойдевор поғонаси – пойдевор кўндаланг кесимининг поғоналар кўринишида кенгайиши;

пойдевор таглиги – пойдеворнинг оғирлигини асосга узатувчи пастки текислиги;

пойдевор тўсини (ранд-тўсин) – устунли ёки тасмасимон пойдеворга ёхуд устунлар консолларига таянадиган ва девордан юкни қабул қилиб оладиган тўсин;

пойпеш – бино ва иншоот ташқи деворининг бевосита пойдеворда ётувчи ва дам-бадам механик, ҳарорат ва бошқа таъсирларга учрайдиган қуйи қисми;

пойпеш қават – пол сатҳи, ернинг режавий сатҳидан паст (тротуар ёки тушама), лекин унда жойлашган хоналар баландлигининг ярмидан кўп бўлмаган қават;

пол – бино (иншоот) конструкциясининг элементи бўлиб, у эксплуатацион юкларни қабул қилади. Масалан, турар жой ва маъмурий биноларда бу юклар хоналардаги

одамлардан, ускуна ва жиҳозлардан ҳосил бўлса, саноат биноларида эса ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг динамик таъсиридан, тўпланган хомашё ва буюмлардан, оғир предметларнинг баландликдан тушиши туфайли юзага келадиган юклар;

пол учун асос (текисловчи қатлам) – полнинг пастда ётувчи қатлами ёки ораёпма сирт юзасини текислаш, ораёпма устига берилган нишабликда пол қопламасини бериш, турли қувурўтказгичларни ёпиш, юкларни ораёпма устидаги полнинг қаттиқ бўлмаган пастда ётувчи қатламларига тақсимлаб тарқатиш учун хизмат қилувчи қатлам;

полиамидлар – CO, MH ва CH_2 гуруҳларни ўз ичига олган кристалланувчи полимер асосидаги қутбли пластмассалар; қаттиқ роговидныйли ёки шаффоф шишасимон моддалар;

поливинилацетат – ацетилен ва сирка кислотасидан синтезланадиган винилацетат полимери. Поливинилацетат лаклар, бўёқлар ва елимларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади;

поливинилхлорид – винилхлориднинг (CH_2 - CHCl) қутбли, мўрт полимери. Юқори миқдорда хлорга эга бўлганлиги туфайли поливинилхлорид алангаланмайди ва ёнмайди. Поливинилхлорид асосидаги пластик масса пластификаторлар (винипласт)га эга бўлмаган қаттиқ материаллар ва пластификаторлар (пластикат)га эга бўлган юмшоқ материаллар сифатида чиқарилади;

поливинилхлоридли декоратив панеллар "Полидекор" – "Полидекор" панеллари қаттиқ поливинилхлорид пардаларини вакуум-қолиплаш методи билан олинади, бу панеллар олдиндан поливинилхлоридли пардозбоп пардалар билан қопланади (дублировкаланади) ёки бундай пардалар билан қопланмаслиги ҳам мумкин. Мазкур панеллар жамоат бинолари деворларини ички пардозлашда қўлланади;

поливинилхлоридли пардозбоп плёнкалар – деворлар, пардадеворлар, эшиклар ва қўшиб қурилган мебелларни пардозлашда қўлланиладиган қурилиш материали, уларнинг ноасосли ҳамда қоғоз, мато, шишатола асосли елим қатламисиз ёки ўзи елимланадиган турлари мавжуд. Хавфсиз плёнкалар қаторига поливинилхлоридли декоратив пардозбоп плёнка ва поливинилхлоридли винистин пардозбоп материал киради. Линкруст, пеноплен, полиплен, изоплен, девинол асосли плёнкаларга тегишлидир;

полиизобутилен – юмшоқ эластик полимер, у каучукдан вулканизацияланмаслиги билан фарқ қилади. Полиизобутилендан қурилиш конструкцияларини гидроизоляциялаш, бетон ва темир-бетон конструкциялардаги чокларни герметиклаш, елимлар ва мастикалар тайёрлашда фойдаланилади;

поликонденсация – синтез жараёни бўлиб, унинг натижасида юқори молекуляр бирикма (поликонденсат) ҳосил бўлиши билан бир вақтнинг ўзида иккинчи даражали (қўшимча) паст молекуляр бирикмалар ажралиб чиқиши;

поликристаллар – алоҳида тартибсиз жойлашган (ориентирланган) ва бирикиш кучлари билан ўзаро боғланган кўп сонли майда кристаллар (кристаллитлар)дан ташкил топган агрегатлар бўлиб, бирикиш кучлари одатда, ички кристалларнинг ўзаро боғланиш кучларидан заифроқ бўлади. Кўпчилик қаттиқ материаллар поликристал бўлади;

полимер елим тўлдиргичи – полимер елимнинг қаттиқ эримайдиган компоненти, консистенциясини ва (ёки) иш фаолиятини назорат қилиш учун мўлжалланган;

полимер елимини суюлтирувчи эритма – технологик хоссаларни ўзгартириш ёки ёпишқоқликни пасайтириш учун мўлжалланган полимер елимга қўшиладиган қўшимча;

полимер елим қотиргичи – полимер елимнинг компоненти бўлиб, у полимер елим билан елимланган жой чокининг мустаҳкамлигини асосий полимер елим билан кимёвий таъсирлашиш воситасида созлаш учун мўлжалланган;

полимер материаллар учун тўлдирувчилар – сувда, эритувчиларда ва дисперсия муҳитида эримайдиган ноорганик ёки органик моддалар. Полимер материаллар учун тўлдирувчилар тузилиши бўйича уч гуруҳга ажратилади: кукунсимонлар (ёғоч уни, каолин, тальк ва б.), толасимонлар (оҳак, шиш ва синтетик тола) ва листсимонлар (қоғоз, мато, ёғоч шпонлари);

полимер плёнклар – полимер смолалар (полиэтилен, поливинилхлорид, фторопласт, бакелит, полиситирол, полиамид) асосида олинадиган материаллар бўлиб, улардан қурилишда сув, газ ва буғ изоляцияловчи плёнкалар, антикоррозион ва декоратив қопламалар сифатида фойдаланилади;

полимер ўрамли том ёпиш материаллари – кўп компонентли материаллар, тегишли ингредиентлар билан об-ҳавога чидамли синтетик каучукларга асосланган резина аралашмасидан ҳосил бўлади. Полимердан ишланган ўрамли том ёпиш материаллари шиша материаллар билан (армогидрокром) ёки тўқимага эга бўлмаган материаллар (армогидробутил ва эълон) билан такрорланган бўлиши мумкин;

полимербетон (пластбетон) – бетонларнинг бир тури бўлиб, унда кимёвий жиҳатдан бардошли тўлдиргичларнинг 0,15 mm дан кичик ўлчамга эга бўлган зарраларини, чақиқтош ва ўлчами 5 mm гача бўлган қум зарраларини ўз таркибига киритувчи синтетик полимерлар (одатда, полиэфир, эпоксид, фуранли ва фенолоформальдегидли смолалар) боғловчи сифатида хизмат қилади. Полимербетон юқори мустаҳкамлиги, едирилишга чидамлилиги, умумий кимёвий бардошлилиги, бошқа материалларга яхши адгезияланиши билан бетон турларидан ажралиб туради. Полимербетондан йўл, кўприк, ишлаб чиқариш хоналарининг пол қопламаларини бажаришда, тюбинглар тайёрлашда, қувурлар ва шахталарни мустаҳкамлашда, саноат биноларининг юк кўтарувчи конструкцияларини кошинлашда фойдаланилади;

полимер-битумли боғловчи (ПББ) – полимерлар – стирол-бутадиен-стирол типидаги блок-сополимерлар, пластификаторлар ва сирт фаол моддалар қўшилиши натижасида олинган ёпишқоқ йўл битумига асосланган боғловчи;

полимер асфальтбетон аралашмаси – полимер-битумли боғловчи (ПББ) билан қиздирилган ҳолатда аралаштирилган минерал материалларнинг (майдаланган тош, қум ва минерал кукун) мукаммал танланган аралашмаси;

полимер асфальтбетон – зичланган полимер-асфальтбетон аралашмаси;

полимерлар – юқори молекуляр бирикмалар бўлиб, уларнинг молекулалари кўпсонли бир хил структурали элементар бўғинлардан ташкил топади. Бу бўғинлар бир-бири билан ковалентли боғланиб, узун занжирларни ёки бикир ва пластик фазовий панжараларни ҳосил қилади. Полимерларнинг табиий полимерларни полимеризация, поликонденсация, модификациялаш натижасида ва органик моддаларни ҳайдаш билан олинган турлари мавжуд;

полимерларнинг сувли дисперсиялари асосидаги пол қопламалари – чоксиз пол қопламаларининг бир тури бўлиб, улар полимерли боғловчи ва тўлдиргичдан ташкил топган яхлит қатламларни ўзида намоён этади. Поливинилцетатли дисперсия ва бутадиенстиролли латекс боғловчи сифатида кўпроқ қўлланилади; йириклиги 0,15 mm дан

катта бўлмаган оч рангли тош материалларининг зарралари (маршалит, майда кварц қуми ва бошқалар)дан минералли кукун сифатида фойдаланилади;

полимер бўёқлар – полимер эритмалари ёки перхлорвинилли смола пигментларининг суспензиялари; учувчан смолали, эмульсияли (латексли) ва полимерцементлиларга ажратилади;

полимерли елимни эритувчи эритгич – полимерли елимнинг суюқ компоненти бўлиб, у зарур бўлган гомогенликни таъминлаш учун мўлжалланган, елимланиш шароитларида учувчанлик хусусиятига эга;

полимерли композиция – тўлдирувчи ва қўшимчалар, полимер боғловчили аралашма;

полимерли смолалар – юқори молекулярли бирикмалар бўлиб, полимерли смолалар пластик массалар ва синтетик (эпоксидли смолалар, поливинилхлоридли, полиэтиленли, полистиролли, кремнийорганик ва бошқа) қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида кенг қўлланилади;

полимерминерал композиция – тўлдирувчи ва қўшимчалар, минерал боғловчили аралашма;

полимерсиликат бетон – полимерли қўшимчалар билан модификацияланган кислотабардош цемент асосидаги материаллар (қоришмалар, аралашмалар, бетонлар, суркамалар)ни полимерсиликатли материаллар деб аталади. Кичик дисперсли, кислотабардош тўлдиргич (майдаланган кварц, диабаз, андезит ва ҳ.к.) ва кремнийфторли натрийни суюқ шиша билан аралаштириб олинган қоришмани қотириш йўли билан кислотабардош цемент олинади.

Кислотабардош бетонларнинг асосий вазифаси – бу қурилиш конструкцияларини кислота эритмаларининг таъсиридан (масалан, кимё, металлургия ва бошқа корхоналарда) ҳимоя қилишдан иборат. Шунинг учун бундай бетонлар ва қоришмалар кислотабардошликдан ташқари юқори зичлик ва сув ёки бошқа суюқликларни ўтказмаслик хоссаларига эга бўлиши лозимлиги ҳам талаб этилади;

полимерцементли материаллар – асосида минерал боғловчили (бетонлар, эритмалар, мастикали таркиблар), модификацияланган полимер қўшимчали (2-30 % минерал боғловчи массасидан), бундан ташқари, полимер компоненти тўғридан-тўғри тайёрланган аралашмага киритилган материаллар. Энг кенг тарқалган материаллар полимерларнинг сувли дисперсияси (поливинилацетат, каучук ва б.лар) асосидаги полимерцементдир. Полимерцемент материалларининг камчилиги, қаттиқлашуви пайтида ҳажм қисқаришининг кучайиши ҳисобланади;

полиолефин плёнкалар – тўйинмаган углеводородлар асосидаги юқори молекулярли бирикмалардан ташкил топган материаллар;

полипропилен листлар олд юзаси – полипропилендан экструзия методи билан полипропилен листи олинади. У амалда гигроскопикликни намоён қилмайди, кўпчилик агрессив муҳитларда мукаммал кимёвий қаршиликка эга, органик ва ноорганик концентрланган ва суюлтирилган кислоталарда ишлатилади, мукаммал диэлектрик ҳисобланади. Листлар ҳал хил кўринишдаги босма нақш туширилган, жилосиз ёки жилоли юзага эга бўлиши мумкин;

полиспаст – куч ва тезликни ўзгартириш учун тўсинли-канатли тизим;

полистиролбетон – полистирол ва портландцементдан кўпик ҳолатда олинадиган гранулалар асосидаги самарали иссиқлик изоляцияловчи материал;

полистиролли декоратив панеллар "Полиформ" – "Полиформ" панеллари зарбага чидамли полистиролни ёки унинг асосидаги композицияни қуйиш методи билан олинади. Бундай панеллар жамоат биноларининг ички деворлари ва шифтлари ҳамда суриладиган пардадеворлар ва интерьер элементлари учун мўлжалланган бўлиб, улардан жамоат биноларининг коридорлари ва ҳолларини пардозлашда фойдаланилмайди. Полистиролли декоратив панеллар ёғоч текстураси, нақшлар ва бошқа расмларни имитацияловчи декоратив безакларга эга бўлган ҳолда ишлаб чиқарилади. Ушбу плиталар юқори сувбардошликка эга;

полиэстер – қалинлиги 0,5 mm бўлган металл лист. Унинг ташқи томонига 35 mkm қалинликда полимер қатлами, ундан кейин грунтовка қатлами, пассиватор ва эпоксидли смола асосидаги махсус қоплама берилади;

поллар учун керамик плитка ва пардозбоп сопол плитка – бўёқлар қўшиш билан лойдан ишланган плиткаларни пишгунга қадар қизидириш йўли орқали олинадиган плиткалар. Ташқи сирти тирналган, силлиқ, расмлар босилган ҳолатда бўлиши мумкин, иккинчи (ички) қисми эса қоришма ёки мастика билан яхши бирикиши учун ғадир-будир ҳолатда тайёрланади. Мазкур плиткаларнинг чинни, фарфор ва лойдан ишланган (кулолчилик) турлари мавжуд;

пологие қобиғи – алоҳида турувчи, асосан жамоат жойларида, кўп тўлқинга компоновкаланган тури – саноат биноларида ишлатилади. Йиғма пологие квадрат типидаги жамоат бинолари учун мўлжалланган. Катта оралиқли том ёпмалари учун пология қобиқларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд;

поропласт – енгил пластмасса бўлиб, ундаги газ ёки ҳаво билан тўлдирилган ўзаро туташувчи ғоваклар ва бўшлиқлар ячейкали структурани ҳосил қилади;

порофор – ячейкали структурага эга бўлган пластмассалар ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган минерални ёки органик қаттиқ газ ҳосил қилувчи модда. Порофор киритилган полимерли композиция қиздирилганда, ундаги порофор парчаланади, композицияни кўпиклаштириб, ундан газ ажратиб чиқаради ва композицияга ячейкали структура беради;

портал – бино фасадида архитектуравий ажратилган кириш жойи;

портик – бинонинг олдинга чиқиб турувчи, бир ёки уч томонга очиқ ҳолатда қаратилган ва устунлар ёки аркалар, юк кўтарувчи ораёпма билан ҳосил қилинадиган қисми, портик асосан бинонинг бош кириш жойини безатади ва фронтон билан тугайди. Кўпроқ бинога туташувчи, устунли ёпиқ йўлак;

портландцемент – сув ва ҳавода қотувчи гидравлик боғловчи модда, клинкер ва гипсни қўшиб майдалаш билан олинадиган маҳсулот. Клинкер оҳактош, гил ва кўпроқ миқдорда (70-80 %) кальций силикатларига эга бўлган хомашё аралашмасини пишириш учун қиздириш натижасида олинади. Оҳактош ва гилни мергел, домен шлаки, нефелин шламидан ташкил топувчи кимёвий таркиби бўйича мос келувчи бошқа материаллар билан тўлиқ ёки қисман алмаштириш мумкин;

портландцементли клинкер – асосан кальцийнинг юқори асосли силикатлари ҳамда кальций алюминатлари ва алюмоферритларидан ташкил топган клинкер;

порфир – асосий майда кристалли масса ичига жойлашган йирик кристалларга эга бўлган тоғ жинси бўлиб, ундан қурилиш тоши сифатида фойдаланилади. Порфир кулранг ва қизил-қўнғир рангларда учрайди. Унинг зичлиги 2400-2500 kg/m^3 ни, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 120-220 МРа ни ташкил этади. Порфирни йўл қурилишида ва пардозбоп плиталарни тайёрлашда қўллашади;

постамент – баланд жой (супача), устунлар, ҳайкаллар ва ш.к. ёдгорликларнинг асоси бўлиб хизмат қиладиган юқорилик, пьедестал; музейларда, кўргазмаларда ва ш.к. скульптура ўрнатиладиган таглик;

потерна – гидротехника иншоотлари ички бўйлама галерея (коридор), уни текшириш ва таъмирлаш, қирғоқлар орасидаги ишчи алоқаси ҳамда сизок сувларни четлатиш учун хизмат қилади;

прогон – бино ёпмасининг горизонтал конструктив элементи; прогонлар том ёпмасининг асосий юк кўтарувчи конструкциялари (тўсинлар, фермалар)га ўрнатилади, прогонларга плиталар ёки настиллар ётқизилади;

профил олд юзаси – ўрнатилган конструкцияда кўринадиган ва ташқи кўриниш кўрсаткичларига талаблар қўйиладиган профилнинг юзаси;

профилланган ёғоч толали плита – ёғоч толали плита бўлиб, унинг юза қисмига берилган маълум бир кўринишдаги профиль;

профилланган листлар – тўсувчи конструкциялар учун тўлқинсимон металл листлар;

профнастил – металл профилдан тайёрланган лист бўлиб, унинг устки қисмига кетма-кет равишда полимер, грунтовка, пассиватор ва цинка қатламлари берилади;

пўлат арқон – диаметри 0,5 дан 2,0 mm гача бўлган думалоқ ёки кесим шаклли, қопланмаган ёки руҳланган (голванизли) пўлат симдан ясалган узун эгилувчан маҳсулот;

пўлат арматура - иссиқ тобланган – иссиқ прокатлашдан ўтган ва прокатлашдан кейин қайта ишлов берилмайдиан пўлат;

пўлат арматура - совуқ ҳолатда ишлов берилган – прокатлашдан кейин атроф-муҳитдаги нормал температурада чўзиш, эшиш ёки йигириш билан мустаҳкамланувчи пўлат;

пўлат арматура – темир-бетон конструкцияларни кучайтирувчи пўлат. Силлиқ ва даврий профилдаги стерженлар кўринишдаги пўлат арматура. Бундан ташқари, углеродли пўлатдан ишланадиган арматура симлари ҳамда эшилган пўлат симлар (прядьлар), канатлар, пайвандланувчи тўқима тўрлар ҳам кенг қўлланилади. Пўлат арматуранинг хоссаларини яхшилаш учун титан билан микролегирлаш усулидан фойдаланилади;

пўлат арматура - термомеханик ва термик мустаҳкамланган – прокатлашдан кейин термик-механик ёки термик қайта ишлов берилиб, мустаҳкамланувчи пўлат;

пўлат арматура сими – темир-бетон конструкцияларни арматуралаш учун сим бўлиб, у углеродли ва паст углеродли пўлатдан совуқ ҳолатда чўзиб тайёрланадиган арматура симларига бўлинади;

пўлат арматуранинг мустаҳкамлик синфи – пўлатнинг физик ёки шартли оқувчанлик чегарасининг белгиланган стандарт қиймати;

пўлат лист – ўрнатилган стандартларда металлургия заводлари томонидан ишлаб чиқариладиган прокат тури. Пўлат лист турлари – 4 дан 160 mm гача қалинликдаги қалин пўлат лист, 0,2 дан 4,0 mm гача қалинликдаги юпқа пўлат лист, текис юзали, қирраларини

кесиш, тўғирлаш талаб этилмайдиган ва қалинлиги 4 дан 60 mm гача бўлган кенг чизиқли универсал, иссиқ тобланган ўрамли пўлат лист;

пўлат-темир-бетон – темир-бетоннинг пўлат листи (мембрана) билан бир хилланган (бириктирилган) ҳолатини ўзида намоён этувчи комплексли қурилиш материали бўлиб, бунда пўлат лист темир-бетон сирт юзасига турли конструкцияли анкерлар ёрдамида маҳкамланади. Пўлат лист пўлат-темир-бетоннинг сув ўтказмаслигини таъминлайди ҳамда ишчи юкнинг бир қисмини қабул қилади. Пўлат-темир-бетон конструкцив материали сифатида қўлланилади;

пўлат-темир-бетон конструкциялар – пўлат арматурадан фарқ қиладиган, темир-бетон элементлар билан биргаликда ишлайдиган, пўлат элементларини ўз ичига олувчи темир-бетон конструкциялар;

пўлат фибробетон – пўлат толалари билан мустаҳкамланган бетон матрицадан ташкил топган махсус бетон бўлиб, унинг ҳажми бўйлаб бир текис (тартибсиз ёки йўналтирланган ҳолда) тақсимланган бўлади;

пуркагич – сув ҳамда сувли эритмани сепиш ёки сачратиш учун қурилма;

пурковчи (спринклер) ускуна – махсус сув сочувчи учи (спринклерлари) бўлган, доимо сув тўлиб турувчи қувурлар тармоғидан таркиб топган ва хонадаги ёнғинни жойида ўчириш ҳамда четга чиқармаслик учун мўлжалланган автоматик ўт ўчириш ускунаси;

пуфак шаклланиши – қопламанинг бир ёки бир нечта қатламини маҳаллий ажратиш натижасида плёнкалардаги дўнг деформация юзага келиши;

пуццоланлар – вулқон туфлари турларидан бири бўлиб, вулқон материаллари (куллари ва ҳ.к.) чўкинди қатламларининг кремний кислотасига тўйинган тоғ жинси. Пуццоланларнинг оч рангли турларидан цементларга ва қоришмаларга қўшиладиган гидравлик қўшимчалар сифатида ҳамда уларга сувбардошлилик хусусиятини беришда (гидравлик оҳак, пуццоланли цемент олишда) фойдаланилади. Пуццоланли цемент ўзининг юқори сув ва сульфат бардошлилиги сабаб бошқа цементлардан фарқланади, лекин портландцементга қараганда паст ҳаво ва совуқбардошлилиги билан ажралиб туради;

пуццоланли портландцемент – портландцемент клинкерини фаол минерални қўшимча билан қўшиб майдалаш ёки алоҳида майдаланган ушбу материалларни пухта аралаштириш йўли орқали олинадиган гидравлик боғловчи модда;

пушонка – сўндирилган оҳак, кальций гидрооксиди;

радиатор – марказий иситишнинг иситиш қурилмаси, батарея;

радиациядан ҳимояловчи бетон – радиацион нурланиш таъсиридан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган махсус бетон. Улар ўта оғир бетондан тайёрланади. Юқори зичликдаги материаллар – барий, лимонит, гематит, магнетит, чўян ва пўлат парчалари тўлдиргичлар сифатида қўлланилади;

радиоизотопли тутундан хабар бергич – ишлаш принципи, ёнаётган маҳсулотларининг таъсири натижасида, ионланган ток оқимидаги ўзгаришларни қайд этишга асосланган ёнғиндан хабар бергич;

райв – махсус усулда титилган игнабаргли ёғоч толалари асосида тайёрлаган иссиқлик изоляцияловчи материал, райвлар лентасимон ёки совуқ ўтказмайдиган блок сифатида фойдаланилади;

рама – геометрик ўзгармас тизим бўлиб, унинг элементлари (устунлари ва ригеллари) ўзаро бикир бириктирилади;

рама боғловчили каркас – рамали каркас ва вертикал қотиб турувчи диафрагмалар шаклидаги фазовий тизим бўлиб, бунда асосан вертикал юкларни қабул қилади ва рамали каркас асосига узатилади, горизонтал юклар эса вертикал қотиб турувчи диафрагмалар ва рамали каркас билан биргаликда қабул қилади;

рамали каркас – вертикал ва горизонтал юкларнинг бутун мажмуасини қабул қиладиган, ҳаммасини ёки баъзиларини қаттиқ (эгилиш моментларини қабул қила оладиган) бўғим тугунлари бўлган устунлар ва ригелларнинг фазовий тизими;

рампа – икки турли сатҳлар орасидаги боғланиш (масалан, юкларни темирйўл платформасига кўтариш, турли сатҳларда остин-устун ҳаракатланиш жойларида транспорт воситаларини асосий автомобиль магистралига ўтказиш)ни таъминлаш учун мўлжалланган қурилма;

рангли металлар – қурилишда рангли металлар соф шаклида камдан-кам ҳолларда қўлланилади, кўпроқ қотишмалари ишлатилади, улар зичлигига кўра енгил ва оғирга бўлинади;

рангли портландцемент – оқ портландцемент клинкери, гипс (SO_3 бўйича 3,5 % гача), диатомит (6 % дан кўп бўлмаган миқдорда) ва минераллар (15 % гача миқдорда) ёки органик бўёқни (клинкер массасига нисбатан 0,5 % гача миқдорда) қўшиб жуда пухта майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Рангли портландцементга зарур бўлган ҳолларда пластификцияловчи ёки гидрофобизацияловчи қўшимчалар (модданинг қуруқ ҳолатида цемент массасига нисбатан 0,3 % дан кўп бўлмаган миқдорда) қўшилади. Қурилишда ундан пардозлаш ишларини бажаришда фойдаланилади;

раскреповка – девор (пилястр, карниз ва бошқа элементлар)нинг фасад текислигига нисбатан чиқиб турувчи катта бўлмаган вертикал қисми;

распорка (ҳовон) – конструкциянинг қўшни элементлари орасида жойлашган ва шу элементларнинг яқинлашишига тўсқинлик қилувчи ёки уларнинг ён томонлама турғунлигини таъминловчи стержен;

раструб – қувур учларининг кенгайган қисми ёки қувурни бошқа қувур томони;

рафак – бинонинг айрим қисмларини (қош, балкон ва б.) ушлаб туриши учун ёки қандайдир безакни ўрнатиш учун девордаги бўртиқ, ҳайкалга ёки гултувак учун устунча кўринишдаги таглик;

реакцияга киришувчан олигомерлар асосидаги пол қопламалари – чоксиз пол қопламаларининг бир тури бўлиб, улар совуқ ҳолатда қотирилган полимерли смолалар, минерални тўлдиргичлар ва пигментлардан ташкил топган яхлит қатламларни ўзида намоён этади;

режа ўқи – берилган координатлари мавжуд, жойида маҳкамланган геодезик белгилар билан кўрсатиладиган ёки қурилаётган бино ва иншоотнинг айрим қисм ҳамда элементларини аслдаги ҳолатини аниқловчи лойиҳавий ҳолатда йиғилган юк кўтарувчи қурилмаларга мўлжал орқали доимий маҳкамланган чизиқлар (йўналишлари);

резги тахтачали тўр – юпқа ёғочдан ишланган крестсимон планкалардан тайёрланадиган ва ёғочли юзага мих ёрдамида маҳкамланиб сувоқ қатлами билан яхши бирикувчанликни оширувчи тўр;

резерват – у ё бу даражадаги тўлиқ ва қатъийликда қўриқланадиган, унда мавжуд бўлган табиат объектларини сақлаш учун мўлжалланган ҳудуд;

резервуар – суюқлик ва газлар учун ҳовуз, бак, баллон ва ш.к. кўринишдаги сиғим; турли суюқликлар ва газларни сақлашга мўлжалланган сиғимли иншоот;

реконструкция – бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи юк кўтарувчи қисмларнинг ўзгаришига олиб келадиган ҳажми ва майдонини ўзгартириш;

ригел – бино ва иншоотларнинг юк кўтарувчи чизиқли элементи бўлиб, горизонтал ёки қия жойлашган ва бирлаштирувчи (қаттиқ ёки шарнирли) вертикал элементлар (устунлар, колонналар); биноларнинг ораёпмалари ёки ёпмаларига ўрнатиладиган прогонлар ёки плиталар учун таянч сифатида хизмат қилади;

ригелсиз конструктив тизим – ригел қатнашмаган, ораёпмалар умумий ҳолда плиталарга ўхшаб ишлайди, колонна кўринишида алоҳида устунларга суянади;

ризалит – фасад асосий чизиғидан, бинонинг бутун баландлиги бўйлаб чиқиб турувчи қисми;

ризолин – ўзи елимланадиган гидроизоляцияловчи ўрамли том ёпиш материали бўлиб, унинг асосида шу материалнинг эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи қўшимчалар киритилган махсус битум-полимер таркиб билан шимдирилган шишамато ётади. Арматура сифатида қўлланадиган ва алоҳида битум-полимерли таркибга эга бўлган шишамато ҳисобига ризолин юқори физик-механик хоссаларга эга, бу хоссалар унинг сув ўтказмаслик, иссиқлик ва шовқин изоляцияловчи кўрсаткичларини, узоққа чидамлилиги ва эгилувчанлигини таъминлайди. Бу уни нафақат текис сиртларга, балки қийин етиб бориладиган жойларга, исталган ўлчамдаги юзаларга ҳам ётқизиш ва шундай юзаларни таъмирлаш. Ризолин иккита – бир томони бўйича ўзи елимланувчи қатлам ва ташқи томонида алюминий ёки мис фольгасига эга бўлган кўринишларда ишлаб чиқарилади. Иккинчи томони ўзи елимланадиган қатламга ҳамда ташқи томони алюминий ёки мис фольгасига эга бўлган ўрамли материал томлар, вентиляция қувурлари, сиғимларнинг ташқи сиртларига қўлланилади. Фолгаланган сирт УҚ-нурланишдан ҳимояни бир неча мартага оширади ва узоқ муддатли (20 йилдан ортиқ) эксплуатацияни кафолатлайди. Икки томони билан ҳам ўзи елимланувчи ўрамли материални пойдеворлар, бассейнлар, балконлар, лоджиялар, сув тарновлари, ертўлалар, темир-бетон ва металл сиғимлар, чоклар, вентиляция каналлари ва деворларнинг туташган жойларидаги қаватлараро гидроизоляция учун идеал равишда қўлланади. Пўлат сиртларга нисбатан юқори адгезияга эга эканлиги туфайли ризолиндан ерости ва ерусти қувурўтказгичларнинг алоҳида қисмлари, запорной арматура, иссиқлик трассалари, ИЭЦ технологик ускуналарини гидроизоляциялашда фойдаланилади;

риолит – эффузион миагматик тоғ жинсларининг бир тури бўлиб, у гранитнинг сочилган кўринишдаги аналогидир. Риолит асосан кварц, дала шпати ва биотитни ўз ичига олган шишасимон массали кремнеземдан таркиб топган. Унинг зичлиги 2600 kg/m^3 ни ташкил этади. Сиқилишдаги мустаҳкамлиги 60-200 МРа. Юқори мустаҳкамликдаги кислотабардош бетонларга тўлдирувчи сифатида қўшилади. Унинг тошларидан деворбоп ва пардозлаш материали сифатида фойдаланилади;

рисберма – сувзанг ортида жойлашган, ўзанни ювилишдан сақлаш, маромий ўзгаришларни ўчириш, сув оқими тезлигини маромлаштириш ва пасайтириш учун мўлжалланган қуйи брефда сув оқими тубини маҳкамлаш элементи;

ритм – меъморий, иншоот элементининг ёки иншоотларнинг навбатланиши, такрорланиши, улар жойланишининг фазода тартибга солиниши;

роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмаси – қимирламайдиган асосга ўрнатилган, ёнғин ўчириш дастагидан иборат, бир қанча ҳаракатланиш босқичига эга ва узатма тизими билан жиҳозланган, шунингдек, дастурни бошқариш қурилмасидан, ёнғинни ўчириш ва лакализация қилиш ёки технологик ускуналар ва қурилиш конструкцияларини совутиш учун мўлжалланган станционар автоматлаштирилган восита;

роботлаштирилган ёнғин ўчириш мажмуи – умумий бошқарув ва ёнғинни аниқлаш тизими билан бирлашган бир нечта роботлаштирилган ёнғин ўчириш қурилмалари тўплами;

роговик – магматик массаларнинг юмшоқ жинсларга таъсир қилишида ҳосил бўлган контактово-метаморфик тоғ жинсидир. Роговик таркибига кварц, қора слюда, гранат, дала шпатлари, андалузит, силлиманит ва бошқа минераллар киради. Оҳак-силикатли роговикларда пироксенлар, волластонитлар, кальцийлар бўлади. Мустаҳкам чақиқтош олишда хомашё сифатида қўлланилади. Романцементнинг бирикиши ҳамда қотиши кальций силикатлари ва алюминатларини гидратациялаш билан эришилади;

роллет учун йўналтирувчи –конструктив элемент, роллет полотна ҳаракатини бошқариш учун мўлжалланган, унинг учлари бўйлаб ўрнатилади ва девор оралиғига маҳкамланади;

ром шаклидаги пойдевор – йиғма ёки йиғма-қуйма пойдевор бўлиб, қатор кўндаланг рамаларни ўзида мужассам этувчи, пастки плитага ёки ростверкга таянадиган ва юқори қисми бўйича бўйлама тўсинлар билан ўзаро боғланадиган пойдевор, пастки плитага ёки қозиқ устунларга таянади;

ростверк – қозиқ пойдеворнинг бетон ёки темир-бетон плита ёхуд тўсин кўринишдаги, қозиқларни юқори қисмида бир турғун тизимга бирлаштирувчи ва юкни уларга бир ўлчамда берилиши учун хизмат қиладиган қурилма;

рубероид – икки томондаги юзаси қийин эрийдиган битум билан қопланиб, юмшоқ битум билан шимдирилган картондан олинадиган ўрамли гидроизоляцион материалдир; рубероид томга (кровля) ва биноларнинг ерости қисмларини гидроизоляциялаш учун қўлланилади;

руда бўлмаган қурилиш материаллари, шу жумладан зич ҳамда ғовакли табиий тўлдирувчилар – тоғ жинсларидан олинадиган, шу жумладан тасодифий қазиб олинган жинслардан ва тоғ-кон саноати корхоналарининг бойитилган чиқиндиларидан, қурилишда уларнинг кимёвий ва фазавий таркибини ўзгартирмаган ҳолда фойдаланиладиган ноорганик донадор сочилувчан қурилиш материали;

руст – бино деворларни дағал кесилган ёки чиқиб турувчи ўнг сатҳини тошдан териш ёки қоплаш;

сайдинг – мустаҳкам пардоз материали бўлиб, бу материалдан уй қопламаси сифатида фойдаланилади. Қандай материаллардан тайёрланганига қараб сайдинг турлари белгиланади;

сайёҳлик минтақаси – сайёҳлик базалари, муассасалар ва уларга туташ саёҳат йўналиши ҳамда йўл-йўлакай дам олишга мўлжалланган денгиз, дарё, темирйўл автомобиль саёҳат круизлари ва рейслари билан банд ҳудуд;

сақлаб туриш камераси – сигнализация клапанининг бироз очилиши туфайли сув таъминоти манбаи босимининг кескин ўзгариши натижасида юзага келадиган нотўғри сигналлар эҳтимолини минималлаштириш учун мўлжалланган, босим сигнализатори линиясига ўрнатилган қурилма;

сандрик – декоратив архитектуравий деталь бўлиб, у одатда бино фасадининг (камдан-кам ҳолларда бино интерьерининг) дераза ёки эшик ўринлари устида жойлашадиган карниз ёки фронтон (баъзан кронштейнларга маҳкамланадиган) сифатида хизмат қилади;

саноат минтақаси – саноат корхоналарини ва у билан алоқадор объектларни жойлаштириш учун минтақа;

саноат суви – турли элементларнинг табиий юқори концентрацияланган сувли эритмаси. Саноат суви шундай компонентларга эгаки, уларнинг захиралари табиатда уларни саноатда кенг миқёсда қўллаш учун етарли миқдорда мавжуд;

саноат транспорти – саноат корхоналари ва саноат тугунлари ичида, юкларни ташиш учун мўлжалланган ҳамда жамоат транспорти билан туташувгача транспорт алоқасини амалга оширувчи транспорт воситалари (иншоотлар, ускуналар, ҳаракат таркиби, механизмлар, жиҳозлар) йиғиндиси;

саноат тугуни – умумий коммуникацияларда муҳандислик иншоотлар, ёрдамчи ишлаб-чиқаришлар ва хўжаликлари, тегишли шароитлар мавжуд бўлганда эса асосий ишлаб чиқаришларни бирлаштириб бир ҳудудда жойлаштирилган корхоналар гуруҳи;

саноатлаштириш – қурилиш ишлаб-чиқаришда бино ва иншоотларни барпо этишининг мажмуавий-механизациялаштирилган жараёнларини татбиқ этиш ва илғор усуллар, йиғма қурилмалар, шу жумладан йириклаштирилган, юқори завод тайёрлигидаги қурилмаларни кенг қўллашни ташкил этиш;

сачраткич (дренчер) ускуна – махсус қувурлар тармоғидан таркиб топган, хонанинг ҳамма ҳисобий майдони бўйича бир вақтнинг ўзида ўт учириш ҳамда сув пардаси барпо қилиш учун мўлжалланган ёнғин ўчириш автоматик ускунаси;

сачраткичли ҳовуз – айланиб турувчи сувнинг ҳаракатини сачратиш йўли билан пасайтириш, иссиқлик-қувватли жиҳозлар, компрессор ва бошқаларда ишлатиладиган саноат корхоналарини айланма сув таъминот тизимида қўлланиладиган босимли қувурўтказгичлар тармоғи бўлган очиқ резервуар;

свод – томёпма ёки ораёпманинг эгри чизиқли плитаси кўринишидаги юк кўтарувчи фазовий конструкция бўлиб, бу конструкция бошқа конструкциялардан тиргакка эга эканлиги ва асосан сиқилишга ишлаши билан фарқ қилади. Таяниш шартлари ва шаклига боғлиқ ҳолда сводлар гуруҳларга бўлинади;

секинлаштирувчилар – қоришма ва бетонлар, уларга керакли хусусиятни бериш учун таркибига киритиладиган қўшимчалар. Секинлаштирувчилар қотиши ва бирикишида фарқ қилади;

секция – режада шартли чегараланган ва ҳажмий-режавий, техникавий ёки қурилмавий томондан бирбутунликни ташкил этувчи бино ёки иншоотнинг қисми;

секцияли уй – бир ёки бир неча секциядан ташкил топган бино;

сервис объектлари – жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва техник мақсадларидаги, шунингдек, маданий, маиший, хўжалик, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар савдоси ҳамда улардан фойдаланиш билан

боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатувчи автомобиль йўллари, йўл иншоотлари, темирйўл кесишмалари ва кўчалар бўйида жойлашган объектлар.

серпантина – ўткир бурчак остида учрашувчи (ажралувчи) икки йўналишни туташтириш учун тоғли жойларда трасса бурилишидан ташқарида қуриладиган автомобиль йўли айланасининг тури;

сигнал клапани – пуркагич ёки ёнғиндан хабар бергич ишга тушганда буйруқ импульсини бериш ва ёнғин ўчириш воситасини ишга тушириш учун мўлжалланган ёпқич (очиш ёпиш) қурилмаси;

сиенитлар – чуқурликда жойлашган тўлиқ кристалланиб отилиб чиққан тоғ жинслари бўлиб, улар яхши ишловга берилувчанлиги ва асосан калийли дала шпати, плагиоклаз ва рангли минераллар – биотит, роговая обманка, пироксеннинг кўп бўлмаган миқдоридан ташкил топганлиги билан гранитлардан фарқ қилади. Минералогик таркиби бўйича сиенитлар гранитлардан кварцнинг мавжуд эмаслиги (ёки кварцнинг кам миқдорда мавжуд бўлиши) ва ишқорли дала шпатининг кўп миқдорда бўлиши билан фарқланади. Минералогик шкала бўйича сиенитларнинг зичлиги 2600-2800 kg/m^3 ни ташкил этади, уларнинг ғовакдорлиги ва сувга тўйинганлиги сезиларли эмас; сиқилишдаги мустаҳкамлиги 120-150 МРа га тенг. Кварцнинг сезиларли миқдорига эга бўлган сиенитлар эса гранитлар ва сиенитлар орасида гранитга ёки сиенитга ўтувчи тоғ жинслари қаторига киради. Сиенитларнинг структураси одатда, биртекис кристалланган ҳолатда бўлади, лекин табиатда порфирсимон кўринишдаги сиенитлар ҳам учраб туради. Оч қизил, кулранг, қизғиш, тўқ яшил рангли сиенитлар кўпроқ тарқалган. Гранитлар билан таққослаганда, улар бироз юмшоқ бўлади, яхши силлиқланади ва анча қайишқоқдир. Сиенитлар асосан декоратив, пардозбоп материал ҳисобланади ва улардан биноларнинг цоколлари ҳамда ёдгорлик ҳайкаллари учун ишлатиладиган тош сифатида фойдаланишади;

сиздириш майдонлари – оқава сувларни тупроқдан сизиб ўтиши орқали ифлослантирувчилардан биологик тозалаш учун мўлжалланган (махсус ташкил этиладиган) ва одатда, бошқа мақсадларда ишлатилмайдиган ҳудуд;

сиккатив – металл-органик бирикма бўлиб, уни лак-бўёқ материалларига қуритиш жараёнини тезлаштириш учун оксидли қотирувчи қўшимча сифатида қўшишади;

силжувчанлик – доимий юк ёки механик зўриқиш таъсирида, ашёларни вақт давомида юмшоқлик шакл ўзгариши секин ошиб бориш қобилияти;

силикат бетон – оҳак ва кремнийли компонент асосидаги бетон, автоклавли қайта ишлаш натижасида қаттиқлашади;

силикат ғишт – хом ғиштни автоклавда қайта ишлаш йўли билан олинадиган, асосида оҳак-кремнезём боғловчили сунъий керамик қурилиш материали;

силикатлар – кремнийли кислоталарнинг тузлари бўлиб, улар табиатда кенг тарқалган (ер қобиғи массасининг тахминан ¾ қисмини ташкил этади). Силикатлар бизга маълум бўлган барча минераллар (дала шпатлари, бертрандит, поллуцит, циркон ва ш.к.лар)нинг 1/3 қисмини ташкил этади. Силикатлар – керамика, цемент, шиша, асбест, содалар, баъзи бир металларни олишда асосий хомашё сифатида хизмат қилади;

силос – ўзини-ўзи бўшатувчи сиғимли иншоот бўлиб, унинг баландлиги шу иншоот диаметрининг бир ярим барабор катталигидан ёки пландаги ўлчамидан бироз ошиши мумкин; бу иншоот сочилувчан материаллар – цемент, дон, кўмир ва температуравий-

намлик шартларига мос келувчи бошқа материалларни анча узоқ муддатда сақлаш ҳамда уларни қайта юклаш учун мўлжалланган;

сим – кўндаланг кесими кичик ўлчамларга ва доирасимон шаклга эга бўлган катта узунликдаги металл буюм (яримфабрикат). Симлар асосан станокда прокатлаш ва чўзиш усулида тайёрланади; калаваланган кўринишида ва пруток шаклида чиқарилади;

симбетонли конструкциялар – сим арматуралар билан таянчга тортилган, олдиндан зўриқтирилган йиғма темир-бетон конструкциялар;

сизишга қарши тўсиқ – сувнинг оқими йўлидаги тиргак, гидротехник иншооти ости грунтида ва унинг қирғоқ туташувларида (қоришма ва аралашмаларни инъекция йўли билан) барпо этиладиган, иншоот остига сизиш босимини пасайтириш, сувни сизишга исрофини камайтириш учун сунъий тўсиқ;

синтетик – эмульсия полимеризацияси натижасида ҳосил бўлган каучук ёки маълум пластмассаларнинг сувли дисперцияси;

синч (каркас) – бир-бири билан бириктирилган айрим ўзаклар, устунлар ва тўсинлардан таркиб топган бинонинг юк кўтарувчи қовурғаси;

синч ўзаги – темир-бетон қурилманинг қолипга ўрнатиш учун тегишли ҳажмий ёки текислик тизимига йиғилган (боғланган, пайвандланган) узунасига ва кўндаланг ўзаклари (арматуралари) тўплами;

сирланган юзанинг кўчиши – шишасимон қоплама (глазурь) билан қопланган буюмнинг механик шикастланганлиги;

сирт тоши – бир ёки икки юза томонга эга бўлган, бино ва иншоотлар деворларини териш ҳамда бир вақтнинг ўзида сирт қоплаш (облицовка) вазифасини бажарувчи девор учун тош;

сиртга ҳимоя ишлови – қурилиш маҳсулоти ёки конструкциялар сирт қатламининг коррозияга чидамлилигини оширувчи физик, кимёвий ёки электрокимёвий ишлов бериш;

сиртига ишлов берилмаган ёғоч-толали плита – қалинлиги бўйича ёғоч толаларининг бир жинсли фракцион таркибига эга бўлган ва рангли қўшимчалар қўшилмаган ёғоч толали плита;

сиртни қоплаш – бинолар элементлари ташқи қатламини (девор, устун, том, пойпеш) ва иншоотлар юзасини ташкил этувчи донали ашёлардан қурилма;

скоба (ёғоч конструкцияларда) – пўлатдан ишланадиган ёрдамчи фиксацияловчи боғлами (уларнинг кўндаланг кесими доира ёки квадрат шаклида бўлади). Скобалар кўндаланг кесими доира шаклида ёғоч материаллар ёки ғўлалардан қурилган конструкиялар ва иншоотларда қўлланади;

скруббер – чанг ва газсимон аралашмаларни ҳаво оқимидан уни сув билан намлаш йўли орқали тутиб қолиш учун аппарат;

сланецли қатрон – ярим кокс ишлаб чиқаришда ёнувчан сланецларни деструктив ҳайдаш маҳсули бўлиб, у асосан парафин ва мойлардан ташкил топади. Сланецли қатрон учун юқори молекуляр феноллрнинг кўп миқдорда бўлиши характерлидир. Қатронни дистилланган ҳолда ҳайдашда ҳосил бўладиган, қолдиқни сланцли пек деб аташади;

сланцлар – таркибидаги минераллари ориентирланган ҳолда жойлашган ва юпқа пластинкаларга парчаланиш қобилиятига эга бўлган тоғ жинслари. Таркибига кўра, сланцлар гилли, қум-гилли, хлоритли, талькли, слюдали ва ҳ.к.ларга бўлинади. Сланцлар тўқ кулранг, қора, қизил-қўнғир рангларда учрайди. Уларнинг ўртача зичлиги 2600-2900

kg/m^3 ни, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 50 - 200 МРа ни ва ғовакдорлиги 0,4-3 % ни ташкил этади. Ташқи ва ички пардоз учун плиталарни ишлаб чиқаришда қўлланади. Кристалли сланцлардан қурилишда фойдаланилади, шунингдек, улар динас олиш учун хомашё сифатида хизмат қилади. Сланцлар – абразивлар (гранатли, силлиманитли сланцлар), юқори чидамлилик даражасига эга бўлган керамик хомашё (кианитли сланцлар) ва ҳ.к.ларни чиқариш учун материалдир. Графитли сланцлар – қимматбаҳо графитли хомашё ҳисобланади. Ёнувчи сланцлар асосан газ ва нефтли смолага ҳайдашда хомашё, шунингдек, қаттиқ ёқилғи сифатида хизмат қилади;

слезник – қурилиш элементларининг пастки қисмида жойлашган ва қурилиш конструкцияларини намланишдан ҳимоя қилувчи желобок ёки чиқиб турувчи (бўртиқ) қисми (ёмғир сувининг оқиб тушишига тўсқинлик қилувчи ва пастки қисмида оқизиш қисмига эга бўлган карниз элементи, чиқиб турувчи);

слюдалар – жинс ҳосил қилувчи минераллар, калий, магний, темир, литий, натрий алюмосиликатларининг кенг тарқалган гуруҳидир. Слюдаларнинг асосий минералли турлари – мусковит, флогопит ва биотит. Алоҳида кичик гуруҳини литийли слюдалар (лепидолит ва б.қ.лар) ташкил этади. Юқори диэлектрик хоссаларга ва термикбардошликка эга бўлган юпқа пластиналар ёки тангасимон бўлакларга енгил парчаланади. Шу сабабли слюдалар техника соҳасида кенг қўлланиш топган;

смальта – катта бўлмаган (ҳажми 1-2 cm^3 бўлган) кубиклар ва пластинкалар кўринишидаги рангли ношаффоф шиша бўлиб, ундан мозаикали ишларни бажаришда фойдаланишади. Смальта бўялиб сўндирилган (баъзан қўшимча кристаллаштирилган) шишани (эритишда) қуйиш, пресслаш ёки орасига юпқа рангли фольга қўйилган шишанинг иккита қатламини иссиқ ҳолатда пресслаш билан олинади;

смола – қаттиқ-яримқаттиқ органик материал бўлиб, иссиқлик таъсирида юмшайди ёки температураларнинг маълум бир диапозонида эрийди. Смолалар табиий ва сунъий бўлади;

смета – лойиха бўйича ишлар ва хизматларни бажаришга сарфланадиган харажатлар кўрсатилган ҳужжат, унда маълум бир лойиҳани амалга ошириш учун асосий ёки барча ишларнинг қиймати ҳисобланади;

совутилган грунт – шўрланган йирик бўлакли, қумли ёки гилли грунт, манфий ҳарорати музлаш ҳароратдан юқори бўлган;

совуқбардошлилик – қурилиш ашёларининг нам ҳолда, ўзгарувчан музлаш ва эришнинг бузувчи таъсирига қаршилик кўрсатиши;

совуқда қотувчи елим – исситилмасдан қотувчи елим;

совуққа бардош профиль - январ ойида ўртача ойлик ҳаво ҳарорати -20 ^{0}C дан паст бўлган ҳудудларда фойдаланиш учун мўлжалланган профиль (узоқ хизмат қилишига контрол синовида зўриқтириши – 55 ^{0}C);

совутиш минораси (градирня) – иссиқ сувни совутадиган**,** айланма тизимли сувни совутиш учун мўлжалланган минорасимон қурилма, у асбест-цемент (алюминийли) панеллар билан қопланган темир-бетон ёки металл каркасдан ташкил топган;

созланадиган лагали пол – асосга таянадиган ва поналар ёрдамида тўғриланадиган анъанавий лагалардан фарқли, замонавий ҳолатда ёғоч лагалар, уларга бураб киритиладиган резьбали пластик стержень тиргак ёки болтли тиргак устунларига таянади.

Созланадиган лагалар:

- тушадиган юки катта бўлмаган полларни кўтаришда;

- кўп сатҳли полларни қилишда;

- баъзида, пол остидан коммуникация (қувур ва б.) ўтказиш ҳолатларида қўлланилади;

соябон – эшик устидаги соябон ёки ҳимоя томи;

спринкер пуркагич, мажбурий ишга тушириш билан – ташқи бошқарув ҳаракати таъсирида очиладиган, чиқиш тешиги бўлган қулфловчи қурилмали спринклер пуркагичи;

спринклер пуркагич ишлаб кетиш назорати билан – ўзининг иссиқлик қулфларини ишга тушганлиги тўғрисида сигнал беришни таъминловчи спринклерли пуркагич;

спринклер сув билан тўлдирилган ёнғин ўчириш қурилмаси – барча қувр ўтказгичлар сув (сувли эритма) билан тўлдирилган ёнғин ўчириш спринклер қурилмаси;

спринклер ҳаволи ёнғин ўчириш қурилмаси – етакчи қувурўтказгичи сув (сувли эритма), қолгани босим остидаги ҳаво билан тўлдирилган ёнғин ўчириш сплинклер қурилмаси;

стакан-пойдевор – устун остига чуқурлаштириб ўрнатиладиган пойдевор;

стабиллаштируви, бетон учун қўшимчалар – бетон қоришмасининг қатламларга ажралишини камайтирадиган қўшимчалар;

ствол – кўплаб муҳандислик иншоотларининг вертикал юк кўтарувчи конструкцияси, масалан, сув босимига эга башня стволи ва ҳ.к.лар;

стемалит – битта томони керамик бўёқ билан тўлиқ қопланган турли фактурали 5-12 mm қалинликдаги шиша листи. Стемалитнинг декоратив сифат кўрсаткичлари – ёнмайдиган ёрқин рангга эга бўлиши, сирт юзасининг юқори сифатлилиги унинг атмосфера таъсирига қарши юқори устуворлиги, катта мустаҳкамлиги ва сирт юзасининг қаттиқлиги билан уйғунлашади. Стемалит биноларнинг ташқи ва ички пардози ҳамда кўп қатламли осма панеллар тайёрлашда кенг қўлланади;

стиролли смолалар – стиролни ёки унинг бошқа мономерлар билан сополимеризациясини полимеризациялаш орқали олинадиган синтетик смола;

столб – таянч вазифасини бажарувчи ёки декоратив аҳамиятга эга бўлган алоҳида турувчи вертикал стержен кўринишидаги конструкция;

стояк – турар-жой, жамоат ёки ишлаб чиқариш биноларининг барча қаватлари орқали ички томондан ўтувчи вертикаль қувур ўтказгич, у сув (ёки газ)ни тақсимловчи тармоқлар орқали сув (газ) тарқатувчи приборларга ва ёнғин хавфсизлиги кранларига узатиш ёки санитария приборлари ва турли қабул қилгичлардан қувурлар орқали тушадиган оқава сувларни оқизиш учун мўлжалланган;

стропила – қия томларнинг юк кўтарувчи конструкцияси бўлиб, у стропила таянчлари, устки тўсин, устун ва тиргаклар, баъзида тортқичлардан ташкил топади;

стропила оёқлари – нишабли томларда стропилли тизимнинг элементлари – пастки зўриқишни маурлетга узатувчи, юқори учи конёк устунига таянувчи икки таянчда қия тўсинлар;

стропила осма – стропила фермаси бўлиб, у фақат охирги икки қисмларида таянчларга эга бўлади, унинг конструкцияси стропилалар, тиргаклар, таг тиргаклар ва тортқичлардан ташкил топган тизимдан ҳосил қилинган;

стропила ости тўсини – бўйлама қатордаги устунларга таянадиган ва стропилали фермалар ҳамда тўсинлар учун таянч сифатида хизмат қилувчи тўсин;

стропила таянч брус – нишабли томларнинг стропилалари юқори қисми учун таянч сифатида хизмат қилувчи брус;

стропила тўсин – оралиқлари катта эмас ўртача бўлган биноларда нишабли ва ясси том қопламалари учун темир-бетон ёки ёғоч тўсин;

структураси поғонасиз ўзгарадиган ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита – толаларининг ўлчамлари кичик ҳолатдан каттароқ ҳолатгача ва сиртқи томонлардан ўрта томонга қараб, аста-секинлик билан ўзгарадиган ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита;

стяжка – том ва ораёпма конструкцияларидаги юпқа мустаҳкам қатлам бўлиб, бу қатлам юкларни ўзидан пастги – иссиқлик ёки товуш изоляция қатламига узатишга ҳамда том ёки пол юзаларини текислаш учун мўлжалланган;

сув сатҳининг кўтарилиши (подпор) – сув оқим йўлининг тўсилиши ёки торайиши ҳамда ерости сувлари оқим шароитларининг ўзгартириши натижасида юзага келади;

сув босиш – дарёлар, сув омбори ва тўғонлар сув сатҳининг кўтарилиши, дарё ўзанларининг сув босиш, сув ўтказиш ва канализация тармоқларидаги сув йўқотишлар ва ерларнинг шўрлари ювилганидан кейин сувларнинг ташланиши натижасида вужудга келадиган ерости сувлари сатҳининг кўтарилиши;

сув босиш минтақаси – сув босиш натижасида заминости сувлари сатҳи кўтариладиган ҳудуд;

сув йўли – сув тўпловчи иншоотдан истеъмолчига сувни босимли ёки босимсиз (ўз оқимида) узатувчи тоннель, канал, лоток ёки қувур ўтказгич кўринишидаги иншоот;

сув йиғувчи лоток (том) – эриган қор ва ёғин сувларини йиғиш ва чиқариб юбориш учун том элементи;

сув қабул қилгич – сув тўплаш иншоотининг қисми бўлиб, сувни бевосита очиқ (дарё, кўл, сув омбори) ёки ерости манбасидан олишга хизмат қилади. Ёндош ҳудуддан мелиоратив қуритиш тизимидан йиғиладиган сувни қабул қилувчи ва элтувчи сув оқими (ҳовуз ва б.);

сув қўриқлаш минтақаси – махсус хўжалик фаолияти режимидаги ёки қўриқланадиган, сув объектларининг камайиши, ифлосланиши ва буғланишининг олдини олувчи ҳудуд;

сув манбалари – бирор ҳудуднинг ҳамма фойдаланишга яроқли бўлган, ер юзадаги, еростидаги, тупроқдаги ва атмосферадаги намликни қўшиб оладиган заҳиралар;

сув оқизгич (сув оқизиш иншооти) – гидротехника иншооти бўлиб, сув тошиб кетишининг олдини олиш учун устки бьефдан чиқариладиган сувни ўтказиш учун мўлжалланган;

сув омбори – амалда оқмайдиган, одатда, катта ўлчамли, сунъий равишда дарё ўзани ёки ер юзаси пастқамлигида, тўғон, тепадон, ер ўйилган жой ва ҳокозодаги ҳовуз;

сув остида қолиш минтақаси – бунёд этилаётган сув омборининг ўзани сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳудуд;

сув пасайиши – тупроқдаги ёки тупроқ массиви билан ёнма-ён ҳовуздаги сувни қурилиш даврида, дренаж қурилмаларини, сувли тупроққа қўйиладиган, чуқурлик насослари, игнасузгичлар ва бошқаларни қўллаган ҳолда сув сатҳини пасайтириш усули;

сув тайёрланиши – буғ ва сув, иситувчи қозонларни ёки турли технологик жараёнларни яроқли сув билан таъминлаш учун сувга ишлов бериш (темирсизлантириш, тузсизлантириш, чучуклаштириш ва ҳокозо);

сув ташлаш (сув ташловчи иншоот) – сув омборида, сув энг юқори ҳисобий сатҳдан ошиб кетмаслиги учун тўғон тожидаги тешиклардан (сув тарнови) ёки юқори бьефда сув сатҳидан пастда жойлашган чуқурликдаги тешикдан (сув чиқарувчи) ёхуд ундан ё бундан ва бошқаларидан ҳам бир вақтда, сувни юқори бьефдан пасткисига ташлашда фойдаланадиган сувўтказгич гидротехник иншоот;

сув таъминоти – ичимлик ва технологик сувни олиш, тайёрлаш, узатиш ва истеъмолчи (субистеъмолчи)га етказишни таъминлайдиган технологик жараён;

сув таъсир қилмас замин қатлами – ерости ва юза сувларни сизиши учун амалда сув ўтказмас деб қабул қилинадиган қатлам;

сув тозалаш – технологик жараёнлар комплекси бўлиб, улар натижасида тозаланадиган ва сув таъминотининг табиий манбаларидан қувур ўтказгичга тушадиган сув ундан фойдаланиш учун зарур бўлган сифатларга эга бўлади;

сув тозаланиши – сув манбаидан сув қувурларигача сувни узатишда сувнинг сифатини меъёрий кўрсатгичларгача етказишнинг технологик жараёни;

сув тармоғи – сувни истеъмол қилинадиган жойларга етказиш учун мўлжалланган сув қувурлари ва жиҳозлари;

сув ўтказиш тармоғи – сувни истеъмол қилинадиган жойларга етказиш учун мўлжалланган сув ўтказиш тармоқлари (қувур ўтказгичлар) тўплами;

сув ўтказгич – сув таъминоти – сувни табиий манбалардан олиш, тозалаш, транспортировка қилиш ва истеъмолчиларга етказишни амалга оширувчи муҳандислик иншоотлари ва қурилмалари мажмуаси;

сув ўтказмайдиган ва кенгаювчи цемент – глиноземестли шлак (67 % - 76 %), ярим сувли гипс (20 % - 22 %) ва гидроалюминатли кальцийни (10 % – 11 %) қўшиб майдалаш билан олинадиган тез киришувчи ва тез қотувчи гидравлик боғловчи модда. Сув ўтказмайдиган ва кенгаювчи цемент метро қурилишидаги чўян тюбинглар чокларини чеканка қилиш учун қўлланади;

сув ўтказмайдиган қоришмалар – сувни нормаланган чегараларда ўтказиш қобилиятига эга бўлган қоришмалар;

сув чиқариш – сувсиз ва кам сув ҳудудларини маданий-маиший ва хўжалик мақсадлари учун таъминлаш бўйича муҳандислик-гидрогеологик тадбирлар йиғиндиси;

сув чиқариш (сув чиқариб юбориш иншооти) – гидротехника иншоотда тешиклар кўринишида (қувурлар) чуқурликда сув ташлаш ёки сув омборини бўшатиш, юқори бьефда тубидаги чўкиндиларни ювиш ва сувни пастки бьефга ўтказиш (ташлаш) учун алоҳида иншоот;

сув юқтирмайдиган қоришмалар – сув билан қисқа вақтли тегишишда нормаланган сув ютувчанликка эга бўлган қоришмалар;

сувзанг – оқимлар зарбаси ва тошиб тушаётган сув қувватини пасайтириш ҳамда сув оқими ўзанини ва иншоот асосидаги тупроқни ювилиб кетишидан ҳимоя қилишга мўлжалланган, тўғоннинг бевосита тарнови ўртада, катта плита кўринишдаги сув оқимини маҳкамлаш элементи;

сувни ҳавога тўйинтириш – сувни ҳаво кислороди билан тўйинтириш ўтказилади: темирсизлантириш мақсадида тозалаш сувўтказгич иншоотларида ҳамда сувдан эркин углекислота ва сероводородни йўқотиш учун; оқава сувларни биологик тозалаш иншоотларида оқава сувларда эриган органик моддаларни ва бошқа ифлосликларни маъданланиш жараёнини тезлаштириш учун;

сувсиз технология – сув ишлатишни, оқава сувлар ҳосил бўлишини ва уларни атроф-муҳитга тушишини истисно этувчи ёки энг юқори даражада чекловчи технологик воситалар ва ишлаб-чиқариш жараёнларининг йиғиндиси;

сув тўплагич (сув тўплаш иншооти) – очиқ сув оқимидаги ёки ҳавзадан (дарё, кўл, сув омбори) ёхуд ерости манбаларидан халқ хўжалигида фойдаланиш мақсадида (суғориш, сув таъминоти, электр қуввати ишлаб чиқариш ва б.) сув олиш гидротехник иншооти;

сувли эмульсия бўёғи – сувли эмульсия бўёқларига оид материал. Улар сувдан, пигментлардан ва полимерларнинг энг кичик заррачаларидан олинадиган эмульсия асоси бўлиб, бунда эмульсия зарралари эримаган ҳолда бўлади;

сузувчи пол – қўшни хоналарнинг товуш изоляциясини ошириш мақсадида ораёпма ва деворлардан амортизацияловчи ёки изоляцияловчи қурилмалар билан ажратилган (алоҳидаланган) пол;

сув чиқариш – ерости ва (ёки) очиқ чуқурлардан, каръерлардан юза ёки ёпиқ кавланган ерости йўлаги, қудуқ ва б. тоғ қазилмаларидан ерости сувларни кетказишни таъминловчи тадбирлар ва қурилмалар мажмуаси;

суғориш – ирригация, етарли намланмаган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун сунъий равишда суғориш мелиорация кўринишларидан бири;

суғориш майдони – оқава сувларни биологик тозалаш учун мўлжалланган, одатда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ҳудудлар;

сузгич тўлдирмаси – сузгичнинг бир қисми тўлдириладиган, донадор ашёлар ва тутиб турувчи қатламлар (шағал, қум ва б.);

сузгич-исканжа – маиший ва ишлаб-чиқариш оқава сувларининг келиб чиқиши маъданли юпқа бўлакланган қуйқаларини механик сувсизлантириш учун ускуна;

сузувчан пол – бириккан хоналарни товушдан ҳимоялашни яхшилаш мақсадида ораёпма ёки девордан, амортизацияловчи ёки ҳимояловчи қурилмалар билан ажратилган пол;

сульфатда бетоннинг коррозияси – сульфатларни ўз ичига олган муҳит таъсири остида бетоннинг бузилиши (емирилиши);

сульфатбардош портландцемент – нормаланувчи минералогик таркибли портландцемент клинкери ва гипсни (SO_3 бўйича 3,5 % гача) қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Ундан сульфатли агрессив муҳит, ўзгарувчан намланиш ва қуриш, музлаш ва эриш шароитларида эксплуатация қилинадиган бетон ва темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда, гидротехника қурилишида фойдаланилади;

сульфо-алюминли клинкер (ферритик) – асосан сульфо-алюминатлардан (ферритлар) ташкил топган клинкер;

сунъий ёғоч материаллар – ёғоч, ёғоч бўлаклари, тола, шпонлар, боғловчи моддалар (масалан, синтетик смола) билан ёки цементли қоришма, елимлаш ва бошқалар юқори ҳароратларда босим ва ишлов бериш билан олинадиган конструктив, изоляцион ва безакли композит материаллар. Табиий ёғоч билан солиштирганда, ёғоч материаллари

яхшиланган хусусиятларига эга, кам анизотропик (арболит, ёғоч пластинкалар, ёғоч толали плиталар, ёғоч қатламли пластиклар);

сунъий ёғоч-тахта – ёғоч ёки унинг чиқиндилари (қипиқ, қиринди, пайраҳа ва ҳ.к.)ни қайта ишлаш йўли билан олинадиган пластик массалар (сунъий ёғоч юқори ўзига хос кучга эга). Кесиш йўли билан яхши ишлов берилади, штамплаш ва қолипга қуйиш мумкин;

сунъий замин – бино (иншоот)дан оғирликни ўзлаштирувчи, зичлаш, маҳкамлаш, кимёвий, электрокимёвий, ҳароратли ёки бошқа усуллар ҳисобига сунъий равишда хусусиятлари ўзгартирилган замин;

сунъий материаллар – табиий ёки сунъий хом ашёни махсус қайта ишлашдан кейин олинган материаллар, физик ва кимёвий хусусиятлари жиҳатдан улар хомашёдан сезиларли даражада фарқ қилади;

сунъий нефть битуми (саноат битуми) – нефтни қайта ишлашда чиқадиган қолдиқ маҳсулотлар – гудронлар, деасфальтизация асфальтлари, мойли фракцияларни селектив тозалаш экстрактларидан олинадиган битум. Ишлаб чиқариш усулига кўра, саноат битумлари оксидланган, оксидланмаган, компаундировкаланган (моддаларнинг кимёвий бирикмаган аралашмаси кўринишидаги) битумларга бўлинади;

суспензия – дисперсли тизим бўлиб, унда дисперсли фаза қаттиқ ҳолатда бўлса, дисперсли муҳит эса суюқ ҳолатда бўлади;

суюқ кристаллар – қаттиқ кристалларга хос бир қатор физик хоссаларнинг анизотропияси билан характерланадиган тартибли молекуляр тузилишга эга бўлган суюқликнинг махсус ҳолати;

суюқ михлар – елим (ёпиштирувчи), юқори ёпишқоқлилиги билан ажралади. Ёпиштириладиган материалларга узлуксиз қатламда эмас, балки оддий михлар қўйиладиган жойларда қўлланилади;

суюқ шиша асосидаги бетон – суюқ шиша боғловчи, минерал тўлдирувчилар ва ҳар хил йирикликдаги тўлдирувчилар асосида тайёрланадиган бетон тури. Қўлланиш соҳаси бўйича бетонларнинг умумқурилиш, кислотабардош ва иссиқбардош турлари мавжуд;

суюқ шиша асосли иссиқлик изоляция материаллар – хомашё қоришмасига суюқ шиша махсус моддалар билан қўшилганида кимёвий таъсири натижасида термо кўпириши ёки шишиши натижасида олинадиган иссиқлик изоляцияси маҳсулотлари;

суюқлик оқими сигнализатори – қувурўтказгичдаги, маълум миқдордаги суюқлик оқимини мантиқий буйруқ импулсига айлантириш учун мўлжалланган ёнғин сигнализатори;

сўндирилган оҳак – ғовакли боғловчи маҳсулот, шунингдек, гидратланган оҳак деб ҳам аталади, оҳакни кимёвий йўл билан майдалаш орқали махсус барабанларда, сўндирувчи машиналарда, қурилиш майдончаларидаги қутиларда сув билан сўндириш орқали олинади. Кам миқдордаги сув билан (30 % дан 50 % гача) сўнган оҳак олинади;

сўндиргич сачратгич – сувнинг ортиқча, кинетик қувватини сўндириш ва сув туширувчи тўғон пастки бьефида оқим тезлигини тақсимлаш мақсадида сув оқими йўналишини ўзгартириш ва сачратиш учун хизмат қиладиган сувзангдаги қурилма;

схема – қурилмалар, иншоотлар ва тармоқларнинг (сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, алоқа ва бошқалар) асосий ғоялари,

принциплари ҳамда ишлаш кетма-кетлигини тушунтириб, қабул қилинган қарорларнинг тавсифи ва техник-иқтисодий асосларини акс эттирувчи график тасвир;

сэндвич панеллари – биноларнинг деворлари ва бир-бири кўпикли пенопластли пенополиуретан ёки фенолли пенопласт билан бирлаштирилган ташқи панжалардан ташкил топган қопламалар учун мўлжалланган уч қатламли пластиналар;

табиий боғ – нисбатан енгил қўриқлаш режимидаги алоҳида манзаравийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб турувчи, аҳолининг дам олиши учун фойдаланиладиган кенг ҳудуд майдончаси;

табиий ва оқава сувларни зарарсизлантириш – сувдаги касаллик кўзғатувчи бактерия ва вирусларни йўқ қилиш;

табиий девор тоши – зичлиги 2200 kg/m^3 гача бўлган оҳактош, вулқон туфи ва бошқа тоғ жинсларидан ясалган тош. Қўлда йиғиш учун тошларнинг ўлчамлари 390x190x190, механизациялашган йиғиш учун кенгайтирилган блокларнинг ўлчамлари тошнинг мустаҳкамлиги ва кранларнинг юк кўтариш қобилиятига асосланган. Тўғри геометрик тош ҳамда блокларнинг керакли ўлчамлари одатда кесиш машиналари ёрдамида аралаб олинади;

табиий ёғоч материаллар – табиий ёғочга асосланган конструктив изоляцион ва пардозлаш материаллари;

табиий замин – бино ва иншоот оғирлигини табиий ҳолда ўзлаштирувчи замин;

табиий қум – қоя тошли тоғ жинсларининг емирлиши натижасида ҳосил бўладиган ва махсус бойитиш ускунасидан фойдаланмасдан қум ҳамда қумли-шағал конларини қазиш йўли билан олинадиган ноорганик сочилувчан материал бўлиб, зарраларининг йириклиги 5 mm гача бўлади;

табиий нефть битуми (табиий асфальт) – битумли жинслар, асфальтитлар ва шу каби жинсларни ўзида жамлаган битум;

табиий тошли қурилиш материаллари – тоғ жинсларидан олинадиган, том маҳсулоти, йўл қопламаси, облицовка, тош ётқизиш ва б. учун ишлатиладиган материаллар. Қайта ишлаш усулига кўра, табиий тош қурилиш материаллари қуйидаги асосий гуруҳларга ажратилади – қум ва шағал, юмшоқ тоғ жинсларини элаш ва ювиш йўли билан олинади; харсанг тошдан қилинган тош, оҳактош, қумтош ва бошқа чўкинди жинсларни ишлаб чиқиш (портлатиш усули) жараёнида қазиб олинади; чақиқ тош, тоғ жинсларини дробиллаш йўли билан олинади; ишланган донали тошлар (тўсиқ ёки тошлар, брусчатка, кўприк шаклидаги ва б.); облицовка тошлари, плиткалар ва қолипланган маҳсулотлар;

табиий тош плитка (арралаб тайёрлаш) – блоклар, тошларни арралаш йўли билан тайёрланадиган плитка бўлиб, у бино ва иншоотларнинг ташқи ҳамда ички қисмини пардозлашга мўлжалланган;

табиий шағал тош – юмшоқ чўкинди тоғ жинси бўлиб, у тоғ жинсларининг кўп ёки камроқ миқдордаги бўлакларидан ва турли минераллардан (кам ҳоллардагина) ташкил топади. Келиб чиқишига кўра шағал тош ва қумлар дарё, кўл, денгиз ва ҳ.к. ларга бўлинади. Табиий шағал асосан қум-шағал аралашмасидан ташкил топади. Кўпинча тоғ шағалидан фойдаланишади, чунки у ғадир-будир юзага эга бўлади ва шунинг учун анча яхши бирикувчанликни таъминлайди. Табиий шағал оғир бетонлар олишда, балластли қатламнинг шағал-чақиқ тошли қоришмасини тайёрлашда, том ёпиш материалларини ишлаб чиқаришда тўлдирувчи сифатида хизмат қилади;

таврсимон тўсин – Т кўринишли кесимга эга бўлган, эгилувчан конструкциялар учун энг самарали шакл;

тагдан қопланувчи шифт – юк кўтарувчи элементлари (ёғоч бруслар, эгилган пўлат профиллар) бевосита базавий шифтга маҳкамланадиган шифт бўлиб, тагдан қопланувчи шифтлар ЁҚП(ДСП), пластик ва бошқа панеллар, металл рейкалар, гипсокартон листларидан бажарилади;

тайёрлов ўлчами – маҳсулотнинг бириктирувчи чоклари тайёрланаётганда ишлов беришга қолдирилиши ва ўлчами;

тақсимлайдиган қувурўтказгич – ҳимояланадиган ҳудудга ёнғинга қарши моддани тақсимлаш учун пуркагич (қўйилма)лар ўрнатиладиган қувурўтказгич;

тақсимловчи қурилма – қувурўтказгичга ўрнатилган ва маълум бир магистрал қувурўтказгичда газсимон ёнғин ўчириш моддасини ўтишини таъминлайдиган, очиш-ёпиш қурилмаси;

тальреп – ички (битта учида чап ва иккинчи учида ўнг) резьбага эга бўлган қалин деворли қувур, тальреп ёрдамида аркаларнинг тортқиларида, металл-ёғоч фермаларининг пастки белбоғларида, шпренгелли тизимларда, осма тортқиларда таранглик ҳосил қилинади;

тамбур – ташқаридан хона ичига совуқ ҳаво оқимининг киришига тўсқинлик қилувчи ташқи ва ички эшикларга эга бўлган бинога кириш учун мўлжалланган ўтиш жойи (хонаси);

тамбур-шлюз – олов, тутун, чанг, газлар ва бошқа зарарли моддаларнинг бир хонадан бошқасига ўтиш имконини бартараф этувчи ҳамда хоналарда ҳаво муҳитининг берилган параметрларини ушлаб турувчи махсус қурилмалар (мосламалар) билан жиҳозланган тамбур;

тампонажли портландцемент – портландцемент клинкери ва гипсни қўшимчалар ёки уларни қўшмасдан майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Қўшимча киритилмаган тампонажли портландцемент нормал ва мўътадил (15 °С дан 100 °С гача) температура шароитларида ҳамда нормал (1650 дан 1950 kg/m^3 гача бўлган) зичликдаги цемент хамирини олиш учун қўлланади;

таркибий қисмлардан ташкил топган панель – бир нечта бетонли ва (ёки) темир-бетонли элементлардан ташкил топган панель бўлиб, бу элементлар бир-бири билан бирлаштирувчи металл буюмлар ёки бошқача усул билан бириктирилган;

тарқатилган куч – жадаллиги доимий бўлган муайян сатҳга (чизиққа) узлуксиз қўйилган, чизиқ, квадратли ёки бошқа қонунлар бўйича ўзгарувчи куч;

тармоқлардаги қудуқ – ташқи сув ва оқова сув тармоқларининг элементи, қувурлар ёпқичлари (задвижка), асбоблари, улаш қурилмаларини ўрнатиш, тармоқни текшириш ва тозалаш ва б. учун мўлжалланган;

тарнов – узун ва тор чуқурчали, сув оқими учун канал, одатда, ярим доира шаклидаги ёғочдан ёки қайрилган тунука листдан қилинади. Ёғин сувларини тўкиш учун томларга ўрнатилган тарновлар;

тахлаш – умумий ўққа эга, икки ёки ундан ортиқ вертикал элементларнинг баландлиги бирикмаси;

таъмирлаш – бинони асл кўриниши (ёки унга яқин) ҳолига қайта тиклаш;

таянч – конструкциялар элементи ҳолатини битта ёки икки (бўйлама ва кўндаланг) йўналишларда чегараловчи монтаж мосламаси;

таянч столи – вертикал бикирлик қовурғаларига эга бўлган вертикал пайвандланган лист ёки пластинадан бажарилган таянч элементларни туташтирувчи тугун;

таянч плита – устун базаси ва танаси (стержени) элементларини бириктирувчи ҳамда устуннинг пастки қисмига таъсир қилувчи кучларни пойдеворга узатувчи пўлат плита;

таянч конструкция – юк ва таъсирларни кўтарувчи, қабул қилувчи ҳамда биноларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини таъминлайдиган қурилиш конструкцияси;

таянч устун – ферманинг таянч ва юқори белбоғларини бирлаштирувчи вертикал элемент (стержен);

таянчлар – алоҳида турувчи ва юк кўтарувчи элементлар бўлиб, улар юқорида жойлашган ораёпма элементлари, қувурўтказгичлар, сув босимини ҳосил қилувчи миноралар ва бошқа юк кўтарувчи конструкциялардан тушадиган юкларни пойдеворга узатади. Таянчлар бикир ва эластик, қўзғалувчан ва қўзғалмас, шарнирли ва шарнирсиз бўлади, улар турли материаллар – темир-бетон, металл, ёғочдан тайёрланади;

тебранма миграция – доимий ва мунтазам меҳнат сафарлари;

тез қотувчи портландцемент – C_3S ни ўз таркибига (60 % дан 70 % гача миқдорда) киритувчи портландцемент клинкери, C_3A (8 % миқдорда) ва гипсни (SO_3 бўйича 1,5 % дан 4,0 % гача миқдорда) қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Бу цемент таркибига минералли қўшимчаларни цемент массасига нисбатан 10 % дан кўп бўлмаган миқдорда, домен печининг гранулаланган шлакларини цемент массасига нисбатан 15 % дан кўп бўлмаган миқдорда қўшишга йўл қўйилади. Юқори маркали бетонлар олишда тез қотувчи портландцементни қўллашади;

текис тарқалувчан куч – муайян сатҳга (чизиққа) ёки унинг (j) қисмига узлуксиз қўйиладиган, доимий жадалликдаги куч;

текис том – нишабга эга бўлмаган ёки сезилмайдиган 2,5 % гача бўлган қияликдаги том;

текисловчи коплама – том, пол ва муҳофаза ёнмасини ўрнатишда, асос сатҳини текисловчи ашё қатлами;

текисловчи қатлам бўйича ётқизилган пол қатламли – текисловчи қатлам устига ётқизилган қопламадан ташкил топган полдир;

текширув қудуғининг люки – корпус ва қопқоқдан иборат, шахта ёки камеранинг таянч қисмига ўрнатиладиган текширув қудуғининг юқори қопқоқ қисми;

темир – Д.И.Менделеев даврий системасидаги VIII гуруҳининг кимёвий элементи; атом массаси (Феррум (Fe)) 55,845. Бир қатор бирикмалар, кўп металлар билан қотишмалар ҳосил қилади;

темир йўл қуввати – темирйўлнинг техникавий тавсифи, иншоотлар ва қурилмалар мажмуаси, техникавий таъминланганлиги ва ҳаракатни ташкил этиш усуллари бўйича, ҳисобий вақт бирлигида белгиланган ташиш ҳажмини таъминлаш қобилияти;

темир-бетон – бетон ва пўлат арматура бирикмасидан иборат конструкция ва буюмларнинг умумий номи, конструктив бетон ва пўлат арматура бирикмаси, бунда иккала материал биргаликда ишлайди, хусусиятига кўра, кучни ўзига қабул қилади. Арматура таранглиқда яхши ишлайди, бетон эса сиқилишда, шунинг учун арматура бетоннинг чўзилиш зонасига қўйилади. Шу билан бирга арматура киритилиши унинг сиқилишига

қаршиликни оширади. Шу сабаб темир-бетон, конструкциянинг сиқилиш жойларида ҳам ишлатилиши мумкин;

темир-бетон йиғма конструкциялар – завод ва полигонларда ишлаб чиқарилган ва тайёр ҳолда қурилиш майдонига етказиб бериладиган темир-бетон деталлар. Бунга темир-бетон устунлар, пойдевор қисмлари, тўсинлар, тўсин ва тўшамалар, қовурғасимон ва текис қаватлараро ёпма ва том ёпма плиталар, йирик панеллар девор ва ёпмалар учун, бутун зинапоя маршлари, косоурлар ва бошқалар;

темир-бетон конструкцияларининг арматураси – темир-бетон конструкцияларнинг асосан чўзувчи кучларни қабул қилиш ва олдиндан зўриқиш ҳосил қилишга мўлжалланган таркибий қисми;

темир-бетон қурилма ўзаги – темир-бетон қурилмаларнинг ажралмас таркибий қисми (пўлат ўқ ёки симли) бўлиб, ўзининг вазифаси бўйича қуйидагиларга бўлинади: ташқи куч ва таъсирдан, қурилманинг ўз оғирлигидан вужудга келувчи ҳамда дастлабки зўриқтирилган, асосан чўзувчи (айрим ҳолларда сиқувчи) кучни ўзлаштирувчи ишчи ўзак; синчда ўқларни биргаликда ишлашини таъминлайдиган, кучларни ўзаро тенг тақсимлашга имкон берадиган қилиб ишчи ўзак билан пайвандлаш ёки боғлаш йўли билан маҳкамловчи тақсимловчи (қурилмавий) ўзак; синчлар йиғилаётганда ишчи ўзак алоҳида ўқларини ушлаб турувчи ва уларни лойиҳавий ҳолатда ўрнатилишига имкон берувчи - йиғув ўзаги; қурилмалар бетонидаги (харилар, сорровлар, устунлар ва б.) қийшиқ ёриқларни йўқотиш ва шу қурилмалар учун алоҳида ўқлардан ўзак синчлар ясашда қўлланиладиган хомутлар;

темир-бетон блок – блок мустаҳкамлиги, ишлаш босқичида бетон ва арматуранинг биргаликдаги иши билан таъминланади;

темир-бетон панел – панел ишлаш босқичида мустаҳамлиги бетон ва арматуранинг биргаликдаги иши билан таъминланади. Темир-бетон панели ишчи арматура қоида тариқасида конструктив мустаҳкамлашга эга. Бундан ташқари, панелни ишлаб чиқариш, ~~ва~~ ташиш ҳамда деворни ўрнатиш вақтида пайдо бўладиган кучларни қабул қилиш учун мўлжалланган арматураларга эга бўлиши мумкин;

тенглаштирувчи резервуар – босимсиз сув ўтказгичда сувнинг қўнимсиз ҳаракати чоғида суюқлик зарбаси катталигини тушириш учун хизмат қилувчи, эркин сатҳли сув резервуари;

терим қатори – тошли конструкцияда битта горизонтал текислик бўйича ётқизилган ғиштлар ёки тошлар қатори. Бу қаторлар бўйлама ва кўндаланг бўлиши мумкин;

термик зичланган лента – эшик, дарвоза ёки люк рамаси ўртасига периметри бўйлаб ёпиштириладиган ва ёнғинда тирқишларни герметизациялаш учун қўлланиладиган ўз-ўзини ёпиштирувчи ёки бошқа йўллар билан ўрнатиладиган лента;

термик изоляция – иссиқлик йўқолишини камайтириш мақсадида қурилиш конструкциялари элементларини, сантехника ва бошқа қурилмаларни иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлган материаллар билан қоплаш ёки пардозлаб ўраш, масалан, чордоқ остидаги ёпмаларга шлак сепиш, иситиш тизими қувурларига оқ лой суркаш, совутгичларни пўкакли плиталар билан пардозлаб ўраш;

термолит – кремний опалли жинслар (диатомит, трепел, опок ва ҳ.к.)дан тайёрланган гранулалар ёки чақиқ тошларни пиширish билан олинадиган материал;

термоструктурали панель – кўпиклаштириш усули ёрдамида ёпишқоқ полистриолдан тайёрланадиган панель. Микроғоваклар ҳосил бўлиши натижасида олинадиган бу панеллар ўзида ҳаво билан тўлган кичик бўшлиқларни мужассамлаштиради;

терракота – кўпроқ қизил ва сариқ рангда учрайдиган ғовакли сополдан олинадиган сирланмаган керамик буюмлар. Архитектуравий терракотга белбоғсимон тортқилар, нақшдор тортқилар, карнизлар, кронштейнлар, устунларнинг капителлари, барельефлар ва фасадларнинг бошқа элементлари киради;

терраса – асосий бинонинг умумий томи остида қўшимча қурилган йўлаксимон айвон, пешайвон, устунли, баъзан ойнавандли, бир ёки кўп қаватли терраса. Уч томони очиқ, баъзан усти ҳам очиқ бўлиши мумкин. Дала ҳовли, дам олиш уйлари, санаторийларда кўп учрайди, очиқ ҳавода дам олиш хонаси вазифасини ўтайди. Террасалар бино ва иншоот қиёфасига кўркамлик бахш этиб, фойдаланиш учун қулайдир;

террацо – таркибига портландцемент, мармар парчалари, баъзан гранит парчалари ва пигмент каби компонентлар кирадиган қоришмадан тайёрланган пол декоратив мозаикали қопламаси;

тескари арка – арка, қаварик қисми пастга қараган ва товон қисмлари юкланган арка;

тетива – ёғочдан ишланган зинапоя поғоналари маҳкамланадиган қия брус;

тетрапилон – иккита ўзаро кесишадиган ўтиш йўлакларига эга бўлган триумфли (тантанавор тусдаги) арка;

тетрастиль – тўртта устунли пешайвон (портик);

техник текшириш – автомобиль йўлларидан сифатли фойдаланиш, таъмирлашнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини назорат қилиш, синаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига оладиган жараён;

техникавий инфратузилма – моддий ишлаб-чиқариш ва таъминот объектларини ишлашини таъминловчи муҳандислик-техникавий иншоотлар ва жиҳозлар йиғиндиси;

техникавий қават – муҳандислик жиҳозларни жойлаштириш ва коммуникацияларни ётқизиш учун фойдаланиладиган, бино остида, бинонинг юқори қавати устида, кўп қаватли биноларнинг бир ёки бир неча ўрта қаватларида жойлаштириладиган қават;

техникавий назорат – буюртмачи томонидан, қурилиш устидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш вазифасини ҳал қилиб олиб бориладиган назорат;

техноген омиллар – инсоннинг табиий таркиблари, техногенез ҳодисаларини пайдо бўлишига ва авж олишига сабаб бўлувчи, техноген шаклидаги таъсири элементлари;

техногенез – одамларнинг техникавий ва технологик фаолияти таъсирида табиий мажмуаларни ва табиий шароитларни ўзгартириш жараёни;

технологик лойиҳалаштириш меъёри – саноат корхоналари ва иншоотларининг технологик жараёнларини лойиҳалаштириш бўйича вазирлик ва муассасалар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар;

технологик харита – тез такрорланадиган қурилиш-монтаж ишлари турларини ва ишни олиб бориш лойиҳаси ўрнига ёки унга қўшимча сифатда фойдаланиладиган маъқул ва барқарор ишлаб-чиқариш технологиясини ўрнатувчи ҳужжат;

тизим – белгиланган негизга бўйсундирилган ва умумий вазифани бажарувчи бинолар, қурилмалар, жиҳозлар, асбоблар ва бошқа техникавий воситалар, тушунчалар, меъёр ва қоидалар (улар орасидаги алоқалар билан) йиғиндиси;

тиксотроп қоплама – иншоот ва тупроқ ўртасидаги ишқаланишни камайтириш учун тегишли хоссали, таркибли ва қуюқликдаги лойли қоришма қатлами (масалан, чуқур таянчли қудуқни туширишда);

тиндиргич – сувнинг жуда секин оқиши туфайли оқимдаги бегона зарралар, жисмлар чўкиб тўпланадиган ҳовуз ёки резервуар;

тиндириш чуқури – тиндириш жараёнида оқава сувларини тўплаш ва бирламчи тозалаш учун мўлжалланган ҳовуз ёки резервуар;

типли қурилиш конструкциялари, буюмлари, тугунлари – бинолар ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари, буюмлари, тугунларига ўхшаш ёки қурилишда кўп марта такрорлаш учун махсус ишлаб чиқилган, қоидага кўра, анологлар билан солиштирганда жуда яхши техник-иқтисодий кўрсаткичларга ва сифат характеристикаларига эга бўлган ҳамда ўрнатилган тартибда типли конструкциялар, буюмлар, тугунлар сифатида қабул қилинган қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларидир;

тиргакли ферма панжараси – устунлар ва пастга тушувчи ёки юқорига чиқувчи тиргаклар тизимидан ташкил топган ферма панжараси;

тиргаксиз ферма панжараси – устунлардан бажарилган ферма панжараси;

тиргович (контрофорс) – асосий юк кўтарувчи қурилмани (кўпинча деворни ташқи томонидан) кучайтирувчи ва асосан горизонтал кучни ўзлаштирувчи тик бўртиқ ёки қўшимча қурилма;

тиргович девор – орқасидаги замин қатламини ўпирилишдан тўхтатиб турувчи ва унинг юзасида жойлашган кучланишни (юкламани) ўзлаштирувчи қурилма;

тирқиш ёпгич (нащельник) – туташувчи конструктив элементлар орасидаги тирқишларни ёпишга мўлжалланган чизиқсимон накладка кўринишидаги ингичка погонажли маҳсулот;

тиртиқлар – тош сиртига ўйилган чизиқли чуқурчалар, улар тош терилмасининг мустаҳкамлик хоссаларини яшилашга мўлжалланган;

титул рўйхати – маблағлар ажратиш режасига қўшиладиган, қурилаётган (қайта тикланаётган, кенгайтирилаётган) бинолар, иншоотлар, корхоналар ёки уларнинг қисмлари рўйхати;

тиш девор – заминга қоқилган тиш қозиқлардан ташкил топган (ёғоч, темир-бетон, пўлат) сувўтказмас тўсиқ сифатида хизмат қилувчи ва гидротехник иншоотни шакллантиришда (соҳиллар, шлюзлар, камералар ва ш.к.) хандакларни, ўраларни ва ш.к. тўсиш учун яхлит девор;

тобланган шишадан олинган полотно – тобланган шиша листлари бўлиб, шиша эшиклар ва витриналарни тайёрлашда, металл фурнитурани маҳкамлашда уларнинг қирраларига, тешиклари ва кесиб олинган жойлар ва бошқаларга ишлов беришда қўлланилади;

товуш ютувчи конструкциялар – товуш ютувчи материалларни ўз ичига олган конструкциялар. Энг кўп тарқалган материаллар – овоз ютувчи шифт юзаси кошинлари (қопламалари), девор, шамоллатиш каналлари, шахта ва б;

товуш ютувчи кошинлар (қопламалар): – товуш ютувчи материал билан хонанинг тўсиқлари ички юзаларининг барча ёки бир қисмини қоплаш;

товуш ютувчи материаллар – ғовакли ўтказувчанликка эга бўлган ва товуш ютувчанлиги деярли юқори коэффициентга (0,2 дан ортиқ) эга бўлган материал. Шовқинни пасайтиришни талаб қилувчи, хоналарни ва техник қурилмаларни қоплаш учун, шунингдек, томоша заллари, радиостудиялар ва бошқаларнинг акустик хусусиятини яхшилаш учун ишлатилади;

товуш-изоляция материаллар (асосан рулонли, плиткали) – қаватлараро ораёпма конструкцияларида, ички деворларда ва пардеворларда (минерал толали ва шиша толали матлар ва плиталар) ҳамда виброизоляция пробкалари (эластик газ билан тўлдирилган пластмассаларда, қуйма ёки ғалвир резиналар) техника ва ускуналар остида ишлатилади;

тоғ босими – ер оста ишламалари қопламасига (мустаҳкамлигига), мувозанат ҳолати табиий тектоник ҳодисалар ва ишлаб-чиқариш жараёнлари (ерости ишлари) натижасида бузилган, уни ўраб турган тоғ жинсларига таъсир этувчи кучлар;

тоғ жинсларининг микро тузилиши – тоғ жинсларидаги минерал доналарининг чегара оралари тузилиши;

тозалаш иншоотлари – оқава сувларни ифлослантирувчилардан мунтазам равишда тозалаш учун мўлжалланган махсус муҳандислик қурилмаси;

токретбетон – сиқилган ҳаво босими остида боғловчи ва тўлдирувчининг қуруқ аралашмаси ва сув алоҳида бериладиган сопло орқали цементли аралашма ёки бетон қоришмасини юзага ёки қолипга сепиш (торкретирлаш) орқали олинадиган юқори мустаҳкам бетон. Қоришманинг соплодан юқори тезликда отилиб чиқиши унинг юза ёки қолипга зич ўрнашишини таъминлайди;

толали бўлмаган аралашмалар – ватадаги ҳар хил шаклдаги қотиб қолган толасиз қотишма зарралари;

толь – томёпма картонини тош кўмирли ёки сланцли дегтевли маҳсулотлар билан қайта ишлаш орқали олинадиган том ёпиш ва гидроизоляцияловчи материал;

том – бино ва иншоотларни иқлимий факторлар ва таъсирлардан муҳофаза этишга мўлжалланган устки юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкция;

томёпма – чордоқли ва чордоқсиз томларнинг йук кўтарувчи, гидроизоляцияловчи ва иссиқлик изоляцияси вазифаларини бажарувчи устки тўсиқ конструкцияси;

томёпмалари таг қисми учун асос – юк кўтарувчи плиталар ёки текисловчи қатламларнинг иссиқлик изоляцияланувчи сирти бўлиб, бу сирт юзасига сувдан изоляцияловчи (ўрамли ёки мастикали) тўшама қатламлари ёпиштирилади. Асбестцементли листлар ва бошқа материаллардан бажариладиган донали листларни маҳкамлаш учун таянчлар (прогонлар ёки панжаралар) асос сифатида хизмат қилади;

томёпма асбестцемент лист – узунлиги ва кенглиги 600 mm дан ва қалинлиги 5 mm дан кўп бўлмаган ясси асбестцемент маҳсулоти;

томёпма материал – том учун мўлжалланган қурилиш материаллари бинони атмосфера ёғинларидан ҳимоя қилувчи қопламанинг юқори гидроизоляция қатламидир. Баъзи ҳолларда (эксплуатация қилинаётган томлардан автотураргоҳлар сифатида фойдаланиш, ёзги кафе учун ва ҳоказо), том ёпиш материалларига ҳам эстетик талаблар қўйилади;

том ёпиш темири – том ёпиш пўлат варақлари қалинлиги 0,38 дан 82,00 mm гача бўлган юпқа рулон лист шаклида ишлаб чиқарилади. Том ёпиш темири, том ёпиш учун ва қурилишда ёрдамчи деталлар ишлаб чиқаришда ишлатилади;

том картони – битумланган ва қатронли том ёпиш ва гидроизоляция ишлари учун мўлжалланган, юқори шимувчанлик хусусиятга эга бўлган картон. Том ёпиш картони қоғоз макулатуралари, мато чиқиндилари ва ёғоч целлюлозасидан эрувчан битум билан шимдириш йўли билан олинади;

том разжелобоки (ендова) – ёмғир суви сизиб ўтишини олдини олиш учун том қирралари қопламаси;

тоннель (тунель) – темирйўллар ва автомобиль йўллари, пиёдалар ўтиш йўлаклари, коммуникациялар ва ш.к.ларни ўтказиш учун мўлжалланган узун ерости иншооти;

торкетирлаш – сиқилган ҳаво воситасида, ишлов берилаётган юзага (ёки шаклга) цемент-қум қоришмасини (торкет) ёки бетон аралашмасини (сачратма бетон) бериш;

тортгич – арканинг очилувчи оралиқ, гумбаз, стропил ва бошқалар қурилиш конструкцияларини бириктирувчи охирги тугун юкини ўзига олувчи стерженсимон элемент;

тортиб бажариладиган шифт – махсус каркасга тортиладиган юпка плёнка ёки матодан иборат бўлган шифт бўлиб, бу плёнка ёки мато девор периметри ёки базавий шифт бўйича маҳкамланади. Тортма шифтларни исталган конфигурациядаги хоналарга, ҳар хил қияликда ва турли текисликларда ўрнатиш мумкин; уни битта текисликдан бошқасига кескин ва бир текис ўтказиш мумкин, гумбазлар чодирлар шаклини яратиш имкони мавжуд ва ҳ.к. Осма шифтлар рангларнинг кенг гаммасига эга ҳар хил ёритиш приборларини ўрнатиш, вентиляция, сигнализация ва ёнғинга қарши хавфсизлик тизимини қўллаш имконини беради;

тортқич – арка, гумбазлар, чордоқ тўсинларини тортиб турувчи қурилмалар кучини ўзлаштирувчи ва ш.к. бинокорлик қурилмаларини тугалланиш тугунларини бириктириб турувчи асосий элемент;

торф қатрони – ярим кокс ишлаб чиқаришда торфни термик қуруқ ҳайдаш (пиролиз қилиш) маҳсулидир. У углеводородлар ва улар ҳосилаларининг мураккаб аралашмасини ўзида мужассам этади. Торфли қатронда феноллар ва уларнинг эфирлари, парафинлар, мумлар мавжуд.

торфланган грунт – қум ва гилсимон грунт бўлиб, у ўз таркибига қуруқ ҳолатда 10 % дан 50 % гача (масса бўйича) торфни киритади;

тош (блок) – териш учун олдиндан колипланган тош элемент;

тош терилмаси чокларини тўлдириш – деворлар учун тўғри шаклда териш чокларини яратиш жараёни бўлиб, бу жараён деворларда бошқа пардозлаш операциялари кўзда тутилмаган ҳолларда бажарилади;

тошли конструкциянинг боғланиши – тошлар (блоклар)лар терилмасида уларнинг ўзаро таъсирланишига эришиш мақсадида аниқ бир қоидалар бўйича шу тошлар (блоклар)нинг регуляр кетма-кетликда жойлашуви;

траверса – асосий конструкцияга нисбатан кўндаланг йўналишда жойлашадиган ва вертикал элементларга таянадиган конструкциялар элементи;

траверсия устунлар учун – пўлат устуннинг таянч қисмидаги ва устун стерженига ҳамда таянч плитасига пайвандланадиган вертикал консолли қовурғалар кўринишидаги

конструктив элемент бўлиб, бу элемент юкларни таянч плитасига бир текис узатиш учун мўлжалланган;

тратуар – пиёдалар учун мўлжалланган кўча қисми, йўлак;

травертин (оҳакли туф) – углерод оксидлари (карбонат ангидрид) манбалари билан тўпланган ғовакли оҳак (зич туф) томчиларининг оқиб тўпланиши. Декоратив ва қурилиш тоши сифатида қўлланилади, оҳак пишириш учун хомашё бўлиб хизмат қилади;

трамбовкаланган котлованлардаги пойдевор – қазилиб трамбовкаланган ва сўнгра бетон қуйиш ёки йиғма элементларни ўрнатиш билан қуриладиган пойдевор;

транспорт ечими – транспорт воситалари келишувчи турли тоифадагиларни ажратиш ёки бир тоифадаги ажратиш ёки бирлаштириш учун хизмат қилувчи бир ёки бир неча сатҳда ўрнатиладиган муҳандислик иншооти ёки иншоотлар мажмуаси;

трасса – жойида лойиҳавий ҳолатга жавоб берувчи икки горизонтал (режа билан) ва тик (бўйлама кўриниши) проекция билан аниқланувчи чизиқли иншоот ўқининг ҳолати (йўл, қувурўтказгич, ЭУЧ ва ш.к.);

трахитлар – порфирли вкрапленниклар ва микролитлар кўринишидаги калийли дала шпати, плагиоклаз, баъзан вулқон шишаси ва рангли минераллардан ташкил топган эффузив тоғ жинслари. Ўзининг минералогик ва кимёвий таркиби бўйича улар сиенитларга ҳам ўхшаш бўлади, лекин трахитлар анча ғовакли материаллар қаторига киради. Шунинг учун трахитларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси юқори эмас, яъни 60-70 МРа ни ташкил этади; зичлиги 2500 kg/m^3 атрофида, уларнинг музбардошлиги эса сенитларникига қараганда катта эмас. Кулранг тусга эга бўлган чиройли қурилиш ва декоратив тош;

трепел – ўз хоссаларига кўра диатомитга ўхшайдиган енгил ғовакли чўкинди жинс. Лекин у деярли скелетли қолдиқлардан маҳрум бўлган жинс ҳисобланади. Трепелнинг ўртача зичлиги (ҳажм бўйича) 600-1000 kg/m^3 ни ташкил этади. Оқ, оч кулранг, сарғиш, баъзан қора тусга яқин бўлган тўқ кулранг ёки доғли (битум аралашмаси билан бўялган) кўринишда учрайди, тилга яхши ёпишади ва ўзига сувни кучли шимади. Трепел 75-90 % цементлашган майда думалоқ опал заррачалари кўринишидаги мўрт (аморф) кремнеземга эга. Диатомит ва опокага ўхшаш тарзда қўлланади; ундан динамит тайёрлашда фойдаланилади;

трос – 25 mm дан қалин бўлган барча арқонлар ва канатларнинг умумий номи;

тугатиш, якунловчи тошлар – якунловчи тўплам ёки арканинг юқори марказий якунловчи тоши. Бу ҳанжар кўринишидаги блок ёки ғишт бўлиб, текисликдан бироз чиқиб туради;

тугун – қурилиш конструкциялари, қурилиш конструкциялари элементлари ва улар ташкилий қисмларининг ўзаро бириккан, бирлашган, туташган жойи;

тугун бириктирувчиси – ёғоч конструкцияларни механик боғланишлар билан бириктирувчи (бирлаштирувчи) элемент бўлиб, бу элемент тугун юзасини кенгайтириш ва қирқилишга қарши ишчи боғланишлар сонини кўпайтириш имконини таъминловчи пластиналар кўринишида бажарилади;

туман – ўзаро боғлиқ элементлари яхлитлиги ва мажмуавийлиги тўлдирилиши билан ажралиб турувчи ҳудуд;

тунука – қалинлиги 0,08 дан 0,32 mm гача бўлган юпқа совуқ ёйилган рулонланган пўлат. Озиқ-овқат воситалари ва атмосфера коррозияси таъсиридан ҳимоя қилиш учун -

қалай (оқ тунука), хром, махсус лаклар ва бошқалар юзасига ҳимоя қопламалари қўлланилади;

турар-жой комплекси – ягона архитектура услубида қурилган, ягона ҳудудий – макон яхлитлилигини ҳосил қиладиган ва ягона махсус режалаштирилган ҳудудда бирлашган бир нечта турар ва нотурар бинолар;

туташиб боғланган бирикмалар – охирги учлари билан бир-бирига туташадиган иккита элементни пайвандлаб бириктириш;

туташма – каркас икки элементининг қисмларга ажраладиган жойи бўлиб, бу жой юкни каркаснинг бир элементининг бошқасига узатиш зонаси ҳисобланади;

туташтирувчи қувурўтказгич – ёнғинга қарши моддалар манбасини бошқарув узели билан боғловчи қувурўтказгич;

туташув тармоғи – электрқувватини электрлаштирилган транспорт ток қабул қилувчиларига (электрташигич, моторли вагон, трамвай, троллейбус) олиб бориш учун мўлжалланган, чизиқли ток ўтиш ҳимоялаш, қувватловчи ва таянч элементларининг йиғиндиси;

туташув чизиғи – бир темирйўли (трамвай) ёки троллейбус ҳаракат йўналишига тааллуқли туташув тармоғининг кисми;

тутқич – периланинг погонажли материал (масалан, ёғоч ёки рангли металл ва ҳ.к.лар)дан силлиқ ҳолатда ишланган юқори қисми бўлиб, у одам қўллари учун таянч вазифасини бажаради;

тутун чиқаргич – ёниш маҳсулотларини ўчоқ ёки қозон ўчоғидан атмосферага олиб чиқиш учун мўлжалланган канал, уни бино тош деворининг ички қисмига жойлаштиришади ёки у тутун чиқарувчи қувурни ўзида намоён этади;

тутундан, ёнғиндан хабар бергич – атмосферадаги пиролиза ва (ёки) ёнаётган қаттиқ ёки суюқ маҳсулотлар зарраларини сезувчи ёнғиндан хабар бергич;

тутундан оптикали ёнғиндан хабар бергич – инфрақизил, ультрабинафша ёки кўринадиган спектр диапазонларида нурнинг ютилиш ёки тарқалишига таъсир қилиши мумкин даражадаги ёнғинларга сезувчан бўлган ёнғиндан хабар бергич;

туф – турли тоғ жинслари гуруҳидир. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: углерод оксидлари манбаларининг қатламланишидан ҳосил бўлган оҳакли туф – енгил ғовакли жинслар; вулқон туфи – вулқон отилишидан ҳосил бўлган зичланган ғовак маҳсулотлар; кремнийли туф – иссиқ ёки қайноқ манбаларнинг қатламлари. Ҳамма туфлар бебаҳо қурилиш материаллари (енгил бетонларнинг тўлдирувчилари, деворбоп материаллар) сифатида қўлланилади;

туфбетон – енгил бетонларнинг бир тури бўлиб, унда туф тўлдирувчи сифатида хизмат қилади;

тушиш қудуғи – тарҳи бўйича турли кўринишда тайёрланадиган ва ички қисми бўш бўлган цилиндрсимон қобиқ бўлиб, у грунтни қазиш жараёнида грунтга жойлаштирилади. Тушиш қудуғи асосан босимни грунтнинг пастки анча мустаҳкам қатламларига узатувчи чуқур таянчларни ва грунтга чуқур жойлаштириладиган хоналар (иншоотлар)ни қуришда қўлланади. Темир-бетон (йиғма ва қуйма) тушиш қудуғи учун асосий материал сифатида хизмат қилади. Тушиш қудуғининг девори вертикал силлиқ ҳолатда ёки ички қисмининг пастки томонидан юқори томонга сўниб борувчи поғонасимон кўринишда бажарилади.

Грунт экскаваторлар, грейферлар, гидроэлеваторлар ва бошқа ер қазиш машиналари ёрдамида қазилади;

тўсиқ – муайян ҳудудни тўсиш (ҳимоя қилиш) ва чегаралашга (чегарани белгилашга) хизмат қиладиган қурилма. Тўсиқлар узлукли ёки узлуксиз (бўшлиқлар билан) бўлади. Ишлатиладиган материалига қараб тўсиқлар, ёғочли (яхлит тахтадан), тошли, темир-бетондан (яхлит ёки йиғма), темирдан (ҳар хил профиллардан пайвандланиб, болғалаб ясалган, профнастилдан ясалган панжаралардан) ёки экилган табиий бўлиши мумкин;

тўсиқларни ёпиш – таянчлар ораларида ёки вертикал юзаларида жойлашган бинонинг қурилиш конструкциялари, тўсувчи элемент;

тўсин – икки ёки бир нечта таянчга горизонтал ёки қия ҳолатда жойлашган қурилиш конструкциясининг юк кўтарувчи элементи;

тўсинларнинг қаватлар бўйлаб бирикиши – тўсинларнинг тўсинли клеткаларда бирикиши, бунда тўсинлар настилларни бевосита кўтариб турувчи конструкция сифатида бош ёки иккинчи даражали тўсинларга ётқизилади;

тўсиннинг минимал баландлиги – тўсиннинг шундай энг кичик баландлиги-ки, бу баландликда тўсиннинг эгилган жойи чегаравий меъёрий катталикдан кичик бўлади, лекин бунда материалнинг мустаҳкамлигидан ҳисоблашда тўлиқ фойдаланилади;

тўсин-девор – юпқа кўндаланг кесимга эга бўлган тўсин шаклидаги конструктив элемент бўлиб, унинг баландлиги уни ёпувчи элементнинг узунлиги билан мутаносиб бўлади;

тўсиннинг мақбул баландлиги – металл тўсиннинг баландлиги бўлиб, бу баландликда тўсин ўзининг берилган қаршилик моменти билан металлни энг кам сарфлаган (белбоғлар ва деворларининг жамий вазни минимал бўлган) ҳолда олинади;

тўсувчи конструкцияларнинг нам ўтказувчанлиги – тўсувчи конструкциянинг ички ва ташқи сиртларидаги фарқ қилувчи парциал босимлар таъсири остида намни ўтказиш хоссаси;

тўсувчи қурилмалар – бино ва иншоотларда ички ҳажмларни ташқи муҳитдан ёки ўзаро мустаҳкамлик, иссиқликдан ва намдан ҳимоялаш, шунингдек, буғдан ҳимоялаш, ҳаво ўтказувчанлик ҳамда товушдан ҳимоялаш, ёруғликка шаффофлик ва ш.к. бўйича меъёрий талабларни ҳисобга олиб ҳимоялашга мўлжалланган бинокорлик қурилмалари;

тўсиқ конструкция – норматив талабларни ҳисобга олган ҳолда бинодаги ички ҳажмларни ташқи муҳитдан ва (ёки) ўзаро мустаҳкамлик, шунингдек, иссиқлик, намгарчилик, буғ, ҳаво, товуш, ёруғлик изоляциясини таъминлаш учун мўлжалланган қурилиш конструкцияси;

тўғон – сув оқими ва унинг ҳавзасини сув сатҳи кўтарилиши учун тўсиб турувчи сув тиргак гидротехник иншоот;

тўғон диафрагмаси – тупроқли ашёлардан қуриладиган тўғон ичида, девор кўринишида тупроқ бўлмаган ашёлардан қилинган (бетон, темир-бетон, металл, ёғоч ёки полимер пардавий ашёлар) сизишга қарши қурилма;

тўғон тиши – бўртиқ кўринишдаги, пойдевор билан боғлиқ асосга чуқурлаштирилган, сув сизиш йўлини узайтиришга ва тўғоннинг турғунлигини оширишга хизмат қилувчи тўғон элементи;

тўғон тўсгичи – кам сув сингдирувчи ашёлардан, тупроқли, тош-тупроқли ёки тош-уюмли тўғоннинг юқори нишаблилиги бўйича жойлашадиган сизиб ўтишига қарши ускуна;

тўғон ядроси – тупроқли тўғоннинг марказий сизишга қарши кам сув сингувчи заминдан девор кўринишда бажарилган элементи;

тўғри ўтувчи михчўп – узунлиги маҳкамланадиган элементларнинг қалинлигига тенг ёки ундан ошувчи михчўп;

тўла ҳажмли тош – маҳсулотни ушлаб туриш учун технологик бўшлиқли ёки бўшлиқларсиз девор тоши;

тўлдиргич – органик боғловчилар (бўёқ таркиби, асфальтли бетон ва эритмалар, битумли мастикалар, резинали ва пластмассали материаллар) асосидаги мураккаб материаллар нархини пасайтириш ёки хусусиятини яхшилаш учун қўшилган нозик майдаланган минерал;

тўлдириладиган қозиқлар – тўлдириладиган қозиқлар темир-бетонли ва бетонли бўлади. Бундай қозиқлар грунтни мажбурий қисиш ва сиқиб чиқариш натижасида ҳосил қилинган скважиналарга бетон қоришмасини қуйиш билан қурилади. Қуриш усули бўйича тўлдириладиган қозиқлар қуйидагиларга: грунтни чиқармасдан машина-раскатчиклар билан грунтни ён томонларга сиқиш ҳамда зичлаш ва сўнгра ҳосил қилинган бўшлиққа бетон қоришмасини қўйиб тўлдириладиган қозиқларга, грунтда пирамида ёки конуссимон шаклдаги скважиналарни штамповкалаш ва зичлаштирилган чуқурга бетон қоришмасини қуйиш йўли билан тўлдириладиган қозиқларга, пўлат қувурсимон снарядлар билан ўйилган скважиналарга чақиқтошни порциялаб сепиш ва зичлаш, уларга бетон қоришмасини қуйиш ва шу қуйилган бетон қоришмасини зичлаштириш билан тўлдириладиган қозиқларга бўлинади;

тўлиқ йиғилувчан қурилиш – бино ва иншоотларни юқори даражада завод тайёрлигидаги йирик элементлардан тиклаш;

тўлқинсимон (қат-қат бурамали) конструкциялар – қобиқ кўринишидаги юпқа деворли конструкциялар бўлиб, улар ясси элементлар (пластиналар)дан ташкил топади, бу элементлар бир қанча бурчаклар остида ўзаро бирлаштирилади. Тўғри бурчакли тўлқинсимон (қат-қат бурамали) конструкцияларни призматик конструкциялар деб аталади. Замонавий қурилишда монолит ёки йиғма темир-бетондан тайёрланадиган тўлқинсимон конструкциялар (шу жумладан олдиндан зўриқтирилган конструкциялар ва армоцементли конструкциялар) кенг тарқалган, улар саноат ва жамоат биноларини ёпиш учун қўлланади;

тўпламли паркет – тахтачаларнинг ранги ва расмлари бўйича олдиндан танланиб, қоғоз ёки эластик материалга елимланган, пол қопламаси конструкцияси устига ёпиштириладиган паркет тахтачалари тўплами;

тўхтовсизлик – эксплуатациянинг берилган шарт-шароитларида мажбурий танаффусларсиз аниқ вақт давомида қурилмаларнинг ўз иш қобилиятини сақлаш хоссаси;

тўшама – грунт, чақиқтош ёки бошқа материалдан бажарилган тўшама қатлам бўлиб, у юқорида жойлашган муҳандислик иншоотидан юкни қабул қилиб олади;

тюбинг – ерости иншоотлари (тонеллар, шахта стволлари ва ш.к.лар)нинг йиғма маҳкамлаш элементи;

углеродли (карбонли) оловбардош буюмлар – углерод хомашёси асосидаги оловбардош буюмлар гуруҳи. Углеродли оловбардош буюмлар массага нисбатан фоизларда углерод миқдорига боғлиқ ҳолда учта турга ажратилади: графитли – 98 % гача, кўмирли – 85 % гача ва углеродли – 8 % дан 82 % гача. Одатда углеродли оловбардош буюмларга дастлабки икки тур тегишлидир;

узликли пойдевор – заминга кичик чуқурликда узлукли ҳолатда ётқизиладиган, қум ёки шағал билан тўлдирилиб йирик блоклар-ёстиқлар ёрдамида бажариладиган йиғма пойдевор;

узлуксиз ҳаракат тегирмони – ҳар хил қаттиқликдаги хомашёни узлуксиз юклаш ва тушириш билан майда ҳамда нозик майдалаш (силлиқлаш) учун агрегатлар. Конструкцияси ва ишлаш принципига кўра, узлуксиз тегирмонлар шарсимон (цилиндрик ва конус шаклида) ковак цапфалар орқали юклаш билан; шарсимон периферик тушириш билан; трубали кўп камерали; марказдан қочирма; шахтали, тебранишли ва тез отувчи. Узлуксиз тегирмонлар ҳаво ажратгич билан ёпиқ шаклда ишлайди;

умумқурилиш цементи – цемент, талаб қилинган бетон ёки қоришманинг мустаҳкамлиги ва узоқ муддат хизмат қилишини таъминлашидир;

ундаш системаси – ёнғин ўчириш дренчери, шунингдек, газли ёки кукунсимон ёнғин ўчириш қурилмаларини автоматик ва масофали ишга тушириш учун мўлжалланган сув, сувли эритма, сиқилган ҳаво билан тўлдирилган қувур ўтказгичлар;

усти берк ҳовли – ҳимояланган турдаги ёзги иморат, қуйидаги шакл ва кўринишларга эга: “қашқарча” – икки хона ўртасидаги равон, кўтарма панжаралар билан ўралган айвон; “уй-айвон” – хоналар билан ўралган ҳовли; долон – усти берк йўлак; “болахона” – йўлак тепасидаги ёзги хона;

устки бетон қатлами – тош ёки тош бетон юзалари устидаги бетон қатлам;

устки пайвандлаш – буюм сиртига пайвандлаш воситасида металл қатламини сепиш (бериш) усули. Қурилишда устки эритиш усулидан тасмаларни ўқлар, валлар ва қурилиш-йўл техникаси бошқа деталларининг қайта тикланадиган юзаларига электр-импульсли пайвандлаб бириктиришда фойдаланилади;

устки прогон – нишабли томларнинг элементи бўлиб, уларнинг устига стропилаларнинг юқори учлари таянади;

уст тўшама – ораёпма ёки том ёпмасининг элементи бўлиб, у таянч юк кўтарувчи конструкцияларга ўрнатиладиган (девор, тўсин, ригел, прогонлар) ва кўп қаватли биноларда пол қурилмалари учун, саноат биноларида, том қурилмалари ёки технологик иш майдонлари ва б. лари учун мўлжалланган;

устун – бинонинг (иншоотнинг) юк кўтарувчи конструкциясининг стерженсимон элементи, каркаснинг асосий элементларидан бири бўлиб, уларга таяниб турган балкалар, ригеллар, фермалар ва бошқаларнинг юкларини ўзига олувчи вертикал таянч;

устун бошмоғи – устуннинг кенгайган пастки таянч қисми бўлиб, у юкни заминга (асосга) тенг тақсимлаб узатиш учун хизмат қилади;

устун каллаги – устуннинг тепа қисми бўлиб, унга устки юкланадиган конструкция таянади;

устун қозиқ – цилиндрик (ёки призмавий) темир-бетон козиқлар кўринишидан бири, яхлит кесимли. Аввалдан бурғуланган қудуқларга туширилиб, қудуқ ва темир-бетон элемент орасидаги тирқиш қум-цемент ёки тупроқ қоришмаси билан тўлдирилади;

устунсимон пойдевор (алоҳида) – тарҳи бўйича катта бўлмаган ўлчамларда алоҳида турувчи таянчлар кўринишида бажариладиган пойдевор бўлиб, ундаги таянчлар устунлар ёки пойдевор тўсинларини кўтариб туради. Бундай пойдевор қуйма, йиғма ёки комбинациялашган турларда тайёрланади;

устун траверсаси – устун стерженига ва таянч плитасига пайвандланган, вертикал консол қовурға кўринишдаги пўлат устуннинг таянч қисми, юкни таянч плитасига бир текисда узатишга мўлжалланган конструктив элементи;

устунлар қатори – ораёпмани ушлаб турувчи устунлар қатори;

устунлар панжараси – устуннинг консолли таянчлари, кўндаланг планкалар, ҳовонлар, тиргакларни бирлаштирувчи ва консолли таянчларнинг биргаликда ишлашини таъминловчи панжара;

устунлар стержени – юкни устуннинг бош қисмидан унинг базасига узатувчи асосий конструктив элемент;

устунсимон пойдевор (алоҳида) – тарҳи бўйича катта бўлмаган ўлчамларда алоҳида турувчи таянчлар кўринишида бажариладиган пойдевор бўлиб, ундаги таянчлар устунлар ёки пойдевор тўсинларини кўтариб туради. Бундай пойдевор қуйма, йиғма ёки комбинациялашган турларда тайёрланади;

утригерлар – баланд биноларнинг бикирлик ядросидан чиқиб турувчи конструктив элементлар бўлиб, улар тиргакли ёки тиргаксиз (“верендел тўсини” деб номланган) фермаларни ўзида мужассам этади, одатда, бу фермалар бинони баландлик бўйича функционал ва ёнғинга қарши бўлмаларга ажратувчи техник қаватлар сатҳида жойлашади;

уч қатламли панель – учта асосий қатламга эга бўлган панель. Яхлит кесимли уч қатламли панель арматураланган бетонли қатламлар ва иссиқлик изоляцияловчи қатламдан ташкил топган ички ва ташқи қатламлардан иборат бўлиб, иссиқлик изоляцияловчи қатламлар бетонли қатламлар орасига жойлаштирилади. Экранли уч қатламли панель ички арматураланган бетонли қатлам, иссиқлик изоляцияловчи қатлам ва ташқи экранга эга бўлади;

ўзакдаги назорат қилинадиган кучланиш – олдиндан зўриқтирилган қурилмалар, зўриқиш ўзагидаги ҳисобий зўриқиш катталиги;

ўзи зўриқувчи қурилма – олдиндан зўриқтирилган қурилмаларнинг тури, ўзаклар зўриқишига кенгаювчи цементда, бетоннинг қотиши жараёнида ҳажми катталашуви натижасида эришилади;

ўзида зўриқтирилган конструкциялар – олдиндан кучайтирилган темир-бетон конструкцияларнинг бир тури, арматура кучланишига бетоннинг қаттиқлашиши пайтида кенгаядиган цемент ҳажмининг ошиши натижасида эришилади;

ўйилган скважиналардаги пойдевор – ўйилган штампларни ёки тархи бўйича турли конфигурацияларда бурғилаб ўйилган ва баландлик бўйича чуқурлиги 3 дан 6 m гача бўлган бўшлиқларни (шу жумладан ичи йирик қум, чақиқтош билан олдиндан тўлдирилган бўшлиқларни такроран ўйиб) бетонлаштириб ёки трамбовкалаб тайёрланадиган конструкция;

ўқ бўйлаб чўзувчи юк – синашнинг берилган моментида намунага таъсир қилувчи юк;

ўпирилишга қарши галерея – темирйўл ёки автомобиль йўллари қисмларини тоғ ўпиришидан сақловчи иншоот;

ўрамли материаллардан ишланадиган пол – турли ўрамли материаллар (линолеум, каучук, пўкак, тукли мато) пол қопламаси материали сифатида хизмат қилувчи пол;

ўрмон боғи – аҳоли дам олиши, шаҳарсозлик муҳитни соғломлаштириш вазифаларига мўлжалланган, нисбатан катта шаҳар ичида ёки ташқарисидаги ўрмон массиви;

ўрнатма – шунтин ёки қозиқлар боши қатори устига ётқизилган, горизонтал брус;

ўртача зичликдаги ёғоч толали плита – зичлиги 600 дан 800 kg/m^3 гача бўлган ва ишлаб чиқаришнинг қуруқ усулида прессланган ёғоч толали плита;

ўт ўчириш моддасининг ҳисобий миқдори – меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ белгиланган ва ёнғин содир бўлганда, дарҳол фойдаланишга тайёр бўладиган, ёнғин ўчириш қурилмасида сақланадиган ёнғинга қарши модда миқдори;

ўт ўчириш моддаси – ёнишни тўхтатиш учун шароит яратишга имкон берувчи физикавий ва кимёвий хусусиятларга эга бўлган модда;

ўт ўчириш моддаси заҳираси – ёнғин ўчиришда, берилган вазифани бажара олмаганда ёки қайта алангаланадиган ҳолларда дарҳол фойдаланишга тайёр бўлган, ўт ўчириш моддасининг талаб қилинадиган миқдори;

ўт ўчириш моддалар заҳираси – ўт ўчириш моддаларнинг ҳисобий миқдори ва заҳирасини тезда тиклаш учун объектда сақланадиган, талаб қилинадиган ўт ўчириш моддалар миқдори;

ўт ўчириш моддаларни етказиб беришнинг меъёрий интенсивлиги – меъёрий ҳужжатда кўрсатилган ўт ўчириш моддаларини етказиб бериш интенсивлиги;

ўт ўчириш моддасини узатиш интенсивлиги – вақт бирлигида, майдон (ҳажми) бирлиги учун етказиб бериладиган ўт ўчириш моддаси миқдори;

ўтиш кўприги – кўприк, унга яқинлаштирувчилар (эскалада, ер уюмлари ёки қозиқлар), ростловчи ва қирғоқ ҳимояловчи иншоотлардан ташкил топган, муҳандислик иншоотлар мажмуаси;

ўтиш эгриси – турли эгриликдаги йўллар қисмларини шу жумладан, тўғри қисмлар ва асосий айлана эгрисининг равон ўтишини ҳосил қилувчи режадаги ўзгарувчан радиус эгриси;

ўтиш-тезланиш йўлкаси – юриш қисмининг асосий йўлкалари бўйича ҳаракатланаётган умумий транспорт оқимига кириш ёки тормозланишини таъминлаш учун ўтиш қисмининг қўшимча йўлкаси;

фавқулотда таъсири – кузатилиб бориладиган таянчнинг йўқолиши, муҳандислик тармоқлари ёки тизимларининг бузилиши, ишдан чиқиши билан бирга бинонинг юк кўтарувчи конструкциялари бузилишига олиб келадиган таъсир;

фазовий конструкциялар – уларга қўлланиладиган фазовий тизим кучларини қабул қилувчи конструкциялар;

фазовий қурилмалар – қўйилган фазовий кучлар тизимини ўзлаштиришга мўлжалланган қурилмалар;

фальц – металл кровля листларини бирлаштириш тури (элементи). Иккиталик тик фальц энг герметик ва нам ўтказмайдиган фальц ҳисобланади. Бу икки қўшни картиналар (листлар) орасида кровля текислигидан чиқиб турувчи бўйлама бирикма бўлиб, ушбу картиналар (листлар)нинг қирралари иккиталик букилган бирикмага эга бўлади;

фальш-пол – вентиляцияланадиган яширин ертўлага эга бўлган саноат биноларининг йиғиб ечиладиган поллари. Фальш-пол тагига электр-техник ва бошқа коммуникациялар ётқизилади;

фанера – бири-бири билан елимлаб бириктирилган уч ва ундан ортиқ силлиқланган шпон (юпқа фанера) листларидан ташкил топган қатламли елимланган ёғоч бўлиб, унинг қўшни қатламларида ёғоч толалари ўзаро перпендикуляр ҳолатда жойлашади;

фанера бакеллаштирилган (синтетик смола билан шимдирилган) – фенолформальдегидли спиртда эрийдиган (сувда эрийдиган) смолаларни қўллаб тайёрланадиган фанера;

фанера декоратив – завод шароитларида рангли қоғозли плёнкалар билан қопланган фанера бўлиб, бундай фанерадан деворлар ва шифтларни пардозлашда фойдаланилади;

фанера елимланган – бир-бири билан елимлаб бирлаштирилган қатламлардан ташкил топган ёғоч буюм бўлиб, унда бири иккинчисининг устига қўйилган қатламларнинг ёғоч толалари бир-бирига нисбатан тўғри бурчак остида ўтади;

фанера сувбардошли – юпқа фанера листларини фено ва крезол-формальдегидли елимлар билан ёпиштириб олинадиган фанера бўлиб, бу фанера турар-жой, жамоат, саноат биноларининг юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялари (елимлаб олинадиган балкалар ва аркалар, ораёпма щитлари, девор панеллари ва щитлари, қуйма (монолит) ва йиғма темир-бетон конструкциялар, поллар)да қўлланади;

фанерли плита – бир-бири билан елимланган етти ва ундан ортиқ листлардан ташкил топган қатламли елимланган ёғоч бўлиб, бу листлар қўшни қатламларидаги ёғоч толалари берилган йўналишга эга силлиқланган шпондан ишланади;

фаол иссиқ пол – асосига иситувчи элементлар (қайноқ иссиқлик ташувчи қувурўтказгичлар, электр кабеллари) жойлаштириладиган полдир;

фасад керамикаси – бинолар деворларини атмосфера таъсиридан ҳимоя қилиш, эстетик муоммаларни, биноларнинг табиатига мос равишда ҳал қилиш учун мўлжалланган керамик маҳсулотлар, шунингдек, биноларда панно (нақшли тасвир) ва ҳайкалтарошлик гуруҳларини яратиш учун меъморий ечимлар;

фасонка (металл фасонка) – ферманинг металл пластинка кўринишидаги детали бўлиб, бу деталь панжара ва камар стерженларини тугунга маҳкамлаш учун хизмат қилади;

фахверка – асосан кам қаватли бинолар конструкцияларининг бир тури бўлиб, бу конструкция горизонтал ва вертикал элементлар ҳамда тиргаклар тизими билан ҳосил қилинган енгил ёрдамчи каркасни ўзида намоён этади;

фаянс – керамик материал, оқ ғовак сопол парчаси; сув шимувчанликни камайтириш учун енгил эрийдиган глазур билан қопланади. Фарфордан фарқли ўлароқ у лой, бўр ёки оҳак миқдорига кўпроқ эга бўлади. Санитар-техник буюмлар, глазурланган пардоз плиткалари ва ш.к. буюмлар ишлаб чиқариш соҳасида кенг қўлланади;

фенол боғловчи асосидаги ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита – боғловчисининг асосий компоненти фенол-формалдегид смоласи бўлган ёғоч толали (ёғоч қипиқли) плита**;**

ферма – юк кўтарувчи қурилиш конструкцияси бўлиб, у тўғри чизиқли стерженлардан ташкил топган геометрик ўзгармас тизимни ўзида намоён этади, уларнинг тугунли бирикмалари одатда, шартли равишда шарнирли деб қабул қилинади, юклар эса тугунларга узатилади. Фермалар ясси ва фазовий бўлади;

ферма панеллари – ферма юқори белбоғининг участкалари бўлиб, улар ферма тугунлари орасига жойлаштирилади;

ферма панжараси – ферма контури ичида стерженли ясси тизимни ҳосил қилувчи вертикал (устунлар) ва қия элементлар (тиргаклар);

ферма-вантли – осма пўлат фермаларнинг бир тури бўлиб, унинг барча стерженлари ташқи кучлар (доимий ва вақтинчалик юклар)нинг берилган гуруҳларида фақат чўзилишга ишлайди;

ферманинг пастки тасмаси – чўзувчи куч (юк)ларни ўзига олувчи, стропил ферманинг ташқи контурида пастки қисмида жойлашган элементлар (стерженлар);

ферма стропилаости – устунлар ва учбурчакли панжарага ҳамда параллель горизонтал белбоғларга эга бўлган ферма бўлиб, уларга стропила фермалари маҳкамланади. Стропилаости фермалари оралиқ стропила фермаларини таянтириш учун мўлжалланган, бунда уларнинг қадами устунлар қадамидан кичик бўлади, шу билан бир қаторда улар устунлар ёки стропила фермалари орасида вертикал боғланишлар ролини ҳам бажаради;

ферма-стропилали – кровля юк кўтарувчи конструкцияларининг элементи бўлиб, стропилали ферма юкни темир-бетон ёки металл устунларга, деворлар стропила ости фермаларига узатади. Конструктив ечими, белбоғларининг ташқи чизиғи, панжарасининг типига кўра улар турлича бўлади;

ферма-тиргаксиз – панжарасининг вертикал стерженлари юқори ва пастки белбоғлари билан бикир ҳолатда бирлаштирилган ферма;

ферма-фазовий – бикир фазовий брусни ҳосил қилувчи ферма бўлиб, у исталган йўналишда таъсир қилувчи куч (юк)ларни қабул қила олади. Бундай бруснинг ҳар бир қирраси ўзида ясси фермани намоён этади. Башняли конструкция бундай брусга мисол бўла олади;

ферма-ясси – барча стерженлари битта текисликда ётувчи ферма. Ясси фермалар фақат улар ётган текисликка қўйилган кучларнигина қабул қилиши мумкин ва ўз текислигида боғланишлар ёки бошқа элементлар билан маҳкамланиши лозим;

фибролит – минерал боғловчи (цемент) ва махсус тайёрланган ёғоч қипиқлари аралашмасидан олинадиган иссиқлик изоляцияловчи ва конструктив қурилиш материали; 25 дан 100 mm гача қалинликда йирик ўлчамли плиталар кўринишида ишлаб чиқарилади;

фибролит акустик – ёғоч толаси ёки синтетик тола ва минерал боғловчи (портландцемент ёки гипс)дан олинадиган материал. Акустик фибролитнинг товуш ютувчанлиги 0,4 дан кичик эмас;

физик таъсир остида ўзгарадиган грунт – табиий грунтлар бўлиб, уларнинг тузилиши ва фазовий таркиби техноген таъсирлар (зичланиш, музлаш, термик таъсир ва б.) остида ўзгаради;

филенка – ёғочни силлиқлаб, профиллаштириб ёки ўйиб ишлаш билан бажарилган щит, у эшиклар, парда деворлар, панелларга ҳошия сифатида қўйилади;

филостадия ўрнатмаси – оқава сувларидан юпқа дисперсли қаттиқ ёки эмульцияланган суюқ механик аралашмаларни ҳаво пуфакчалари сиртига ёпиштириб ажратиб олиш учун мўлжалланган ўрнатма;

фитинглар – қувурларни бирлаштириш учун резбали деталлар бўлиб, муфталар (бир хил ёки ҳар хил диаметрли қувурларни тўғри ҳолатда бирлаштириш учун), бурчакликлар (қувурларни бурчакостида бирлаштириш учун), учталик тармоқлагичлар (битта қувурни бирлаштириш учун), крестлар (икки қувурни бирлаштириш учун), тиқинлар ва қопқоқлар фитингларнинг асосий типлари ҳисобланади;

EZR3847

флоат-шиша – олов билан тоблантирилган параллель сиртли ясси, шаффоф, рангсиз ёки рангли натрий-кальций-силикатли шиша. Флоат-шиша металлни эритиш билан толаларни ванна орқали узлуксиз ёйиб тарқатиш ва чўзиш методи бўйича тайёрланади;

флюс (металларни электр ёйи билан пайвандлаш учун) – пайванд ваннаси ва электр ёйини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимояловчи материал бўлиб, бу материал бирикувчи сиртларнинг кимёвий тозаланишини амалга ошириш ва чокнинг сифатини яхшилаш учун хизмат қилади;

фойдаланиладиган том ёпмаси – тўғри вазифаси бўйича ва бошқа мақсадларда (солярий, спорт майдончаси, дам олиш ва ш.к.) фойдаланиладиган том ёпмаси;

фольга – турли металлар ва металл қотишмаларидан тайёрланадиган юпқа листлар ёки тасмалар;

фольгоизол – том ёпиш ва гидроизоляциялашда қўлланиладиган ўрамли материал бўлиб, у ботиқ ёки бўртма чизиқлар билан қопланган (0,1-0,2 mm қалинликдаги) алюминийли фольгани ўзида намоён этади. Фольгоизолнинг бир томони резина-битумли ёки полимер-битумли масса билан қопланади;

фавора – сув сачратмаларини юқорига итарувчи босимостида ишлайдиган приборга эга бўлган иншоот бўлиб, ундан декоратив мақсадларда фойдаланилади;

формопласт – полихлорвинилли смола, пластификатор, мойлаш материалидан ташкил топган эластик материал; формопласт архитектура-қурилиш деталлари (ораёпманинг нақшли панеллари, деворларнинг фактураланган панеллари ва ҳ.к.лар), ҳайкаллар, керамик буюмларни ясашда қолиплар тайёрлаш учун мўлжалланган;

форточка – ўлчамлари, қоидага кўра, 350x450 mm дан ошмайдиган табақаларга эга бўлган ва хоналарни шамоллатишга мўлжалланган элемент бўлиб, унинг табақалари шарнирли боғланиш воситада табақа бруси ёки кесакиси билан бириктирилади;

форфорли тош – бўёвчи оксидлар миқдори кам бўлган енгил майда донали тоғ жинслари; эфир ва тоффларнинг кислотали таркибида гидротермал-метасоматик ўзгаришлар маҳсулоти. Таркибида 30-50 % (65 % гача) кварц бўлади. Чинни тайёрлашда, ишқорсиз иссиқликка чидамли шиша ишлаб чиқаришда ва оловга чидамли хомашё сифатида ишлатилади;

фронтон – пешайвон (портик), устунда, бино фасадининг якунловчи (одатда, учбурчак шаклидаги) қисми бўлиб, бу қисм томнинг икки нишаби ва карнизи билан чегараланган бўлади; фронтон майдони – тимпан – кўпинча ҳайкалтарошлик безаклари билан бойитилади;

фторопласт – фторли полиолефинлар ва (ёки) сополимерлар асосидаги пластмасса;

ҳалқасимон тўсин – эгилишга қарши бикирликка ва конструкциянинг доирасимон кесим текислигидаги ёки тўғри бурчакли кесим текислигида қандай мустаҳкамликка эга бўлса, шу текисликка тик (нормал) жойлашган текисликда ҳам худди шундай мустаҳкамликка эга бўлган ҳалқали бикирлик қовурғаси. Ҳалқасимон тўсин қобиқ ёки қутисимон конструкцияларда лакалли юкларни тақсимлаш учун энг асосий юк кўтарувчи элемент ҳисобланади;

хандақни тозалаш – охиригача ишлов берилмаган хандақ тубидан ва деворларидан замин қатламини олиш;

хандақли пойдевор – конструкция, кенглиги (қалинлиги) 100 - 1000 mm гача ва чуқурлиги 6 m гача бўлган, сувга тўйинмаган мустаҳкам грунтларда исталган

конфигурацияда чуқур бўлмаган тайёрланган хандақларга (траншея) жойлаштириладиган арматураланган бетон;

ҳаракатчан куч – иншоотдан фойдаланиш жараёнида қуйилиш жойи ва таъсир йўналиши ўзгариши мумкин бўлган куч;

харсангтош – тоғ жинсларини майдалаш йўли билан 150 дан 500 mm гача ўлчамда ва турли шаклларда олинадиган тош;

хавфли чиқиндилар – таркибида хавфли (заҳарлилик, юқимлилик, портловчанлик, тез алангаланиб ёнғин чиқарувчанлик, реакцияга тез кирувчанлик, радиоактивлик) хусусиятлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган, бундай моддалар фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига, атроф-муҳитга ўзи мустақил тарзда ҳам, шунингдек, бошқа моддаларга қўшилганда ҳам, бевосита ёки потенциал хавф туғдирадиган миқдорда ва шаклда мавжуд бўлган чиқиндилар;

хибинит – оч тусли кулранг-яшил рангли ва йирик донали структурага эга бўлган магматик ишқорий тоғ жинси. Хибинит табиатда йирик массивлар кўринишида учрайди. Қурилишда айнан шу ном билан пардоз материали сифатида қўлланади;

ходача (синч) – игнабаргли дарахт учун диаметри 6 cm гача ва баргли дарахт учун 8 cm гача бўлган ингичка узун ёғоч;

хом ғишт – пиширилмаган лой ғишт.

хомут – уч томонга эга бўлган стержен кўринишидаги арматурали буюм бўлиб, тўғри бурчакостида букилган хомут, очиқ хомут деб аталса, тўрт томонлиси эса ёпиқ хомут деб аталади. Хомутлардан темир-бетон балкалар, устунлар ва ҳ.к.ларнинг боғланган каркасларини кўндаланг арматуралаш учун фойдаланилади;

хонанинг ногерметик босқичи – доимий очиқ оралиқларнинг умумий майдони, хонанинг умумий юзасига нисбатан фоиз сифатида ифодаланади;

хризолит асбести – қайта ишланган абест толаси бўлиб, у ҳар хил узунликдаги толалар аралашмасидан ташкил топган. Хризолит асбести асбестотехник, асбоцемент буюмлари, иссиқлик изоляцияси ва ҳ.к. ларни ишлаб чиқаришда қўлланилади;

хризотил-асбест – серпентиннинг толали тури бўлиб, хризотил-асбест асбестнинг муҳим саноат типи ҳисобланади. Хризотил-асбест толалари бўйлаб чўзилишда юқори мустаҳкамликка эга эканлиги, адсорбцияланиш қобилияти, ишқорбардошлиги, паст иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқбардошлиги, диэлектрик хоссалари билан бошқа материаллардан фарқ қилади. У асбестцемент, асбестбетон ва тўқимачилик (текистиль) буюмлари ҳамда асбестли картон ва қоғоз, войлок, фильтрлар, иссиқлик изоляцияловчи материаллар, асбестли резина листларини ишлаб чиқаришда хомашё сифатида хизмат қилади;

хромли оловбардош буюмлар – хром оксиди асосидаги оловбардош буюмлар гуруҳидир. Массага нисбатан 90 % дан кам бўлмаган миқдорда хромга эга бўлган хромоксидли оловбардош буюмлар ва 60 % дан 90 % гача хромга эга бўлган юқори хромли оловбардош буюмлар мавжуд. Хромнинг синтетик оксиди хромли оловбардош буюмлар олиш учун хомашё бўлиб хизмат қилади;

ҳудуд экологик сиғими – мазкур туманнинг муайян шароитларида унинг ҳамма биогеоценозлари, агро-убоценозларини, бу туман учун ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси намоёндалари таркиби мувофиқлигини ҳисобга олганда, энг кўп эҳтимоли бўлган биологик маҳсулдорлиги;

ҳаво алмашинув – хонадаги ифлосланган ҳавони қисман ёки тўла тоза ҳаво билан алмаштириш;

ҳаво алмашинув нисбати – бир соат ичида хонага узатилаётган ёки ундан четлаштирилаётган ҳаво ҳажмининг хона ҳажмига нисбати;

ҳаво қувури – шамоллатиш тизимида, ҳаво билан иситишда, ҳавони совитишда ҳамда ҳавони технологик мақсадларда узатишда қўлланиладиган қувурўтказгич;

ҳаво тайёрлаш – ҳавога технологик ёки озодалик, соғломлаштириш талабларига жавоб берадиган сифат бериш учун ишлов (чангдан, зарарли газлардан, аралашмалардан тозалаш, иситиш, совитиш, намлантириш, қуритиш ва ҳоказо) бериш;

ҳаво туйнуги – бино ёпмаси ёки бино ерости қисмини табиий шамоллатиш (табиий вентиляция) учун мўлжалланган катта бўлмаган тешиклар;

ҳаво-иссиқлик пардаси – хонага, очиқ ўринлар (дераза, эшик) орқали, совуқ ҳаво киришига, шамоллатгич билан иссиқ ҳавони унинг оқимига қарши ҳайдаб тўсқинлик қилувчи қурилма;

ҳавони совитиш – ёпиқ хоналарда одамлар кайфияти, технологик жараёнларни олиб бориш, жиҳозлар ва асбобларни ишлаши, ашёларни сақлаш учун энг қулай ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво таркиби ҳамда ҳаракат тезлигини яраташ ва автоматлаштирилган ҳолда сақлаш;

хавфсизлик йўлкаси – автомобиль транспорт воситалари йўлкаси ва тротуар ёки ён йўлакчани соддалаштирилган тасвири;

ҳажмий блок – бинонинг маълум ҳажмини (бўлагини) чегараловчи ва зарур кучга, қаттиқликка ва барқарорликка эга бўлган фазовий юпқа деворли кўринишидаги конструктив элемент;

ҳажмий деформация – сиқилиш, ҳарорат ва намликнинг ўзгариши таъсири остида конструкциянинг барча йўналишларида содир бўладиган деформациялар;

ҳажмий ёнғин ўчириш қурилмаси – ҳимояланадиган хона (иншоот) ҳажмида алангаланишга имкон бермайдиган муҳит яратиш учун ёнғинга қарши қурилма;

ҳажмий элементлар – завод шароитида тайёрланадиган ва кўтариш механизмлари билан ўрнатиладиган, каркассиз бинолардаги йирик ҳажмли блоклар;

ҳақиқий эритма – эритмада алоҳида атомлар, ионлар ёки молекулалар шаклида тенг тақсимланган икки ёки ундан ортиқ моддалар (компонентлар)нинг бир хил аралашмалари. Эрийдиган заррачалар диффузия натижасида ўз-ўзидан молекулалар билан аралашади. Ҳақиқий эритма ҳамиша шаффоф ва узоқ вақтга чидамли бўлади;

ҳимоя қоплама – коррозиядан ҳимоя қилиш учун қурилиш маҳсулоти ёки конструкцияси юзасига қўлланиладиган қоплама;

ҳимоя қопламаси (кровля) – қуйма асфальтбетондан ишланган ва эксплуатация қилинаётган кровля, кичик ўлчамли бетон ёки темир-бетон плиталар, қуйма бетон, керамик плитка, табиий тош ва х.к.ларнинг устки қатлами бўлиб, бу қатлам сув изоляцияловчи тўшама (ковёр)ни механик шикастланишлар, кровля юзаси бўйлаб ёнғин тарқалиши, кимё ишлаб чиқариши чиқиндиларининг бевосита агрессив таъсирига қарши олдиндан ҳимояни таъминлайди, эксплуатация қилинаётган кровляга тушадиган юкларни қабул қилиб олади;

ҳимоя тўшамаси (кровля) – ўрамли ёки мастикали материллардан ишланган сув изоляцияловчи тўшама сирти устидаги тош (керамика) увоқлари (завод шароитларида олинади) ва қурилиш жараёнида битум-полимер мастикага чўктирилган шағал қатлами

бўлиб, мазкур қатлам эксплуатация қилинмайдиган том ёпмасини атмосфера ёғингарчиликлари, қуёш радиацияси ва том юзаси бўйлаб оловнинг тарқалишидан ҳимоя қилувчи асосий сув изоляцияловчи тўшамадир;

ҳимояловчи шимдириш – қурилиш конструкцияси материаллари ёки ҳимоя қопламасининг тешикларини агрессив муҳитга чидамли материаллар билан тўлдириш;

цанга – цилиндрик ёки призматик предметларни сиқиш учун мўжалланган деталь;

цемент – сув билан ўзаро таъсирланганда пластик масса ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлган ноорганик кукунсимон боғловчи материалларнинг терма номини англатиб, цемент ёрдамида ҳосил қилинган пластик масса вақт ўтиши билан қотади ва мустаҳкам тошсимон жисмга айланади; бу боғловчи модда бетонлар ва қурилиш қоришмаларини тайёрлаш учун мўлжалланган;

цемент ангидридли– кальций сульфатидан ташкил топган ҳавоий боғловчи модда. Ангидридли цемент 600 дан 700 °С гача бўлган температураларда куйдирилган (қиздирилган) гипс тоши ва сульфатли ёки ишқорий активизаторларни (5 % дан 15 % гача миқдорда) бирга қўшиб, майдалаш йўли билан олинади. Ангидридли цемент ғишт териш ва сувоқ қоришмаларини тайёрлаш, чоксиз полларни қуриш, декоратив буюмларни тайёрлаш учун қўлланади;

цемент боғловчили бетон (цементли бетон) – гилгрунтли цемент, портландцемент ёки унинг ҳар хил турлари асосидаги бетон;

цемент гидротехник – портландцемент клинкери, фаол минерал қўшимчалар (8 % гача) ва гипс (SO_3 бўйича 1 % дан 4 % гача) қўшиб майдалаш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Гидротехник цемент гидротехника иншоотлари қурилишида қўлланади;

цемент гипс глиноземистли кенгаювчи – юқори глиноземистли шлак (70 % гача) ва гипсни (30 % гача) қўшиб майдалаш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда;

цемент глиноземистли – соф $A1_2O_3$ ва $CaCO_3$ дан ташкил топган хомашё аралашмасини пишгунга қадар (1500 °С да) қиздириб юпқа майдалаш маҳсули ҳисобланган гидравлик боғловчи модда. Юқори глиноземистли цемент $A1_2O_3$ нинг миқдорига боғлиқ ҳолда қуйидаги – ВГЦ-I- 60 %, ВГЦ-II – 70 %, ВГЦ-III – 80 % каби турларга бўлинади. Юқори глиноземистли цемент иссиқбардош қоришмалар ва бетонлар тайёрлаш учун қўлланади;

цемент кенгаювчи – портландцементнинг бир тури бўлиб, кенгаювчи цемент портландцементли алитли клинкер (60 % дан 65 % гача), юқори глиноземистли шлак ёки глиноземистли клинкер (5 % дан 7 % гача), ярим сувли гипс (7 % дан 10 % гача) ва фаол минерал қўшимча (7 % дан 10 % гача трепел, опока, бентонит)ни қўшиб майдалаш билан олинади. Кенгаювчи цемент юқори мустаҳкам бетон ва темир-бетон конструкцияларни тайёрлашда қўлланади;

цемент киришмайдиган – портландцементли клинкер ҳамда гипсни биргаликда майдалаш ва ҳосил қилинган кукунсимон массани эллик фоизли кремний-органик эмульцияга қўшиш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Киришмайдиган цемент таркибига сув билан биргаликда майдаланган сўнмаган оҳак (цемент массасига нисбатан);

цемент кучланувчи – эластик чегаралаш шарт-шароитларида қотиришда ҳажмнинг ростланувчи ошишини таъминлайдиган, ўзини-ўзи кучайтиришга олиб келувчи гидравлик боғловчи модда;

цемент нефелинли – нефелинли шлам, қотириш активаторлари (оҳак ёки портландцемент) ва кириши муддатларини регулировкалаш учун қўшиладиган гипсни юпқа майдалаш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Нефелинли цементнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 15-30 МРа ни ташкил этади. Бу цемент кам иссиқлик ажратиб чиқариши, агрессив муҳитларга бардошлиги, совуқбардошлиги билан бошқа цемент турларидан фарқ қилади, бундай хоссалар уни фуқаро, саноат ва гидротехника қурилишида қўллаш имконини беради. Нефелинли цементни автоклавли ишлов бериш билан силикатли қурилиш буюмларини ишлаб чиқаришда айниқса, самара беради;

цемент олтингугуртли – тўлдиргичлар (кварц уни, зола-унос, тальк), стабилизаторлар (қизил фосфор, йод, стирол, дициклопентадиен) ва пластификаторларни бир жинсли ҳолатга келгунга қадар пухталик билан аралаштириб ва дозалаштириб киритиш билан олтингугуртни эритиш йўли орқали олинадиган боғловчи модда. Қурилишда олтингугуртли цементни полларнинг чидамли қопламалари, пойдеворлар, йўлларни қуришда ва пардозлаш плиталарини тайёрлашда қўлланади;

цемент оҳак-золли – ёқилғи қуруқ золасини оҳак (сўндирилмаган ёки сўндирилган оҳак) билан қўшиб майдалаш ёки бу алоҳида майдаланган компонентларни пухталик билан аралаштириш орқали олинадиган гидравлик боғловчи модда. Оҳак-золли цементни оҳак-пуццоланли цемент сингари ертўла хоналарининг деворларини териш учун қўллаш мумкин;

цемент - паст маркали (ғишт териш учун) – портландцемент клинкери, фаол минерал қўшимчалар ва гипсни (SO_3 бўйича 3,5 % гача) қўшиб майдалаш билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Териш учун паст маркали цемент паст маркали бетонлар ва сувоқ қоришмаларини тайёрлашда қўлланади;

цемент сути – қуйма элемент конструкция ёки қопламанинг юқори зичлигига эришилганда, унинг сиқилишининг охирги босқичида цемент бетонидан ажралиб чиқадиган суюқликка ўхшаш муҳит;

цемент - тез киришувчи– алоҳида тез қотадиган цемент. Махсус фторлаштирилган ёки сульфоалюминат-белитли клинкерларни гипс билан аралаштириб ёки гипсиз майдалаш билан олинадиган гидравлик, боғловчи модда. Тезкор қурилишда, авария ишларида, махсус цементларни олиш учун қўлланади;

цемент учун минерал қўшимчалар – муайян сифат кўрсаткичларига эришиш ва (ёки) ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш мақсадида цементга киритиладиган материал;

цемент хамири – цементни сувга аралаштириб олинадиган бир жинсли пластик модда;

цементли бўёқлар – оқ портландцемент аралашмасидан иборат сувли суспензиялар ишқорга чидамли пигментли ва унинг эластиклигини, ёпишқоқлигини ва сув қайтарувчанлик хусусиятларини (кальций стеарат) яхшилайдиган баъзи қўшимчалар (сўндирилган оҳак, хлорли кальций) билан. Цементли бўёқлар об-ҳавога чидамли бўлиб, улар тош, ғишт, бетонли ва бошқа ғовакли юзаларни ташқи бўяш учун ишлатилади;

цементли клинкер – таркибида асосан юқори асосли силикатлар ва (ёки) юқори ёхуд паст асосли кальций алюминатлар мавжуд ва тегишли таркибли хомашё аралашмасини пиширish ёки эритишдан олдин куйдириш натижасида олинадиган маҳсулот;

цементли тош – цементнинг гидратланиши ва қотиши натижасида ҳосил бўлган материал;

цементли-ёғоч қипиқли плита – ёғоч қипиқларининг портландцемент ва кимёвий қўшимчалар билан аралашмасини пресслаш йўли билан тайёрланадиган қурилиш материалидир. Цементли-ёғоч қипиқли плиталар ўзининг юқори зичлиги, сув ва биобардошлиги билан ёғоч қипиқли плиталардан фарқ қилади, улар заҳарли эмас, уларга ишлов бериш осон;

цементни пластификациялаш – махсус қўшимчаларни киритиш йўли билан цементнинг сув талабчанлигини пасайтириш;

цементнинг асосий компонентлари – клинкер, гипс ёки гипс маҳсуллари ва минералл қўшимчалар, бу қўшимчаларнинг цементдаги миқдори масса бўйича 5 % дан ошмаслиги лозим;

цементнинг коррозияга чидамлилиги – цемент тоши агрессив муҳитнинг кимёвий ва физик таъсирига қарши туриш қобилияти;

цементнинг назорат синовлари – белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида цемент сифатини назорат қилиш амалга оширилади;

цементнинг совуқбардошлиги – цемент тошининг навбат билан такрорий музлаш ва эришга бардош бериш қобилияти;

цементнинг умумлашган таҳлили – гуруҳ (гуруҳ қисми) билан боғлиқ барча нуқта намуналарини диққат билан аралаштириш орқали ҳосил бўлган цемент намунаси;

цемянка – қурилиш қоришмасига пушти ранг бериш учун қўшимча сифатида қўлланиладиган, майдаланган керамика;

циклнинг минимал кучланиши – намунадаги алгебраик қиймат бўйича энг кичик кучланиш;

цилиндрик михчўп – пўлат ёки ёғочнинг қаттиқ навидан ясалган, яхлит ёки тўғридан-тўғри, олдиндан тайёрланган тешикка ўрнатиладиган, ёғоч конструкция элементларини улашда қўлланиладиган цилиндрик михчўп;

цинкалаш – атмосфера, сувости ва ерости коррозиясига қарши ҳимоялаш мақсадида темир ва пўлат буюмлар (том тунукаси, сувости қозиқлари, симли ишланмалар ва ҳ.к.лар)нинг сирт юзасини цинка қатлами билан қоплаш;

цирконийли оловбардош буюмлар – цирконий икки оксиди асосидаги оловбардош буюмлар гуруҳидир. Цирконийли оловбардош буюмлар тўртта гуруҳга бўлинади – оксид цирконийли-цирконий икки оксиди массага нисбатан 85 % дан кўпроқ бўлган буюмлар, бадделит-корундли (бакор) – цирконий икки оксиди 20 % дан 85 % гача бўлган ва алюминий оксиди 65 % дан кўп бўлмаган буюмлар; цирконийли – цирконий икки оксиди 50 % дан кўп ва кремний икки оксиди 25 % дан кўп бўлган буюмлар; оксид цирконий миқдорига эга бўлган – цирконий икки оксиди 20 % гача бўлган буюмлардир;

цоколь – бино ёки иншоотнинг ташқи пастки қисми бўлиб, цоколь бевосита пойдевор устида ётади ҳамда механик, температура ва бошқа таъсирларга тез-тез учрайди;

цоколь девори – бино ёки иншоотнинг пастки чиқиб турувчи қисми бўлиб, бу қисм бевосита пойдевор устида жойлашади;

чақиқтош – қаттиқ мустаҳкам тошнинг 5-150 mm ўлчамли ўткир қиррали парчалари. Табиий чақиқтош тоғ жинсларининг нураши оқибатида ҳосил бўладиган маҳсулотдир; заиф боғланган тўпламлар сифатида жойлашади. Шунингдек, чақиқтош қаттиқ тоғ жинсларини ёки сунъий тош материалларини махсус парчалаш йўли билан ҳам олинади. Чақиқтош

бетон қоришмаларининг тўлдирувчиси, темирйўл тўшамаси (балласти) сифатида қўлланади, ундан йўл қопламаларини қуришда ҳам фойдаланишади;

чақиқтош кўринишли керамзит – текисланмаган, ғовакли, тартибсиз кам бурчакли силлиқланмаган шаклдаги керамзит;

чақиқтош шлакли – қора металлургия (домен печларининг шлаклари ва ферроқотишма) ва рангли металлургия (никелли ва мис қотишмалари) шлакларини парчалаш билан олинадиган ва парчаланган доналарининг йириклиги 5 mm дан катта бўлган ноорганик донадор сочилувчи материал;

чанг ажратгич – **чанг тутгич** – чанг ва бошқа механик аралашмаларни сўрма шамоллатиш тизимида ва газни тозалаш саноат жиҳозларида, ҳаво (газ) оқимидан тутиб қолиш (ажратиш) учун қурилма;

чапсак – эшик ёки дераза бўшлиғи гардиши;

чегаравий ҳолат – қурилмалар, асос, бино ва иншоот берилган фойдаланиш талаблари ёки иш олиб бориш талабларига жавоб бермай қоладиган ҳолат;

чегараланган иш қобилиятидаги ҳолат – конструкциялар техник ҳолатининг тоифаси бўлиб, бу тоифада конструкция юк кўтариш қобилиятини пасайтирувчи нуқсонлар ва шикастланган жойлар мавжуд бўлади, лекин тўсатдан бузилиш хавфи бўлмайди ҳамда конструкциянинг функция юритиши унинг ҳолати, уни эксплуатация қилиш давомийлиги ва шарт-шароитлари устидан назорат ўрнатилганда мумкин бўлади;

чекка – марказдан узоқдаги жой (мамлакат вилоят қисми);

чекка йўлак – олий (I ва II) тоифадаги автомобиль йўллар, йўл қопламаси, ҳаракатни ташкил қилиш ва йўл қопламалари қиррасини бузилишдан сақлаш учун унда чекка белгилаш чизиқларини жойлаштириш мақсадида кенгайтириш;

чеклов тасмаси – сув манбалари санитария ҳимоялаш минтақаси иккинчи белбоғи. Шу чегара ичида юза ва ерости оқимлар сув таркиби ва хусусиятига таъсир кўрсатади. Чеклов тасмаси режими сув олиш минтақасида, юза ва ерости сувларини ифлосланишига олиб келувчи хўжалик фаолиятини чеклайди;

черепица – пиширилган лойдан (лойдан ишланган черепица), цемент-қумли қоришма (цементли черепица) ёки оҳак-қумли қоришмадан олинадиган буюмни автоклавда ишлов бериш билан олинадиган (силикатли черепица) том ёпувчи керамик материал. Сув оқиши учун черепицали том қия (30° ва ундан катта бурчак остида ётувчи) нишабликка эга бўлиши лозим;

черепица шишали – пресслаш усули билан тайёрланадиган буюм бўлиб, у биноларнинг ёруғлик-шаффоф қопламаси учун мўлжалланган;

чиғаноқтош – денгиз ҳайвонларининг чиғаноқлари ва уларнинг парчаланган бўлакларидан ташкил топган оҳактош тури бўлиб, у енгил арраланади ҳамда катта ғоваклилиги билан тавсифланади. Ранги оқ, сариқ, кулранг бўлади. Чиғаноқтошдан қурилиш ва пардозлаш (кошинлаш) тоши сифатида фойдаланишса, унинг чақиқтоши ва қуми эса енгил бетоннинг тўлдиргичи сифатида хизмат қилади. Чиғаноқтош оҳак ва бошқа боғловчилар ишлаб чиқарилишида ҳам қўлланади;

чидамлилик – бино ва иншоотни ва уларнинг элементларини белгиланган шароитларда, ўрнатилган фойдаланиш режимида, берилган сифатини вақт мобайнида, бузилишсиз ҳамда шакл ўзгаришсиз сақлаш қобилияти;

чизиқдаги ходимлар – қурилиш-монтаж ишлари бевосита раҳбарлари бўлган муҳандислик-техник ходимлар (участка бошлиқлари, ишлаб-чиқарувчилар, қурилиш усталари ва участка механиклари);

чизиқли бўлмаган қайишқоқ материал – юклаш ва тушириш вақтида деформация ва кучланишлар ўртасидаги бир хил чизиқли бўлмаган ёки чизиқли характерлар билан тавсифланадиган шартли материал;

чизим – асбоб-ускуна, қурилма, иншоотлар ва тармоқлар (сув таъминоти, канализация, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа ва б.) қабул қилинган ечимларни, асосий ғояларни, негизлари ва мунтазам ишлашини чизмавий таърифи ва техникавий иқтисодий асослари;

чиқиндилар – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хомашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек, ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш – чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, жойлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

чиқиндиларни утилизация қилиш – чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хомашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш;

чиқинди омбори – фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнида, ҳосил бўладиган ва турли маъданли хомашё ҳамда чиқиндиларни қабул қилиш, сақлаш учун иншоот;

чиқиндисиз технологиялар – ишлаб чиқариш жараёнида хомашё, иссиқлик энергия манбаларидан тўлиқ фойдаланиш назарда тутувчи чиқиндилар ҳосил қилмайдиган технологик воситалар ва жараёнлар йиғиндиси. Ишлаб-чиқаришни иқтисодий муаммолари ҳам ЧТни зарурат қилиб қўйган;

чодир (чодирли қоплама) – пирамида шаклли ёки бир нечта пирамидасимон ёхуд конуссимон сиртларнинг жамланмасини ўзида намоён этувчи юпқа деворли қоплама;

чок – қисмларнинг бириккан жойи бўлиб, масалан, қўшни девор панеллари орасидаги горизонтал ва вертикал бирикиш жойлари ёки ораёпмаларда ёнма-ён ётқизилган плиталарнинг бириккан жойлари;

чок бурчакли – бурчакли, кийдирма ёки таворли бириктиришдаги пайванд чоки;

чок тош-ғишт теримидаги – ғишт ёки тошлар бирикмаларининг конструктив безатилган жойи;

чок деформацияга қарши – конструкциялар, материалларнинг киришиши, таянчлар чўкиши ёки иншоот айрим қисмларининг силжиши, температура ёки бошқа таъсирларнинг бино ва иншоот конструкцияларининг кучланган ҳолатига кўрсатадиган таъсирини камайтириш мақсадида бинолар, иншотлар, конструкцияларни алоҳида қисмлар ҳамда элементларга бўлиш учун хизмат қилувчи чок. Деформацияга қарши чоклар температура таъсирига, киришиш ва чўкишга қарши чокларга бўлинади; температура

таъсирига ҳамда киришишга қарши чокларни одатда, битта қилиб, яъни қўшилган ҳолатда бажарилади;

чок елимли – елимлаб бириктирилган материалларнинг сиртлари орасидаги елимли қатлам;

пайвандланган чок (металларни пайвандлашдаги чок) – эритилган металлнинг кристалланиши натижасида ҳосил бўладиган пайвандлаб бириктириш участкаси ёки босим остида пайвандлашда пластик деформацияланиш натижасида ёхуд кристаллизация ва деформациянинг уйғунлашиши билан ҳосил бўладиган чок;

чоксиз қуйма пол – полларнинг қуйма қопламалари бўлиб, улар олдиндан тайёрланган асос ёки текисловчи қатлам бўйлаб қўзғалувчан полимерли таркиблардан бажарилади. Чоксиз қуйма поллар қуйидагилар: классик қуйма полимерли поллар (улар полиуретанли ва эпоксидли бўлади); чоксиз юпқа поллар – полимер ва шимдириш асосидаги бўяладиган поллар; полимербетонли чоксиз поллар – мармар, кварц, доломит ва шу каби бошқа тўлдиргичларга эга бўлган полимерли поллар;

чок-туташма (металларни пайвандлашда ҳосил бўладиган чок) – туташтириб бириктишдаги пайванд чоки;

чорчўп – вертикал устунларнинг (юқори ва пастки) таянч кесишмаларини боғловчи, каркасли биноларнинг периметри бўйлаб ёпиқ горизонтал рамаси;

чуқур жойлашадиган таянчлар – мустаҳкам гурнтларда катта чуқурликда жойлашадиган бино ва иншоотларнинг ерусти қисмидан сезиларли даражада оғир бўлган юкларни узатишга мўлжалланган муҳандислик иншоотлари (қобиқлар, қуйма бурғуланган таянчлар ва ҳ.з.);

чуқурликдаги дарча (приямок) – бино ёки иншоотнинг бирон бир қисмига чуқурлаштириб қуриладиган ва шу қисмда жойлашган конструкциялар, қурилмаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг бемалол киришини ёки бу конструкциялар ҳамда қурилмаларнинг атроф-муҳит билан ҳаво фазоси орқали боғланишини таъминлаш мақсадларида ўрнатиладиган дарча;

чўкувчан грунт – сув ёки бошқа суюқлик билан шимилганда, ташқи юк ва хусусий оғирлиги ёки фақат хусусий оғирлиги таъсири остида вертикал деформацияланадиган (чўкадиган) грунт бўлиб, унинг нисбий чўкиши;

чўян – 2 % дан кўпроқ С (углерод)га эга бўлган темир ва углерод қотишмаси. Чўян тоблаб қайта ишланмайди. Домен печларида эритиладиган чўянлар асосан чегаравий, махсус ва қуйма турларга бўлинади. Чегаравий ва махсус чўянлар кўпроқ пўлат эритишда кенг қўлланади. Қуйма чўянлардан машинасозликда, қурилишда (масалан, қувурларни қуйиб олишда ва улар учун ёрдамчи деталлар тайёрлашда) фойдаланилади;

шағал-қумли аралашмалар – табиий ёки бойитилган шағал-қумли тоғ жинсларидан олинадиган ноорганик донадор сочилувчи қурилиш материаллари;

шайба – гайка ёки болтнинг бош қисми ёхуд винт остига таянч юзасини кенгайтириш ва (ёки) уларнинг ўз-ўзидан буралишини бартараф этиш учун қўйиладиган тешикли маҳкамлаш буюми;

шайба елим пўлатли – зўриқиш кучларини шайба юзасига узатувчи ва ёғоч элементларнинг бирикмаларига елимланадиган пўлат пластина;

шакл ўзгариши (деформация) – қандайдир жисмоний омиллар (ташқи куч, қизиш, совиш, намликни ўзгариши ва бошқалар) таъсири остида жисм (жисм қисмининг) шакли ёки ўлчамларининг ўзгариши;

шаклий беқарорлик – ашёларининг бирламчи шаклни ўзгаришига мойиллик хусусияти;

шамол гули – шамолнинг ой, мавсум, йил давомида, маълум туман учун асосий румблар бўйича турли (ёки ўртача тезлик ёхуд энг катта ўлчами) такрорланишни тақсимлашнинг чизмавий тасвири;

шамол энергетикаси – шамол кучидан, электр қуввати ва бошқа қувват турларини олиш учун фойдаланиш;

шамоллатилувчи тўсувчи қурилмалар – буғни, ортиқча иссиқликни четлатиш, иситгични қуритиш ва ш.к.лар учун, ҳаво билан туташ бўшлиққа эга бино ташқи девори ёки томёпмаси қурилмалари;

шамоллатиш – технологик талабларга биноан ҳаво муҳитини таъминловчи, табиий ёки сунъий ростланувчи ҳаво алмашинуви;

шамоллатиш беркитмаси – зарарли ажралмалар пайдо бўлиш жойини хоналарнинг умумий ҳажмидан ажратувчи мослама;

шамот – пишиш даражасигача қиздирилган лой ёки каолин, майдаланган шамот лойдан шамотли оловбардош буюмлар ҳамда оловбардош ғиштларни териш учун қоришмалар ишлаб чиқаришда оловбардош лойни қуритиш ва қиздиришда унинг пластиклигини, чўкишини камайтириш учун қўлланади;

шарнир – иккита жисмнинг айланувчан бирикмаси бўлиб, шарнирлар шу жисмларининг ўз ўқлари (цилиндрик шарнир) ёки нуқта (шарли шарнир) атрофида айланишига йўл қўяди;

шарнирсиз арка – оралиқ шарнирларга ва қисиб маҳкамланган таянчларга эга бўлган арка;

шахта – бинонинг конструктив элементи бўлиб, бу элемент муҳандислик тармоқларини вертикал тармоқлаш, маиший чиқиндиларни юқоридан пастга тушириш, вентиляция қувурлари ва лифт қурилмасини жойлаштириш учун мўлжалланади;

шахта вентиляция учун – вентиляция тизимларининг ташқаридан ҳавони сўриб тўплаш ёки қайта ишланган ҳавони чиқариш учун мўлжалланган магистрал вертикал каналидир;

шахта сувлари – фойдали қазилмалар шахталаридан узоқлаштирилувчи ва сув ҳавзаларига ташлашидан олдин тозалаш, тузсизлантириш ёки дахлсизлантириш лозим бўлган ерости сувлари;

шахта-кўтаргич – юк кўтаргичнинг вертикал юк кўтарувчи конструкцияси бўлиб, бу конструкция шахта-кўтаргич ичида юк элтувчи қурилмани кўчириш учун хизмат қилади;

шаҳар – одатда аҳолиси 7.0 мингдан ортиқ бўлиб, асосан ноқишлоқ хўжалик меҳнати билан машғул, тўплама аҳоли жойлашиш шакли;

шаҳар ландшафтлари – асосий хусусиятлари шаҳар ёхуд шаҳар агломерациялари қиёфаси ва шароитлари билан аниқланувчи антропоген ландшафт;

шаҳар экологияси (антропоэкология) – атроф-муҳитга яшовчиларнинг антропоген таъсирини тадқиқ этиш ва шаҳарнинг у ёки бу туманида, бу таъсир натижасини

баҳолаш, ҳамда кўриб чиқилаётган майдончалар, ҳолисона рўйхатга олинадиган хоссалари тўплами билан солиштириш;

швеллер – кўндаланг кесими кутисимон П шаклидаги буюм бўлиб, у асосан металлдан тайёрланади. Металл швеллерларнинг прокатли ва букилган турлари мавжуд;

шип – ёғоч конструкцияларни бириктирувчи ёки металл ёки ёғоч устунларнинг кўндаланг тўсинга бирикувчи жойларида қўлланадиган элемент бўлиб, бу элемент металл ёки ёғочдан тайёрланади;

шифер – лойли фланцларнинг катта бўлмаган ўлчамга эга бўлган кровля плитаси ҳамда асбестцементдан ишланган профилли ва ясси листлар;

шиша – шаффоф қаттиқ аморф (мўрт) материал бўлиб, бу материал махсус танлаб олинган масса эритмасини обдон совутиш йўли билан олинади; қурилишда дераза шишаси, нақшли шиша, шишаблоклар ва ш.к.лардан фойдаланилади;

шиша – авантюрланган – шишанинг алоҳида тури бўлиб, унинг силлиқланган юзасида натурал авантюрага ўхшаш ҳолда ўзига хос ёруғлик эффектини чиқарувчи кўплаб ялтироқ нуқталар бўлади;

шиша - ячейкали (кўпик шиша) – майдаланган шиша кукунининг газ ҳосил қилувчилар билан аралашмасини печларда қиздириб пишириш ва шириш ҳамда сўнгра буюмлари билан олинадиган иссиқлик изоляцияловчи материал;

шиша блок – иккита прессланган шиша блокларнинг уланиши натижасида ҳосил бўлган герметик бўшлиққа эга рангли ёки рангсиз шиша маҳсулот;

шиша ипли тўрлар – сувоқ қатлами ва пол тўшамаларини арматураловчи элементлардир. Мазкур тўрнинг асосини шиша-шишатолали иплар ташкил этади;

шиша мозаикали плитка – бўялмаган ёки рангли, сўндирилган шишадан ишланган мозаикали плитка бўлиб, у деворларни пардозлаш учун мўлжалланган;

шиша тола (вата) – ҳурпайган ҳолатдаги иссиқлик изоляцияловчи материал бўлиб, у ўзаро чалкашган ингичка узлуксиз ёки дискертли шиша толалардан ташкил топади. Шиша толани шихтадан олинган ва ваннали печда эритилган шиша массаси қайта ишлаш йўли билан олинади, унинг таркибига кварц қуми, оҳактош (бўр, доломит), кальций содаси (натрий сульфат) киради;

шиша толали матлар – товуш ва иссиқлик изоляцияси учун мўлжалланган, боғловчини ўз ичига олган чигал йўналтирилмаган бир хил қатламли кўринишдаги шиша толали маҳсулот;

шишабетонли конструкциялар – турар-жой, жамоат ва саноат биноларида (пардеворлар, зинапоялар, лифт шахталарида ва б.) шаффоф тўсиқларни ўрнатиш учун мўлжалланган қурилиш конструкциялари. Шишабетон конструкциялар заводда ишлаб чиқарилиши (аралашма устига шиша блоклар жойланадиган рамкали оддий панеллар) ёки қурилиш жойида терилиши мумкин;

шишаблок – прессланган иккита ярим блокни пайвандлаш орқали олинадиган ичи бўш шиша буюм. Шишаблок ёруғликни яхши (50 % дан кам бўлмаган ҳолда) ўтказиш хусусиятига, иссиқлик ва товуш изоляцияловчи хоссаларга, етарлича мустаҳкамликка эга (сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 4 МРа га тенг) бўлган материалдир. Ёруғлик сочувчи, ёруғликни йўналтирувчи, қуёшдан ҳимояловчи, рангли шишаблоклар ишлаб чиқарилади. Улар биноларнинг ташқи ёруғлик ўтказувчи оралиқларини тўлдириш, ёруғлик ўтказувчи шаффоф пардеворларни қуриш, зинапоя катакларини ойнавандлаш учун қўлланади;

шиша-керамик тола – диаметри 13 mkm бўлган, 750-850 °С оралиғида дастлабки иссиқлик билан ишлов берилган ўта ингичка базальт толалари;

шишакремнезит – шишакристалли декоратив плиткали материал бўлиб, шишакремнезит амалда шишаобойнинг барча турларидан ёки кремземистли саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда олинади;

шишали тола (стекловолакно) – эриган шишадан олинадиган доирасимон ёки профил кесимли тола. Икки хил – узлуксиз (диаметри 3-100 mkm, узунлиги 20 cm дан ортиқроқ узунликда) ва шпателли (диаметри 0.120 mkm, узунлиги 1-50 cm) турларда тайёрланади;

шишамат – шиша толаларни ёки узлуксиз толаларни кимёвий ёки механик усул ва ўзаро маҳкамлаш йўли билан олинадиган мато бўлмаган шиша толали полотно;

шиша обойлар – шиша тола асосидаги нақш солинган ўрамли материал. Шиша обойлар юқори оловбардошликка эга бўлади;

шиша-органик – полиметилметакрилат, полистрол, поликорбонатлар асосидаги оптик шаффоф материалларнинг техник номи. Органик шиша ўзининг нисбатан катта бўлмаган зичлиги, кичик мўртликка эга эканлиги билан бошқа шишалардан фарқ қилади, лекин анча паст юмшаш температурасига эга (иссиқликбардошлиги 140 °С ни ташкил этади). Органик шишадан конструкцион материаллар сифатида қўлланиладиган 3 қатламли парчаланмайдиган шиша тайёрланади. Бундай шишадан гумбазлар, иссиқ хоналарни ойнавандлашда, биноларни декоратив пардозлашда фойдаланилади;

шишапакет – икки ёки ундан ортиқ шиша листларидан ташкил топган қурилиш буюми, бу буюм ўз периметри бўйича жойлашган рамка билан герметик бириктирилади, шиша листлари орасида қуруқ ҳаволи (газли) бўшлиқ кўзда тутилади; одатдаги дераза, эшик табақаларининг икки ва уч қаватли ойнаси ўрнига бир қаватли қилиб ойнавандлашда қўлланади;

шишапластик – шиша толалари ва полимер боғловчидан ташкил топган композицион материалдир; катта бўлмаган ўлчамлардаги биноларни, сузиш ҳавзаларини, ишлаб чиқариш сиғимларини қуришда атмосфера ва сув таъсирига чидамли ҳамда кимёвий жиҳатдан бардошли материал сифатида қўлланилади;

шишапластик арматура – алюминий-борсиликати асосидаги шиша толаларининг ориентирланган дастаси ва полимер боғловчидан ташкил топган арматура элементи. Даврий профил ўрамли ипни ўраш орқали яратилади. Шишапластик арматура коррозияга қарши, диэлектрик, антимагнит ва шу каби хоссаларга эга;

шиша профилит (профилли шиша) – турли профилдаги шишадан бажариладиган йирик габаритли қурилиш буюмлари. Асосан арматураланган ва арматураланмаган рангли ҳамда рангсиз шишадан узлуксиз прокатлаш методи билан тайёрланади. Кесимининг шакли бўйича қутисимон, швеллер, бурчаклик шаклида бўлади. Бинолар ва иншоотларнинг ёруғлик-шаффоф тўсувчи конструкцияларини қуриш учун қўлланади;

шишарубероид – икки томони битумга шимдирилган ва битум билан қопланган шишали мато кўринишидаги гидроизоляцияловчи ўрамли материал;

шиша-темир-бетон – материалнинг вазифасига боғлиқ ҳолда (ёруғлик-шаффоф ички тўсиқлар, ораёпмалар ёки том ёпмаси сифатида) шишадан бажарилган буюмлар (плиткалар, шишаблоклар, фасонли призмалар ва ҳ.к.лар)ни ўз таркибига киритувчи темир-бетон;

EZR3847

шиша-фибробетон – нисбатан қисқа шиша толалари (фибралар) билан арматураланган майда донали бетон (матрица);

шишацемент – цемент ва шиша толаси асосида олинадиган материалдир. Фибробетондан фарқли ўлароқ шишацементда йирик тўлдирувчи бўлмайди;

шлак – чўяннинг темир ёки пўлатга айланиш чегарасида металларни эритишда суюқ (эриган) ва қаттиқ ҳолатда олинадиган чиқиндилар, улар совутилгандан кейин тошли ёки шишасимон массани ўзида намоён этади Қурилиш материали сифатида қўлланилиши мумкин; тоғ жинсларини кимёвий ва термик қайта ишлашда, куйдиришда ҳосил бўладиган маҳсулотлар;

шлак боғловчили бетон – қотириш фаоллаштиргичларига (ишқорли эритмалар, оҳак, цемент ёки оҳакка) эга бўлган майдаланган шлак ва учувчан кул асосидаги бетонлар;

шлак вулқонли – вулқон отилишидан ҳосил бўлган ғовак структурали ва тўқ рангли, вулқон шишасининг нейтрал ёки асосий турларидан ташкил топган йирик ғовакли сочилувчан тоғ жинси. Пемзадан фарқли ўлароқ вулқон шлаки вулқон отилганда анча суюқ консистенцияли енгил эрийдиган магмадан ҳосил бўлади;

шлак гранулали – металлургия ва кимё саноати шлаклари эритмаларини тезкор совутиш йўли билан олинадиган материал. Гранулаланган домен шлакларидан асосан шлакпортланцемент ишлаб чиқариш соҳасида кўпроқ фойдаланилади, лекин гранулали шлаклар бетонлар учун тўлдирувчилар сифатида ҳам сезиларли ҳажмда ишлатилади;

шлакбетон – енгил бетонларнинг бир тури бўлиб, унинг таркибига кирувчи металлургия ёки ёқилғи шлаклари тўлдирувчи сифатида хизмат қилади;

шлакларни майдалашда элаклардан ўтказилиб олинадига қум – қора ва рангли металлургия шлакларини майдалашда ҳосил бўладиган чақиқ тошларни элакдан ўтказишда ажратиш йўли билан олинадиган ноорганик донали сочилувчан материал бўлиб, унинг доналарининг йириклиги 5 mm гача бўлади;

шлакли пемза (термозит) – эриган металл шлакларини тезкор совутишда шу шлакларни бўрттириш орқали олинадиган сунъий ғовакли тўлдирувчи бўлиб, шлакли пемза енгил бетонга қўшилади. Пемзадан тайёрланадиган чақиқтош маркаси (ўртача тўкма зичлиги kg/m^3) 400, 600 ва 800 ни ташкил этади; пемза қумининг ўртача тўкма зичлиги 1200 kg/m^3 дан ошмайди. Шлакли пемзадан енгил бетонлар олишда фойдаланилади, шунингдек, уни иссиқлик изоляцияловчи тўшама сифатида ҳам қўллаш мумкин;

шлакли тола (вата) – минерал толанинг бир тури бўлган иссиқлик изоляцияловчи материал, уни металлургия шлакларини эритиб, шиша толаларга қайта ишлаш йўли билан олишади;

шлакпортландцемент – портландцемент кленкери, гранулаланган домен шлаклари (умумий массага нисбатан 30-60 %) ва кўп бўлмаган гипс қўшимчасини қўшиб майдалаш билан олинадиган цемент;

шлакситал – домен шлаклари асосида тайёрланган шишаларни кристаллизациялашда олинадиган шишакристалли материал. Шлакситал кимё ва кокс-кимё саноатида аппаратуралар, кислоталар учун сиғимларни футеровкалаш учун қўлланади;

шлам – бурғулаш жараёнида грунт ковлаш қурилмаси ва скважиналарнинг деворларидан тўкиладиган ёки скважиналарнинг забойларида қоладиган зичланмаган грунт кўринишидаги юмшоқ чўкинди;

шлам нефелинли – белитли шлам – нефелинлар, сиенитлар ва бошқа тоғ жинсларидан алюминий оксиди олиш бўйича ишлаб чиқариш чиқиндилари. Нефелинли шлам асосан алюминий (белит) икки кальцийли силикатидан ташкил топади. Нефелинли цемент олишда портландцементнинг хомашё компоненти сифатида хизмат қилади;

шликер – юпқа керамик буюмлар тайёрлаш учун қўлланиладиган силикатли материалларнинг юпқа майдаланган ва сув билан аралаштирилган қоришмаларидан олинган қуюқ хамирсимон масса;

шлиц – болт, винт ёки шуруп бош қисмининг устки томонида чуқурлаштирилган махсус шакл;

шовқин – товуш босимининг салбий ҳиссиёт уйғотувчи ва организмга зарарли таъсир этувчи бетартиб ўзгариш;

шовқиндан ҳимоялаш – ишлаб-чиқаришда, транспортда, фуқоро ва саноат қурилишида кўчада ва ш.к. шовқинни камайтириш бўйича тадбирлар;

шовқиндан ҳимоялаш яшил тасма – шовқин манбаини (автомобиль, темирйўли, кўчаларга ўтиш жойи ва ш.к.) уй-жой, маъмурий ёки саноат биноларидан ажратиб турувчи дарахтзор ва бутали ўсимликлар тасмаси;

шпатлёвка – пастасимон ёки суюқ лак-бўёқ материали бўлиб, у сезиларсиз нотекисликларни тўғрилаш ва (ёки) силлиқ текис юза олиш учун бўяшдан олдин сиртга суркалади;

шпиль – миноралар, гумбазлар, ибодатхоналар, масжидлар ва ш.к.ларнинг найзасимон вертикал уч қисми;

шпилька – иккала охирги қисмларида ёки стерженининг бутун узунлиги бўйлаб ташқи резьбага эга бўлган цилиндрик стержень шаклидаги маҳкамлаш детали;

шплинт – ярим доира кесимли симли стерженни ўртасидан икки букиб тайёрланган қалпоқли маҳкамлаш детали;

шпон – маълум (одатда, 0, 35-4 mm диапозондаги) қалинликда ишлаб чиқариладиган юпқа ёғоч листлар, улардан қатламли елимланадиган ёғоч буюмлар (фанералар, ёғоч қатламли пластиклар, елимланадиган ярим маҳсулотлар) ишлаб чиқаришда ва буюмларга безак беришда ёки ёғоч, ёғочли материаллардан ишланадиган йиғма бирликларнинг механик хоссаларини ва ташқи кўринишини яхшилаш учун фойдаланилади. Шпонларнинг арраланган ва йўнилган турлари мавжуд;

шпренгель – учбурчак, трапеция ёки кўпбурчак шаклидаги ёрдамчи конструкция бўлиб, у асосий конструкцияни кучайтириш мақсадида шу конструкцияга маҳкамлаб бириктирилади;

шприцбетон – тўлдирувчилари доналарининг йириклиги 25 mm дан катта бўлмаган торкретбетоннинг бир тури бўлиб, бу бетондан асосан тоғ қазилмаларини маҳкамлаш, ерости қурилишида тошли қопламаларни яратиш ҳамда бетон ва темир-бетон конструкцияларни кучайтириш ва қайта тиклаш учун фойдаланилади;

шпунт – бир томони тароқсимон шаклга, бошқа томони ариқсимон ўймага эга бўлган қозиқ бўлиб, бундай қозиқлар шпунтли девор қуришда қўлланади;

штапелли базальт толаси – алоҳида толаларнинг диаметри штапелли базальт толасининг энг муҳим параметрларидан бири бўлиб, бу диаметр ундан тайёрланган маҳсулотларнинг энг муҳим хоссалари – иссиқлик ўтказувчанлиги, товуш ютувчанлиги, зичлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Диаметрига боғлиқ ҳолда ушбу толадан

турли мақсадларда – микроюпқа (диаметри 0,6 дан кичик) толадан – газ-ҳаво муҳит ва суюқликларни жуда нозик фильтрлаш учун; ультра юпқа (диаметри 0,6 дан 1,0 mkm гача бўлган) тола – ўта енгил иссиқлик изоляцияловчи ва товуш ютувчи буюмлар, қоғоз, газ-ҳаволи муҳитлар ва суюқликларни тозалаш фильтрларини тайёрлаш учун; ўта юпқа (диаметри 1,0 дан 3,0 mkm гача бўлган) толадан – тикиладиган иссиқлик изоляцияловчи матлар ва товуш ютувчи буюмлар, картон, кўп қатламли нотўқима материаллар, иссиқлик изоляцияловчи тўқув-тикув материаллари, узун ўлчамли иссиқлик изоляцияловчи тасмалар ва жгутлар, юмшоқ иссиқлик изоляцияловчи гидрофобизирланган плиталар, фильтрларни тайёрлашда фойдаланилади. Ингичка толаларнинг диаметри 9-15 mkm ва узунлиги 3-1500 mm бўлади. Диаметри 15-25 mkm ва узунлиги 5-1500 mm бўлган қалин толалар холостлар, тикиладиган матлар, турли боғловчилар асосида плиталар ишлаб чиқаришда; гидротехника иншоотлари дренаж тизимларининг фильтрловчи асоси сифатида қўлланади. Йўғон толалар 25-130 mkm ли диаметрга, 5-3000 mm ли узунликка, 120-650 MPa ли узилиш мустаҳкамлигига эга бўлади. Дағал толалар узунлиги 3-15 mm, диаметри 150-500 mkm, узилишга мустаҳкамлиги 200-350 MPa ни ташкил этувчи нисбатан сочилувчан дисперс-толали массани ўзида намоён этади;

штукатурка акустик – штукатурканинг махсус тури бўлиб, унинг қоришмаси таркибига маълум грануламетрик таркибга эга бўлган енгил тўлдирувчилар киради, бундай тўлдирувчилар штукатурканинг товуш ютиш хоссаларини оширади;

штукатурка қуруқ гипсли (гипскартонли лист) – гипсдан ишланган ясси лист кўринишидаги пардозбоп қурилиш материали бўлиб, бу листнинг икки томони картон билан қопланади;

штукатурка (оддий) – сачратма ва грунт қатламини бериш билан бажариладиган штукатурка бўлиб, унинг сирти андава ёрдамида ишқаланиб текисланади;

штукатурка рентген нурларидан ҳимояловчи– таркибида рентген нурларини ютувчи материаллар мавжуд бўлган қоришмалардан тайёрланадиган махсус штукатурка;

штукатурка сграфито – декоратив штукатурка турларидан бири бўлиб, сграфито штукатуркаси турли ранглардаги қурилиш қоришмаларини девор юзасига бир нечта қатламларда сепиш билан бажарилиб, релъефли тасвир ҳосил қилиш учун унинг битта ёки иккита устки қатлами қисман олинади ёки қириб тозаланади;

штукатурка терразитли – маркар увоғи, слюдалар, боғловчи ва ранг берувчи моддалардан ташкил топган штукатурка қоришмаларининг аралашмаларидан бажариладиган декоратив штукатурка тури;

штукатурка торкретли – цементли қоришмани ишлов берилаётган юзага сиқилган ҳаво босими остида сопло орқали сепиш билан бажариладиган юқори зичликка эга бўлган махсус штукатурка;

штукатурка узан изли – йирик тошли терилмани имитацияловчи (эслатувчи) чуқур излар билан қопланган юзага эга декоратив штукатурка;

штукатурка шуба остидаги – чақилган тош кўринишини имитацияловчи релъефли фактура яратиш мақсадида рангли цементли қоришмани қотмаган грунт сирт қатламига сачратиш билан ҳосил қилинган устки қатламга эга бўлган декоратив штукатурка;

шуруп – махсус ташқи резьбага, резьбали конуссимон учга ва бош қисмида қалпоққа эга бўлган маҳкамлаш буюми (детали) бўлиб, у бириктирилувчи ёғоч ёки пластмасса буюмида резьба очади;

щека – арканинг олд ва орқа сирт текислиги;

щепа – ёғоч хомашёсини қирқиш машиналари ва махсус қурилмалар ёрдамида майдалаш натижасида олинадиган ва ўрнатилган ўлчамларга эга бўлган майдаланган ёғоч бўлиб, ундан технологик хомашё ёки ёқилғи сифатида фойдаланилади;

щипец – бино ён деворининг юқори қисми бўлиб, бу қисм томнинг икки нишабли томонлари билан чегараланади ва фронтондан фарқли ўлароқ бинонинг ушбу қисми паст томондан карниз билан ажратилмайди;

эвакуация йўллари – бино ва иншоотлардан турли хоналар, йўлаклар, зина-лифт тугунлари, балконлар ва ш.к. орқали одамлар эвакуациясини таъминловчи ўтиш жойлари;

эгилувчан боғланишларга эга бўлган йиғиладиган бетон плита – бир хил ўлчамдаги бетон блокларнинг ясси тўплами бўлиб, бу блоклар бир-бири билан уларнинг ичидаги капронли канатлар ёрдамида маҳкамланади, капронли канатлар блокларнинг шарнирли боғланишини таъминлайди;

эгриланиш (ўлчамининг ўзгариши) – маҳсулот шакли ва ўлчамининг ўзгариши, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ички зўриқишларнинг намоён бўлиши ва ташқи омилларнинг кейинги таъсири натижасида юзага келади;

эзилмаган оҳак – 1000 – 1200 °С ҳароратда кальций-магний ёки кальций-карбонат жинсларни (оҳактош, бўр, доломитланган оҳактош) куйдириш йўли билан олинган MgO аралашмаси билан CaO нинг кимёвий таркибга эга бўлган ярим маҳсулот;

эковата (целлюлозали иситгич) – иссиқлик изоляцияловчи енгил толали хурпайган материал. Эковата тахминан 80 % газета қоғозидан (маклатура) ва 20 % учмайдиган антипиренлар (асосан бўр кислотаси ва бура)дан ташкил топади;

экран – атмосфера ёғингарчиликлари таъсиридан, қуёш нуридан, иссиқликдан, шовқиндан ҳимоя қилишга мўлжалланган щит кўринишидаги қурилма;

экранли панель (бетонли ва темир-бетонли ташқи девор панеллари) – ҳаволи оралиққа эга бўлган ташқи қатлам – ташқи экранга эга бўлган қатламли панель. Ташқи экранлар деворнинг асосий конструкциясига кўрсатиладиган иқлим таъсирларини камайтириш, деворни сув таъсиридан ҳимоялаш, унинг вентиляциялашувини ва иссиқлик бардошлигини ошириш мақсадларида қўлланади, улар арматураланган бетондан, листли ва бошқа материаллардан тайёрланади;

эксплуатация қилинадиган том – том ўз мақсади учун ва бошқа эксплуатация мақсадлар учун ҳам ишлатилади (соляри, спорт майдончаси, дам олиш майдони ва б.);

эстрих-гипс – дигидратли гипсни 800-950 °С да қиздириш билан олинадиган ва сўнгра майдаланадиган юқори температурада куйдириладиган ангидритли боғловчи. Экстрих-гипс чоксиз полларни бажариш учун линолеум остини тайёрлашда, ғишт териш ва сувоқ қоришмаларида, сунъий мармардан буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланади;

эластик материаллар ва буюмлар – эгилувчан хоссаларга эга бўлган материаллар ва буюмлар бўлиб, бундай материаллар, буюмлар уларга қўйилган юклар олингандан кейин ўзининг бошланғич шаклини қайта тиклай олади;

эластик пойдевор – эгилиш билан сиқилишга ишлайдиган, яъни чўзувчи кучларни қабул қила оладиган пойдевор;

эластобит – эрийдиган битум-полимерли материал бўлиб, ундан кичик нишабли томлар (кровля) қуриш ва шундай томлар (кровля)ни таъмирлаш, қурилиш

конструкцияларини гидроизоляциялаш, ясси томлар (кровля) тизимларида буғ изоляцияловчи қурилмалар учун фойдаланилади;

электр ёйли пайвандлаш – металлни қиздириш ва эритиш учун электр ёйидан фойдаланадиган пайвандлаш усулларидан бири;

электр лифт – электр узатмали лифт;

электр пайвандланадиган пўлат қувур – штрипслар ёки листли прокатдан қолиплаш ва электр пайвандлаш йўли билан тайёрланадиган қувур;

электр тармоғи – электростанцияни истеъмолчилар билан боғловчи электр линиялари, кичик станциялар, тарқатиш ва улаш нуқталари йиғиндиси;

электробойлар – электр иситишнинг юпқа паст температурали панелли приборлари бўлиб, улар асосан обойлар кўринишида деворларга маҳкамланади. Шунингдек, улар иситувчи гиламлар сифатида ҳам қўлланилади. Электробойлар радиацион-гиламлар типидаги иситиш приборлари қаторига киради. Улар иссиқлик ўтказувчи массага бириктирилган ва электр изоляцияловчи қопламалар билан ўралган иситиш элементларига эга бўлган резинали ёки пластмассали листлар кўринишида тайёрланади;

электрод – пайвандлаш, эритиш ёки қирқиш вақтида электр токи берадиган элемент, металл ёки нометалл стержень;

элементлар - архитектуравий безак элементлари – бинолар фасадлари ва томларининг қўшимча архитектуравий элементлари бўлиб, улар безак элементидан бошқа функционал вазифаларга эга бўлмайди;

элементлар - бино элементлари – бинони ташкил этувчи конструкциялар ва муҳандислик тизимлари бўлиб, улар берилган функцияларни бажаришга мўлжалланган;

элементлар - пўлатга қўшиладиган легирлаш элементлари – пўлатга маълум структура ва талаб этиладиган хоссаларни бериш учун аниқ миқдорда пўлат таркибига киритиладиган элементлар. Пўлатлардаги доимий аралашмалар ҳам легирловчи элементлар сифатида хизмат қилиши мумкин, масалан, марганец ва кремний шундай вазифани бажаради (қачонки, агар уларнинг миқдори углеродли пўлатларда одатий миқдорлардан юқори бўлса). Талаб этилган хоссаларга эга бўлган пўлат турларини олиш учун уларнинг таркибига легирловчи элементлар киритилади ва бундай пўлат турларини легирланган пўлатлар деб аташади;

элур – юқори технологик икки компонентли полиуретанли герметик модда бўлиб, элур қурилаётган ҳамда эксплуатация қилинаётган биноларнинг чоклари ва туташмаларини узоқ вақтли герметиклаш учун мўлжалланган. Атроф-муҳитнинг табиий температурасида резинага ўхшаган, эластик, сув таъсирига чидамли, киришмайдиган материалга айланган ҳолда полимеризацияланади;

эмаллар – перхлорвинилли, поливинилхлоридли, нитроцеллюлозали смолалар асосида тайёрланадиган учувчан смолали бўёқлар. Эмаллардан металл, ёғочларни бўяш ва сувоқ қилиш бўйича ташқи ҳамда ички ишларни бажаришда фойдаланилади;

эмалли бўёқлар – бўёқлар, ҳар хил лакларда пигментларни увалаб тайёрланган – мойли (масляный) – мойли лакларда, нитроэмалли – нитроциллюлозли лакларда, глифталевли – глифталевли лакларда ва б. Эмалли бўёқ таркибига пигменлар сифатида рух (цинк), титан ва литопонли белила, крона, ультрамарин, сажи, темир сурик (қизғиш, тўқ сариқ, қатнашиб ёки қизғиш-жигарранг) ва баъзи органик пигментларни ўз ичига олади;

эмульсиялар – сувли таркиблар ва лак-бўёқ таркибларининг сифатини яхшиловчи ҳамда олиф тежалишини шарт-шароитловчи боғловчилар ва суюлтиргичлар гуруҳи. Эмульсиялар шпаклёвкалар ва грунтовкалар тайёрлашда олифлар ўрнида ишлатилади. Битумли ва дегтевли эмульсия гидроизоляция остидаги асосларни грунтовка қилиш, ўрамли том материалларни ёпиштириш ҳамда асфальт қоришмаларини тайёрлаш учун қўлланади;

эритгич – таркибларга зарур бўлган консистенция (суюқ-қуюқлик даражаси)ни бериш учун хизмат қилувчи суюқлик. Бензин, уайт-спирит, скипидар мойли бўёқлар учун эритгич сифатида хизмат қилса, ацетон перхловинилли бўёқлар учун эритгич сифатида қўлланилади;

эритиладиган рубероид – том ёпиш ишларини бажаришда махсус қиздиргичлар (горелкалар) ёрдамида эритиладиган боғловчи қатлами билан қалинлаштирилган рубероид. Унинг қўлланилиши ишлар сиғимини сезиларли даражада пасайтиради, уларнинг хавфсизлигини оширади;

эритилган аралашманинг зичлиги – зичланган эритмали аралашма массаси унинг ҳажмига нисбати билан тавсифланадиган зичлик;

эритувчи билан фаоллашадиган елим – сув билан намланадиган елим, сувга чидамли деб аталади. Елимланадиган юзаларни эритувчи билан олдиндан намлаш орқали ёпиш қобилиятига эга бўлган елим;

эрувчан том ёпиш материаллари – полимер модификацияланган битумни қўллаган ҳолда том ёпиш материаллари. Ёпиштирувчи мастикалар талаб қилинмайди;

эстакада – бир қатор таянчлар ва оралиқ конструкциялардан иборат бўлган, транспорт воситаларини (пиёдалар ҳаракатини) ўтказиш, турли коммуникацияларни ётқизиш, юклаш ва тушириш ва бошқа шу каби ишларга мўлжалланган ер устидан (сув устидан) ўтувчи очиқ узунликдаги иншоот;

этажерка – бино ичида ёки ундан ташқарида эркин турувчи (деворсиз), кўп ярусли каркасли, технологик ва ҳоказо жиҳозларни жойлаштиришга ҳамда хизмат кўрсатишга мўлжалланган қурилма;

юза ғишти (кошин) – ғиштнинг ишлаш хусусиятларини таъминлайдиган ва декоратив материалнинг функцияларини бажарадиган ғишт;

юза чўкиши – тоғ жинслари катта бўлмаган ер юзасининг ёриқсиз пасайиши;

юк кўтарувчи бўлмаган панел – панель, бино конструкциялари (дераза, эшик блоклари ва янги деразалараро қўйилмалар бундан мустасно) унга таянишига мўлжалланмаган;

юк кўтарувчи конструкциялар – юкларни ва таъсирларни ўзлаштирадиган, бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, барқарорлигини таъминлайдиган қурилиш конструкциялари;

юк кўтарувчи қурилмалар – кучни ва таъсирни ўзлаштирувчи, бино ва иншоот мустаҳкамлигини, бикрлигини ва турғунлигини таъминловчи бинокорлик қурилмалари;

юк кўтарувчи панель – бино конструкцияси таяниши учун мўлжалланган панель;

юк кўтарувчи тизим – бинонинг асосини ташкил этувчи стерженли, ясси ёки фазовий элементлардан қуриладиган фазовий конструкция бўлиб, бу тизим бинонинг яхлит ҳолатдаги мустаҳкамлиги, бикирлиги, турғунлиги ва фазовий ўзгармаслик хусусиятларини таъминлайди;

юк кўтарувчи тизим – фазовий конструкция, бинонинг асоси, стерженли, текисликли ёки ҳажмли элементлардан иборат бўлиб, бутун бинонинг мустаҳкамлиги, бикирлиги, барқарорлиги ва фазовий ўзгармаслигини таъминлайди;

юк кўтарувчи ўзак – иш олиб боришда вужудга келувчи, йиғув ва транспорт юкларини ҳамда бетоннинг ўзи ва қолип юкларини кўтаришга қодир, яхлит қуйилган темир-бетон қурилма ўзаги;

юкланиш бўйича статистик синовлар назорати – синовлар, қўлланиладиган маҳсулотга ташқи юкнинг аста-секин қўйилиши натижасида ортиб бориши, маҳсулотларнинг мусаҳкамлиги, қаттиқлиги ва ёрилишга чидамлилиги хусусиятларининг ҳақиқий ва лойиҳа қийматлари ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш учун мўлжалланган;

юклаш (бўшатиш) кўлами – темирйўли ёки автомобиль йўлига ёндошган, транспорт воситаларига юклашга ёки улардан тушириб олиш учун фойдаланиладиган жой майдончаси;

юклов қамрови – юк (ўраш ва маҳкамлашни ҳисобга олганда) очиқ ҳаракатдаги таркиб тўғри уфқий йўлда бўлганда, хаддий кўндаланг кўринишининг жойлашиши (темирйўл ўқига тик ҳолат);

юқори аниқликдаги болт (аниқлик синф А) – углеродли ёки лигеровкаланган пўлатдан ясалган болт бўлиб, у ўзининг диаметридан 0,25-0,30 mm катта бўлган тешикка эга бўлган силлиқ юзага ўрнатилади. Бундай болтлар чархлаб тайёрланганлиги сабабли юқори нархга эга бўлади;

юқори мустаҳкамликка эга бўлган портландцемент – портландцемент клинкери ва гипсни (SO_3 бўйича 1,5 % дан кам бўлмаган ва 3,5 % дан кўп бўлмаган миқдорларда) қўшиб майдалаш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи модда. Юқори мустаҳкамликка эга бўлган портландцемент қўшимчасиз ёки 5 % гача опока қўшимчаси билан чиқарилади, MgO нинг клинкердаги миқдори 5 % дан ошмаслиги лозим. Юқори мустаҳкамликка эга бўлган портландцемент юқори маркали бетонлар олиш учун қўлланади;

юмшатиш – буюмларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнда юзага келадиган қолдиқ ички зўриқишларни йўл қўйиладиган чегараларгача тушириш ёки камайтириш учун шишани термик қайта ишлаш;

юмшоқ шакл ўзгариши – куч омиллари таъсири натижасида ашёнинг ички зарравий бузилишларсиз қолдиқ шакл ўзгариши;

юмшоқлик – каттиқ жинсларнинг ташқи кучлар таъсирида бузилмасдан, ўз шакли ва ўлчамларини ўзгартириш ва куч бартараф этилгандан сўнг қолдиқли (юмшоқлик) шакл ўзгаришини сақлаш хусусияти;

ягона модулли тизим – М = 100 mm ли асосий модуль ва унинг йириклаштирилган ёки кичиклаштирилган ҳосилаларидан иборат бўлган ҳолда қабул қилинган модулли тизим. Ягона модулли тизим, шунингдек, ҳажмий-режавий ва конструктив элементлар учун ҳосилавий модуллар қўлланишининг чизиқли чегараларини, модулли ажратувчи ўқларни жойлаштириш ва уларга конструктив элементларни боғлаш қоидаларини, ҳажмий-режавий параметрларни унификациялаш ва буюмларнинг номинал ҳамда конструктив ўлчамларини белгилаш бўйича кўрсатмаларни ўрнатади;

ядронинг чириши – ўсаётган ёғоч ядросида рўй берадиган чириш ҳодисаси бўлиб, бу ҳодиса ёғочнинг пасайган қаттиқлик даражасини тавсифлайди. Дарахт, ғўла ва

ш.к.ларнинг кўндаланг кесмида ҳар хил катталик ва шакллардаги доғлар кўринишида кузатилади;

ярим ертўла (цоколь) қавати – баландлигининг 1/3 қисми ер сатҳидан юқорида бўлган бинонинг биринчи қавати остидаги жой.

ярим қоятошли грунт – цементлашадиган типдаги бикир структурали бирикмаларга эга бўлган бир ёки бир нечта минераллардан ташкил топган грунт. Ярим қоятошли грунтларнинг битта ўқ бўйича сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси Rc>5 MPa ни ташкил этади;

ярим устун – кўндаланг кесимининг ярим қисми девор текислигидан чиқиб турувчи ва иншоот турғунлигини оширувчи контрфорс ролини конструктив жиҳатдан бажарувчи устун;

ярим фермалар – қурилгунга қадар тайёрланадиган бутун фермаларнинг таянч элементлари бўлиб, бу элементлар монтаж чоклари орқали ўзаро бирлаштирилади;

яримфабрикатли лак – лаклар, эмаллар, грунтовкалар, шпатлёвкалар олиш учун мўлжалланган хомашё (яримфабрикат);

ясси асбестцементли калибрланган лист – узунлиги ва эни бўйича қўшимча ишлов бериш билан олинадиган калибрланган лист, бу қўшимча ишлов листга унинг қотган ҳолатида берилади;

ясси асбестцементли калибрланмаган лист – қотмаган ҳолатида кесилган лист;

ясси асбестцементли лист – ясси қуйма тўғри бурчакли буюм, унинг қалинлиги, қоидага кўра, 4 дан 25 mm гача бўлади;

ясси прессланган асбестцементли лист – форматли барабандан олингандан кейин босим остида яримфабрикатни қўшимча зичлаш билан тайёрланган лист;

ясси прессланмаган асбестцементли лист – форматли барабандан олингандан кейин босим остида қўшимча ишлов берилмайдиган лист;

ясси ёғоч конструкциялар – бино ва иншоотларнинг стерженли элементлар – тўсинли, аркали фермалар ва рамалардан, ясси яхлит йиғма тўсинлар, аркалар ва рамалардан бажарилган конструкциялари ва элементлари;

ясси конструкциялар – фақат маълум бир текисликка қўйилган ва шу текисликда таъсир қиладиган юкни қабул қилувчи конструкциялар;

ясси тизим – конструкциялар тизими бўлиб, унда барча элементларнинг симметрия ўқлари ва ташқи кучларнинг таъсир чизиқлари битта текисликда ётади;

яссилик қурилмалари – фақат белгиланган бир текисликда таъсир этувчи кучни ўзлаштириш қобилиятига эга қурилмалар;

яхлит қурилмалар – асосий қисмлари яхлит бутун (монолит) кўринишдаги, бевосита бино ёки иншоот қад кўтарадиган жойда тайёрланган бинокорлик қурилмалари (асосан бетон ва темир-бетон кўринишда бўлади);

яхлит михчўп – уланган элемент танасида яширинган, михчўп;

яхлит панель – ҳаво ўтказадиган оралиқ тешиклар ва бўшлиқларга эга бўлмаган панель;

ячейкали бетон – боғловчи, сув ва кремнеземли компонент (одатда, кварц қуми) аралашмасини бўрттириб қотириш натижасида олинадиган енгил бетон. Ячейкали бетоннинг пенобетон ва газобетон деб номланган икки тури мавжуд;

яшил девор – қандайдир объект ёки майдонни чегаралаб турувчи, сунъий шакллантирилган қалин ўсимликлар ёки паст бўйли дарахтлар зич тасмаси;

яшин қайтаргич – бино ва саноат, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва бошқа иншоотларни тўғридан-тўғри яшин уришидан ҳимоя қилиш учун қурилма.

EZR3847